

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХИТОЙ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

Ш.И. Шазаманов.,

И.Н. Бекмуратов

**ХИТОЙДА ТИЛ ВАЗИЯТИ ВА СИЁСАТИ
(СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ)**

**Магистратуранинг мутахассисликлари бўйича
ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма**

ТОШКЕНТ – 2010 йил

Ўқув қўлланма ХХРда тил сиёсати доирасидаги кам сонли миллатлар тили ва ёзуви муносабатлари; ХХР давлат тилининг жамият ҳаётидаги ўрни масалалари; ХХР марказий ҳукуматининг Миллий автоном районлар таълим соҳасида ўтказиб келинаётган сиёсати; ХХР ёзув ислохотлари ва хусусиятларини ўрганади.

Ўқув қўлланма беш боб ва йигирма икки фаслни ичига олади. Қўлланмадан фойдаланиш қулай бўлиши учун фанга оид семинар ва амалий машғулотлар, ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда хизмат қиладиган мустақил ишлар ва мавзу саволлари ҳамда қисқача атамалар луғати, ХХРнинг маъмурий тузилиши билан боғлиқ, вилоят, 56 та кам сонли миллатлар, Миллий автоном районларнинг жадваллари алоҳида тадқиқот якунида илова тариқасида берилди.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган кунлардан бошлаб мамлакатда биринчи навбатда тилга бўлган эътибор кучайди, тилни ўрганиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда улкан имкониятлар юзага келди. Айниқса, Ўзбекистонда ”Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги” қонуннинг қабул этилиши ўзбек тилининг тараққиётида сифат ўзгаришлари даврини бошлаб берди. (Ўзбекистонда давлат тили ҳақидаги қонун 1989 йил — 21 октябр куни қабул қилинган). Ўзбек тилининг — давлат тили эканлиги “Конституциянинг 4-моддаси”да белигилаб қўйилган. Бу эса айти пайтда ўзбек тилининг янада ривожланиши, кенг ўрганилиши, тарғиб қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатида яшаётганлиги бугунги миллий истиқлолимизнинг муҳим белгиларидан биридир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг Конституциямизда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши — бу асло юртимизда яшовчи бошқа миллатларнинг мутлақо камситилишини билдирмайди, балки Конституцияда кўрсатиб қўйилганидек, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф — одатлари ва анъаналари ҳам бирдай ҳурмат қилинади, уларнинг ривожланиши учун барча шарт — шароитлар яратилади. Ўзбекистонда миллат вакилларининг тил тенглиги тўла қонун асосида таъминлангандир”.¹ Ана шу маънода айрим кўп миллатли давлатларнинг тил билан боғлиқ жамият ижтимоий ҳаётида кечаётган жараёнларни ўрганиш масаласи айрим ўринларда илмий мазмун касб этиши тайин. Бу борада қўшнимиз ҳисобланган ХХРнинг бугунги тил сиёсатининг социолингвистик тадқиқи шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Хитой Халқ Республикаси жаҳондаги энг кўп аҳоли сонига эга мамлакат бўлиб, ушбу давлатнинг сиёсий ҳаётида содир бўладиган барча ўзгаришлар дунё халқи диққат марказида бўлиб келган. 2000 йилда ўтказилган 5-умумхитой аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Хитой аҳолисининг умумий сони 1,243 млрд. кишидан иборат деб қайд этилган. Шундан 1,137 млрд. ханзулар (汉族) ва 105,2 млн. эса кам сонли миллат 少数民族 (shao shu minzu)ларни ташкил этган. Хитой тили

¹ Асқаров З. Ўзбек миллий давлатчилиги ва баъзи ҳуқуқий — назарий масалалари хусусида // Фалсафа ва ҳуқуқ № 3. 2006.- Б. 70.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа ташкилотларда иш юритувчи тил ҳисобланади.

Маълумотларда қайд этилишича, хитой тили Австралия, Канадада расмий тил сифатида учинчи ўринда туради. Хитой тили - АҚШ, Индонезия, Вьетнам, Малайзия каби давлатлар учун маҳаллий хитойликларнинг мулоқот тили сифатида шаклланган.

Кўп миллатли давлат — Малайзияда ҳам Хитой миллати 32 % ни ташкил этиб, аҳоли сони бўйича малай миллатидан кейин мамлакатда иккинчи ўринда туради. Улар мамлакатда “Малайзия Хитой ассоциацияси”си орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишади.²

Индонезияда мамлакат аҳолисининг 6 %ни хитойлар ташкил этади³. Бу мамлакатда хитой этнослари камчилик бўлсада, аммо иқтисод тармоқларининг асосий қисми хитойликлар қўлида. Мамлакат сиёсий – иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ кечаётган жараёнларда уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Индонезия нафақат аҳолиси кўп, балки кўп динлар эътиқод қилувчи давлат ҳамдир. Масалан, ҳозирда Кунгзичилик таълимотига эътиқод қилувчилар мамлакатда 0,8 %, буддавийлар эса 1,3 %ни ташкил қилади.⁴ Сингапурда хитойлар энг катта этнос ҳисобланади. 56 % аҳолиси будда дини ва дао таълимотига эътиқод қилишади. Сингапур аҳолиси ҳозирда 4,2млн кишини ташкил қилмоқда.⁵ МДХ давлатларида ХХР билан кечаётган этномаданий муносабатларида масаланинг мазкур томонларига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим кўринади.

Бугунда жаҳондаги юздан ортиқ мамлакатда ўз фаолиятини юритаётган “Конфуций институти” орқали нафақат хитой тили, балки хитой халқининг маданияти, дини, урф одатларини кенг тарғиб қилиш орқали дунё ҳамжамиятининг эътиборини ўзига қаратмоқда. Ушбу жараёнларнинг натижаси ўлароқ дунёда хитойга бўлган қизиқиш тобора ортиб, Хитой тилининг жаҳондаги ўрни ва мавқеини белгилаб бермоқда. Мамлакат ичида ҳам чет тилларни ўрганишга кенг аҳамият қаратилмоқда.⁶

² Цыганов В. А. Развитие политической системы Малайзии при Махатхире Мохаммаде. Юго – Восточная Азия в 2000 г. Актуальные проблемы развития. ИВ РАН, М.: 2001.

³ Другое А.Ю. Индонезия в 2001 году. Юго – восточная Азия в 2001г Актуальные проблемы развития. М., ИВ РАН, 2002. Индонезия. “Справочник” М.: 1983.

⁴ Ефимова Л.М. Религиозные традиции в политической жизни современной Индонезии (1965 - 1992).Изд –во МГИМО, М.: 1992.

⁵ Гуревич Э.М. Политическая система современного Сингапура. М., 1984; ўша муаллиф Сингапур: идеология успеха. Юго – Восточная Азия: идеология и религия. М.: 2001.

⁶ Ван Фан. Хитойда рус тилини ўқитишнинг уч юз йиллик тарихи // 中国 № 10. 2008.- Б.44 -47.

Хитойнинг Гуй Чжоу университетида мамлакатнинг жанубида яшаб келаётган кичик миллатлар тарихи, маданияти, урф-одатлари ва тилини ўрганиш билан боғлиқ хайрли ишлар амалга оширилмоқда.⁷ Бундан ташқари ”Китай” ва ”Контимост” журнал саҳифаларида ҳам ХХРнинг “кам сонли миллатлари” ва “хитой ёзувини”⁸ ўрганишга бағишланган мақолалар эълон қилинмоқда.

Хитой тарихшунослигида ушбу мавзу бўйича қилинган ишларнинг аксарияти ХХ асрнинг 50-йиллар ўртасида ёзилган бўлиб, бугунга келиб давр эҳтиёжи нуқтаи назаридан яна бир марта қараб чиқишни тақозо этмоқда. Айтиш жоизки, кам сонли миллатлар учун «катта сакраш», «маданий инқилоб» даври тил сиёсати соҳаларида сиёсатнинг нотўғри амалга оширилиши нафақат ХХРдаги лингвистик тадқиқотларга, балки мамлакатнинг фанида ҳам катта йўқолишларга сабаб бўлган эди. 80-йиллардан бошлаб эса, хитой жамиятидаги тил вазияти у ёки бу йўналишларига бағишланган тадқиқотлар олиб бориш қайта жонланиши бунга яққол мисол бўла олади дейиш мумкин.

Бироқ, уларнинг ичида социолингвистикага оид бўлган мавзуларни умумлаштирувчи тадқиқотлар сони кам эканлиги кузатилади. Хусусан, ХХРнинг бу даврларда яратилган ижодлари ичида Чжань Бохуйнинг “Замонавий хитой тили шевалари” мавзусидаги тадқиқот ишлари алоҳида ажралиб туради.⁹ Шунингдек Совет хитойшунослик адабиётида ХХР миллий тил шаклланишининг бошланғич даврига бағишланган Г.П.Сердюченко ва ХХРни алоҳида миллий районлари тил сиёсатига бағишланган Т.Р.Раҳимов, Р.Ф.Тарасенко ва Э.Н.Наджип мақолаларини эслаб ўтиш лозим.¹⁰

Тил жараёнларини ўрганишда ХХР ва собиқ иттифокда чиққан батафсил маълумотномалар: «Хорижий Шарқ: тил вазияти ва тил сиёсати» (М.,1986); С.И.Брукни «Жаҳон аҳолиси: этнодемографик маълумотнома» (М., 1986), 民族词典

⁷ 贵州 世居民族研究 // 贵州民族出版社 2004 年 413 页.

⁸ Ван Цань. Национальности Китая. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин: 2004. стр. 210. ; Хитой интеллектual мулк химоясини кучайтирмоқда // 大陆桥 №10. 2004; Ван Хунцзюнь. Энг қадимий иероглифлар // 中国 №11. 2005; Ван Фан. Пекинда Хитой раҳбарлари билан Африка мамлакатларининг учрашуви // 中国 № 12 (14) 2006; «Хитой аҳолисининг тенг яримидан кўпроғи “Путунгхау” умуммиллий тилини ўзлаштирди №.11 2006; Ху Хайсинь. Хитой Халқ университети // 中国 №12 2006; «Кутбхона интернетиди // 中国 № 9. 2007.

⁹ Чжан Бохуй. 现代汉语方言 苏ьдай ханьйой фаньянь (“Ҳозирги замон хитой тили шевалари”) Ухань 1981.

¹⁰ Сердюченко Г.П. К вопросу о квалификации народов и языков Китая. «Советское востоковедение» 1957, № 4.

«Миньзу цидянь» («Миллатлар луғати») (Шанхай, 1987) ва ҳ.к.з.лар жиддий қўлланма ролини ўйнаши мумкин.

Хусусан, кейинги йилларда ўзбек хитойшуносларининг хитой тилининг тарихи, ёзувини ўрганиш билан боғлиқ бўлган айрим қирраларини ўзида мужассам этган мақолалари чоп этилди.¹¹ Шунингдек, ҳиндшунос, филология фанлари доктори, профессор О. Шоматовнинг Ўзбекистонда Жанубий Осиё минтақаси тилларини ўрганишга бағишланган ишлари маълум маънода тадқиқот йўналишини танлаб олишда ҳам методологик аҳамият касб этади.¹²

Хитой тилида ўз вақтида чоп этилган, Чжоу Эньлай, Юань Цзяхуа, Хуан Ле, Ван Цан, шунингдек, “Хитойда таълим” (Пекин, 2005 й), “Хитой миллатлари” (Пекин, 2005й), “Хитой Миллий автоном районлари” (Пекин, 2005й) номли амалга оширилган ишлар назарий манба бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот усули сифатида тарихий — қиёсий, чоғиштира, таҳлилий, социолингвистик методлар белгиланди.

Ўқув қўлланмадан кўзланган мақсад ХХРнинг ислохотлари даврида кам сонли миллатлар таълим тизимини ривожлантириш учун ўтказилиб келинаётган чоратadbирлар, белгиланган конституция низомлари, таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий имтиёзлар масаласи, кам сонли миллатлар тили ҳақида талабаларга билим, кўникма ва малакани шакллантиришдан иборат бўлгани боис қуйдагилар вазифа қилиб белгиланди.

— талабаларни мамлакатнинг тил сиёсатини этнолингвистик нуқтаи назардан тадқиқ қилишга ўргатиш ;

— Мамлакатнинг кам сонли миллатлар тил вазиятини қиёсий — типологик жиҳатларини ўрганиш;

— ХХРда миллий таълимнинг сиёсий — ҳуқуқий асосларини ўргатиш.

— Кам сонлик миллатларнинг ёзув ислохотлари ва хусусиятларини теран ўргатиш.

¹¹ Махмудходжаев М.Х. Национальная политика Гоминьдана (1930-1937гг.) Москва.: 1986. 116с.); шу муаллиф” О национальных меньшинствах китайской народной республики” (о численности языках и письменности) // Востоковедение №2, 1992 Стр. 40 -49; Яна, қаранг: / “Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари: филология, сиёсат, иқтисодиёт ва фалсафа” мавзuidaги илмий – амалий конференция материаллари (2007 йил 5 сентябр).

¹² Шоматов О. Н. Жанубий Осиё тилларига кириш – Тош..2003.153 б.

Шу жиҳатдан ҳам мазкур ўқув қўлланма ўзбек тилида биринчи бора яратилмоқда. Хитой ва рус тиллардан катта ҳажмдаги илмий манбалар ўзбек тилига таржима қилинди.

Ушбу ўқув қўлланманинг илмий аҳамияти масаласига келсак, мазкур иш Хитой тили ва унинг тил сиёсатини ўрганувчилар, хитой тилига ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ва Олий таълим талабалари учун улкан амалий мазмун касб этиши мумкин.

Шунингдек, муаллифлар сўнги сўз ўрнида ўқув қўлланмани яратилишида яқиндан маслаҳатини аямаган хитой филологияси доценти, т.ф.н. М.Х.Махмутходжаев, шунингдек манбаларни тўплашда катта ёрдам берган хитой филологияси кафедраси биринчи ва иккинчи босқич магистратураси талабалари З. Султанова, М. Абдуллаева Н. Исматуллаева, Н. Хотамова, С. Мустафаваларга самимий миннатдорчилигини билдиради.

1 БОБ. СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ТУТГАН ЎРНИ

Дарсининг ўқув мақсади: талабаларда фан бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш, социолингвистика соҳасида ижод қилган олимларнинг асарларини таҳлил қилиш, социолингвистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, социолингвистика фанининг тилшуносликдаги тутган ўрни, этнолингвистика вазият тушунчаларини ўрганиш.

Таянч сўзлар: социолингвистика тушунчаси, социолингвистикани фан сифатида тил тараққиётидаги ўрни, жамият ва тил, тил, лаҳжа, шева, этник ва этнолингвистика, социолингвистика мактаби асосчилари, социолингвистикада биоэволюция тушунчаси, миллий, адабий, давлат ва расмий, халқ тиллари ва жаргонизмлар. Тил вазияти ва сиёсати тушунчаси, тил сиёсатининг жараёнларга таъсири.

1.1. Социолингвистика фанининг мазмуни

Жамиятдаги тил тўғрисидаги билимлар астрология, математикадан ҳам анча олдин пайдо бўлган. Тилшунослик тарихи жуда ҳам қадимги даврларга бориб такалади. Шунингдек, одамларнинг тил ва жамиятдаги алоқадорлиги, жамиятдаги ижтимоий жараёнлар ҳамда шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга. Ушбу масалада Хитойда олимлар ҳар хил муҳокамалар олиб борганлар. Қадимда социология фанини ўрганиш жараёнида тилшунослик тадқиқотларидан фойдаланишга етарли даражада аҳамият берилмаган. Тилшунослик 19 асрга келиб алоҳида фан сифатида шаклланган.

Яқин асрларгача тилшуносликка тегишли тадқиқотларни битта умумий ном билан «Филология» деб атаб келингангини ушбу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз. Қадимги Ҳиндистон, Рим ва Хитой филологияси тарих давомида ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланиб, бугунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бунинг асосий сабаблари эса ҳозиргача анъанавий филологияга оид бўлган қадимги бой манбаларнинг сақланиб қолинаётганлиги билан изоҳланиб, бундай қулайлик солнома ва тарихий манбаларни аслида ўрганиш, каби имкониятларни пайдо қилади. Тиллар ўзаро боғланган бўлиб, улар тараққиёт жараёнида тез-тез ўзгаришларга учраб туриши мумкин. Шу ўринда, замонавий лингвистиканинг олдин физиологизм ва биологизм таъсирига дуч келганлигини ҳам эътироф этиб ўтиш лозим. Улар

ўртасидаги фарқ жиддий бўлсада, аммо маълум маънода ўзининг қулайлик томонларига эга бўлган. Хитой тадқиқотчиларининг фикрича, фанлар ўртасида умумийлик мавжуд бўлсада, бу борада ўзига хосликларга ҳам эга. К. Маркс ва В. Гумбольдтдан ташқари, тилнинг социолингвистика билан боғлиқ жиҳатларига деярли аҳамият қаратилмаган. (Аммо бу фикрлар бирмунча мунозарали масала.)

Хитойлик социолингвистларнинг қайд этишларича, К.Маркс - тилшунос эмас эди, шундай бўлсада, унинг асарларида тил муаммолари билан боғлиқ фикрлар мавжудлиги кузатилади. Бу борада хитойнинг ўзида социолингвистика фани XX асрнинг 80 йиллар бошларига келиб жиддий ўрганишга бошланганлигини унутмаслик керак.

Хусусан, Вильгельм Гумбольдт (1767 - 1835) ҳақида ҳам юқоридаги ўхшаш фикрларни қайд этади. Яъни, хитойлик тилшуносларнинг фикрича, В. Гумбольдтнинг тил билан боғлиқ ишлари тилшуносликни фан сифатида ривожланишида асосий босқич бўлди. “Тил доимо жамиятда ривожланади.”¹³ Ва бу фикр билан тилнинг жамият билан боғлиқ табиатини ҳам очиб беради.

Бундан ташқари, социолингвистиканинг ривожланишига А.Мейернинг ишлари ҳам саломоқли ўрин тутади. Унинг «Сўз семантикаси ўзгариши» номли асарини бунга яққол мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Айнан унинг ишларида жамият ва тил ўртасидаги боғланишлар мавжудлигини яққол кўрсатиб берилади. Унинг фикрича: тил инсонлар учун жамиятнинг асосий мезони бўлиб, у жамиятда энг керакли (муомила)куролидир.

Феринанд Де Соссюр (1857-1913) ҳам шундай қарашларга эга бўлган. Унинг фикрича, тил — бу жамиятдаги бир тизим бўлиб, у психологик ва физиологик жиҳатдан фундаментал асос ҳисобланади¹⁴.

Совет тилшунослик мактаби асосчиларидан бири Е. Д. Поливанов (1891-1938) бўлиб, у социолингвистика фанининг ривожига ўзига хос ўрин тутади. собиқ иттифоқнинг ёзуви йўқ миллатларнинг алфавитини яратиш, ҳинд - европа тиллари, япон, хитой, тунган (дунган), турк, грузин, ўзбек тиллари грамматикаси, лексикологияси, фонетикаси, социал диалектологияси масалаларини ўрганишда унинг қўшган хизматлари беқиёсдир¹⁵.

¹³ Энциклопедический словарь юного филолога Изд-во “Педагогика” М., 1984. -С. 304 – 305.

¹⁴ Кўрсатилган манба - Б. 177 – 209.

¹⁵ Энциклопедический словарь юного филолога (языкознание) / Сост. М. В. Панов – М.: Педагогика, 1984.- С. 294..

Тил - мустақил тузилма сифатида жамият тизимидан фарқланади. Биламизки, тарих тилшунослиги биоэволюцияга яқин ҳодиса ҳисобланади. Айниқса, биоэволюция ҳақидаги фундаментал фикрларнинг пайдо бўлиши, шу билан боғлиқ тадқиқот усулларининг яратилиши ва тадқиқотларнинг олиб борилиши одамларни ҳайратга солади.

1. Биоэволюция бутун дунёдаги жамланган ва тартибга солинган ҳайвонлар намунасидан бошланган бўлиб, тарихдаги тилшунослик ҳам бутун дунёдаги тўпланган ва тартибга солинган тиллар намунасидан бошланади.
2. Биологик эволюция катта миқдордаги замонавий биологик қазилмалар ва қадимги қазилма бойликлар орасидаги фарқни кўрсатиб беради. Тарих тилшунослиги ҳам катта қисмдаги замонавий тилдаги қуролларни ва қадимги ҳужжатлар, ёзишмалар орасидаги фарқларни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб беради. Тил бу - бир мураккаб жамиятдаги феномендир. Тилдаги ана шу феноменал ўзига хослик тилшуносликда структурал - лингвистикани яратишга асос солди.

Адабиёт, тарих, антропология фанлари структурализм тилшуносликнинг турли усулларни ўз ичига қамраб олган. Структурализм тилшунослиги тарихий лингвистика остида қурмоқчи бўлган кўп қаватли бино бўлиб, инсонлар ҳаракат қилган тақдирдагина, уни тушуниши осон кечади.

Албатта, структурализм тилшунослигида кўпгина камчиликлар мавжуддир. Масалан: структурализм лингвистикасининг ўзгачалиги — АҚШ структуравий тилшунослигида бу масала жуда кенг ва чуқур ўрганилган. Хусусан, америка социолингвистлар ишларида тил тарихини бугунги кун нуқтаи назардан илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Хитойлик тадқиқотчиларнинг фикрича, тилшунослик қоидаларни изоҳловчи ва уни ўрганувчи турли хил усуллар мавжуд, аммо улар ҳозиргача ўзининг айрим қийинчиликларига эга. Масалан, хитой тилини ўрганувчи чет эллик қанчалик тил қоидаларини ўрганмасин, у хато қилиши табиийдир. Ёки хитой тилини аъло даражада билувчи « чет эллик» ҳеч қандай қоидаларни ёдлолмай, шу тилда равон гаплашиб, кейинчалик бу қонунларни эгаллаб олади. Шундай экан, инсон қайси тил қоидаларни ишлатар экан, қайси бири муҳим экан? деган саволнинг пайдо бўлиши аниқ.

20 аснинг 50 йилларида туғилган 乔姆斯基 - Хомский тилшуносликда чуқур маънога эга бўлган “тил революцияси” деган тушунчани олиб кирди. Бу революциянинг мъноси шундан иборат эдики, у инсонларнинг тил тўғрисидаги билимларини ўзгартириб, туғри маънодаги «фикрлардан озод бўлиш» ҳақидаги ҳаракатни уйғотади.

Хомский «тоза» ва «орзу» даги тил тарафдори бўлиб, у шундай таъкидлайди, «Лингвистика назариясининг асосий тадқиқоти — тил жамиятдаги гаплашиладиган ва тинглаб турувчи одамлар орасидаги восита бўлиб, қайси тил бўлишдан қатъий назар, грамматика билан боғланмаган турли хил вазиятлар таъсир қилади». Хитойда бу хилма — хиллик тўғрисида турли-хил қарашлар мавжуд. Улар энг «тоза», «мукаммал» тилларни саралаб олиб, улар устидан илмий изланишлар олиб бориш масаласи тадқиқот объектига айланди.

1.2. Социолингвистика фанинг тадқиқот объекти

Тил – бу кишилик жамиятининг ўзига хос бир ходисасидир. Одамлар тил орқали ахборот олади, муносабат билдиради. Шунинг учун, тил пайдо бўлгандан бошлаб, тараккиёт жараёнида жамиятда тилни ҳар томонлама ўрганишга эҳтиёж ортиб боради. Социал тилшунослик – бу тил ва жамият муносабатларини тадқиқ этувчи фан. Унинг фан сифатидаги вазифаси жамиятнинг тил билан боғлиқ барча қирраларини илмий тадқиқ этишдан иборат. Шунингдек, социолингвистика социология, антропология, этнология, психология, география, тарих каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, мазкур фан жамиятнинг ўзгариб бориши натижасида тилда кечаётган ўзгаришларни ҳам тадқиқ этади. Шу нуқтаи-назардан “социал тилшуносликни жамият ва тил ўртасидаги умумий ўзгаришларни ўрганувчи фан сифатида талқин қилсак ҳам бўлади, - дейди Chen Yuan (陈原, 1983).

Ўқув фани сифатида, тил ва жамият ўртасидаги муносабатни ёки тилнинг жамиятдаги функцияларини тадқиқ этиш жараёнида аввалом бор, унинг турли хил қирраларини аниқлаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Шундай экан, Хитойлик социолог олим Жанг Ке Сунг (张克荣 Zhang Ke sun 1988:53)нинг фикрича, “жамият” (society) тушинчаси, “айнан, умумий маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти давомида бир-бири билан алоқа ўрнатувчи инсоният

ҳаётидаги умумий организм”дир. У томонидан берилган таърифда жамиятнинг барча хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинганлигини кузатиш мумкин. Мазкур таърифни жамиятнинг тил нуқтаи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ғарб олими Вордхаф (Wardhaugh, 1986:1) “умумий организм” ҳақидаги қарашларни умумлаштириб қуйдагича, яъни “жамият – ҳар қандай айрим турдаги ёки кўп турдаги алоҳида қабул қилинган ва бирлашган одамларнинг гуруҳидир”, — тарзида таърифлашимиз мумкин. Бу таъриф мазмунан кенг қамровлидир. Чунки, жамият тилини муҳокама қилиш жараёнида, жамиятда турли-туман қарашлар мавжуд бўлиб, улар тил гуруҳлари нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда фикр юритишга тўғри келади. Бу борада социолог, сиёсатшунос ва тарихчилар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар аҳамият қаратадиган асосий жиҳат — бу жамият тилининг “хусусияти”дир. Бу хусусиятини ўрганишга эса, эътиборни қаратиш айниқса мақсадга мувофиқдир, деб қараш мумкин.

Шу ўринда юқоридагилар асосида тилга қуйидаги таърифни берамиз: тил (language) — алоҳида қабул қилинган жамият аъзоларининг мулоқот воситасидир. Бу таъриф ўзининг қисқартирилган ва ихчамлаштирилган кўринишида бўлса-да, аммо тилни ўзлаштирганлар учун бу таъриф ўзининг мураккаб жиҳатларига эга эканлиги билан яхши маълум. Чунки деярли ҳар бир жамиятда тил ҳар хил шаклларда қўлланилади. Бундан ташқари, биз бир жамият тилни ўрганмоқчи бўлсак, унинг муҳокамаси давомида “тил” тушунчасининг ўзида муаммо туғилиши мумкинлигини кузатамиз. (Яъни ҳар бир жамият тили-тилда ўзининг фарқли томонларини ифода этади.) Бу фарқлар тил жамияти маданияти элементларида ва тилларида ўз аксини топади. Хусусан, бу борада асосий эътибор жамиятнинг моноэтник ёки полиэтник хусусиятларига кўпроқ аҳамият қаратилади. Полиэтник жамиятларда шаклланган тил муҳити, давлат доирасида айрим тилларнинг тарихан расмий кенг тарқалганлиги, ушбу тилнинг ўзаро мулоқот жараёнида таъсир доираси ва ҳ.к.з.лар билан изоҳланади. Гап тилнинг жамиятдаги ўрни ҳақида кетмоқда экан, бу ўринда тил ва жамият ўртасидаги муносабат ва фарқли томонларини ҳисобга олинмоғи лозим бўлиб, улар орасида мураккаб муносабатлар мавжуд. Масалан, (Wardhaugh, 1986:1) фикрича тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар қуйидаги бир нечта хусусиятларга эга:

- (1) жамият структураси - тил структураси ёки табиатига таъсир қилади, уни аниқлайди;
- (2) тил структураси ёхуд табиати жамият структурасини аниқлайди, унга таъсир қилади;
- (3) тил ва жамият ўзаро бир-бирига таъсир ўтказа оладиган аъломатларига эга;
- (4) тил структураси ва жамият структураси бир-бири билан боғлиқ эмас.

Жамият ва тил муносабати диалектик шаклда бўлиб, тил – бу инсониятнинг мулоқот орқали ҳаётда ўз ўрнини топишидир, дунёдаги тиллар ва энди туғилаётган тиллар ҳам шулар қаторига киради. Аслида, тил - алоҳида қабул қилинган мулоқот муҳитида тарихан шаклланган, тил турларининг индивидуал шаклланиш босқичи ва ривожланиши, яратилган шарт – шароитларни қамраб олади.

Социолингвистика фанининг табиати ва тадқиқот предмети. Социал тилшунослик билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг бу фанга нисбатан ҳар хил қарашлари мавжуд.

1. “Бўлим, тармоқ” тушунчаси

Бу нуқтаи назар, социал тилшунослик бу - “жамиятда тилни ўрганиш” деган фикрни илгари суради. Бу қараш тарафдорлари кам эмас. Бу ҳақида машҳур инглиз жамиятининг тилшунос олими Ричард А. Хадсон (1990:8) ўзининг қуйидагича фикрини билдириб, “Мен социал тилшуносликни қўйидагича таърифлайман: “... жамиятни ўрганувчи тил билан боғлиқ бўлган фандир”, маъноси шундан иборатки, жамият тилини ўрганиш тил тадқиқотининг бир қисмидир. Шунинг учун социал тилшуносликнинг аҳамияти унинг оддий тил табиати ёки маълум бир тилнинг ўзига хослигини очиб бера олишидадир. Худди биз кутганимиздек, жамиятни ўрганувчи инсон шуни сезадики, тил, аслида, уларнинг жамият соҳасидаги билимларига нисбатан даъват этувчи таъсирга эга – тил каби муҳим жамият функциясига хос жамият табиатига эга бўлган мақбул воситани топиш жуда қийин кечади. Тил социологияси (Sociology of language) деб номланувчи фан ҳақида гапирар эканмиз, унга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: “Тилни ўрганувчи жамият билан боғлиқ бўлган фандир” (Юқоридаги жамият тилини ўрганишга берилган таъриф билан қарама-қарши).

Шунингдек, у икки фаннинг ўзаро фарқи ҳақида қуйидагича изоҳ беради. Унинг фикрича:

Социал тилшунослик ва тил социологияси ўртасидаги фарқ катта бўлиб, ҳал қилувчи омиллари бир хил эмас, у тадқиқот қилувчининг тилга ёки жамиятга бўлган қизиқишига боғлиқ, шу вақтнинг ўзида унинг мутахассислиги тил қурилиши ёки жамият қурилишининг таҳлилига боғлиқ. Бу икки фан орасида жуда катта бўлган иккиланиш чегараси мавжуд бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда, икки фан жорий пайтга қараганда янада аниқроқ фарқланишларни ишлаб чиқиши маъносиздир.

Ричарднинг нуқтаи назари келажакдаги яна бир муҳокамага лойиқ: агар жуда катта иккиланиш чегараланиш бор бўлса, нима учун яна уларни фарқлаш шарт эмас экан? Қандай қилиб уларни ҳал қилиш лозим?

2. “Икки тур” тушунчаси

Совет иттифоқи илмий-тадқиқот институти, социал тилшунослик факультети декани Юнус Д. Дешериев (1985) икки тур ҳақидаги қарашни илгари суради. Унинг фикрича: “Социал тилшунослик нафақат тил илми доирасига тегишли, у бошқа фанлар орасида шаклланган, илм соҳалари ичидаги фандир”. Тилшуносликда олим лингвистикани фарқловчи икки бир-биридан мустақил бўлим, уларни тил илмини ташкил қилувчи қисми сифатида қабул қилиш, бу айнан тилшунослик ва социал тилшуносликнинг структурасидир деган фикрни қўллаб қувватлайди. Бу икки фаннинг тадқиқот объекти, органик яхлитлиги бир. Унинг фикрича, одамлар бир кун келиб, социал тилшунослик ва тил социологияси бу икки фан чегараларни белгилашга, тилшунослик ичидаги юқорида келтирилган икки қисмнинг органик бирлигини йўқ қилишга уринадилар.

3. “Тил қўлланиши” ғояси

Америкалик тилшунос олим Зуики (Arnold M. Zwicky, 1989:2) социал тилшуносликнинг энг тор маънодаги нуқтаи назарини илгари сурган. Унинг ҳисоблашича, социал лингвистиканинг муҳим тадқиқот объекти *who says what to whom on which occasion* (қайси шахс қандай ҳолатда қайси шахсга нима деди). *What* — бу тил қисми, яъни социал тилшуносликнинг тил қисми; *who says what to whom* — гапираётган одам, гапирилаётган объект ва барча айтилган мазмунни қамраб олади; *occasion* — бу қандай ҳолатда қандай тил қўлланилганлиги ҳақида. Инсон ва жамиятнинг биргаликдаги кўриниши бу айнан жамият омилидир. Социал лингвистика ҳамма вақт, тил ва фойдаланувчи орасидаги муносабатини: ким кимга нисбатан қандай тилни ишлатади ҳамда тил ва тил тасвири орасидаги муносабат

ечимини топишга интилган. Олим бир қанча умумий тамойилларни кўз олдига келтиради, бу умумий тамойилларда ҳамма гап тил ва фойдаланувчи, тилдан фойдаланиш билан тасвир муносабати ҳақидаги масала бўлиб, Зуикининг социал тилшунослиги ҳақидаги қарашлари тилнинг қўлланилиши тўғрисидаги фанига ўхшаш эди, уни “тил қўлланилиши” деб атасак бўлади. Зуики талабчан социал тилшунослик бўлмаса-да, аммо унинг бу нуқтаи назарлари ҳам бир қанча социал тилшунослик тадқиқотчиларининг қарашларини ифодалайди.

4. “Амалий” жиҳати

Чэнь Цзяньминь ва Чэнь Чжантай (1988) Хитой социал лингвистикаси — бу бир амалий фан деган ғояни илгари суради. Агар уларнинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, Хитой катта тил бойлигига қолаверса, бир неча минг йиллик цивилизация тарихига, қадимий анъанавий маданиятга эгадир, Хитойнинг ўзига хос социал лингвистикаси катта даражада ўз тили ривожланишидаги ўзгаришларни, ҳамда шу билан боғлиқ бўлган жамият тарихи ва анъанавий маданиятини қадрлашда ҳам шубҳасиз ўз аксини топган бўлиб, тил маданияти ва жамиятнинг умумий ўзгариши мавжудлиги ҳақидаги амалий илм ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ҳам маълум бир тилни ўрганувчи жамиятни бирлаштирсак, лингвистика ривожланаётган янги йўналишларни, яъни социал тилшуносликдан илмий табиатга ўтишини тадқиқ этади, бунинг натижасида социал тилшунослик орасидаги яқин муносабатлар илгарига нисбатан янада ойдинлашади, аммо уларга асосланиб амалий фан сифатида қараш ҳам тўғри эмас. Социал тилшуносликнинг амалий томони асосан яна шундаки, у жамият объекти аспектида ўз аксини топишидадир. Бироқ бошқа аспектларда уларнинг мазмунини яна-да яхшироқ тушунишимиз мумкин бўлади. Социал лингвистиканинг амалий табиати асосан тилшуносликдан фойдаланиб, масалалар ечимини топишга қаратилмоғи лозим. Шунинг учун социал лингвистикага амалий фан деб таъриф беришдан уни назарий асосланган фан сифатида номлаш мақсадга мувофиқдир.

5. “Кесишувчи” жиҳати

Чэнь Юань (1983:1) “умумий ўзгариш назарияси” ғоясини илгари сурган, унингча, социал лингвистика – бу кесишувчи фандир. У Хитойда биринчи бўлиб социал лингвистиканинг кесишувчи фан сифатидаги табиатини аниқ кўрсатиб бера олди. Чэнь Юань 1987 йил хитойда социал тилшунослик илмий анжуманининг

очилиш маросимида сўзга чиқар экан, фан сифатида социал лингвистика ҳақида куйидагича фикрни билдиради: Социал тилшунослик – бу кўпгина илмларнинг хусусиятлари ўзаро кесишувчи фан бўлиб; унинг ривожланиш тенденциясидан шуни биламизки, у фақатгина социал фанларнинг бирор бир соҳаси билан кесишмайди, балки социал ва табиий фанларни бир-бирига бирлаштирувчи бўғинлардан биридир. Тилшунослик, социология, тарих, жуғрофия, антропология, этнология, фольклористика, археология, мамлакат ҳудудини ўрганувчи фан, психология, тахмин назарияси, кибернетика, маълумот назарияси, тизим назарияси, неврология каби фанларнинг барчаси бу бирлашув ичида ишлатилиши, кесишувчи фанни ҳосил қилиши мумкин. Кесишувчи фан — бу катта кучига эга бўлган фандир, социал лингвистика ҳам бундан мустасно эмас, у ҳам бизга ўзининг қудратли ҳаёт кучини намоён қилишда давом этади. Немис социологи, Жаҳон социология уюшмаси, социал тилшунослик тадқиқот кўмитасининг раиси Т. Лакман (Thomas Luckmann, 1985) ҳам бу қарашни илгари суради. Биз аслида юқоридаги Чэнь Юаннинг “умумий ўзгариш” нуқтаи назарига қўшиламиз, аммо унинг “бирлаштирувчи бўғин” ҳақидаги қарашларига қўшилиш қийин. Кесишувчи фан бўлиб, социал лингвистика албатта жамиятнинг ҳар бир соҳасида, ҳамда ҳар бир фанда ўз аксини топади. Лекин социал тилшуносларни қизиқтирувчи жиҳати бу ҳали ҳам жамият ва тилнинг яқин боғланган муносабатидир. Баъзи томонларнинг муаммоси — бу албатта бирлашиш эмас, жумладан, социал тилшунослик бир қанча статистика усулларида фойдаланиши мумкин, тилда бир қанча таркиб, миқдор, хусусият аниқловчи таҳлилларни ўтказиш керак, бироқ бизнингча бу омил социал тилшунослик ва бошқа фанларнинг бирлашиши дегани эмас. Зеро, биз жуда кўп фанларда математикадан фойдаланишимизга тўғри келганидек, математика ва юқорида айтиб ўтилган фанлардан иборат бўлган кесишувчи фан ҳақида айтмасак ҳам бўлади. Бизнинг фикримизча, социал тилшунослик билан энг яқиндан алоқада бўлган фандир, десак тўғрироқ бўлади. Бу социология, лекин социал тилшунослик социология ва тилшуносликнинг оддий қўшилишидан келиб чиқмаган. Социал тилшуносликнинг кесишувчи фанга айланишига сабаб, у социология ва тилшунослик бу икки фан шуғулланувчи илмдир. Шунинг учун, социал тилшунослик лингвистикага ҳам, социологияга ҳам тегишли бўлмаган ўзининг махсус тадқиқот объектига эга бўлган фандир, десак тўғрироқ бўлади.

Умуман айтганда, социал тилшунослик билан тил социологияси қарама-қарши бўлган тушунчалар эмас, балки, социал тилшунослик ва лингвистика структураси орасида катта фарқ бўлса-да, лекин уланинг орасидаги муносабатнинг қарама-қарши эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келинишлигини кўрамыз.

1.3. Социолингвистиканинг тилшуносликдаги ўрни

Тил. Тил нима? Бу тилшунос ва файласуфларнинг кўп йиллик муаммоси бўлиб қолмоқда. Ҳақиқатан ҳам тилнинг табиати бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Биз одатда тилга нисбатан: “ Тил-бу жамиятнинг маълум аъзолари томонидан ишлатиладиган восита” каби иборани ишлатамыз. Умуман олганда, бу оддий тушунча, аммо у ҳам жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки жамият ҳар хил, ундаги тил ҳам турли туман. Баъзи одамлар бир нечта тилларда сўзлаша оладилар. Шу боис, филологлар жойга қараб тилга таъриф бера олишади. Кўп ҳолларда, улар “мулоқот тили” лингвистик гуруҳ каби тушунчасини қўллашни маъқул кўришади. Бу каби тушунчалар ушбу терминнинг калити бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, ушбу тушунча ёки атама муаммосиз эмас. Масалан, “ Мулоқот тили” нимага асосланиб бўлинади? Ҳар бир тилнинг калити қандай тизимга эга? Филологлар тилга қандай муносабатда бўлганлигига қарамай, улар айтаётган “тил” одамлар тассавуридаги “тил” тушунчасидан кескин фарқ қилади. 所街尔 Suo jie er¹⁶ ўлкасининг тили, ҳамда гап тузилиши одамлар тилни қай даражада ўзларига мослаштириб олганларини кўрсатади.

Одамлар кейинчалик тилдаги ўзгаришларга умуман ҳеч қандай эътибор бермай қўйишди. Лекин бироз вақт ўтгандан сўнг, тилга маълум тизим сифатида ёндаша бошлашди. 乔姆斯基 (Qiaomusiji) даврига келиб, одамлар “бир тилда гаплашувчи ва тингловчи” тил функциясини ўргана бошлашди. Кейинчалик одамлар оҳанглари устидан ишлар олиб боришни бошлади. Бу каби таърифлар бир хил қоида-қонунга асосланиши шарт бўлган. Тилда юз берадиган катта ўзгаришлардан воз кечиш керак, чунки бу структуранинг ўзгаришига олиб келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган suo jie er ўлкасининг одамлари томонидан киритилган ўзгаришлар аҳамиятсиз кўринса ҳам, уларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бошқа томондан олиб қараганда тил структурасини ўрганишда бош бўғин

¹⁶ 郭熙. 中国社会语言学/ 浙江大学出版社 2004 年.438 页.

ўрин алмашиниш ҳодисаси ҳисобланади. Ўрин алмашиниш шакллари ва анализ усуллари ҳам турлича. Масалан, 酒 jīe иероглифи жуда кўп маъноларга эга¹⁷. Шу каби кўп маънолилиқ бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун тил тизимини катта ўзгаришлардан сақлаш лозим. Буни биз фақатгина ҳар бир одам шевасини ўрганиб туриб амалга оширишимиз лозим.

Шундай вазиятда, тилшунос олим Уриэл Веинрич фикрича, тил - бу “ўзгарувчан об-ҳаво”. Унинг айтишича, тил кўп маъноли тизим эмас, балки у турли жинсли тизимдир. “Тартиб” турли жинслилиқнинг асоси ҳисобланади. Тилда юзага келган ўзгаришлар туфайли, тартибсизлик рўй беради. Масалан, иккита ҳар хил одам ёки икки хил пайтда айтилган “а” товуши ҳеч қачон бир хил чиқмайди. Жанубда яшовчи одам билан шимолда яшовчи одамнинг путунхуаси бир хил бўла олмайди.

Шева. Шевалар масаласи ҳам тилшуносликнинг бир тармоғи ҳисобланиб, ҳозирги кунда тилшунослар шевани икки турга ажратишади: Минтақавий тил шева; жамият тил шеваси. Тилшуносликда шеванинг бир тармоғи минтақавий шева деб аталади. Хитой тилининг шеваси - бу айнан хитой тилининг регионал шеваси ҳисобланади. Бу шевага нисбатан қўлланиладиган анъанавий тарифдир. Тил- бу тарих маҳсулидир, замонавий тилнинг структураси эса жамият ривожланиши жараёнида вужудга келган. Айни пайтда, аҳоли шеванинг тарқалишидаги энг асосий ва муҳим омилдир. Бу масала хусусида шева ўлкашуносларининг бир мунча далиллари мавжуд. Одатда шевашунослар ҳаракатларининг кўп қисми шевалар орасидаги фарқларни топишга қаратилган. Масалан, шева ўлкашунослари ва шевашунос олимларнинг барчаси ўз олдида қўйган мақсад – бу “бир хил сўзлар орасидаги чегарани” аниқлашдир. “同言线”, tong yanxian яъни “бир хил сўзлар чегараси” ни “等言线” – deng yanxian“ бир турга мансуб сўзлар чегараси” деб ҳам аташади. Ҳар хил турга мансуб шеваларнинг фарқли томонларини кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан, хитой тилининг шева харитасида оҳанглар орасидаги чегарани кузатишимиз мумкин: Бир томонда оҳанглар мавжуд бўлса, иккинчи томонда эса йўқ. Одамлар доимо тил ва шевани бир-биридан ажратишга интилишган. Аммо қайси меъёрларни кўпроқ қўллаш мумкин-ку, ва қайси бири доимо муаммо бўлиб қолаверган. Бу дунё миқёсидаги асосий муаммо ҳисобланади. Баъзи бир одамларнинг таъкидлашларича, маълум ўзлашма тил ёки шевалардан фойдаланиш мумкин экан. Аммо бу

¹⁷Кўрсатилган манба.

ишончсиздир. Масалан, голланд тили билан немис тили географик жиҳатдан бир худудга мансуб тиллар бўлса-да, бироқ техник нуқтаи назардан олиб қарасак, голланд тили ҳамда немис тилидаги шеваларни бирхил тил гуруҳига киритсак бўлади. Испан тили ва португал тилининг аҳволи ҳам худди шу тарзда кечмоқда. Ушбу икки турдаги тилда стандарт тилдан фойдаланиш даражаси нисбатан баланд, лекин ҳалигача одамлар уларга иккита ҳар хил тил сифатида қарашади. Хитойдаги Гуандун шеваси, шимолий вилоятлар шеваси ва Пекин шевалари орасида умуман ҳеч қандай боғлиқлик бўлиши мумкин эмас, зеро биз ҳалигача уларни бир турдаги тиллар қаторига киритамиз.

Аслида, одамлар маълум бир тилдаги ҳодисаларнинг характери ва фарқини бошқа бир тилдаги ҳодисаси сифатида фарқлаганда, нафақат тилдаги ўзига хослигини балки, ундан ташқари, жамиятдаги омилларни ҳам инобатга олиш зарур. Кейинчалик икки меъёр пайдо бўлди: тил меъёри, жамият меъёри. Жуда кўп ҳолатларда, тил меъёри билан жамият меъёри бирлашади. Лекин баъзида тил ва жамиятнинг ривожланиши сабаб, тилнинг фарқли жиҳатлари ила жамиятнинг фарқли томони муаммо остида қолади. Масалан, миллат ва тил умуман ҳар хил тушунчалардир. Баъзи бир одамларнинг фикрича, тил ва шеванинг фарқи қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатади:

- 1) тилнинг чегаралари шевадан катта;
- 2) тилнинг обрўси шевадан баландроқ;
- 3) энг катта фарқи тилда ёзувнинг мавжудлиги.

Роберт Генри Робинснинг таъкидлашича, жамиятнинг “тил” ва “шева”га ажралиши, кўпинча одамлар маданиятига боғлиқдир. Ушбу икки тушунча ҳам тил жамият маданияти тарихининг маҳсули эканлигини ўзида акс эттиради.

Шева ва унинг бўлиниши ҳам худди шундай муаммоларга эга. Масалан, баъзи бир одамлар шевани бўлиш усуллариини таклиф этишган, бу ҳол эса, амалий жиҳатдан муаммоларни келтириб чиқишига сабаб бўлган. Шимолий шева ҳақида гап кетганда эса, уни қандай меъёрларга асосланиб ажратиш мумкин? 游儒杰 You Rujie (1986) Бу борада Хитойнинг этник хусусиятидан келиб чиқиб, мазкур ўринда асосан тарихий - географик таҳлилни таклиф этади. Ушбу усул “бир хил сўзлар тизими”га нисбатан тарихий барқарор бўлган ўлкалар учун қулайроқдир.

Тилшунослар нуктаи назарича, тил ва шева орасида катта фарқ йўқ эмиш. Бошқача қилиб айтганда, “маълум тил” тушунчаси жамият тилшунослари орасида ишлатилмайди. Жамият тилшунослари ҳам, асосан, шева масаласига кенгроқ эътибор қаратади. Улар ҳам шевашунос олимлар томонидан тақдим этилган материаллардан фойдаланади, бироқ уларнинг тадқиқот манбаини кўпроқ жамият масалаларини ўрганишга қаратилади.

Жамият шеваси. Тилда жамиятдаги табақаланишдан, жинсидан, ёшидан ва касби-коридан қатъий назар маълум бир шева пайдо бўлади. Ушбу омиллар сабаб турли минтақалардаги бир жамият тилидаги ўхшаш ҳодиса рўй беради. Ва аксинча бир минтақадаги турли жамиятларда ушбу ҳодиса кўпроқ учрайди. Тадқиқотларнинг кўрсаткичлар бўйича, жамият тилининг энг қуйи қатламидаги географик ўзгаришлар юқори қатлам синфига мансуб одамларга кўпроқ боғлиқдир. Хитойда табақаланиш у даражада ривожланмаган бўлсада, ушбу жараён нисбатан ажралиб туради, баъзида, ҳайратга ҳам солиб қўяди. Мисол қилиб, мулоқот пайтида энг ўқимишли одамнинг тилида бирон-бир фарқли томонларни топиш мушкулдир. Масалан, Англияда аҳвол худди шу тарзда кечмоқда. Бу мамлакатларнинг “юқори табақа” ни талаффузидан ҳамда тилнинг бошқа белгиларидан ажратса бўлади. Аммо АҚШ ва Францияда бу ҳолат кузатилмайди. Албатта, бу масала турли мамлакатлардаги жамиятда одамларнинг қандай эркин фикрлашларига боғлиқдир. Масалан, АҚШда одамлар эркинликка интилиб яшайди. Шу боисми уларнинг тили ҳам нисбатан эркин. Унда “нима сабабдан табақаланиш кучли бўлган Англияда, ҳамда деярли синфий ажралиш мавжуд бўлмаган Хитойда бу қадар ўхшаш томонлари кўп” — деган савол туғилиши мумкин. Мазкур саволга эса, бу кўпроқ мамлакатларнинг тилида мавжуд меъёрлар унинг манбаи бўлиб хизмат қилишидадир, — дейишга тўғри келади, албатта.

1.4. Этнолингвистик вазият тушунчаси

Маълумки, этнолингвистик нуктаи назардан қараганда у ёки бу тилнинг худудий жиҳатдан тақсимланиши тушунилади. Уларнинг мулоқот доираси ва ижтимоий гуруҳлар бўйича тақсимланишини эса «тил вазияти» деб аталади. Худди шундай давлатда ҳеч этносга боғлиқ бўлмаган тиллар ҳам тақсимланишга эга деб ҳисобланади. Масалан, (Малайзия ёки Филиппиндаги инглиз тиллар шулар жумласига киради). Бинобарин, Давлатда шаклланган этнолингвистик вазият кенг

этниқ жараёнга кўмаклашиши мумкин, уларга ҳамма этнослар ҳам жалб этилиши мумкин, улар автохтон¹⁸ тиллардан бирини тарқалишига, уни этникаро мулоқот учун ишлатилишига ёрдам бериши мумкин ёки (**консолидацион**) жараёнлар характери аниқлаши, қадимги грек-юнон тилидан туб маҳаллий тиллар гуруҳи (автохтон) тиллари давлат худудининг қисмида тарқалишига кўмаклашади ёки жипслаштиришни қийинлаштиради. Автохтон тилларидан бирининг тарқалишига тўсқинлик қилади.

Этнолингвистик вазият консолидацион жараёни ичида автохтон тиллар тарқалади, шу билан тил вазиятини ва унинг ўзгаришини шартлаб беради.

Этнолингвистик вазиятга кўра давлатларни қуйидаги гуруҳларига ажратилади:

1) сон тарафидан битта устиворлик қиладиган ва бир нечта кичик этносларга эга давлатлар.

2) бир нечта йирик этнос ва кўплаб кичик этносларга эга давлатлар.

Биринчи гуруҳдаги давлатларни этник ривожининг умумий тенденцияси – асосий этносининг йириклашиши ва унинг тилининг бутун давлат бўйича тарқалиши. Бу жараён табиий характерга эга, объектив сабаблар билан авваламбор демографик омил билан – асосий этноснинг сон жиҳатдан мутлоқ устиворлиги билан шартланади. ХХР бунга айнан мисол бўлади. Этнолингвистик жараёнларнинг ривожланиши бу ерда муҳим ўзгаришларга олиб келмайди. Ҳар ҳолда этникаро мулоқот тилининг мустаҳкамланиши тенденциясига эга. Кам сонлик миллатлар вакиллариининг тобора сони кўпроқ асосий этноснинг тилини ўрганади, чунки бу тилни билишга маълумот олиши, ўз этник худудидан ташқарида ишлаш имкониятига, ижтимоий юксалиши боғлиқ. Бу ҳол эса ўз-ўзидан маълумки, кўпчилик тилига эга бўлиш ассимиляцион жараёнларни кучайиши учун қулай шароит яратади. Бу борада Синцзян ва Тибетнинг бугунги ижтимоий аҳволи бунга яққол мисол бўлади. Масалан, Синцзян (уйғур)нинг туб аҳолиси мамлакатнинг марказий ўлкаларидан кўчиб келиши ҳисобида йил сайин камайиб бормоқда. ХХРда кейинги пайтларда бу каби жараёнларнинг кучайиб бориши эса миллий этникаро зиддиятларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда ХХРда 55 миллат истиқомат қилишса-да, сон жиҳатдан хитойликларга қараганда барибир кам сонни ташкил этади. ХХРда ханлар 94 % ни ташкил қилади. Бу эса ХХРда кам этносларнинг тақдирида ҳал қилувчи омил

¹⁸ Қадимги грек-юнон тилидан олинган бўлиб, туб аҳоли маҳаллий тиллар гуруҳи деган маънони англатади.

ҳисобланади. ХХР полиэтник эмас, балки моноэтник давлатлар сирасига киради. ХХР ҳукумати юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “консолидацион жараёнлар аҳоли талабларини бажариш мақсадида” ҳукуматлар миллий ҳудудий автономияларни: ўлка, лингвистик белги бўйича вилоят, округларини (хошунларни) ташкил қилган. Миллий этносларнинг ҳақ ҳуқуқлари конституция доирасида белгилаб қўйилган. Жумладан 1984 йил қабул қилинган “Миллий автономия мақоми” бунга айнан мисол бўлади. “Миллий тил белгиси бўйича маъмурий ҳудудий ажратилиш миллатлараро муносабатларда кескинликни пасайтиради ва мамлакатда қулай сиёсий вазиятни ҳусусан тил муаммоларини ечиш учун шароитни вужудга келтиради”. Масалан, ХХРда ҳам Миллий Автоном Районлар ичида миллий автоном бирликлар ташкил этилган. Бу ҳолатни қайсидир маънода ижобий деб қабул қилиш ҳам мумкин.

ХХРнинг этниколингвистик хусусияти, унинг кам сонли миллатлар тилининг тарқалиши деярли йўқ даражалиги билан характерланади.

“Миллий тил” ва “адабий тил” масаласи. Миллий тил ва миллий адабий тил тушунчалари салмоқ жиҳатдан тенг эмас. Масалан, миллий ва адабий тил ҳажм жиҳатидан кенгроқ тушунчани қамраб олса, аксинча, миллий тил торроқ тушунча касб этади. Шунга қарамай таниқли бадиий сўз усталари, сиёсий арбоблар, фан ва маданият ходимлари ҳамда халқ зиёлиларининг бошқа вакиллари қўлидан ўтиб, сайқал топган миллий адабий-бадиий тил халқнинг маданий юксалишида муҳим ўрин тутди. Миллий адабий тил эса ўзининг луғавий таркибига кўра ҳар қандай маҳаллий шевадан бойроқ, ўз синтаксисига кўра ривожланганроқ, ниҳоят ўзининг меъёрлари ва анъаналарига кўра турғунроқдир. Бу таъкидлар бевосита бугунги умум миллий тил (путунгхуа)га тегишлидир.

50 - йилларнинг иккинчи яримидан бошлаб, ХХРдаги мактаблар олдида умумхитой миллий адабий тилининг фонетик, грамматик ва луғавий меъёрларини ўқувчиларга сингдириш вазифаси қўйилган. Путунгхуанинг мамлакат бўйича кенг ёйиш масаласига назар ташласак, — 1957 йилнинг охрларига келиб бошланғич ва ўрта мактаблар, педагоглар тайёрловчи ўқув юртларининг 721 мингдан ортиқ хан тили ўқувчилари умум миллий (путунгхуа) тилда ўқитилди. — 1958 йилнинг бошида икки миллиондан ортиқ хитойликлар бу тилни радио орқали ўргандилар. Бу саъйи ҳаракатлар туфайли Хитой тилининг шимолий ва бошқа шевалари тарқалган

худудида жойлашган кўпгина мактабларда ўқувчилар (путунгхуа)ни юқорида қайд этилган путунгхуа тилини яхши эгаллаб олди.

Мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолиси ҳам мазкур тилни фаол ўргана бошлади. Шуниси кизиқарлики, қайси ўлкада бир-биридан кескин фарқ қилувчи лаҳжалар қанча кўп бўлса, унинг мазкур аҳолиси (путунгхуа) тилини шунчалик тез ўзлаштириб олганлиги кузатилади. Чунки ўзаро мулоқотни талаб қилувчи ижтимоий шароит, шимолдан келган ва умум миллий тилни (путунгхуа)ни яхши билган маъмурий-сиёсий кадрларнинг юзага келиши ва улар томонидан аҳолини уни ўрганишга кенг даъват этилиши бунинг сабабларидан бўлган. Мамлакатда ягона умум миллий тилга (Путунгхуа) ўтилиши ўлкаларнинг турли лаҳжа ва шеваларида сўзлашувчи аҳолини бирлаштиришнинг ягона воситасига айланди.

Тилшуносликка оид миллий адабиётларда берилган таърифига кўра, адабий нутқий меъёр фонетика, луғат, грамматика ва орфографияда ўз ифодасини топган тил воситаларининг йиғиндисидир. Бу воситалар умум қабул қилинган бўлиб, талаффузда, ёзувда, матнда сўзларнинг қўлланилиши меъёрига мос келган тил воситаси тўғри деб ҳисобланади ва аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Аммо шунинг билан бирга адабий нутқий меъёр қотиб қолган ва доимий бўлган мажбурий тушунча эмас. Тилда луғавий ва синтактик синонимика кенг ривожланган ҳар бир тил ифода воситаларига ниҳоятда бой. Ҳар бир сўзловчи ёки ёзувчининг вазифаси умум адабий нутқ меъёрлари доирасида шу воситалардан ўринли ва тўғри фойдалана олишдан иборат.

Тилда унинг грамматик тузилиши ва асосий луғат таркибининг турғунлигига қарамай, турли омиллар таъсирида муттасил ўзгаришлар содир бўлади. Булар асосан, сўзларнинг фонетик ўзгаришларида; эски грамматик конструкцияларнинг ўрнини янгилари эгаллаши билан боғлиқ жараёнларда ўз ифодасини топади. Масалан, “бажармоқ мумкин эмас “маъносида келган 玩不成”wan bu cheng” ўрнига 完成不一起来 wan cheng bu yi lai, деб айтила бошланди; сен кела оласанми? Маъносидаги 你能来不能 ni neng lai bu lai ибораси ўрнини 你能不能来 ni neng bu neng lai ибораси эгаллади ва ҳ.к.лар. Бундай оғишлар баъзида миллий адабий нутққа умум истеъмомга кириб келаётган шева сўзлари ҳисобига содир бўлиши баъзида эса йирик сўз усталарининг индивидуал ижод маҳсули бўлиши мумкин. Бу ўринда адабий-нутқий меъёрлардан чекинишлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки бундай

оғишлар тил тараққиётининг умумий тенденцияларини ҳисобга олади ва унинг луғавий ёки синтактик – стилистик бойишига ёрдам беради.

Тил миллий маданиятнинг бир шаклидир. Мазкур ўринларда эса орфоэпия(тўғри талаффуз қилиш қоидалари) масаласини ўрганиш тилда ҳам ҳолатда муҳим болсқич ҳисобланди. Шунга кўра, намунали адабий талаффуз меъёрлари ҳам йирик маданий шаҳарлар марказида яратилади. Бу ўринда ҳам хитойда пекин лаҳжаси етакчилик қилади. Шунинг билан бирга, маълумки, пекин лаҳжасининг ўзида ҳам морфемалар талаффузида айрим фарқлар бўлган ” 危险 ” wei xian – хавф -хатар” сўзидаги биринчи бўғин ҳам биринчи ҳам иккинчи бўғинда талаффуз қилинган, “供给” gong gei - таъминламоқ” сўзи ҳам “gong gei, ҳам gongji” деб талаффуз қилинган. Бундай ҳоллар эса ўз навбатида ягона қоидали жорий этишни тақозо этар эди, албатта.

Давлат тили. Ўз табиатига кўра адабий анъанаси қадимийлиги, лингвистик ривожланишини даражаси бўйича бошқа тиллардан устиворлиги, тарқалиш доираси, давлат ҳудудида этникаро мулоқот даражаси, аҳоли сонинг кўплиги, ана шу жараёнда тил эълон қилинганда танловни тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги инобатга олиниши таснифланади. Тилни этник ҳудуднинг ташқарисида ривожланишига этникаро ҳўжалик алоқалар, меҳнат маҳсулотлари билан алмашув, савдо, урбанизация жараёни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Этник ва иқтисодий омиллар биргаликда таъсир этиб тиллардан бирини этник ҳудудидан ташқарида этникаро мулоқот тилига айланишига кўмаклашади.

Шунинг учун мамлакатда энг кўп сонли этнослар гапирадиган ва этникаро функцияни бажара оладиган бир нечта автохтон тиллар бўлган вазиятда, этник ҳудуднинг чегарасидан ташқарида энг кўп тарқалган тил танланади. Айнан шунинг учун мустақилликка эришилгандан сўнг ХХРда (1949 - 21 октябр) Умум миллий тил бутун мамлакат бўйича давлат тилига айланишига асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, “этникаро мулоқот учун автохтон тилини танлашнинг сиёсий аҳамияти, уни миллий масала билан узвий боғлиқлиги билан шартланади. Давлат миқёсида этникаро алоқаларда узоқ давр мобайнида кўлланаётган ва кенг тарқалганлигига қарамасдан, кўп этнослардан бирининг тилини давлат даражасида расмий тан олиниши ва кўлланилиши ушбу тил она тили бўлган этносни устивор ҳолатга кўяди. Қолган этнослар ўзларини камситилган ҳисобланади. Бундай ҳолатда этник можаролар пайдо бўлади.” ХХРда Уйғур ва Тибет тилларини бунга мисол тариқасида кўрсатиш

мумкин. ХХР ташкил топгандан кейин давлат аҳамиятига молик тил билан боғлиқ барча расмий ҳужжатлар Умум миллий тилда олиб борилади. ХХР номидан имзоланадиган халқаро дипломатик ҳужжатлар ҳам шу юқоридаги тилда имзоланади.

Собиқ иттифоқ замонида рус тили унинг таркибига кирган кардош республикалар ва элатларнинг асосан расмий мулоқот тили сифатида хизмат қилди. Собиқ иттифоқ парчалангандан кейин ҳам рус тилидаги бу хусусиятлар ўз аҳамиятини йўқотмади, балки ўсди. Иккинчи томондан, Собиқ маконларда рус тили ўзининг расман ҳукумронлик вазифасини йўқотган бўлса-да, аммо давлатлараро мулоқотларни олиб бориш, протоколларни имзолаш шунингдек, мамлакатнинг таълим жараёнларида, кашфиётлар ҳақида ахборот информациялар олиш ва узатиш рус тили орқали амалга оширилади. Кейинги пайтларда жойларда рус тили билан боғлиқ яна бир тенденция, яъни маҳаллий ёшларни рус тилида ўқитиш жараёни қайта жонланди. Яъни, Ўрта Осиё халқлари учун на инглиз ва на бошқа тил рус тили ўрнини мутлақо босолмаслигини чуқур тушуниб етилмоқда десак хато қилмаган бўламиз.

Давлат ва жамиятда, кишиларнинг турмуш ҳаётида социомаданий омиллар ҳам салмоқли ўрин тутати. Жойларда рус тили нуфузининг ошиб бориши мустақилликни қўлга киритган метрополия давлатлари фуқаролари учун моддий тирикчилик манбаи сифатида байналминал макон бўлиб шаклланмоқда эди. Ундай тенденцияларнинг кучайиб бориши эса ўз навбатида рус тилини ўрганиш зарурлигини табиий омиллардан бири қилиб қўймоқда. Бу ҳам у ёки бу миллатларнинг давлатчилиги билан боғлиқ давлат тилини яратиш жараёнида айрим жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган жиҳатидир. Бунинг сабаби эса, Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий – сиёсий муносабатларида юз йилдан кўпроқ қарам республикалар бўлиб келганлигидир. Бу ҳам асосий омил сифатида маконларда яшаб келган миллат ва этнослар тилининг ривожига ҳал қилувчи таъсирини ўтказмоқда.

Масалан, Ўрта Осиёнинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларида рус тили етакчи тил сифатида ўз нуфузини сақлаб қолди. Яъни рус тилига сиртдан муносабат ўзгаргандай туйилсада, аслида ботинан ўзгаргани йўқ. Бу ўринда қозоқ, қирғиз тили лексик - сўз бойлигининг асосан рус тили ҳисобида бойиб борганлигини ҳам унутмаслик кеарак. Қозоғистоннинг шимолий минтақасининг рус тилликлар яшайдиган ареаллар эканлиги ҳам бунга ортиқча исботга ўрин қолдирмайди. У

давлатларда тил ислохотлари олиб борилган эса-да, кирил алфавити сақлаб қолинди. Кирил алфавитининг сақланиб қолиши ҳам Россиянинг таркибида бўлган бошқа туркий халқлар билан тилдаги яқинликни ушлаб туришда улкан ижобий аҳамият касб этади. Россия аҳолисининг 20 % мусулмонларга тўғри келади. Улар эса асосан туркий тилда сўзлашувчи аҳоли ҳисобланади.

Собиқ маконларда рус тилига давлат тили сифатида барҳам берилиши, жойларда бегона тиллар ўртасида ҳам ўзига хос тенденцияларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Келажақда бу омилларнинг кучайиб бориши ҳам жойларда тил вазияти билан боғлиқ айрим масалаларни чуқур ўрганишни бевосита тақозо этмоқда. Ана шу маъонда “сиёсат - асли тил сиёсатидан бошланади” десак, хато қилмаган бўлур эдик. Чунки, ХХІ асрга келиб аксарият давлатлар полиэтник давлатлар бўлиб шаклланди. Ҳаттоки, бу аҳолиси кўплиги жиҳатдан дунёда биринчи ўрнида турувчи, моноэтник давлат ХХР учун ҳам таъллуқлидир.

Расмий тил. ХХРда умум миллий тилдан ташқари бешта тил, Синьцзян (Уйғур), Тибет, Мўғул, Гуанси – Чжуан ва Хуйзу тиллари расмий тиллар сифатида тан олинган. **Икки тиллик.** Шунингдек, мазкур миллий автоном районларда икки тилликка ҳам амал қилинади.

1. 5. Тил вазияти тушунчаси ва унинг сиёсий жиҳати

Тил сиёсати давлатнинг ички сиёсати, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий жараёнлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, шу кўринишларга тескари таъсир этиш қудратига ҳам эгадир. Тил сиёсатининг асосий мазмуни — давлат тили (ёки тиллари)ни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Давлатдаги ҳамма мулоқот турларига хизмат қилувчи функционал тақсимланган тиллар тизими ва уларни фаолият шакллари ўзига хос сўзлари ва ифодалари билан умумий фарқ қиладиган шева адабий тил вазияти, деб аталади¹.

Хитой тили тарқалган ҳудудда тил вазияти иккита асосий унсурдан иборат:

1. Хитойда узоқ давр мобайнида феодализм ҳукмронлиги сабаб бўлган хитой тили шеваларининг кўплиги.

¹ Сердюченко Г.П. К вопросу о квалификации народов и языков Китая. «Советское востоковедение» - 1957г №4; Зарубежный Восток: языковая ситуация и языковая политика. «Справочник.» М., 1986, С..5.

2. Путунхуа ривожланаётган умумхалқ миллий хитой тили. Айрим ҳудудларда шевалараро мулоқот воситасини бажарувчи йирик сиёсий марказ шевалари (Пекин, Шанхай, Гуанчжоу ва ҳоказо) Хитой тили вазиятида аниқ ўринни эгаллаган. Худди шу аҳамиятга уезд шевалари ҳам эга бўлиб, ушбу уездга кирувчи ҳамма қишлоқлар аҳолиси учун мулоқот воситасини бажаради².

Тил вазияти жамиятининг тил ҳаёти билан боғлиқ хусусиятларини, хусусан, тилларнинг шакли ва фаолият шартларини, уларнинг ижтимоий ишлатиш соҳаларини тартибга солади. Айрим ҳолларда у тилларни ҳар томонлама ривожланишига қўмаклашади. Бошқа ҳолларда аксинча тил сиёсати, тилларнинг ривожланишини сунъий тўхтатади, уларни нормал фаолиятига тўсқинлик қилади, бу эса маданий турғунлакка, миллатлараро низоларга, ҳукмрон миллат тили томонидан дискриминация остидаги миллат тилларини зўрлик билан сиқиб чиқаришга олиб келади. Шунинг учун тил вазияти лингвистларнинг диққат ва чуқур таҳлил объектига айланган. ХХРда бирор — бир миллатнинг тили расмий тил сифатида эътироф этилмаган бўлса-да, аммо Умум миллий (хан миллат номидан) давлат тили вазифасини бажаради.

Тил вазияти — социолингвистикани ўрганишдаги асосий тушунча ва тадқиқот предметларидан бири ҳисобланади. Зеро, кейинги пайтларда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бораётганлиги боис тил вазиятига фаол таъсирини ўтказувчи асосий омилга айланмоқда.

Тил вазияти бу мавжудликнинг ўзига хос шакли (шунингдек кўриниши) бўлиб, бир тилнинг ёки ўзига хос ўхшаш тилларнинг ҳудудий ижтимоий муносабатлар ва алоҳида белгиланган географик ҳудудлар ёки маъмурий-сиёсий таълимдаги функционал ўзаро таъсирларидир.¹⁹

Л.Б.Никольскийнинг алоҳида тил вазиятига нисбатан берган соддалаштирилган кўргазмаси бўйича, тил вазияти деб тилларнинг функционал тарқалиши ва мавжуд бўлиш шакллари (адабий тил, диалект, жаргон ва ҳ.к)га нисбатан айтилиб, улар мамлакатдаги бутун мулоқотга хизмат қилади. Унинг пайдо бўлиши ва кейинги шаклланиши турли вазиятларга бўйсуниб, жумладан, ўзаро тил муносабатлари ва нотил (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, психологик, тарихий, географик ва бошқа)

² Астрахан Е. Б. Диалекты и национальный язык в Китае — М.: Наука - 1985 - С. 3 -25.

¹⁹ Зарубежный Восток: языковая ситуация в странах Азии и Африки // Сборник статей — М.: 1967. — С. 5 -15; Шоматов. О. Жанубий Осиё тилларига кириш. — Тош. 2003 -.Б.10 — 16.

омилларига ҳам боғлиқ бўлади. Тилларнинг функционал тарқалиши ва уларнинг сақланиб қолиш шакллари (униси ҳам, буниси ҳам бундан кейин қисқача тарзда тил таълими деб аталади) бу — муомала муҳитига алоқадордир. (масалан, умумдавлат расмий тил ва норасмий кундалик тил, касб-хунарга доир ва кундалик — маиший тил).

Тил таъминотининг қанча ва қандай мулоқот тизимларида ишлатилишига қараб, қуйидагиларга бўлинади.

а) этник гуруҳлараро тиллар (кўпмиллатли давлатнинг этник гуруҳлари мулоқотини таъминловчи) яъни умумдавлат тиллари (бир миллатли давлатнинг диалектуал жамоалараро мулоқотида ишлатилувчи тиллар);

б) ҳудудий тиллар (мамлакатнинг ҳудудий қисмларидаги диалектуал жамоаларининг этниклараро муомаласи ёки коммуникациясида ишлатиладиган тиллар);

в) маҳаллий тиллар (диалектуал жамоалар ичидаги ички этник мулоқотни таъминловчи восита ёки коммуникация).

Шунингдек, касб - ҳунарга оид тиллар таълими (жумладан фан тиллари) ва маълум динга хизмат қилувчи алоҳида тилларга (Қуръон, араб, ҳозирда ўлик пари тили, ислом, буддизм, индуизмга алоқадор санскрит тиллари) ҳам бўлинган ҳолда алоҳида кўрсатилиши мумкин.

Тиллар таълими — мулоқот вазиятидаги компонентлар сифатида — қабул қилинган атамашунослик акс этгани каби ишлатилиш даражаси билан фарқланади.²⁰ Масалан, этник гуруҳлараро тиллар барча этник муомалада, маҳаллий тил эса этник жамиятнинг фақат кундалик - маиший муомаласидагина фойдаланилади.

Тил — ижтимоий феномен сифатида ривожланиб боради ва мавжуд бўлади. Унинг асосий вазифаси одамлар жамиятининг эҳтиёжини таъминлаш, айниқса, биринчи галда кичик ва катта ижтимоий жамоалар ўртасидаги ўзаро мулоқотни таъминлаш, шунингдек, мазкур жамоанинг жамоавий хотирасини шакллаштиришдан иборатдир. Айрим бир шахснинг тилига доир ва умумий хулқи ва ахлоқининг ўзига хослиги билан ижтимоий далилларга алоҳида боғлиқ ҳолда кўринади.

²⁰ 中国文化常识/ 暨南大学出版社 2001/Ван Цань. Национальности Китая/ «Межконтинентальное издательство Китая» Пекин.: 2004. 210 с.

Тил ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари муаммоси ўзида тилнинг кўплаб қирралари билан боғлиқ жиҳатларини ўзида қамраб олади. Ва уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. Тилнинг ижтимоий бирлиги: «Тилнинг жамиятдаги вазифаси», «Тилларнинг ижтимоий тараққиётдаги асосий йўналишлари», «Тил ва халқнинг тарихи»;
2. Тилнинг жамоатчилик институтлари ва жараёнларига муносабати: «Тил ва маданият»; «Тил ва дин», «Тил ва илмий-техник тараққиёт»; «Тил ва мактаб», «Тил ва оммавий ахборот воситалари»; «Тил ва мафкура», «Жамиятнинг тилга таъсир этиш имкониятлари» ва ҳ.к.
3. Тилнинг жамиятда вариантлашуви: «Функционал вариантлар (тилнинг мавжудлик шакли), «Тил ва жамиятнинг ҳудудий дифференцияси», «Сўзлашувчиларнинг тили ва ижтимоий роли» ва ҳ.к.
4. Тилнинг кўп этник гуруҳли жамиятидаги ўзаро таъсири: «Тиллар ва этнослар», «Тилли вазиятлар», «Миллийлик ва тил сиёсати», «Тиллараро алоқалар», «Ижтимоий аспектдаги кўптиллилик.

Мазкур муаммолар тадқиқи билан социолингвистика шуғулланади, шунингдек, этнолингвистика, стилистика, риторика, тил муомаласи назарияси, нутқ этнографияси ва ҳақозолар натижасида юзага келган вазиятларни ҳам социалингвистика ўрганади.

Ҳар бир тилнинг тарихи шу тилда сўзлашувчи халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Тил миллатнинг шаклланишида алоҳида муҳим ўрин тутди. Ўзаро муносабатлар тасвирланаётганда, яъни асл ижтимоий жамоадаги турли тилларнинг вариантлари ёки турлари хусусида сўз борганда, тил вазиятлари тўғрисида сўз боради.

Тил вазияти ва тил сиёсатининг алоқадорлик масаласи деганда, кўпроқ давлатнинг бошқарув доиралари, сиёсий партияларнинг тил сиёсатига бевосита таъсири назарда тутилади.

Тил сиёсати атамаси моҳиятида эса, тил вазиятини ўзгартириш ёки сақлаб қолишга йўналтирилган чоралар тизими тушунилиб, унда истеъмолдаги лингвистик меъёрларни ўзгартириш ёки барқарорлаштириш, адабий тилларни меъёрлаштириш, уни лексика ва атамашунослик билан бойитиш масаласи ҳам тушунилади.

Бошқача айтганда, тил сиёсати — жамият нуқтаи назаридан қараганда давлатнинг тил муаммоларини ҳал қилишга доир мафкуравий тамойиллар ва амалий тадбирлар бирлигидир.²¹

Кўп миллатли давлатда тил сиёсатининг алоҳида мураккабликлар билан фарқланиши шундаки, бунда кўптиллилик, миллий таркиб ва миллатлараро муносабатларнинг ўзига хослиги, алоҳида тиллар ва уларни жамиятда сўзлашувчиларнинг роли каби омилларни ҳам албатта ҳисобга олмай бўлмайди.

Тил сиёсати тизимидаги мафкуравий тамойиллар ва амалий тадбирлар ўзаро боғлиқ ва ажралмасдир, чунки тил сиёсати миллий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у асосий жиҳатлари билан кейинги умумий тамойилларга боғлиқ бўлади.

Замонавий босқичдаги тил сиёсати муаммоларнинг мураккаблик даражасига қараб ишлаб чиқилади — бу эса умумдавлат ва этник гуруҳлараро тилларни танлашдан тортиб амалий нормализаторлик ва сўз ясовчилик фаолиятларини ҳам ўз ичига олади. Тил сиёсати давлатнинг ички сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий-сиёсийлик ва маданий-мафкуравий жараёнларга боғлиқ ҳолда уларга тескари таъсир ҳам эта олади.²²

Тил сиёсати жамиятнинг тилга нисбатан онгли муносабати билан боғлиқ бўлиб, шу нуқтаи назардан ўзида услубий ва ижтимоий таркибнинг умумий ифодаси бўлиб, у ёки бу давлат сиёсий тизимининг функционаллашуви, ривожланиши ва тилларни ўзаро таъсири, уларнинг маълум бир халқ ёки халқлар ҳаётидаги ролини белгилайди. Тил сиёсатининг диққат марказида эса кенг ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эга йирик муаммолар туради; тез-тез ўзгартиришлар ва ислохотларнинг ҳаммаси ҳам (масалан, орфография, нутқ маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ва ҳ.к.) унга таъсир этиш тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлавермайди.

Тил сиёсати энг аввало лексик семантик тизимга, айниқса умумий-сиёсий лексика, шунингдек, адабий тилнинг стилистик дифференциялашуви, тилнинг диалектик умумлашуви ва диалектик фарқнинг йўқолиб боришига давлат томонидан ишлаб чиқилган орфографик ислохотларга таъсир қилади.

Маданият соҳасидаги мафкуравий мақсадларга мувофиқлашган ҳолда синфларнинг белгиланишида тил сиёсати режали бўлиши мумкин (собик шўро илмий адабиётида бундай сиёсат тил қурилиши деб аталарди; ғарбий европа ва

²¹ Зарубежный Восток. Языковая ситуация и языковая политика. - М.: Наука, 1986. – С. 5, 20; 214 – 228.

²² Елбнин И. М. Национальная политика в КНР // Народы Азии и Африки №5, 1973. – С. 24 – 35.

америка адабиётида «тилни режалаштирув» термини ишлатилган) ва ретрорежали (тил ва нутқ маданияти) кўринишида бўлади. Ҳозирги замонда бундай масалалар ечими биринчи навбатда миллатлар, халқлар ва уларнинг тилларидаги амалий тенгҳуққиликни таъминлайди. Шунингдек, у истеъмолдаги миллий тилдан миллий давлатчиликни яратиш, она тили асосидаги миллий маданиятни ривожлантириш ва бунинг учун зарур бўлган шартномаларни таъминлашни ўз ичига олади. Бундан ташқари у она тилида оммавий коммуникация (матбуот, радио, телевидение, кино), шунингдек, расмий рўйхатга олиш ва иш юритишни қабул қилади.

Кўп тилли давлатда тил вазияти ва тил сиёсати бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита ўзаро таъсир эҳтиёжларини ифодалайди, яъни идентик (бирхиллаштириш) ва ўзаро тушуниш эҳтиёжларни.

Биринчи эҳтиёж ҳар бир инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўз она тилидан фойдаланиш истаги — яъни, эрта болалиқдан онгсиз равишда ўзлаштирилган тилни ифодалайди. Идентиклик билан боғлиқ бўлган идеал вазият бу — бир тиллилиқдир. Иккинчи эҳтиёж эса исталган кишиси билан ҳеч қандай муаммосиз мулоқотда бўлишда тушунилади. Ўзаро тушуниш билан боғлиқ бўлган идеал вазият — бутун ижтимоий жамоада битта умумий тилдан фойдаланишдан иборат.

Феодал даврида юзага келтириладиган тил сиёсати халқларни мавҳ этганлар томонидан ўрнатиларди (ўзга тиллик ҳудудларда ўрта асрлар давридаги араб ёки форс тилларининг тарқалиши).

Буржуа мафкурасига асосланган турли тарихий ўзгаришлар давридаги тил сиёсатига давлат тизими эътиборидан ташқари бўлган миллий камчиликни ташкил этувчиларнинг диалекти ва тиллари амалиёти ётиб, бу эса ўз ўрнида тиллар ва диалектларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган, бир сўз билан айтганда, фақат миллий кўпчилиликни ташкил этувчи миллат тилига нисбатангина тил ихтиёрийлиги сиёсати кам сонли халқлар тилидан фойдаланишнинг чегараланганлиги сиёсатида эзилган халқларнинг маданияти ва тилларига нисбатан эътиборсиз муносабатдаги сиёсий «вестернизация»ни келтириб чиқаради. (масалан ривожланган давлатларнинг собиқ колониал тизимлар тилига асосланган ҳолда уларнинг кенгайтирилган тизимларда сақланиб қолишига уриниши).

Америкалик социолингвистлар. АҚШга нисбатан тил хилма хиллиги ҳақида эмас, айнан тилнинг маҳаллийлиги ҳақида гапиришни афзал биладилар; бундай тил

сиёсати миллатнинг маданияти, халқнинг умумий-сиёсий ҳаётига нисбатан тилнинг роли ва унда сўзлашувчилар ҳаётига доир масалаларга иллюзион эркин ёндашувни яратар экан, аслида эса давлатни муте халқларнинг тили тўғрисидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ғамхўрлигидан озод қилиб келади ҳамда давлатни миллий камчиликни ташкил этувчилар, шу тилни ишлатувчилар ҳаётидаги роли ва аҳамиятига нисбатан тўғри баҳо бермаслик, бу тилларнинг ривожланишига, уларнинг ижтимоий функцияларининг кенгайишига таъсир этиш жараёнларига қарши раддияни юзага келтиради.

Давлатнинг тил сиёсати бир мунча ёки нисбатан қаттиқ бўлиши мумкин, аммо унинг асосий мазмуни — давлат тили (ёки тиллар)ни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ҳозир кўпгина мамлакатларда сиёсат маълум маънода юмшаган, камчиликнинг тил ҳуқуқлари қонунчилик томонидан қувватлана бошланган. Бироқ шундай бўлса-да, асосий вазифа давлат тилини кенг жорий қилишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Турли давлатлардаги тил сиёсати ҳам бир-биридан фарқланади.

Аммо тил вазифяларини ўрганиш — рационал тил сиёсатини танлашдаги муҳим йўналишидир, таъсирчан давлат тил сиёсатини ишлаб чиқиш эса мавжуд тил вазиятига нисбатан бир хил баҳо берилишини талаб этади.

1.6. Тилнинг ассимиляцияси ва тил зиддияти тушунчаси

Чэн Юан (1988: 38 - 40) Шарқ ва Ғарб маданият, муомиладаги одатлари психик белгиларининг катта тафовутлари ҳақида тўхталиб шундай тўхтамга келади: “Жамият шаклланган одатларни кенг маънода айтиладиган бўлса, (кадриятлар кўзда тутилмоқда.) маданиятнинг ажралмас қисми. Ғарбликлар ҳозирни, шарқликлар эса келажак билан боғлиқ улуғ мақсадларни қадрлашга одатланганлар. Илмий (ҳисобот) маъруза қилаётганда шарқликлар ва ғарбликларда турлича одатлар бор, шунинг учун ҳам улар тафаккурида ўзига хос тушунчалар шаклланган бўлиб, тил муносабатларида турлича ибораларни қўллайдилар”. Масалан, шарқ кишиси маъруза дебчасини куйдагича бошлайди. “Мен бу масалани, тўлақонли ўргана олмадим. Фақат бир озгина юзаки фикр билдирмоқчиман холос, балки бу ҳам умуман нотўғридир.” Ғарблик киши учун бундай шарқона илтифотнинг ғалати туюлиши табиий. Ва бу ғарб менталитетида ўсиб вояга етган киши учун салбий фикрни келтириб чиқариши табиий.

Яъни, “ҳали етарлича ўрганмаган экансан, нима учун сўзга чиқдинг? Юзакилигини билар экансан, унда нега ишлов бериб сўзлмайсан? Нотўғри деб ҳисоблар экансан, нима учун, сахнага чиқдинг?... ва ҳ.к.з.” аксинча ғарблик киши одатига кўра “бу маърузани мен уч йил давомида ўргандим, бутун куч ва борлиғимни сарфладим. Ушбу мавзу устида илгарилари маъруза қилинмаган деб ҳисоблайман ва. ҳ.к.з.” Агарда таҳлил қилинса, бу каби қарашларнинг шаклланиши бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас, балки булар узоқ тарихнинг маҳсулидир. Шундай экан, у ёки бу миллатга хос одатларни буниси яхши, униси ёмон дейиш ноўриндир. Албатта, одатлар, қарашлар тафаккурдаги эврилишлар жамият ривожланиши ёки жамиятдаги муҳит ва шарт - шароитларнинг ўзгариши билан янгиланишларга учрайди.

Ўз навбатида, тилда бундай жараёнларнинг кечиши тил лексикасининг ўзгаришларига таъсир қилади. Нутқий мулоқот турли маданиятлар туфайли шаклланган бундай тафовутлар мулоқотдаги бир қатор зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, ташқи омиллар таъсирида хитойларнинг тилдаги ифодалаш фикрлари, қарашлари ҳам ўзгарди. Хусусан, хитойларнинг одати бўйча анъанавий тил жамиятида бошқаларнинг мақтовига жавобан 哪里,哪里 nali, nali (қўйсангизчи, йўғ-е) дея илтифот кўрсатиш хитой тилида кенг тарқалган ифода белгиси бунга айнан мисол бўлиши мумкин. Агарда, бирор бир киши бошқаларнинг мақтовига нисбатан “рахмат” деб жавоб берса, кишилар уни манмансирашга йўядилар. Вақт ўтиб бориши билан хитой жамиятида кишилар тилида раҳмат айтиш ҳам русм тусини олмоқда. Бу асосан, Хитой тили ўрта мактабларида инглиз тилини ўрганаётган ўқувчиларни мақташ учун ” thenk you” раҳмат” айтиб миннатдорчилик билдириш ва .ҳ.к.з. демак мана шу жараёнда тилдаги ижтимоий муносабатларда иккаласини бир ўринда қўллаш вазияти юзага келади.

Кўп вазиятларда тил зиддияти тушунчаси ўрнига тилга нисбатан сиёсий зиддият тушунчасини ишлатишса мақсадга бирмунча мувофиқроқ бўлур эди. Масалан, кўчиб келган ёки кўчиб борганларни мисол тариқасида оладиган бўлсак, тил билан боғлиқ зиддиятга дуч келиши табиий. Яъни, бу зиддият кўчиб келганларнинг тил томондан ассимиляциялашуви ёки мослашуви билан ўз якуний қарорини топиши керак. Лекин, бошқа тил ижтимоий гуруҳи учун бу муаммо синфий кўрсаткич сифатида аввалгидек мавжуд бўлавериши мумкин. Юқорида кўриб чиққан кўчиб келганларнинг тили ёки шевасига алоқадор материалларда, уларнинг ўзларининг тили ёки шевасини ички

тортишиш кучини сақлаб қолувчи курул этиб олишни кўп кузатиш мумкин. Масалан, Канадада француз тилида сўзлашувчи кишилар инглиз тилини ағдариб ташлаш керак деган фикрда яқдил бўлиб, фақат француз тилини қўллаб-қувватлайдилар. Инглизлар эса аксинча. Уэльс миллатчилари Уэльснинг катта шосселаридаги инглиз тилидаги ёзувларни бўяб ўчириб ташлайдилар. (Кут В Вак, 1986.). Шимоли – шарқий Африкадаги Судан мусатқилликка эришгач ҳукумат араб тилини қайта тиклашни қўллаб қувватлайдилар. Сўнгги йилларда араблаштиришни тарғиб этиш жараёни билан инглиз тилида сўзлаша олувчи кишилар борган сари озайиб кетади. Бутун жаҳон яҳудийлари бирлашиб СССР ҳукуматининг яҳудий тилда аарларнинг чоп этилишини рад этишга ҳамда яҳудий тилида таълим бериладиган мактаблар ва яҳудий тилида ижро этиладиган театрларнинг зўрлик билан ёпилишига қарши чиқдилар. Сўнгги пайтларда Европа иттифоқида тил масаласида ҳам кўплаб низолар юз бермоқда. Франциянинг тил масаласида муомилага келиши даргумон.

Тилни қўллашда(фойдаланишда) яна диққатга сазовор бир қатор вазиятлар мавжуд. Бир маданиятда жуда яхши ҳисобланган нарса, бошқа бир маданиятда жиддий масаланинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Гўёки бир маҳсулот, қайси бир миллат учун тансиқ, иккинчи миллат учун эса айни ўша тансиқ маҳсулот ҳақорат каби туйилиши мумкин. Масалан, XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида АҚШда кенг тарқалган автомобиль компанияси Мексикага биринчи партия автомобилларини олиб киради. Автомобиль Шевролет Нова номини олади. Мексикада, афсуски, у русмдаги автомобиль ўз харидорини топмайди, яъни касодга учрайди. Чунки, “Нова” у давлат тили лексикасида “югура олмайди” деган маънони англатарди (王孝忠 Wang Xiaozhong 1991). Шу боис, 1985 йили 30 март куни Хитой билан доимий дўстона муносабатда бўлиб келган Миср ҳукумати Хитой экспорт қилган шиппакларни конфискация қилади. Сабаби шиппакнинг пошнасидаги сирпанишдан сақловчи нақши араб ёзувидаги “Аллоҳ” сўзи шаклига яқин экан (Wang Xiaozhong 1991).

Социолингвистлар тилни маданий ассимиляциялашув (қоришиб кетиш) жараёнида муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар. Ассимиляция доимо тақлидий ҳаракатлар ва тилни ўрганишдан бошланади. Афтидан, Собик иттифоқ барҳам топгандан кейинги маконларда хитой тили билан боғлиқ вужудга келган вазиятни

шунга яқинроқ ҳолат деб қараш мумкин. Лекин фақат ҳаракатларнинг тақлиди бўлиб, тилларнинг мослашуви бўлмаса ассимиляцияни тугаллаб бўлмайди.

Тил бу ассимиляциянинг муҳим қуроли ва ассимиляцияни якунига етказувчи асосий бир белгидир. Тафаккур этиш услуби ҳаракатлар услубини бошқаради. Тафаккурда ассимиляция жараёнлари кечган тақдирдагина амалда ҳаракатларда ассимиляция юз беради. Тафаккурни тилдан айро тушуниб бўлмайди. Тил 2 хил кўринишларга эга маданиятни бирлаштирувчи кўприк вазифасини бажаради. Ушбу кўприк бўлмаса, бошқа миллат маданиятини қабул қилиб бўлмайди. Бунда ассимиляция тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Тил ассимиляцияси икки турга эга: Яъни мажбурий ва ихтиёрийдир. Ўз даврида Европа давлатлари томонидан Шарқ давлатларининг босиб олинishi оқибатида, босиб олинган халқлар тилини сиқиб чиқариш учун тилда мажбурий ассимиляция сиёсати олиб борилган²³. Тилда ассимиляция сиёсатини олиб бориш эса амалда мустамлакачилик сиёсатини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам берарди. Ўз ўрнида тилда ўтказиб келинган ассимиляциялашув сиёсати эзилаётган миллатларнинг қарши курашларига сабаб бўларди. Масалан, буни Хитой Япония урушидан сўнг (1895 йил), Япониянинг Тайванда олиб борган ярим асрлик мустамлакачилик сиёсатида кўриш мумкин. Шу даврлар мобайнида Япония ҳукумати Тайванга мажбурий тил ассимиляцияси сиёсатини ўтказди.

Жанг Мэнсинг (1991) тадқиқотида кўра, Япониянинг мажбурий ассимиляция сиёсати, Тайванда тез суратлар билан япон тилида сўзлаша олувчиларнинг сонини ошишига таъсир ўтказди. Лекин, мазкур ўринда социолингвистларнинг янада эътиборини ўзига тортган нарсаси бу япон истълочиларининг тил ассимиляцияси сиёсатидан дастлаб истаганидан ҳам бутунлай акс натижа келиб чиққан эди. 1. Тайван шеваси, асосан тайваннинг жанубий мин шеваси Японияда кенг тарқалиб, тайвань шеваси мулоқот доираси ва таъсирини кенгайтди.

2. Японлар ўқитишда Тайван шевасини қўллашлари зарурлиги туфайли тайвань шевасини (асосан яна тайвань жанубий мин шевасини) қайд этиш ва тартибга келтириш учун жуда кўп куч – қувват сарфлайдилар. Натижада нафақат Тайван шевасидаги ёзма тил материалларини бойитибгина қолмай, балки яна тадқиқот шевасининг ўрганиш даражасини ҳам ўстирдилар.

²³ Бизнингча, собиқ иттифок таркибида бўлган бугунги мустақил давлатлар тил тараққиёти билан боғлиқ кечаётган тенденциялар ҳам бундан истисно эмас.

Бинобарин, тадқиқотлар хулосасига кўра, Япониянинг Тайванни 50 йил мобайнида идора қилган даврида Тайваннинг жанубий мин шеваси Фуцзяннинг жанубидаги мин шевасидан катта фарқ қилмаган. Япониянинг тил ассимиляцияси сиёсати уларнинг Тайван шевасини йўқ қилишдек, беъмани мақсадига ҳеч ҳам эриша олмаган. Жанг Мэнгсинг (1991) Тайваннинг озодликка чиққанидан кейинги тил вазияти ассимиляцияси жараёнини таҳлил қилиб қуйидаги уч жиҳатини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилади. 1) Тайван халқи бошқа халқнинг босқинига қаттиқ қаршилик кўрсатувчи миллий туйғуга эга эдилар. Ярим асрлик давр мобайнида Тайван халқи японларнинг тил сиёсатига узликсиз қарши кураш олиб бориш натижаси; 2) 1919 й. “4 май ҳаракати”дан олдинги ва кийинги “Байхуа ёзуви ҳаракати”нинг тайванга таъсири. Бу ҳаракат Тайван зиёлиларида демократик кайфиятни уйғотди. Улар бу ҳаракатга янги Тайван маданиятини яратишнинг ибтидоси сифатида қарайдилар ҳамда японларнинг тил сиёсатига қарши муросасизларча кураш олиб борадилар. Тайван шеваси ривожланишининг муҳим омили бўлди.

3) Ҳар қандай бир тил ва шева сингари, тайван шеваси хитой тилининг бир шеваси сифатида ўзга бир нисбий барқарорликка эга. У тил ҳаётида четдан ўзга тил унсурлари кириб келсада, ассимиляцияга берилмайди. Аммо, тил сифатида ўзга тиллардан айрим сўз элементларини қабул қилиши ва унинг ҳисобида тил лексик бойлигини ошириши мумкин. Ва бу адашмасак, барча тилларга хос бўлган ўзгармас қонуният ҳисобланади.

Малайзиядаги хитой эмигрантлари жамияти ҳам хитой тилидаги таълимни қўллаб қувватлаш мақсадида доимий курашлар олиб борадилар. Малайзиянинг хитой тилидаги таълими 1819 йилдан бошланиб (Лу Тингюй 1981), 100 йилдан кўпроқ тўсик ва қийинчиликларни бошдан кечиради. Эндиликда кичик, ўрта ва институт хитой тилидаги таълим тизими шаклланиб бўлди.

Бу малайзиялик хитой эмигрантларининг ўз она тилини сақлаб қолиш учун қилинган кураш натижасидир.

Тил зиддиятининг яна бир кўриниши ташқи таъсир туфайли бир тилнинг иккинчи тилга бўйсиниши ёки мослашишидир. Давомли курашлардан сўнг истар-истамас (тилида-муаллифлар) шу йўлни танловчилар кам эмас. Шеванинг умум миллий яқинлашув ҳодисасини унинг бир кўриниши дейиш мумкин.

Боб бўйича саволлар

1. Социолингвистика қандай фан?
2. Социолингвистика ва жамият тили алоқадорлиги деганда нимани тушунасиш?
3. Социолингвистика қандай фанлар билан алоқада бўлади?
4. Социолингвистиканинг фан сифатида қачандан бошлаб ривожлана бошлади?
5. Социолингвистика ҳақидаги назарий қарашлар ва мактаб асосчиларини айтиш?
6. Тил вазияти нима?
7. Тил сиёсати нима?
8. Тил сиёсати ва вазияти хусусиятларини нималарда кўрасиз?
9. Тил ассимиляцияси тушунчаси нима ?
10. Тилнинг дифференциялашуви нима?

Амалий машғулот учун саволлар

1. Жамият ва шева тилларини фарқланг.
2. Тилнинг диахроник тушунчаси деганда нимани тушунасиш?
3. Тилнинг синхроник тушунчаси ҳақида маълумот беринг.
4. Халқ тили нима?
5. Бадиий тил нима?
6. Миллий тил нима?
7. Тил диссимляцияси нима?
8. Адабий тил нима?
9. Икки тиллик тушунчаси?
10. Давлат (расмий) тили нима?
11. ХХРда расмий тил қандай номланади?
12. ХХРда социолингвистика қачон пайдо бўлган?
13. ХХРда миллий тил сифатида қайси тил қабул қилинган?
14. Хитойда социолингвистика фани асосчиларини айтиш?

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Хитойда социолингвистика фанининг риволаниши.
2. Социолингвистика мактаблари ва йўналишлари.
3. Бугунги тил сиёсатида оид концепцияларни илмий таснифлаш.
4. Хитойда шеваларнинг тарихий шаклланиш жараёнлари.
5. Хитой тилининг тараққёт эволюцияси.
6. Ўзбек хитойшуносларининг социолингвистика фанига қўшган хиссаси.
7. Хитой тилида расмий, миллий, бадий ва давлат тил тушунчалари.
8. Тилшуносликда этнолингвистик тушунчаси .

II БОБ ХИТОЙДА ШЕВАЛАРНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: Хитойда ёзма ва адабий тилнинг вужудга келиши тарихи; миллий ва адабий тил фарқли жиҳатлари; давлат расмий тили, тил сиёсати ва тил вазияти ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлиш, Хитойда шевалар ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Таянч сўзлар: Хитойда Шимолий ва Жанубий лаҳжалар, Хитойда лаҳжа тилларининг тарихий шаклланиш босқичлари, лаҳжа ва шеваларнинг фарқи, 文 言 wen yan (вэнян) ва 白话 baihua (байхуа) тили ва уларнинг фарқли жиҳатлари, хитой тилида 普通话 Putonghua (Путунгхуа) тушунчасининг пайдо бўлиши, хитой шеваларининг типологик таҳлили ва турлари, 官话 guan hua (гуан хуа), 国 话 guohua (гуо хуа), 华语 huayu (хуа юй) атамаларининг этимологик келиб чиқиши ва фарқли жиҳатлари, демографик жараёнларнинг тил жараёнларига таъсири.

2.1.XХРда шеваларга муносабат масаласи

Хитойдаги лингвистик вазиятнинг асосий таркибий қисми хитой тили ва миллий камчилиқни ташкил этувчилар тили ҳисобланади.

Хитойдаги лингвистик вазият табиий ва ижтимоий – тарихий омиллар таъсирида шаклланган.

Хитой тилининг тарқалишига кўра тил вазияти иккита асосий таркибга бўлинади:

1). Хитойда 方言(fangyan) шеваларнинг кўп сонли эканлиги ва ўзига хослиги хитойдаги узоқ вақт мавжуд бўлган феодализмнинг меросидир.

2). Ривожланиб бораётган 普通话 (putonghua) — умумий, оддий) умумхалқ хитой миллий тили.

Шарқий Осиёда хитой этносининг кенг тарқалиши этник ва лингвистик жараёнларнинг фаол аралашиб кетишига олиб келди²⁴. Хитой тил тизимидаги асосий ўрин ҳудудий жиҳатларга — маълум бир ҳудуднинг шевалараро муомила воситаси ролини ўйновчи йирик сиёсий марказлар 北京(Beijing), 上海 (Shanghai) (Пекин, Шанхай ва бошқалар) шеваларига тегишлидир. Бундан ташқари барча қишлоқларнинг аҳолиси учун мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилувчи, уларга тегишли бўлган, уезд марказлари шевалари ҳам шундай роль ўйнайди.

Хитой тили шевалари ўртасида фонетик (асосан) лексик, имловий фарқликлар ўз ўрнига эга бўлиб, улар, айтиш жоизки, шу тилнинг бирлиги таркибига путур етказмайдилар. У шева ва миллий тилнинг фонетик, мутаносиблиги тизимининг мавжудлигига кўра юзага келиб, грамматик қурилиш ва лексиканинг асосий қисми умумийлигида намоён бўлади. Хитой шевалари ўртасидаги фарқлиқ даражаси бир хил эмас.²⁵ Бу эса шева тилида фойдаланувчиларнинг мулоқотларига қаршилик

²⁴ Хитойда миллий ўзликни тарихан эрта кечиши, кейинчалик Хитой музофотларида кўшни яшаган ўзга халқ ва элатларни ханлаштириш жараёнида ҳал қилувчи ўрин тутади. Хусусан, Хитой маданияти қадимдаёқ кўчаманчи қабилаларга чуқур таъсирини ўтказа олди. Хитой музофтига ўрнашган тобийлар (милодий II – III асрлар) тадрижий йўл билан оммавий равишда Хитойларга сингишиб кетдилар. Бутун тобийлар Хитой фамилияларини қабул қилган. Улар шаманизм билан бирга буддизмга эътиқод қила бошладилар. Хитой тили уларнинг расмий тилига айланиб, тоба тили жамият ҳаётида ўз аҳамиятини йўқотди.. Тобалар томонидан хитой тилига ўтилиши эса, уларда миллий онг ва тафаккурини ҳам ўзгаришга олиб келади. Тобалар қадимги Сянпиларнинг /муғуллар назарда тутилади./ аждодларидир. Қаранг: Симоновская Л.В. Эренбург Г.Б. Юрьев М.Ф. «Развитие феодальных отношений в III – VI вв.»/ Очерки Истории Китая – Учпедгиз 1956. -С. 43. Хитойлар билан боғлиқ бу жараён нафақат тобалар учун, балки Хитой музофотларида кўшни яшаб келган бошқа элат, халқ ҳаттоки миллатлар учун бирдай аҳамиятга эгадир. Сабаби, Хитойнинг тил омили билан боғлиқ бу жараён Тибет ва Синьцзян миллий автоном районлар масаласида ХХI асрга ўтиб ҳам давом этмокда.

²⁵ «Свыше половины всего населения Китая овладели общенародным языком «путунгхуа»» // Контимост № 9. 2006.

қилмайди. Бундай шевалар асосан бир ҳудудда, зич ҳолда бўлиб, ягона шева гуруҳини ташкил этади. Бошқа шевалар эса сезиларли даражада фарқланадики, натижада бу тилда сўзлашувчилар ўртасидаги мулоқотни ёхуд мураккаблаштиради ёки бутунлай мумкин бўлмайдиган даражага олиб бориб қўяди. Бундай шевалар кўпинча турли географик ҳудудларда шаклланган бўлиб, шеваларнинг турли гуруҳларига мансубдирлар. Замонавий Хитойдаги тил вазиятининг характер жиҳатларидан бири ундаги кўпсонли шеваларда ифодаланади. Хитойда тил билан боғлиқ шевалар қадимдан мавжуд бўлиб бу жараён хитой тилининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб келган. Бундай шеваларнинг борлиги эрамиздан олдинги IV асрда яратилган 孟子(Mengzi) Мэнгзининг адабий эсдалигида ҳам учрайди. (Қадимги Хитой файласуфи Мэнгзининг фалсафий сиёсий, этик ва кундалик – маиший характердаги мулоҳозалари)²⁶. Ҳозирги давр тадқиқотчилари хитой тилининг шеваларини еттитадан ўнtagача асосий гуруҳларга бўлинишини ҳисоблаб чиққанлар.

Хитойдаги лингвистик вазият ҳозирга қадар кўп миллатли давлатнинг кучсиз интеграциялашган ҳудуди ва алоҳида аҳоли қисмлари ўртасидаги етарли даражада мустаҳкам бўлмаган алоқалар туфайли жуда кўплаб фарқли томонларига эгадир. ХХРнинг бундай шева хусусиятларида шевалараро бир – бирини тушуниш мутлақо мумкин эмас²⁷. Хитой аҳолисининг бир неча юз йиллар давомида, ёзувсиз шеваларда сўзлашиб келганлиги бунинг асосий мезонларидан бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг дастлабки йилларида анъанавий умумдавлат мулоқот воситаси сифатида 文言(wenyan) ёзма тилидан фойдаланилган бўлиб, бу тил грамматик қурилиши жиҳатдан қадимги хитой тилига асосланган эди. Хусусан, барча умумий-сиёсий, илмий ва бадиий адабиётнинг катта қисми Вэнян тилида ёзилган.

Хитойда ёзма ва оғзаки тил тарихи ҳақида гап кетганда қуйдаги аломатларга эътибор бериш керак бўлади. Яъни, бу қадимги ёзув: 文言(wen yan) вэнян (мил.ав. XIII - мил.VIII аср), (baihua) байхуа 白话(мил.ав.IX ва б. мил. XVаср) ва оғзаки 鸭言(ya yan) Яа ян, (милодан аввал VII ва б. мил. VI аср), 通话(tong hua) тонг хуа(VII – XIII), 官话(guan hua) Гуанг хуа (XIII -), 国语(guoyu) гуоюй (1912 - 1957йиллар), 普通话(putonghua) Пу тунгхуа (1957 йилдан ҳозиргача бўлган давр). Шунингдек, хитой

²⁶ Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку. – М.: 1957 г. – С.11-31.

²⁷ Странтанович Г.Г. Проблемы истории «Китая» и культуры «китайцев» периода Чжоу (историческая периодизация достоверность источников, генезис, южной бронзы) // Ранняя этническая история народов восточной Азии «наука» М., 1977.

ёзуви тил тарихида 文言 Вэн ян 1600 йил; оғзаки тил сифатида 鴨言 Яа ян деярли бир ярим минг йиллик тарихига эга. Оғзаки тил я яннинг давоми сифатида тарих сахнасига чиққан, 通话 Тунг хуа 700йил, 官话 Гуан хуа 712 йил, 国语 Гуо юй 45йил, 普通话 Путунгхуа эса 60 йилдан кўпроқ тарихий жараёни камраб олади.

Тахминан VIII - XV асрдан бошлаб Хитойда янги байхуа (baihua) — «оддий тил», деган адабий тил пайдо бўлиб, жамият тил ижтимоий ҳаётида шеваларни умумлаштирган эди. Байхуа оғзаки нутқ меъёрларига таянарди. Унда ўша даврдаги асосий адабий жанрлар: қиссалар (кейинчалик романлар), шеърият, драмалар яратиларди. Байхуа матнларини ёзишда ҳам худди вэньяндаги каби иероглифлардан фойдаланиларди. Ўша даврдан бери Хитойнинг умумдават ички коммуникациясида шу икки тилдан фойдаланиш анъанаси сақланиб қолган: вэньяндан ўрта асрлардаги девонхона тили, байхуадан эса бадий адабиёт, маданият ва фанда қўлланиладиган бўлинди. Уларнинг ягона битта географик ёзувига эга эканлиги, тил сифатида уларнинг бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалишини таъминлади. Оғзаки муомилада эса ҳамон ёзувсиз шевадан фойдаланиш анъанаси сақланиб қолган.

Фаол демографик жараёнлар натижасида юзага келган оммавий — шахсий мулоқотлар, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий интеграциялашуви кўп ёки кам ҳолда умумийликка эга шеваларнинг барқарор муомила тизимини яратишга олиб келди. Бу шевалар билан бир қаторда эса турли шева тил ҳудудлари мулоқотига мўлжалланган шевалараро мулоқот қилиш воситаси ҳам юзага келди.

Замонавий Хитой миллий тилининг қайд этилган лингвистик вазиятлар шаклланиши шартлари бир вақтнинг ўзида иккита йўналиш бўйича юзага келади. Улардан бири ҳар доим шевалараро оғзаки мулоқот воситасининг қарор топиши ва ривожланишига олиб келувчи тартибсиз лингвистик интеграциядир. Янги замонда бу жараён мамлакатнинг алоҳида қисмлари ўртасидаги иқтисодий ва идоравий—сиёсий алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши — турли шеваларда сўзлашувчи одамларнинг доимий ўзаро мулоқотда бўлиши, катта шаҳарлар, ташкилот, қурилишлар, куролли кучлар ва ҳ.к.лардаги мулоқот туфайли жадаллашиб бормокда.

Мамлакатнинг XIX аср охирига келиб ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари туфайли Хитойда бир нечта лингвистик интеграция марказлари бор эди. Улардан энг йириги эса, Пекин тилига асосланган, улкан адабий анъаналарга эга шимолий маркази

эди. Унчалик йирик бўлмаган марказлардан — Шанхай тилига асосланган, жанубий-шарқий Сямэн тилига ва жанубий, Гуанчжоу тилига асосланган марказ ҳам бор эди.

Бу марказларнинг барчаси ўз адабий анъаналарини ишлаб чиққан бўлса-да, аммо тарқалиш кўламига кўра бирортаси ҳам шимолий марказ билан тенглашолмасди.

Шу боис XX аср бошида (аниқроғи 1911 йил)Хитойда миллий тил учун ҳаракатлар бошланиб, унинг асоси эса, табиийки шимолий Хитойдаги шевалараро муомила воситаси сифатидаги — гуаньхуа (guanhua) тили танланди. Шунга мувофиқ Жанубий Хитой лингвистик марказларининг жамиятдаги аҳамияти пасайиб кетди.

Хитой миллий тилининг шаклланишидаги бошқа йўналиш сифатида миллий тилни яратиш ва унинг нормаларини мукаммаллаштиришга қаратилган фаолият ҳам мавжуд. Бу фаолиятда миллий тил яратувчилари ҳисобланган ёзувчилар қаторида, тил амалиётини умумлаштирувчи ва кодлаштирувчи лингвист-олимлар ҳам иштирок этадилар.

Хитойда миллий тилнинг бутун мамлакатдаги умумий мулоқот воситасининг асоси сифатида тан олинishi ва ундан фойдаланиш тизимининг мунтазам кенгайтирилиб борилишига қарамай, замонавий шевалар ёндашуви ҳамон мустаҳкамлигича қолмоқда.

Аҳолининг 90 фоизини деҳқонлар ташкил этувчи мамлакат аҳолиси ҳамон илгаригидек шевада сўзлашади, уларнинг фақат бир қисмигина шевалараро мулоқотнинг у ёки бу воситасини қўллай олади.

Хитой асосан иккита катта шевага (лаҳжа) гаплашувчи ҳудудларга бўлинган: шимолий ва жанубий шевалар.

70 % Хитой аҳолиси истиқомат қиладиган шимолий шева ҳудуди хитой тили тарқалишининг 2/3 қисмини ташкил этиб, бу ерда 官话(guanhua) Гуанхуа(шимолий) шева гуруҳи шаклланган. Умумий хитой адабий тилининг асоси ҳисобланувчи шимолий шевада 北京话(Beijingshua) пекинча сўзлашув орфоэпия — тўғри адабий талаффузнинг нуфузли базасини жорий этишдаги алоҳида ўрни билан ажралиб туради. Пекин сўзлашуви — шимолий шева тизимига нисбатан ўзига хос ва бетараф гаплашиш усули бўлиб, унда ижтимоий шеванинг бошқа сўзлашувларидан кескин фарқлантирувчи жиҳатлар кўринмайди. Хитой тили тарқалишининг жанубий шева 南方话(Nan fanghua) тилида қўллаш мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмини ташкил этиб,

30% Хитой аҳолисида иборатдир ҳамда куйидаги гуруҳларга кирувчи шеваларни ташкил этади.

Бир-биридан кескин фарқланувчи шевалар, нафақат ёзув, балки оғзаки нутқда ҳам битта умумий кенг тарқалган ва ҳаммага тушунарли бўлган адабий тилнинг йўқлиги мамлакатнинг умумий-сиёсий, хўжалик ва маданий тараққиётида кўплаб ноқулайликларни юзага келтиради²⁸.

Миллий тилнинг тарқалиши давлат назоратида бўлади. ХХРнинг 1982 йилда қабул қилинган Конституциясининг 19-моддасида давлат путунхуа миллий тилининг тарқалиши вакиллигини олган. Хитой тарихида биринчи бор мамлакат Конституциясига жамоатчилик мавқеини мустаҳкамлаш ва ошириш мақсадида давлат тили тўғрисидаги қонун киритилди.²⁹

Шевалар, миллий тил билан ажралмас тарзда боғланган замонавий хитой тилининг жонли стихиясини ифодалайди. Алоҳида ҳолда бу боғлиқлик — миллий тил ва шева тилларида тенг сўзлаша олиш диаглоссия шаклини олади. Шу сабабдан ҳар қандай вазиятда ҳам оғзаки нутқ каби, ёзма матн ҳам миллий тил ва шеваларнинг ўзаро таъсир майдони сифатида намоён бўлади.

Умум миллий тил атамаси 1955 йилга келиб ёзув ислохотларига доир ўтказилган Умумхитой конференциясида қабул қилинган бўлиб, хитой миллий тили атамаси 国语 (Guoyu) — «давлат тили» тушунчасига расмий равишда ўзгартирди.³⁰

普通话 Putonghua икки шаклда — оғзаки сўзлашув ва ёзма – адабий кўринишларда мавжуддир.

Тил ва ёзув муаммоларига бағишланган, нафақат марказда, балки жойларда ҳам ўтказилган турли конференцияларда, путунхуанинг тарқалиши бу асло шеваларни йўқотиб, унинг ўрнини умумхитой адабий тилига дарҳол алмаштириш эмаслиги қайта-қайта таъкидлаб борилган. Шеваларни буйруқ билан йўқотиб бўлмайди, қолаверса, ҳозир ҳам айрим ҳудудларнинг аҳолиси билан фақат шевалардагина гаплашиш мумкин.

Аммо путунгхуани жамият ҳаётига сингдириб юбориш асло маҳаллий шеваларга нисбатан беписандлик ёки уларни йўқотишга уринишни ифодаламаган. У фақат ўз

²⁸ Пейрос И.И. Старостин С.А. О генетическом сравнении китайского и тибетского языков (фонетические соответствия) // Ранняя этническая история народов восточной Азии «наука» М., 1977. -С 209 – 220.

²⁹ “Конституция - КНР – 1982” // ”Китайская Народная Республика ежегодник” . Изд-во”Наука” М.: 1982.

³⁰ Чжоу Югуан. Модернизация Китайского языка и письменности (Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XII Языкознание в Китае – М., 1989. – С. 376.)

она тилинигина билувчи одамларгагина кўмаклашиш, турли ҳудудларда яшовчилар билан мулоқотда бўлиш имкониятига эришиши, бошқа-бошқа шеваларда сўзлашувчиларнинг бир-бирларини тушуна олишларига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Адабий талаффуз – адабий тилнинг шартли белгиларидан биридир. Адабий тилнинг мустаҳкам шевасини қарор топтириш тилнинг ривожланишидаги умумий тенденцияларни ифодаловчи, нисбатан кенг тарқалган шевага суянади.³¹ Бу шева кўпинча бирор бир аҳамиятли идоравий – сиёсий ёки маданий марказ шеваси бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шева ўз таркибида, одатда бир-биридан асосан талаффуз этилиши, фонетикаси билан фарқланувчи бир нечта сўзлашувга эга бўлади. Шу сабабдан адабий тил талаффузи ечимини топиш шевага эмас, тарқалиш ҳудуди камроқ бўлган қандайдир нуфузли сўзлашув усулига тенг бўлиши керак.

Хитой тилининг турли мавжудлик, шакллари (шевалар ва ҳудудий койне, оғзаки ва ёзма шаклдаги путунхуа) функционал йўналтирилган ва мулоқотнинг турли тизимларига хизмат қилади. Хитой адабий тили ХХРда миллатлараро, умумдават муомала воситаси ролини ўйнайди. Қолган тиллар эса мактаб иши, маҳаллий матбаа, маҳаллий давлат аппарати ва иш юритишида қўлланилиши, бу тилда турли адабиётлар нашр этилиши мумкин³².

2.2. Хитой шеваларини қиёсий - типологик таснифи

Тарихий манбларнинг қайд этилишича, Шимолий ва Жанубий шева ҳудудлари тарихий тақдирлари турлича кечган.³³ Давлатнинг бутун тарихий ривожланишида Шимолий Хитой тарихий воқеалар таъсирида кескин ўзгаришларга бой бўлган, буларда давлатнинг ушбу қисмидаги ўзгаришларда аксарият аҳолиси иштирок этган. Давлатнинг жанубий қисми ҳар доим тинч воҳа бўлгани боис, бу ерда доим Шимолдан қочоқ бўлганлар кўним топишар эди. Жануб алоҳида ҳудудларга бўлинган бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар учун қулай бўлмаган, шунинг учун унинг сиёсий тақдири кўпинча марказий текисликда ҳал бўлган. Буларнинг ҳаммаси лингвистик вазият Хитойнинг шимоли ва жанубида турли ривожланишларга олиб келган. Шимолий Хитойдаги сиёсий воқеалар мазкур ҳудуддаги шеваларнинг яқинлашишига ва турғун

³¹ Сердюченко Г. П. К вопросу о квалификации народов и языков Китая. «Советское востоковедение» - 1957г №4.

³² Кўрсатилган манба.

³³ Энциклопедия Китая // “Прогресс” – М.: 1989.

мулоқотнинг кенг доираси пайдо бўлишига олиб келган. Бу сабаблар ҳозирги пайтда ҳам шевалар ўртасидаги фарқларга қарамасдан улар ўртасидаги мулоқотга имконият яратишга эгадир.

Жўғрофик бўлинган Жанубий Хитой аҳолиси учун ушбу ҳудуд ягона эмин-эркин мулоқот марказига айлана бошлаган. Аҳоли асосан катта дарёлар воҳасида жойлашганлигидан улар бир-биридан баланд тоғлар билан ажратилган; мазкур ҳудудларда, одатда, кам сонли миллатлар яшаган, улар Хитойнинг бошқа ҳудуд аҳолисига шубҳа билан қараган. Шунинг учун ўзининг бевосита қўшниси билан мулоқот қилиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлмаган. Аслини олганда, айнан шунинг учун Жанубий-Хитойнинг ҳар бир ўлкасининг аҳолиси ўз шевасида гапиради: Чжэян – Ўз гуруҳи шеваларида, Цзянси – Ган гуруҳи ўз шеваларида; Хунан – Сян гуруҳи ўз шеваларида, Фуцзян – Мин гуруҳи ўз шеваларида, Гуандунг-Юэ ва Хакка гуруҳлари ўз шеваларида мулоқат қилганлари учун ушбу ўлка ягона мулоқотли ҳудуд деб ҳисобланмаган. Денгиз - олди Чжэян, Фузян, Гуандунг, Гуанчжоу ўлкалари доимо денгиз олди ва денгиз савдоси билан боғлиқ бўлган, Цзянси ва Хунан ўлкалари эса денгиз олди ўлкалар ва ўзаро боғлиқлиги бўлмаган континентал ареаллар бўлиб қолган.

Гуанхуа умумий номга эга бўлган Шимолий Хитой шевалари унинг ҳудудида тарқалган, ушбу ҳудудга Шимолий Хитой провинциялари, ҳамда Сичуан, Юннан, Гуйчжоу ва Гуангси провинциясининг шимолий ғарбий қисми киради. Бу ҳудудда мамлакатни хитой аҳолисининг 70% ортиқ қисми истиқомат қилади. Бу шевалар гуруҳи қуйидаги гуруҳларга бўлинади.³⁴

Шимолий шева: Хуангхэдан шимолда жойлашган Цзянгсу ва Анхой ўлкалари қисми, Шандун вилоятининг ғарбий ва марказий қисми, Хэбэй, Хэнан ўлкалардан ташкил топган ареалда тарқалган. Бундан ташақари, Шимолий, Шарқий Хитой ва Ички Муғулистоннинг Шарқий қисмида тарқалган.

Шарқий шандун шеваси: (Изяодунг – хитойча номи) – Шандунг ярим оролини шарқий қисмида тарқалган.

Шимолий-ғарбий шева: Шанси, Шэнси, Гансу, Нингся-хуэй автоном ҳудудлар, ички муғулистонни ғарбий қисмида, хэбэй вилоятининг ғарбий қисмида, Хэнань ўлкасининг шимолий қисмида тарқалган.

³⁴ Астрахан Б.Б. Заявьялова О. И. Софронов М.В. Диалекты и национальный язык в Китае. «Наука». М., 1985. - С 13 - 19.

Жанубий-ғарбий шева: Сичуан, Юннан, Гуйчжоу, Гуангси провинциясининг шимолий-ғарбий қисми, Хунань вилоятининг ғарбий қисми, Хубэй вилоятининг марказий ва ғарбий қисмида тарқалган.

Янцзи-Хуанхэ дарёлар оралиғи шеваси: Анхой ва Цзянгсу ўлкалари, хуанхэдан Жанубда, Янцзи дарёсининг иккала қирғоғида Цзюцзянг (Цзянгси вилояти) ва Чжэнцзянг (Изянгсу вилояти) оралиғида тарқалган.

Чу шеваси: бу ерларда аввал жойлашган қадим-Хитой подшоҳлиги номи билан аталади, Янцзининг шимолий соҳилида Хубэй ўлкасининг шарқий қисмида тарқалган.

Тун-Хуэй субдиалект шеваси: Изян-Хуай дарё оралиғи шеваси таркибида ажралиб туради. Унинг ичида икки гуруҳ фарқланади. Тунг гуруҳи Цзянгси вилоятининг 10-уездда тарқалган: Нантунг, Жигао ва хоказо, Хуэй гуруҳи эса — Анхой вилоятининг олти уездида Шэсянг (Хуэйчжоу), Сюнинг ва хоказоларда тарқалган. Ушбу гуруҳни номи Наньтунг ва Хуэйчжоу жўғрофий номлари бошланғич бўғинлари асосида берилган.

Мазкур шева худудида Пекин, Шэнян, Цзинан, Чжэнчжоу, Тайюан, Сиан, Ланчжоу, Чэнду, Кунмин, Ханкоу каби Хитойни йирик шаҳарлари жойлашган. Пекин шеваси Марказий шева ҳисобланади. Шимолий шевалари ўртасидаги фонетик, грамматик ва лексик фарқлар мулоқот учун жиддий тўсқинлик қилмайди. Аммо айрим ҳолларда, Шимолий шевалар бир-биридан узоқ жуғрофий жойларда бўлса, улар ўртасидаги мулоқот қийинлашган.

Хитой тили худуднинг 1/3 қисмида тарқалган ва Хитой аҳолисининг 30% қамраб олувчи жанубий шева худудида қуйидаги гуруҳларга мансуб шевалар мавжуд³⁵.

У шевалар гуруҳи: Цзянсу шахри Янцздан жанубда жойлашган Жанубий қисми, Чунминдао ороли, Янцзининг шимолий соҳилидаги уездлар, Чжэцзян шахрининг аксарият қисмида ареалда тарқалган. Бу шевалар гуруҳи қуйидагиларга бўлинади:

Цзян-Чжэ шеваси: Цзянсу вилоятининг Жанубий қисмида ва Чжэнцян ўлкасининг шимолида тарқалган.

Оу-Хай шеваси: Вэнчжоу худуди, Хаймэн ва Оунцзян дарёси ўртасидаги водийда тарқалган.

³⁵ Ўша ерда - Б.13.

Чжэ жанубий шева: Цян танцзян дарёсидан жанубда Чжэцзян ўлкаси Жанубда тарқалган.

Сян шевалари: гуруҳи Хунан ва Гуанси шаҳарларининг бир нечта уездида тарқалган. Бу шевалар гуруҳи қуйидагиларга бўлинади:

Сян янги шевалар: гуруҳи (бу асосан ўлканинг шимолий қисмида жойлашган йирик шаҳар марказларининг шевалари) ва Сян эски шевалар, гуруҳи (Хунан вилоятининг барча қишлоқларида, айниқса унинг тоғли, жанубий қисмидаги шевалар).

Ган шевалар: гуруҳи Цзянси ўлкасининг марказий қисмида тарқалган. Бу гуруҳ қуйидагиларга бўлинади.

Ган-Хакка шеваси: (Цзянси вилоятининг Жанубий қисмида тарқалган ва Ган шевасидан Хакка шевасига ўтимли ҳисобланади) ва Сян-Ган шеваси: (Цзянси вилоятининг ғарбий қисмида тарқалган ва Ган шевасидан Сян шевасига ўтимли ҳисобланади).

Хакка шевалар гуруҳи: Хакка этник гуруҳи ишлатадиган шевалар. Улар Наншандан жанубга Гуандун, Фуцзян ва Цзянси вилоятлари ҳудудларида тарқалган. Бу этник гуруҳ ўтроқ бўлмагани сабабли унинг вакиллари бутун Жанубий Хитой ва Тайванда учратиш мумкин³⁶.

Юэ шевалар гуруҳи: Гуандун шаҳрининг макразий ва Жанубий-ғарбий қисмида тарқалган. У бешта кичик гуруҳга бўлинади: Юэ-Хай шеваси (Чжуцзян қўлтиғи ва Сицзян ҳудудларида тарқалган). Цинлян шеваси (Цинчжоу ва Лянчжоу уездларида тарқалган).

Гао-Лэй шеваси: (Гаочжоу ва Лэйчжоу вилоятлари); тўрт шаҳар шеваси (Тайтай, Синхуй, Кайпин, Сипин шаҳарлари ареали), Жанубий Гуанси шеваси (Учжоу, Жунсян, Юйлин, Бобай ва Гуанси провинциясининг жанубий-ғарбий қисми).

Минь шевалар гуруҳи: Фуцзян вилоятининг аксарият қисмида, Чжэцзян ўлкасининг Пинян уездида, Чаочжоу ва Шантоу ҳудудида, Гуандунг вилоятининг шарқий қисмида, Хайнан оролида, Чжоуман архипелагида, Жайванда тарқалган. Бу гуруҳнинг шеваларида Жанубий денгизлар мамлакатларидаги аксарият Хитой 华侨 (hualiao) мужоҳирлари гапиради. Бу гуруҳ қуйидагиларга бўлинади: Мин-Тай шеваси (бошқа номи – «Мин жанубий шеваси») Фуцзян вилоятининг Мин қисқартирилган

³⁶ Алексахин А.Н. Диалект хакка (китайский язык) «Наука» М., 1987. 77 с..

номи асосида (Фуцзян вилоятининг Жанубий-шарқий ареалида, Гуандунг вилоятининг Жанубий-Шарқидаги Чаочжоу ва Шантоу шаҳарларида, ҳамда Хайнан ва Тайванда тарқалган). Мин шимолий шеваси (Фуцзян вилоятининг Шимолий қисмини ва Чжэцзян вилоятининг битта уездидан ташкил топган ареалда тарқалган). Шимолий Мин ичида вилоятнинг бош шаҳри шевасида намоён бўлган Шарқий шеваси ва Цзянси Шимолий шеваси фарқланади.³⁷

Шунингдек, ўз даврида С.И.Брук томонидан келтирилган маълумотларда Фуцзянинг энг чекка Жануби Гуандунг вилоятининг шарқий қисмида, Хайнан ва Тайван оролларида тарқалган Хаккао шеваси ҳам эслатиб ўтилади.

Турли гуруҳларга кирадиган Жанубий шевалар ўртасидаги фарқ аҳамиятлидир, турли шевада гапирувчиларни бевосита мулоқоти ёки жуда қийин ёки умуман мумкин эмас. Жанубий шеваларни у ёки бу гуруҳини тарқалиш ареалида, айнан битта уезда, ҳатто битта аҳоли яшаш жойида бир қатор ҳолларда турли шева гуруҳлари шевасида гапирувчилар яшайди. Бу эса аҳолини иккита ва ундан ортиқ шевада гапиришига олиб келади, бунинг натижасида эса шеваларни ўзаро таъсир жараёни, бир-бири билан аралашиб кетиши кузатилади.

Хитой тил вазиятида минтақавий койне - аниқ минтақада шевалараро мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилувчи йирик сиёсий марказлар шеваси – маълум ўринга эга. Худди шундай ўринга уезд марказлари шеваларни киритиш мумкин. Улар шу уезд қишлоқ аҳолиси учун мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб Гуанхуа шевалар гуруҳи учун марказий шева сифатида Пекин шаҳри шеваси хизмат қилади. Жанубий шеваларга келсак, бу ерда минтақавий Койне қуйидагича тақсимланади:

У шевалар гуруҳи — Шанхай ва Сучжоу шаҳар шевалари маркази;

Сян шевалар гуруҳи — Чанчи шаҳри шеваси. Ган шевалар гуруҳи — Нанчан шаҳри шеваси; Хакка шевалар гуруҳи — Мэйсян шаҳри шеваси; Юэ шевалар гуруҳи — Гуанчжоу шаҳри шеваси;

Шимолий Мин шевалар гуруҳи – Фучжоу шаҳри шеваси; Жанубий Минь шевалар гуруҳи – Амоя шаҳри шеваси. Шунинг таъкидлаш лозимки, Гуанчжоу шаҳри шеваси. Жанубда шакллланган минтақавий койнелар орасида Гуандунг

³⁷ Юан Цзяхуа. Диалекты китайского языка. М.: 1965. С 30 -40; Софронов М. В. Китайский язык и китайские общество -С. 49- 51; Зарубежный Восток: языковая ситуация и языковая политика. Справочник. М.: 1986 - С. 215-216.

шаҳрининг аксарият қисми, Гуанси вилояти Хитой аҳолиси, Гонконг, Коулунг, Макао шаҳарлари, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур, йирик маркази бўлган Ипох ва перакли штати хитой аҳолиси учун мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади. Амая шаҳри шеваси Гуандун шаҳрининг аксарият қисми, Хайнан ва Тайван ороллари хитой аҳолиси учун Фуцзян шаҳрининг Жанубий қисмидаги турли шевасида гапирувчилар учун, Жанубий денгиз ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидаги Хитой мужоҳирларининг аксарияти учун мулоқот воситаси бўлади. Янцзини Жанубий соҳилида жойлашган Цзянсу ва Анхой вилоятларининг Жанубий қисми ва Чжэцзян шаҳри аҳолиси учун шевалараро мулоқот сифатида Хитойнинг минтақаси хизмат қилади. Жанубий Хитойни минтақавий койнеси ўзининг тарқалиш ҳудудлари билан чегараланган ва ундан ташқарида деярли ишлатилмайди.

2. 3. Хитой шеваларининг грамматик хусусиятлари

Хитойдаги замонавий лингвистик вазиятнинг таҳлили учун шеваларнинг замонавий ҳолати ва синхрон белгиларни жўғрофик тақсимланиши муҳим аҳамиятга эга. Улар ичида айниқса, қуйидагилар алоҳида ўринга эга: Е.Б. Астрахан, О.И. Завялова, М.В Софроновларнинг фикрича, сирғалувчилар (жарангли-жарангсиз) фарқи: хитой тили шевалари қисми уларни фарқламайди, бошқаларда – шевадан-шевага фарқланиш кузатилади;³⁸

п ва l бошланғич ундошларни фарқланиши – шеваларни қисми уларни фарқламайди (бунда фақат п ёки фақат l учрайдиган шевалар мавжуд; бошқаларда – фарқлар шевадан-шевага ўзгаради)³⁹.

Хитой шевалари бир-биридан аввалом бор фонетик жиҳатдан фарқ қилади. Ундошларга келсак, бир гуруҳ шевалар қадимги жарангдорликни сақлаб қолган, бошқалари эса бу хусусиятни йўқотган ва ҳозирда бир-бирига зид қўйиладиган икки катор ундошларга эга: 1) нафас чиқариш билан талаффуз қилинадиган; 2) нафас чиқармай туриб талаффуз қилинадиган; айрим шеваларда тиш ва тиш олди ундошлари фарқланади, бошқаларида эса фарқланмайди. Сўз охиридаги ундошлар сони ҳам турли шеваларда анчагина фарқланади. Гуандун шевасида бундай ундошлар

³⁸ Диалекты и национальный язык в Китае. «Наука». М., 1985. 340 с.

³⁹ Софронов М.В. Китайский язык и китайское общество. М.: 1979.-С. 48;

6-тани ташкил қилади. Яъни булар – м, нь, н, п, т, к; Пекин шевасида фақат 2 та - нь ва н; шундай лаҳжалар ҳам бор бўлиб, уларда охирги нь ва н ҳам фарқланмайди⁴⁰.

Фонетик хусусиятлар билан бир қаторда грамматик ва лингвистик фарқларни ҳам ҳисобга олинолган лозим бўлади. Чунки тилнинг таркибий элементлари, яъни грамматик тузилиши ва кенг қўлланишдаги луғат таркибида фарқлар қай даражада кўп бўлса, шевалараро фарқлар шу даражада чуқур фарқланади. Ва аксинча, бу фарқлар қанча кам бўлса, шевалар бир – бирига шунчалар яқин бўлади. Турли шева вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабат ва тушуниш осонлашади.

Хитой тилида бу борада қандай ҳолатни кўрамиз? Сўнгги даврларга қадар хитой шеваларининг луғат таркиби яхши ўрганилмаган ва қийинлашган эди. Турли шеваларнинг асосий луғат фонди ҳар ҳолда бир хил бўлса керак. Бироқ баъзи ўринда кенг тарқалган предметлар ва ҳаракатларни билдирувчи сўзларда ҳам кескин фарқлар кўзга ташланади. Совет олими, академик Г.П. Сердюченконинг Хитой шеваларини ўрганишга бағишланган мақоласида шева тилларидаги талаффуз фарқларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Булар: масалан, “Маккажўхори, сўзи турли шеваларда турлича номланади – баогу “ 包谷 “, баоми “ 包米 “, банца “ 棒子”, ” юйми 玉米 “, чжэньчжуми “ 珍珠米 ” ёки “гугурт” сўзи – янхо “ 洋火“, “ 火柴 ”, 自来火; совун” сўзи – ицзи” 胰子 ”, фэйцзао “ 肥皂 ”, янцзянь “ 洋碱” ; уч сони Пекинда-сань “ 三 “, Шанхайда – се “ 三 ”, Гуанчжоуда - сам “ 三 ”, Фучжоуда сан “ 三 ” деб юритилади. Пекин шевасида “Одам сўзи 人- “ren”, Шанхай шевасида “您-nin”, Гуанчжоу шевасида “ 人 янь”, Шандунда “人 инь” талаффуз қилинади. “Кийим киймоқ” (фёъл) Пекин шевасида 穿 “quan”, Шанхайда Zhao 罩 шаклда жаранглайди. “Чой ичмоқ” пекин шевасида “ 喝茶 - he qa ”, шанхай шевасида “ 沏茶 qí qa”, шандун шевасида “ 饮茶 in qa”, фучжоу шевасида “ 吃茶 shí qa” бўлади⁴¹. Ҳозир ҳам шева тиллар ўртасидаги фарқлар ўзгармай қолмоқда.

Хитой шеваларидаги грамматик фарқлар асосан гапнинг сўз тартибида, айрим ёрдамчи юклама — сўзлар, боғловчилар ва предлогларнинг қўлланилишида кузатилади.⁴² Бироқ Хитой шеваларининг ўзига хос хусусияти уларнинг грамматика тил қурилишининг бир хил эканлиги билан изоҳланиб, Хитойда яшаётган деярли

⁴⁰ Коротков, Н. Исаенко, Б. Советов – Чень Учебник китайского языка. «Московский институт востоковедения». М., 1951. -С. 7 -10.

⁴² Кўрсатилган манба.

миллат вакилларининг ўзаро мулоқоти учун ҳеч бир тўсқинлик қилувчи унсурга эга эмас.⁴³ Айрим хитойшунослар айтганидек, турли “Хитой тиллари мавжуд дейишга ҳеч қандай асос йўқ.” Хитой халқининг босиб ўтган тарихи, унинг онгида умумхалқ бирилиги ҳақидаги миллий тушунчалар ва фикрларни минг йиллар давомида мавжуд бўлганидан далолат беради.

Хитой шевалари ўртасидаги фарқ даражаси бир хил эмас. Айрим шевалар ўртасидаги фарқ аҳамиятсиздир ва уларда сўзловчилар ўртасидаги мулоқотга тўсқинлик қилмайди. Бундай шевалар асосан тиғиз жойлашган ва бир шева гуруҳига киради. Бошқалар эса шу даражада фарқланадики, хатто уларда гапирувчилар бир-бирларини тушунмайдилар. Бундай шевалар аксарият ҳолларда турли жўғрофик ҳудудларда жойлашган ва шеваларнинг турли гуруҳларига мансуб. Жўғрофия нуктаи назаридан хитой тили тарқалиш ареалида асосий шева ҳудудлари сифатида хитой деҳқон аҳолиси учун энг қулай табиий хусусиятларга эга дарёлари бор текисликлар асос бўлади. Шевалар чегараси сифатида тоғлар, сув омборлари хизмат қилади, булар кўпинча миллатлар яшаш жойидир. Дарёлар одатда шевалар ўртасидаги чегара сифатида хизмат қилмайди⁴³.

Шу ўринда, Хитой шимолий шева тилининг XX-нинг ўрталарига қадар ҳам бутун мамлакат бўйлаб етарли даражада ёйилмаганини айтиб ўтиш жоиз кўринади. Ўз вақтида Хитой тилининг билимдонларидан бўлган, Академик Г. П. Сердюченко ишларида, унинг асосий сабаблари: 1) XXРнинг ўзида ҳам йирик Хитой тилшинослари “адабий тил”, тушунчасини “ёзма тил” (иерогилифлар) тушунчаси билан тенглаштирар эдилар. Иерогилифларни эса ҳар қандай шева фонетик хусусиятларига мувофиқ талаффуз қилса бўлаверар эди. 2) “Адабий тил” атамаси сўзлашув тилини мутлақо билдирмас эди. Чунки қадимий 文言 “вэнян” ёзма адабий тили ўз вақтида хитойда катта аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, таълим олиш имконига эга бўлган озчилик фойдаланадиган тил бўлиб, кейинчалик ана шу омил сабаб 文言 “вэнян” жонли халқ сўзлашув тилидан тобора узоқлашиб борганлиги эди. У яна фикрини давом эттириб, XII-XIII – асрларга келиб 文言 “вэнян” да яратилган адабиёт билан бир қаторда халқ лаҳжаларига яқин бўлган кўплаб тилларда яратилган адабиёт – 语录 “юйлу” (буддавий ва янги кунгзи мактаби файласуфлари нутқлари), элчилар

⁴³ Диалекты и национальный язык в Китае. «Наука». М., 1985. 340 с.

⁴³ Диалекты и национальный язык в Китае. М.: 1985. -С. 12

юборган мактублар ва маълумотлар пайдо бўлади. Натижада жонли халқ нутқи асосида юзага келган ёзма 白话 “байхуа” умумхалқ тили шаклланди. Кейинчалик “байхуа” қадимий “вэнян” тилини сиқиб чиқариб, XIX-XX асрларда хитой халқи адабий тилининг тараққиёт таянчига айланди.

2.4. Мамлакатда путунгхуанинг умуммиллий тил сифатида жорийланиши

Қадимги анъана бўйича жўгрофий ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган ва турли бўлган Хитой худудлари учун ягона умумдавлат мулоқот воситаси сифатида жўгрофия ёзув ва қадим хитой тилига асосланган Вэнян адабий тили хизмат қилган. Иероглифик ёзувларни хусусиятларига кўра унинг белгиларини хитой тилини ҳар қандай шеваларида ўқилиши мумкин бўлган⁴⁴. Шунинг учун ёзаётган ва ўқиётган шевалар тили вэнянда ёзилган матнни тушунишга таъсир қилмайди.

Хитой тилини тушуниш учун вэнян грамматикаси ва лексикасини билиш етарли эди. ўрта аср Хитойда ягона умумдавлат оғзаки тил йўқ бўлиб, мулоқот жараёнида кишилар ўз шевасида гапиришлар одат бўлган. Ягона ёзув ва ягона адабий тил ўрта аср Хитойни лингвистик бирлаштириш етарли восита эди. Ижтимоий ривожланишини ўша пайтдаги даражаси учун бутун давлат учун умумий бўлган оғзаки тил зарур эмас эди.

Сун ва Юан сулолалари даврида мамлакат Шимолида байхуа адабий тили яратилди, уни XIV-XVI аср ёзувчи ва драматурглари муваффақиятли ишлатишар эди. байхуа алоҳида адабий тил сифатида шаклланигандан сўнг уни шимолий шевада сўзлашмайдиган аммо байхуада насрий асарларни эркин ёза оладиган Жанубдан чиққан ёзувчилар ўз ижодида у тилдан истъеомолда фойдалана бошлаганлар.⁴⁵

Шимолий Хитойда эса унинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига кўра шевалараро мулоқот воситалари XIII асрдаёқ мавжуд эди⁴⁶. Юқорида қайд этилган байхуа тилидан ташқари Шимолий Хитой шеваларига асосланган, аммо биронтасига ҳам ўхшамаган шевалараро мулоқот оғзаки тили мавжуд эди. Ушбу тилнинг ижтимоий обрўси Хитойни манжурлар забт этганидан сўнг аҳамияти ошган, бунда пойтахт шеваси гуанхуа оқ суяклар (амалдорлар) тили деб номланди. Хитой миқёсида

⁴⁴ Кўрсатилган манба.

⁴⁵ 欢乐. 中国古代民族史研究 (Қадимги хитой миллатлар тарихини тадқиқи) / Пекин, 1987.

⁴⁶ Юань Цзяхуа. Диалекты китайского языка. М., 1956.

гуанхуада гапирадиган кам сонли манжур ва Хитой амалдорларига қадимдан шаклланган хитой тили шевалари таъсир қилмаганлиги табиий. Аммо уларнинг хитойдаги тил вазияти учун аҳамияти бошқа нарсада эди. Яъни, улар янги, давлат қўллаб-қувватлаган оғзаки тилда сўзлашиши, шевалараро мулоқот воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин эди.

XIX аср охирларидаги ислохотлар даврида Европа давлатларидаги миллий тиллар намунаси каби Хитойда ҳам миллий тилни шакллантиришга бўлган талаблар кучли бўлган. Мазкур аср хитой тилининг Ислохотчилари 官话 (Guan hua) гуанхуани миллий тил сифатида эълон қилиб, бутун давлат ҳудудида тарқатишни таклиф қилдилар. Бу талабларга жавобан Хитой маориф Вазирлиги гуанхуани ўрта мактабда тадбиқ этилиши лозим бўлган лойиҳани 1907 йилда қабул қилган.⁴⁷ Бу лойиҳани муҳокама қилишда кенгаш аъзоси Цзян Цян мазкур тилни гуанхуа эмас, 国语(Guo yu)гоюй (миллий тил) деб номлашни таклиф қилган, шу билан ушбу тилнинг умумийлигини таъкидлаган.⁴⁸

1919 йил «4 май» ҳаракатидаги либерал демократларнинг асосий талаби ҳам миллий тил масаласини ҳал қилиш эди. 30-40 йиллардаги инқилобий демократларни миллий тил муоммосини бартараф этишдаги ёндашувлари янада кескин кечади. Улар ҳам оғзаки нутқнинг бевосита акси бўлган адабий тилни яратишга ҳаракат қилиб, улар ғояларида «омма тили ҳақидаги» назарияни амалга оширишни олға сураб, унинг ёрдамида саводсизликни қисқа муддатда бартараф этиш ва шу йўл орқали халқ оммасини маданиятли қилишга эришиш мумкин деган қараш асосий мазмун касб этган.

Аммо алфавитли ёзув, халқнинг саводсизлигини тезда бартараф этса-да, бу ҳол ҳам барибир шевалар муаммосига олиб келар эди. «Омма тили» тарафдорлари умумий саводхонликни адабий тилнинг бирлигидан устун қўяр эди. уларни фикрича, адабий тилларнинг маҳаллий турлари фаолияти даври узук бўлмайди; маҳаллий тиллар ва бутун давлатни умумий адабий тилга бирлашиши амалга оширилади; уларнинг яна бир фикри бўйича байхуани ислохот қилиб бўлмас эмиш. Шунинг учун уларнинг мақсади ўз замонасини оғзаки тилга асосланган янги адабий инқилобга

⁴⁷ Диалекты и национальный язык в Китае, - С. 24 – 25.

⁴⁸ Кўрсатилган манба. Б- 20.

тилга чорлашар эди, уларнинг мақсади ўз замонасини оғзаки тилига асосланган янги адабий тилга ўтказишдан иборат бўлган эди.

1949 йилда ХХР ташкил қилиниши билан миллий тил ҳақидаги бахснинг янги босқичи бошланди. 1955 йилдаги ёзув ислоҳоти бўйича умумхитой конференциясида гоюй (миллий тил) номи путунхуага (умум тушунарли тил) расмий равишда ўзгартирилди. Путунхуани умумдавлат миқёсида тарқалиши 1955-1956 йилларда бошланди. ХХР Маориф Вазирлиги 1955 йил 17 ноябрида путунхуани бошланғич ва ўрта мактаб, ҳамда педагогик билим юртларига киритилиши ҳақида буйруқ берди. 1956 йил 10 февралда 普通话(pu tonghua) (путунгхуани) тарқатиш бўйича Марказий мувофиқлаштирувчи қўмита ҳам ташкил қилинди⁴⁹. ХХР ҳукуматининг миллий тил соҳасидаги стратегияси Чжоу Энлай (1949 - 1976 йиллар ХХРнинг бош вазири лавозимида ишлаган.) томонидан 1958 йил 10 январда лингвист ва маориф арбоблари йиғилишида баён қилинди. Умум миллий тилни Хитойнинг келажагидаги умумий тили деб номланди.

Ҳозирги пайтда Миллий тил ҳақидаги мақоми конституцияда тасдиқланган. 1982 йил 4 декабрда қабул қилинган Конституциянинг 19 моддасида ХХР ҳукумати путунхуани миллий тил сифатида кенг тарғиб қилади, мамлакатда бу тилни кенг ёйишни қўллаб-қувватлайди деб белгилаб қўйилган. Путунгхуа икки шаклда мавжуд – оғзаки нутқ ва ёзма-адабий шакллар⁵⁰. Аммо бу ерда Хитой учун хос бўлган тил вазиятини таъкидлаш лозим: Бу ёзма тилни шева тилларидан устиворлиги ёки аксинча оғзаки тилда шева тилларининг устиворлиги масаласидир. Ёзма шаклдаги путунгхуа (байхуа) ёзма мулоқотда ва адабиётда ишлатилади, яъни рўзнома, ойнома, бадий асарлар, илмий матнлар, юридик ва расмий ҳужжатлар, аҳолини рўйхатга олиш актларида. Оғзаки шаклдаги путунгхуа турли шеваларда гапираётган одамларнинг тўпланган жойларида, ҳамда оммавий коммуникация (радио, телевидение) мулоқот воситасида. Путунгхуада марказий радио ўз эшиттиришларини олиб боради (биринчи ва иккинчи дастурлар). Ҳозирги пайтда путунгхуада кинофильмлар ҳам кенг миқёсда яратилипти.

⁴⁹ ХХР давлат кенгаши 1956 йилдан “путунгхуа”ни бутун мамлакат бўйича кенг жорий этиш ҳақидаги фармони қабул қилинган. 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб ХХРда “умумхалқ тили ва ёзуви ҳақидаги қонуни” қабул қилинди. // 大陆桥(Контимост) журналы №6, 2006.

⁵⁰ Кўрсатилган манба. Б.217.

Шева худудлардаги шевада путунгхуанинг оғзаки шаклини қўллаш кўп қийинчиликлар билан боғлиқ бўлганлиги боис, улардан асосийси – путунгхуани билмаслик ёки етарли даражада билмаслик, унинг талаффуз меъёрларини ҳам яхши билмасликни кўрсатади. Фақатгина махсус тайёргарликка эга одамлар; (одамлар мустасно ҳолда) хитой тили ўқитувчилари, университет ўқитувчилари, экскурсовод ва ҳоказолар бўлиб, хатосиз ва тўғри путунгхуада гапиришади. Оғзаки мулоқот доирасида шеваларни устивор қўлланиши ХХРда мактабларда шевада ўқитишни амалга оширганда намоён бўлади. Келажакда путунгхуага ўтиш режалаштирилган, аммо ҳозир мактаб таълими тизимида путунгхуа фақат мажбурий предмет бўлиб қолмоқда. Шевалар оғзаки матний кундалик мулоқот соҳасида ишлатилади.⁵¹ Оилада, уйда хитойликлар, ўқиган ёки ўқимаган бўлишидан қатъий назар, ўзлари яшайдиган қишлоқ, уезд марказ ёки шаҳар шевасида гапирадилар. Маҳаллий радио ҳам ўз эшиттиришларини шевлаарда амалга оширади. Жанубий ўлкаларни, шаҳар ва уезд муассасаларида шева қўлланади. Агарда ёш ёки ўрта ёш авлод кадр ишчи-хизматчилари путунгхуада гапирсалар, путунхуага шева шу даражада қаттиқ таъсир қилганки, четдан келганлар уларни қийинчилик билан тушунадилар. Бу нафақат четэлликлар учун балки хитойликларнинг ўзлари учун ҳам жиддий муаммоларни келиб чиқишида сабаб бўлмоқда.

Путунгхуани тарқатиш ҳаракатининг муҳим жараёнларидан бу путунхуани меъёрлаштириш, унинг орфоэпик, лексик, грамматик меъёрларини ишлаб чиқиш заруриятдир. Ушбу йўналишда маълум ишлар амалга оширилди. Аммо бу муаммо хали ечимини топгани йўқ. Путунгхуани тарқатиш учун ҳаракат дастлаб пайдо бўлган ҳаракатдаёқ бошланган ва хитой иероглифик ёзуви ислоҳотига мазкур ҳаракат бевосита боғлиқдир. Бутун давлат бўйича бирлашган миллий тилни шакллантириш ва тарқатиш масаласи ёзув ислоҳоти учун ҳаракат олдида миллий тил ва унинг талаффузини ёзиб олиш воситаси ва ўрганиш асоси сифатида фонетик алфавитни яратиш заруриятини вужудга келтирди. 1954 йилда ХХР Давлат кенгаши қошида ёзув ислоҳоти бўйича кўмита ташкил қилинди, у 1956 йилнинг январ ойида умумхалқ муҳокамаси учун лотин графикаси асосидаги хитой фонетик алфавити лойиҳасини эълон қилди.

⁵¹ Ҳозирда Хитойда 20 млн киши “путунгхуа” бўйича имтиҳон топшириб давлат томонидан жорий этилган сертификатларни олганлар// 大陆桥(Контимост) журнали. № 7. 2006.

1958 йил 11 февралда Пекинда бўлиб ўтган халқ вакиллари умумхитой кенгашининг бешинчи сессиясида янги хитой фонетик алфавити (пинин цзиму) қабул қилинди.⁵² Шу ёзувнинг албатта мустақил тизими эмас. Бу транскрипцион алфавит путунхуа талаффуз меъёрлари асосидаги иероглифлар талаффузини бериш учун мўлжалланган.⁵³ Шу билан мазкур алфавит хитой иероглифлар талаффузини бирхиллаштиришни кўзда тутди. Таллафуз ва оҳангларни бирхиллаштириш эса ўз навбатида хитой халқи томонидан тилни ўзлаштириш масалаларини енгиллаштиради.

Боб бўйича саволлар

- 1) Хитойда тил шеваларининг тарихий шаклланиш босқичлари.
- 2) Шеваларнинг тил тараққиётидаги ўрни.
- 3) Хитой шимолий лаҳжа хусусиятлари.
- 4) Хитой жанубий лаҳжа тиллари ва уларнинг грамматик хусусиятлари.
- 5) Иероглифларнинг шева тиллари тараққиётида тутган ўрни.
- 6) Иероглифларнинг сиёсий жиҳатлари.
- 7) Хитойда тил ареалларининг шаклланиш тарихи ва хусусиятлари.
- 8) Хитойда тил койнэлари.

Амалий машғулот учун саволлар

- 1) Путунгхуанинг тарихий — географик вужудга келиши.
- 2) Путунгхуанинг тарқалиш ҳудудлари.
- 3) Путунгхуанинг тараққиёт босқичлари.
- 4) Путунгхуанинг давлат тили сифатида аҳамияти.
- 5) Хитойда шеваларнинг фарқли жиҳатлари.
- 6) Хитойда шеваларнинг эволюцияси.
- 7) Хитойда шеваларининг типологик таҳлили.
- 8) Хитой тилининг ривожда шеваларнинг ўрни.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

⁵² Чжоу Энълай. Задачи реформы письменности в настоящее время. — О реформе письменности / сборник материалов/. Пекин, 1958, С.12.

⁵³ Қаранг: Зарубежный Восток: Стр. 217.

1. ХХРда Шарқий-Шандонг шевалари.
2. ХХРда Шимолий-ғарбий шева.
3. ХХРда Жанубий-ғарбий шева.
4. Янцзи Хуангхе дарёлари оралиғи шеваси.
5. Чу шеваси.
6. Тун Хуэ туб диалект шеваси.
7. У шевалар гуруҳи.
8. Сян шевалари.

III БОБ. ХИТОЙДА КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАР ТИЛИГА МУНОСАБАТ

Дарсни ўқув мақсади: ХХРда кам сонли миллатлар тилини этнолингвистик таҳлил қилиш, кам сонли миллатларни тил оилаларига кўра таснифни бериш, ХХРда кам сонли миллатлар тил вазиятини ўрганиш, ХХРда кам сонли миллатлар тили ва ёзуви ҳақида маълум кўникмаларни ҳосил қилиш.

Таняч сўзлар: Хан, Ички муғилистон, Нинся – Хуэй, Шинжонг миллий автоном райони, Тибет, И, Мяо, Манжур, Шэ, Ва Яо ; Хитойда ўлик тиллар, моноэтник ва полиэтник тушунчалар, Хитойда икки тиллик тушунчаси, Хитойнинг кам сонли миллатлар тилининг хусусиятлари ва этник шаклланишдаги жараёнлар.

3.1. Хитойда кам сонли миллатлар тилини этнолингвистик таснифи

Ханзулардан ташқари ХХР да умумий сони 105 млндан кўпроқ аҳолини ташкил этувчи 50 миллатдан ортиқ халқ яшайди. Кам сонли миллатлар бутун аҳолининг 6,7% ни ташкил қилишига қарамасдан, мамлакат ҳудудининг 60% уларга тўғри келади. Жойларда ва Гуанси-Чжуан, Ички Мўғулистон, Нинся – Хуэй, Синцзян — Уйғур автоном район ҳудудлари, автоном вилоят ва уездлар ташкил қилинган.⁵⁴

⁵⁴ 中国少数民族 (Zhong guo shaoshu minzu) (“Хитойнинг кам сонли миллатлари”) Пекин. 2004 150 б.; 民族词典 Минцзу цыдянь. / миллатлар тўғрисида луғат /. Шанхай, 1987. Б - 1255-1277.

Кўп сонли миллатлар қаторига Чжуанлар, Хуэй, Уйғур, Йи, И, Мяо, Тибет манчжурлар киради.⁵⁵ Аксариятлари учун у ёки бу тил уларни кундалик мулоқотини асосий воситаси. Булардан фақат хуэй истисно, улар учун хитой тили она тилидир⁵⁶. Ўз она тилини тамоман унутиб хитой тилида сўзлашаётган миллатлар ҳам бор. Булар қаторига манчжурлар⁵⁷ (уларни кам сони оила доирасида ўз тилида гаплашади), шэ ва яна баъзи бир миллатлар миллий тилда гапирадиган ханзу миллатига мансуб бўлмаган кам сонли майда миллатлар ҳозирга келиб тахминан 105 млнни ташкил этмоқда.

Баъзи миллатлар бир нечта тилларда гаплашади. Умуман, мамлакатда 80 дан ортиқ миллий тиллар мавжуд.⁵⁸ Яо миллати учун уч тилда сўзлашув муҳим аҳамият касб этади.⁵⁹ Хань тили бундан истиснодир; Миэнь (бевосита яо), ну (мло-яо тил гуруҳини мяо бўлимига мансуб тил) лаккья (хитой лингвистлари кам-суй тил гуруҳига киритилади. Тайван туб аҳолиси бир нечта тилда гапиреди, уни Хитойда гаошан тилида гапирувчи битта миллатга мансуб деб ҳисобланади. Аммо миллий тилларни ҳисобга олишда айрим қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Бунда у ёки бу халқ нутқини мустақил тиллар ёки битта тил шеваси назарда тутиладими? деган савол туғилади⁶⁰.

Хитойда яшовчи халқларнинг генетик тиллари қуйидаги тил оилаларига мансуб аустроосиё, аустротай, олтой, хиндевропа ва хитой-Тибет.⁶¹ Алоҳида хань тилларини ва тил гуруҳларини у ёки бу тил оиласи, ёки мазкур оила даврасида, у ёки бу гуруҳга мансублиги туғрисида бахслар мавжуд. Баъзи хитой тилшунослари мамлакат миллий тилларининг аксариятини сино (чин) — Тибет оиласига киритадилар.⁶² Аммо Хитойдан ташқаридаги тадқиқотчиларнинг аксарият қисми бир қатор тилларнинг бир-бирига яқинлигини, хусусан, тай (кам-суй тилларини киритган ҳолда) ва мяо-яо тилларини хитой-тибет тиллари билан тан олишга етарли асос топа олмай, биринчиларни хитой-тибет оиласидан чиқариб ташлайдилар⁶³. “Бунга чуқурроқ, синчиклаб қараганимизда, юнон, ҳинд ва хитой анъаналари орасида кўзга чалинган

⁵⁵ Энциклопедия нового Китая / численность и районы проживания национальных меньшинств в Китае/ Изд. - во. М., «Прогресс» 1989. С. 31.

⁵⁶ Брук С. И, Население мира: этнодемографический справочник, С. 372.

⁵⁷ Зарубежный Восток: Стр. 222.

⁵⁸ Кўрсатилган манба, Б-22.

⁵⁹ Кўрсатилган манба. Ўша саҳифа

⁶⁰ Москалев А.А. Политика КНР в национально – языковом вопросе. М.: 1981. - С. 15.

⁶¹ Москалев А.А. грамматика языка Чжуан. Изд во «Наука», М., 1972. -С. 5 – 42.

⁶² 民族词典 лугати. Б . 1264.

⁶³ Брук С. И. Население мира: этнодемографический справочник. - М., 1976.- С. 373.

аниқ ва равшан ўхшаш томони шуки, ҳар бирида тилга хос грамматик маънога алоқадор сўз туркумларини белгилашга мойиллик сезилади. ...Хитой лингвистик анъанасига келганда, мазкур тилнинг грамматик изоляция ёки ўзига хослик характериға эға бўлганлиги туфайли, аввало, “кўмакчи сўз” деган тушунча қадимдан ривожланиб, сўнгра эса “тўлиқ” ва “бўш” сўзлар деган атамалар шаклланиб келади. Ҳинд ва хитой лингвистик анъаналарға яна шу нарса хос бўлганки, буларда тил муқаддас илоҳий куч деб тан олиниб, барча сўзлар ва сўз шакллариға тенг равишда қаралган.”⁶⁴

Аустроосиё тиллар оиласига мяо-яо, ва палаунг, Ветнам ва булан тилларини киритишади.

Аустротаи тиллар оиласига – кам-тай (чжуан, бун, тай, кам, суй, маонаъ айрим ҳолларда Тайвань тилларини лаккья, ли ва х.) ва Тайвань (атайл, цоу, пайван ва х.) баъзи ҳолларда Тайвань тилларини мустақил австронезия оиласига киритади.⁶⁵ Олтой оиласига 3 тил гуруҳлари киради; муғул (муғул, дахур, дунсян), туркий (уйғур, козоқ, қирғиз, салар, ўзбек, татар) ва тунгус-манчжур (манчжур, сибин, нанай).⁶⁶

Ҳинд-европа оиласига (эрон гуруҳига - тожик тили ва славян гуруҳига - рус тили) Хитой -Тибет оиласига Тибет, лоло-бирман (цзай ва Аси, сани, носу, хани, лаху, лису, мосо) ва, изинпо тиллари киради.⁶⁷ Профессор О.Шаматовнинг қайд этишича, Тибет – Бирма тиллари ... дунёдаги энг йирик хитой – тибет тил оиласининг ғарбий тармоғига алоқадор бўлиб, Жанубий Осиёнинг шимолий ва энг чекка шарқий тоғ ўлкаларигача ёйилган.”⁶⁸ Олим ўз фикрини яна давом эттириб, “бу тармоқ тиллари сон жиҳатидан энг кўп тиллардан таркиб топган тил гуруҳи бўлиши билан бир қаторда вазифавий жиҳатдан Жанубий Осиё аҳолисининг бор йўғи 1%ига тенг қисмини ўз ичига олади.Асримиз бошларида эълон қилинган ҳисобларға кўра 113 тил ва диалект миқдорида ушбу тилларнинг рўйхатға олинган”⁶⁹лигини қайд этади.

Одатда корейс тили тиллар оилаларидан ташқарида ўрганилади. Баъзи этник гуруҳларни, хусусан, сичуань тили Хитой-Тибет тиллари лоло-бирмал гуруҳига

⁶⁴ Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. – Тош-2003. - Б. 75-76.

⁶⁵ Кўрсатилган манба, ўша бет.

⁶⁶ Энциклопедия нового Китая / Язык и письменность /. 1989. -С. 30.

⁶⁷ Сердюченко Г.П. К вопросу о классификации народов и языков Китая. – “Советское востоковедение”. 1957, №4.

⁶⁸ Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш 1 қисм. Тош – 2003.-Б. 49.

⁶⁹ Кўрсатилган манба -Б. 49 – 50.

киради.⁷⁰ Бу борада Хитойнинг ханзу миллатига мансуб бўлмаган тилда гаплашувчи халқларнинг тиллари генетик эмас, балки типологик ўхшашликка эга: Хитой-Тибет, кам-тай ва мяо - яо тиллар структуравий муносабатда бир хилликка эга бўлиб, улар синитик тиллар деган умумий ном билан бирлаштирилади.

Механо халқларни асосий қисми айнан синитик тилларида сўзлашади. Синитик тиллар Жанубий, Марказий-жанубий ва Жанубий - ғарбий Хитойда кенг тарқалган. Ушбу тилларни структуравий типологик бирлиги нафақат уларга хитой тили таъсирини, балки айрим ханзу тили бўлмаган тилларини бошқаларга таъсир этишда шароит яратиб беради ва унинг билан боғлиқ жараёнларни кучайтиради.

Хитой худудининг шаклланиши хусусиятлари миллий тилларда гапирувчи мамлакат аҳолисининг худудий тақсимланиши хусусиятларини ҳам аниқлаб берди. Кўриб чиқилганидек, ханзу миллати асосан мамлакатнинг ички ўлкаларда жамланган, хан бўлмаганлар эса ташқарида, давлат худудининг четида жойлашган. Шунини таъкидлаш лозимки, Хитой худудида лингвистик муносабатда турли бўлган хоналар билан бир қаторда, айниқса Юннан, Гуйчжоу, Гуанси – Чжуан Автоном райони билан бир қаторда «моно тилли» ареаллар масалан, Тибет, Муғул тил ареаллари мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. ХХРда олтой тилларига кирувчи тиллар оиласи худуд жиҳатдан энг катта худуд ҳисобланади. Бу тил оиласига кирувчилар Синцзянни ғарбий чегараларидан Дунбэйни (манчжурия) Шарқий чегарасигача тарқалган, хитой-Тибет оиласи таркибидаги тиллар ҳам кенг ареалга эга. Мяо-яо тиллари умумий тарқалган бўлсада, тил тақсимланишига кўра уларга ҳам тил ореалли характери хос. Бир қатор тиллар, масалан, туцзя, маонань, изино (полэ) аксинча жипс характерга эга. Бир қатор миллий худудларга аҳолининг этник таркиби булишига қарамай, буларда тил вазияти мураккаб бўлсада, бундай худудларда битта қандайдир миллий тил юқорироқ обрўга эга. Масалан, Синцзянда 10 дан ортиқ миллатлар яшайди, бу ерда уйғур тили энг катта обрўга эга. Ушбу миллатларнинг асосий қисми Уйғур тилида мулоқот олиб борадилар. Гуанси - Чжуан Автоном райони марказий - ғарбий қисмида (аввалам бор қишлоқда) Чжуан тили худди шундай аҳамиятга эга⁷¹.

Охирги ўн йилликда ХХРнинг аксарият миллий худудларида тил вазияти ривожланишида Хитойни ички ўлкаларидан келган хан тилида гаплашувчи

⁷⁰ Москалев А.А. Политика КНР в национально – языковом вопросе. - С. 22.

⁷¹ Ранняя этническая история народов восточной Азии «Наука» М., 1977. -С. 209 – 220.

аҳолининг доимий ўсиши кузатилмоқда, бу албатта, ушбу ҳудудларда, хитой (хан) тилининг кучайиб боришига сабаб бўлувчи асосий омил ҳисобланади.

Хитой тил вазиятининг хусусияти шевалар тилининг кескин фарқланиши билан тавсифланиб, буни шева тилларининг кўплигида деб билиш мумкин. Масалан, мяо тилида 3-4 шева мавжуд, бундан ташқари битта шева ичидаги турли говор да гапирадигандар аксарият ҳолларда бир-бирларини тушунмайдилар. Яо ҳам шундай тиллар қаторига киради. 50-чи йилларнинг биринчи ярмида Хитой тилшунослари битта Гуанси – Жуан вилоятида яо миллатининг 15 тилда гапиришини қайд этиб, улар ўртасида кескин фарқлар борлигини эътироф этади⁷². Худди шундай мураккаб шева вазиятга эга тиллар Жанубий ва Жанубий - Ғарбий Хитойни кенг ҳудудларида ҳам тарқалган ва бундай тилда гапирувчилар сони ҳам кўп. Ва бу ҳолат мазкур ҳудудларда яшовчи маҳаллий тилли аҳолини бир- биридан ажратиб турувчи тил вазиятини ёрқин хусусиятидир.

ХХР миллий тиллари қаторида шева фарқлари бунчалик кескин эмас, бунда баъзи бир тилларда тарқалиш ҳудуди ва гапирувчилар сони бўйича энг катта бўлган шева етакчи ўринда бўлади. Бунга мисол сифатида чжуань тилини келтирсак бўлади.

Хитойнинг аҳолиси хан бўлмаган миллий ҳудудларида, авваломбор, турли миллий таркибга эга ҳудудларда икки ёки кўп тиллик тарқалган. Булар ичида миллий – Хитой икки тиллик (иккинчи тил-хитой), миллий икки тиллик (иккинчи тил-миллий), ҳамда иккинчи тил сифатида хорижий тил ҳам бўлиши мумкин. Икки тиллик кам сонли миллатлар учун хос, бир қатор халқларда икки тиллик ривожланишга шевалардаги фарқ ҳам таъсирини ўтказмоқда. Она тилини ўзаро турли шеваларида гапириб, у ёки бу миллат вакиллари мулоқотда бошқа бир тилдан фойдаланишга мажбур. Масалан, Гуанси-Чжуан автоном Районининг баъзи бир ҳудудларида Яо ёшлари ўз она тилларидан ташқари путунгхуа ҳамда чжуан тилида гапиришга одатланганлиги кузатилади. Икки тилликнинг тарқалишини турли даражаси, ушбу миллатнинг истиқомат қилишини турли шароитлари билан таърифланади. Масалан, Сичуан ўлкасида яшовчи кам сонли миллат вакиллари зич гуруҳ бўлиб яшайдилар ва аксарият ҳолларда ўз она тилларида гапирадилар, бу ерда икки тиллик кам тарқалган.

⁷² Зарубежный Восток. -С. 224.

ХХР ташкил топгандан сўнг Хитойда миллий икки тиллик тобора ривожланиб борди. Шунинг билан лозимки, хан бўлмаганлар хитой тилида гапирганда унинг шеваларида гапирадилар. Ушбу шевалар бир қатор хан бўлмаган тилларни шевалари каби ўзаро кескин фарқ қилади, бу ҳам оғзаки мулоқотда ўзаро тушунишга тўсқинлик қилаётган асосий омилдир. Икки - уч тилда мулоқот қилувчиларни асосан хитойнинг марказдан узоқ бўлган чекка ҳудудларида учратиш мумкин. Масалан, Ланюй (Тайван атрофида) оролида яшаётган ями (хитой тили шеваси анъанавий таснифига кўра гаошань) миллати вакиллари япон тилида гаплашади. Яқин ўтмишда Хитойнинг Синцзян ва Шимолий-Шарқий минтақаларида рус тили ҳисобида икки тиллик мавжудлиги кузатилади.

Икки тилликнинг натижасидан бири: билинг деб аталиб бу иккинчи тилга ўтиш масаласи билан таснифланади. Кейинги пайталрда мамлакатда тил масаласида ўтказиб келинаётган сиёсат сабаб Хитой кам сонли миллатлари Хитой тилига ёки маҳаллий миллат тилига ўтиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Масалан, мак, янхуан, кам сонлилар тилларида гапирувчиларнинг аксарияти хан тилига ўтиб бўлди. Улар учун она тили бундан бўён хан тили ҳисобланади. Шунингдек, Гуйчжоу ўлкасининг Жанубий уездларидаги «обрули» тил⁷³ деганда Синцзян автоном райони округларидан бирида яшаётган қирғизларнинг қозоқ тилига бевосита ўтганлиги ҳам кузатилади.

3. 2. Кам сонли миллатлар ёзувининг типологик таҳлили

Миллий тил ва ёзув турли миллатларнинг тараққиёти жараёнида шаклланади.

ХХРда ҳозирда 55 миллат мавжуд бўлиб, улардан асосан 21 таси миллат ва элатлар миллий ёзувининг 27 туридан фойдаланади. Айримлари бир-неча ёзув турларига ҳам эга. Масалан, дай элатлари - 4 та, мўғулларда 2 та ёзув тури мавжуд.⁷⁴ Кам сонли миллатларнинг аксарияти ўз ёзувига эга эмас. Кам сонли миллатлар ёзуви мамлакатдаги тилларнинг умумий $\frac{1}{4}$ ни ташкил қилади ҳолос.

Масаланинг ушбу жиҳатларини ҳисобга олган ХХР ҳукумати кичик миллатлар учун (и, кам, ли, мяо, хани, ва) лотин графикаси асосидаги ёзувлар лойиҳасини ишлаб чиқди⁷⁵.

⁷³ 中国西部 - 贵州 多民族 聚 - 北京 五洲 转播 除 版 社, 2001. 5 – 8 页

⁷⁴ Кўрсатилган манба.

⁷⁵ Энциклопедия нового Китая / Национальная политика КНР/ М., 1989. -С. 32- 36

Манбаларнинг қайд этишича, мяо шевалари учун ёзувнинг турли кўринишдаги лотинга асосланган ёзув алфавитини ишлаб чиқди. Янги миллий ёзувлардан баъзилари амалада кенг тарқалди. Чжуан ёзуви бунга мисол бўлиши мумкин.⁷⁶

Юқорида Хитойни баъзи миллий тиллари ўз ҳудудларида аҳоли учун миллатлараро мулоқот воситаси — деб таъкидланганидек, масалан, Синцзянда уйғурлар кам сонли миллатларга қараганда кўпчиликни ташкил қилганлиги боис Уйғур тили Синцзянда миллатлараро тил воситаси вазифасини бажаради..

Тибет миллий автоном районида — Тибет тили ҳам шундай мақомга эга; Хитойнинг баъзи бир ҳудудларида ҳам Тибет аҳолиси устиворлик қилган пайтларда Тибет тили мулоқот воситасини ўтайди.

Чжуан тили — Туси (ғарбий Гуажи) қишлоқ жойларда кўпчилик учун мулоқот тили бўлиб, Гуанси — Чжуан миллий Автоном Районининг бу қисмида мулоқот тили воситаси сифатида мўғул тили ҳам кенг қўлланилади.

Муғул тили — Ички Муғулистон ва Шимолий Шарқий Хитойнинг бир қатор ҳудудларида ҳудудий тил сифатида ишлатилади. Тай тили — Юньнань ўлкасининг Жанубий-Ғарбий уездларида мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади, бу ўлкаларда Тай миллати маданий муносабатда энг ривожланган ва аҳолиси кўп сонлидир.

ХХР даги деярли ҳудудий (миллий) тиллар – ёзув тилига эга бўлса-да, аммо уларда ёзувнинг мавжудлиги мазкур тилларни мажбурий белгиси эмасдир. Масалан, Суи (Гуйчжоу ўлкаси ёзувсиз тилдир).

Маҳаллий тиллар ичида мулоқотнинг асосий воситаси сифатида қўлланадиган тиллар ҳамда ишлатиш доираси камайиб борадиган тиллар ажралиб туради. Йўқ бўлиб кетаётган ёзма маҳаллий тилнинг мисоли сифатида — Манжур, Гуанси — Чжуан, Мўғул тилларини мисол қилса бўлади. Муаммонинг ушбу жиҳатларини эътиборга олган Марказий ҳукумат кам сонли миллатлар ёзувини ривожлантириш ҳамда сақлаб қолиш учун барча чора тадбирларни кўрмоқда.

Хитой тилшунослари Хитой Коммунистик партияси ва ХХР давлатининг тил қурилиши назариясини амалий вазифалар билан бирлаштириш тўғрисидаги чақириғини катта иштиёқ билан қабул қиладилар: Бу саводсизликни тугатиш ва саводхонлик даражасини ошириш, хитой тилини халқ оммаси учун тушунарли қилиш учун имло ислоҳоти масаласини ўрганиш, ёзувсиз тиллар учун алфавит яратиш ва

⁷⁶ Москалев А.А. грамматика языка Чжуан. Изд - во «Наука», М., 1972. - С. 40 – 82.

бошқа ҳамкорликдаги ҳаракатлардан иборат бўлди. 中国语文 (zhongGuo yuwen) лингвистик журнали, «Тилни тадқиқ этиш» — «Хитой тили» ва 语文学习 (Yuwenxuexi) саҳифаларида имло, лексика, фонетика, тил тарихи ва ёзувига доир кенг доирадаги баҳс-мунозаралар майдонига айланди.

1938 йилдаёқ, компартиянинг VI съездида Мао Цзэдун ўз маърузасида шундай деганди: «Турли миллий камчиликни ташкил этувчи халқларнинг маданияти, диний қарашлари, урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда, уларни хитой тили ва ёзувини ўргатишга мажбурлаш эмас, аксинча, уларнинг таълими ва маданияти ва ёзувини ривожимиз имкониятларига кўмаклашмоқ зарур».⁷⁷ Компартиянинг 1945 йилдаги VII съездида қилган нутқида Мао Цзэдун яна бир бор қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Биз миллий қачиликни ташкил этувчи халқларнинг тили, ёзуви, урф-одатлари, қарашлари, динини ҳурмат қилишимиз керак».⁷⁸ Шундан кейин, Хитой компартияси ва Халқ ҳукумати юқорида қайд этилган ғоялар ХХР Қонуни тамойили сифатида қабул этилишини қўллаб-қувватладиларки, бу ҳақда «Хитой сиёсий Советининг умумий дастури» ва ХХР Конституциясида аниқ белгилаб қўйилганидек, «Ҳамма миллатлар ўз ёзуви ва тилидан эркин фойдаланиш ва уни ривожлан-тириш ҳуқуқига эгадирлар».⁷⁹

1951 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси лингвистлари Хитойдаги миллий камчиликларни ташкил этувчи халқларнинг тил вазиятларини ўрганишга жиддий киришадилар. 1956 йилда ХХР ҳукумати томонидан мамлакатдаги миллий камчиликни ташкил этувчиларнинг тилини ўрганиш йўлида 7 та илмий-тадқиқот экспедициялари тузиб, уларнинг таркибига 700 лингвист олим ва илмий ходимлар киритилганди.⁸⁰

1957 йилнинг декабрида Хитойда миллий қачиликни ташкил этувчи миллат ва элатларга ёрдам тариқасида уларнинг тилининг кўламини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, шунингдек ўз ёзувларига эга бўлмаган ўнта миллат ва элатларга (转族 чжуан, 铂族 буи, 苗族 мяо, 黎族 ли, 纳西族 наси, 利斯族 лису, 哈怒族 хани, 佤族 ва, 侗族 дун) ёзувни яратишга ёрдам бериш мақсадида лотин алфавити асосидаги имловий тизим ишлаб чиқилди. 拉祜族 Лаху, 景颇族 изинпо, 傣族 дай элатларига — имлони

⁷⁷ Кўрсатилган манба.

⁷⁸ 中国西部 - 贵州 多民族 聚 - 北京 五洲 转播 除 版 社, 2001. 5 – 8 页.

⁷⁹ Кўрсатилган манба.

⁸⁰ Кўрсатилган манба.

мукаммалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиши, 维吾尔族 уйғур ва қозоқларга ёзувни ислоҳот қилиш лойиҳасини амалга оширишда кўмак берилди. Бундан ташқари, 夷族 «и» миллатига ҳам (Сичуанда истиқомат қилувчи) алфавит асосидаги ёзувни шакллантиришда ёрдам беришга қарор қилинди. Баъзи миллатлар ўзлари учун бошқаларнинг имлосини қабул қилиб, масалан, мәнба ва лоба элатлари Тибет ёзувини танлашди.

Ахборотлаштиришнинг ривожланиши таъсирида эндиликда мўғул, Тибет, уйғур, қозоқчани, ўз ичига олган 10 дан ортиқ ёзув турлари қайта ишланган ва электр нашр тизимига эгадирлар.

Имлони яратиш ва ислоҳот қилиш жараёнида қатъий илмий қонуниятларга асосланган шундай тамойиллар ишлаб чиқилдики, иш юритиш шунингдек, бир миллатнинг эркин танлови тамойили илғор тараққиёти тамойилига бўйсундирилди. Масалан, 1982 йил апрелда миллатлар бўйича давлат кўмитаси томонидан тасдиқланган чжуан ёзуви лойиҳаси чоп эттирилди. Унинг 50-чи йиллар лойиҳасига нисбатан баъзи ўзгаришлар киритилган. Шунингдек, 1976 йилда киритилган лотин ёзувига асосланган 维吾尔族 уйғур ва 哈萨族 қозоқ алфавитлари бекор қилинди.

Бир вақтнинг ўзида иш таъсирчанлигини ошириш мақсадида миллий камчиликлар тили соҳасида давлат бевосита марказда ва миллий камчиликни ташкил этувчилар зич яшайдиган жойларда улар тили ва ёзувини тадқиқ этувчи органларни ташкил этди.⁸¹

Аммо, ХХРнинг 大汉主义 (Dahanzhuyi) “буюк хан” чилик сиёсати бошқаруви 1958 йилдан кейин ўз мавқеига эга бўлган ва 大革命 (Dageming) «маданий (революция) инқилоби» давридаги, ҳозирги даврда сиёсат деб тан олинганидек, миллий камчиликни ташкил этувчи халқларга нисбатан «ҳар қандай миллий ўзига хосликларни, шаклларни ҳаспўшлаб, миллий камчиликни ташкил этувчи автономиялар ҳуқуқларига нисбатан масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинган».⁸² Бу ҳол барча ишларни фожеали тарзда бир қанча муддатга тўхтатиб ташлади. У 1978 йилда ХКР 4 та модернизация ва ислоҳотни халқ хўжалигида татбиқ этиш курсини эълон қилгач, қайта тикланди.

⁸¹ Кўрсатилган манба.

⁸² 中国教育改革与创新 2002 年。131 页。

Масалан, ХХР ташкил топгунга қадар 55 та миллат ва элатлардан иборат халқларнинг 21 тасигина ўз ёзувига эга бўлиб, улардан учтаси — хуэй, маньжур, ва, салар хитой иероглиф ёзуvidан, қолган 18 таси эса ўз ёзуvidан фойдаланиб, ривожланган ҳамда кам ривожланган 2 та гуруҳга бўлинган эди. Биринчи гуруҳга 11 та миллат ва элатлар: мўғул, уйғур, Тибет, қирғиз, рус, қозоқ, сибо, тай, татар, ўзбек, корейс тиллари мансуб бўлган. Иккинчи гуруҳда 7 та миллат ва элатлар: и, наси, мяо, цзинпо, лису ҳамда лаху бор эди⁸³.

Бу 21 та миллий камчиликни ташкил этувчи халқларнинг ёзувлардан фойдаланишларига қараб 3 турга бўлинади, яъни иеографик, бўғинли ва алфавит. Уларнинг ичида энг кам тарқалгани алфавит ёзуvidир. Ёзувнинг бу турига Тибет, корейс, эски уйғур, мўғул-тай, араб, лотин, славян сингари бутун ёзувлар тизими киради. Буларнинг баъзилари 2 ва ундан ортиқ тиллардан ва ёзувлар тизимидан фойдаланганлар. Мисол учун (юқорида таъкидлаганимиздек) мўғуллар 2 хил алфавит туридан дайлар иеографик алфавит турлари ва ёзувлари тизимидан фойдаланишган.

Қолган 34 та миллат ва элатларнинг ёзуви йўқ эди, шу сабабдан, 1951 йилдан кейин, юқорида қайд этилганидек, ХХР ҳукумати қарорига мувофиқ, хитой тилшунос-лингвистлари мамлакатдаги тил вазиятини тадқиқот этиш билан бирга хат ёзуви ривожланмаган ёки умуман ўз ёзувига эга бўлмаган миллий камчиликни ташкил этувчи халқлар учун имлони ривожлантириш ва тартибга солиш борасидаги ишларни амалга оширишга киришдилар. Шу йўналишга 1958 йилгача юқорида кўрсатилган кам сонли миллатни ташкил этувчилар ёзуви тартибга солинди. 1958 йилдан кейин ХХР ҳукумати миллий сиёсатида юзага келган негатив ўзгаришлар хитой лингвист-тилшуносларининг миллий камчиликларни ташкил этувчи халқлар имлоси борасида олиб бораётган ишларига ўз таъсирини кўрсатди. «Маданий инқилоб» йилларида эса бу иш бутунлай тўхтатиб қўйилди. Шу тарзда 1958 йилга қадар яратилган 10 та алфавит тизимидан фақат иккитаси: лису ҳамда ва элатларининг алфавит тизимигина истёъмолга кирди.

1978 йил ХХРдаги миллий сиёсат ўзгаргач, бу иш қайта тикланди. 1979 йилда Халқ вакилларининг умумхитой йиғини — ХВУХЙнинг бешинчи чақирғида мазкур соҳада йўл қўйилган хато камчиликлар ва чекланди. Бундан кейин миллий камчиликни ташкил этувчиларнинг ўз ёзуvidан хўжаликнинг барча соҳалари ва

⁸³ Энциклопедия нового Китая / Национальная политика КНР/ - М., 1989.

жамият ҳаёти эркин фойдаланишини чеклаш эмас, балки кенгайтиришни кафолатлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.⁸⁴

ХХР раҳбариятининг бу миллий сиёсати камчиликни ташкил этувчи халқларнинг ёзув тизимига нисбатан миллий кам сонликни ташкил этувчи халқлар тилидаги адабиёт ва дарсликларнинг яратилишида катта туртки бўлди.

1978 йилдан кейин Марказда ва жойларда миллий кам сонлиларни ташкил этувчилар муоммосига доир кўплаб давлат илмий ташкилотлари қайта тикланиб, жумладан «маданий инқилоб» даврида йўқотиб юборилган ёзувларни тадқиқот этишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Айни пайтда бу ташкилотлар билан катта ишлар олиб борилмоқда. 1979 йилдан 1981 йилга қадар миллий камчиликни ташкил этувчиларнинг илмий-тадқиқот институти Хитой миллий камчил халқларнинг Марказий илмий-тадқиқот институти қошида ўлка ва мухтор ҳудудларга 10 дан ортиқ миллат ва элатларнинг тарихи, санъати, адабиёти, жумладан тили ва ёзувини тадқиқ этишга 70 дан зиёд юқори малакали ишчиларини юборди.⁸⁵

Маълумки, ҳар бир тил одатда шева ва сўзлашувларга бўлиниб кетади. Ёзувни қарор топтириш бутун халқни диалектик бўлинишига қарамай, бирлаштира оладиган ягона адабий тилини барқарорлаштириш билан боғлиқдир. Умумхалқ адабий тилининг, юқорида қайд этилганидек, одатда бирор бир диалект асосида шаклланади ва мазкур шева тилнинг ривожланишидаги умумий тенденциялар, умумхалқ тилининг ўзига хосликларини тўла ва ёркин ифодалай олиши керак эди.

ХХРдаги миллий қачиликни ташкил этувчиларнинг ёзувини яратиш ва ислоҳ этишдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам ёзув ва адабий тилни ўзаро мутаносиб белгилай оладиган таянч шевани танлашдан иборат эди. Бу вазифани амалга ошириш эса осон эмас эди, чунки ХХРдаги миллий қачиликни ташкил этувчи халқлар тилининг кўпчилигида хитой тилининг шимолий шеваси сингари унчалик аниқ эмасди.

Янги ёзувни яратиш ва эскисини ислоҳ этиш жараёнида соф лингвистик, ҳисоб-китобини қилиш ва жиддий муҳокамани талаб этадиган, балки умумий-сиёсий омилларга доир ҳам бир неча жиддий саволлар юзага чиқарди.

Улардан энг муҳимлари қуйидагилар эди:

1. Яратилаётган ёзув ва адабий тилнинг шева асосини танлаш ҳақида.

⁸⁴ 中国教育改革与创新 2002 年。131 页。

⁸⁵ Кўрсатилган манба.

2. Ягона адабий талаффузни жорий этиш ҳақида.

3. Халқларнинг ягона ҳисобланадиган номенклатурасини белгилайдиган бир неча ёзувни яратиш ҳақида. Шунингдек, “алфавитларни бирхиллаштириш ва ҳарфлар шаклини лотин графикаси асосидаги алфавитларни қўшимча қилиб киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.”⁸⁶

Уйғур ёзуви ва адабий тилдаги диалектик асосни аниқлаш қиёсан енгил бўлди. Умумтан олинган уйғур ёзуви ва замонавий адабий тилининг асоси, марказий шева тили бўлиб қолди.

Чжуан тили эса бир-биридан сезиларли даражада фарқланувчи иккита шева: шимолий ва жанубийга бўлинади. Уларнинг биринчисида чжуанларнинг асосий кўпчилиги гаплашадилар. Шимолий Чжуан шеваси Чжуан ёзуви ва адабий тилининг ягона асоси сифатида ўрин тутди.⁸⁶

Эски мўғул ёзувини ислоҳ қилишга доир тайёргарлик иши олиб бориларкан, ХХРдаги мўғул адабий тилини ривожлантириши келажакда қайси йўл билан амалга ошириш масаласини ҳал қилиб олиш лозим эди. ХХРдаги мўғул шеваларидан — шарқий, барғу-бурятча, марказий, ғарбий ва синцзянча (ойротча) — (шу тилда гапирувчилар сони жиҳатидан) нисбатан йирик шарқий шева ҳисобланади. 1956 йилнинг май ойида Хухэ-Хотода ўтказилган мўғул тили ва ёзувига доир Конференция ягона мўғул адабий тилини ХХРдаги марказий мўғул шеваси ҳисобидан татқиқ этиш бўйича қарор қабул қилди.⁸⁷

Ёзма ва адабий тилнинг ягона умумхалқ шаклини яратиш халқни жипслаштиришдаги ниҳоятда муҳим омил бўлиб, шу халқларнинг миллий-маданий бирлигини чуқурроқ англашдаги аҳамиятини ифодалайди. Баъзи халқлар томонидан зарурат бўлмаса ҳам керагидан ортиқ ёзув турларининг қабул қилиниши бирдамлик ва ягоналикни заифлашуви, миллий маданиятнинг тараққий этишидаги кучнинг бўлиниб кетишига олиб келади.

Лису элатида ҳам шундай вазият юзага келган эди. Лису тилида кескин диалектик фарқлар йўқ. асосан Юннаннинг шимолий-ғарбий қисмида анчагина жипс яшайдиган лису битта ёзув билан бирлашиши мумкин. Бироқ, шунга қарамай, улар учта ёзув турига эга бўлиб, бунинг устига турли ёзув тизимидан фойдаланувчи

⁸⁶ Кўрстаилган манба.

⁸⁶ Москалев А.А. грамматика языка Чжуан. Изд - во «Наука», М., 1972.

⁸⁷ Энциклопедия нового Китая / Национальная политика КНР/ - М., 1989.

халқлар билан ўзаро муносабатлар чегараланган, улар ўртасидаги никоҳ таъқиқланганди.

Юннандаги наси элати тили 2 шева: ғарбий ва шарқийга бўлинади. Насининг ғарбий шевасида аллақачон 2 та ёзув усули татқиқ этилган: дунба (пиктограмм — бўёқли расмлардан, сезиларли даражада фойдаланилган) ва гэбе (бўғинли). Бундан ташқари, унчалик катта бўлмаган наси миллатнинг бу қисми аралаш — расмли-бўғин ёзув туридан фойдаланилади.⁸⁸

1951 йил март ойида Кунмин шаҳрида ўтказилган Юннан тил Конференциясида лису ва наси элатларида ягона ёзувга ўтказиш дастури қўллаб-қувватланиб, бу эса миллий камчиликларнинг алоҳида қисмларини ягона бирлигига олиб келишидаги тўғри йўл эди. Бундай миллий камчиликларга эса мяо, ва хан, цзинполар киради.

Ўз тили ва маданиятига кўра Юннан ва 贵州 Гуйжоу и цзулари кўп ҳолда носидан кескин фарқланади, ланшан ва аксинча. Юннан ҳамда ляншанлари ўзининг асосий қисмида бир-бирини тушунмайдилар. Шу билан бирга Юннандаги и цзунинг алоҳида гуруҳларида мулоқот ниҳоятда оғир ёки биринчи ўринда луғатдаги, фонетика, оҳанг ва баъзан ҳатто имлодаги кескин фарқлар туфайли умуман тушунарсиз ҳамдир⁸⁹.

И цзу аҳолисининг мавжуд алоҳида қисмлари ўртасидаги реал тил муносабатлари улар учун ягона адабий тил ва ёзувни яратиш имконини бермайди. Айнан шунинг учун ҳам ляншан и лари (носу) томонидан 1951 йил майидан мустақил ёзув яратилиб, 1956 йил охирига келиб у бир мунча яхшиланди.

1956 йилнинг ноябрида (贵阳 Гуйян ш.) 苗 мяо ёзувига доир ўтказилган конференцияда мяолар учун бир-биридан шева, луғавий фонематик, баъзан имловий фарқликларнинг катталиги туфайли шу тилда сўзлашувчилар бир-бирларини ҳам тушуна олмасликлари ҳолати ўрганилиб, тўртта ёзув турини жорий этишга қарор қилинди. Бу эса ўтмишда ҳудудий ва иқтисодий жиҳатдан бир-биридан бўлиниб кетган мяолар бирлашмас, ягона халққа айланмасди. Тил, маданияти ва ҳудудий иқтисодий тарқоқлигининг аҳволидан келиб чиқган. Шу сабабдан мяоларнинг кўпсонли сўзлашув шеваларини битта ягона умумхалқ тилига бирлаштира олмай ҳар бир тил ўз мустақиллигини ҳозирги кунга қадар сақлаб қолган.⁹⁰

⁸⁸ 中国西部 - 贵州 多民族 聚 - 北京 五洲 转 播 除 版 社, 2001.

⁸⁹ Кўрсатилган манба.

⁹⁰ Кўрсатилган манба.

Аммо, ХХРдаги яна шундай миллий камчиликни ташкил этувчи халқлар борки, уларнинг тилида ҳеч қандай диалектик фарқлар кўринмайди. Тил луғат ва имлоси бир хил бўлиб, уларнинг айрим ўзига хос жиҳатлари фақат товуш таркибида ва алоҳида гуруҳлар талаффузида сезилади холос. Бундай миллат ва элатлар тили фақат сўзлашувларгагина бўлинади, адабий тилнинг луғавий-имловий асоси эса, ундан оладиган диалектни танлашга ҳам ҳожат қолдирмайди. Бу миллий кам сонлилар тилининг ниҳоятда мустаҳкамлигини билдиради. Бунсянлар учун ёзувни яратиш ёки сиболар учун ёзувни ислоҳ қилишда фақатгина қайси сўзлашув умумхалқники бўлиши мумкинлигини белгилаб олинишининг ўзи етарлидир.

Гап адабий тилнинг диалектик асосини топиш тўғрисида бораркан, биринчи ўринда тилнинг бутун луғат ва имлосининг, асосий белгилари назарда тутилиши керак. Луғавий-имловий меъёрларни жорий этмасдан, туриб ягона, умумхалқ адабий тили шаклланиши мумкин эмас. Аммо тўғри адабий талаффуз ҳам ҳозирги замон халқларининг маданий ҳаётида сезиларли роль ўйнайди.

ХХРдаги миллий камчиликларнинг ёзуви унификациясига келсак эса, улар имконият даражасида унификация (бирхиллаштириш) қилиниши керак. Бир гуруҳга мансуб турли тилларнинг фонемик оҳанги характери ва артикуляцияси жиҳатидан бир хил ёки яқинлиги табиий ва мақсадли равишда бир хил ҳарфлар билан ифодаланади.

Амалий алфавитларни аниқ фонетик транскрипция билан аралаштириб бўлмайди. Аниқ фонетик транскрипцияда турли белгилар билан нафақат алоҳида феноменлар, балки уларнинг вариантларидай белгилари дифференциялар умуман зарур эмас. Умуман олганда турли тиллардаги ўхшаш фонеменларни амалий алфавитларда бир хил ҳарфлар билан ҳам бериш мумкин.

Бир хил ёки бир-бирига яқин фонемаларни (айтайлик, чжуан, буи, ва, ли ёзувларидаги каби) турли тарзда талқин этиш нотўғри бўларди. Албатта, турли тизимдаги, ҳаттоки, чжуанча, ва, носу, чжуанча, ва, мяо, Чжуан, Ва, Цзинпо каби тиллар алфавитларининг тўлиқ унификациясига эришиш қийин. Гарчи бу тилларнинг ҳаммаси хитой-Тибет тил тизимида алоқадор бўлса-да, ўзларининг овоз тизимида кўра улар бир-биридан кескин фарқланадилар.

Бир тил гуруҳи доирасидаги алфавитлар унификацияси зарур ва бутунлай мумкиндир (бунга собиқ СССР тизимидаги ёзувни яратиш тажрибасини ҳам мисол

килиб кўрсатса бўлади⁹¹). Шунингдек, чжуантай тил гуруҳларининг лотинлашган алфавитларининг тўлиқ унификацияси, мяо-яо тил гуруҳлари турк, мўғул ва бошқа гуруҳлар тил алфавитида эса фарқланувчи фонетик жиҳатлар ҳисобга олинадиган бўлса, бу ерда қисман чегараланган унификация амалга оширилса бўлади. Бир-бирига қариндош бўлган тиллар алфавитларининг онгли тарзда ўтказиладиган унификацияси бир халқнинг бошқа бир халқнинг тили, хати ва адабиётини ўрганишга кўмаклашади; шу билан бирга янги ёзувни қабул қилаётган миллий камчиликнинг ташкил қилган халқлар ёки элатлар матбаа хизматини мустаҳкамлайди ва жонлантиради⁹².

ХХР шарт-шароитидаги алфавитлар унификациясини ўтказишда лотинча асосидаги хитой фонетик ёзуви (транскрипцияси)ни мақсадли равишда ҳисобга олиш керак. Бу биринчи галда хитой тилига қардош бўлган, хусусан, чжуан-тойча гуруҳлар тили учун ниҳоятда муҳимдир.

Аммо, айрим миллий камчиликларнинг тилларидаги фонетик ўзига хосликларни ҳам ҳисобга олиш лозим. ХХР миллий камчил халқларининг алфавит тилини ҳар доим ҳам Хитой фонетик транскрипциясига қуриши мумкин эмас. Алфавитларнинг ҳаддан ортиқ унификацияси айрим ҳолларда баъзи миллий камчиликлар алфавитида ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Масалан, лотин алфавити асосидаги хитой фонетик ёзувида икки ҳарфли белгилардан zh, ch, sh киритилган бўлиб, бунда и тили, мяо-яо тили товушларидаги хитойча zh, sh лар яъни, бурун орқали талаффуз этилиши мумкин. Унда бу димоқ товушларини мяо-яо, и тилларида учта ҳарф билан, баъзан ҳатто тўртта ҳарфда ушбу тилларнинг фонетик имкониятидан келиб чиққан ҳолда: nzh(i), «nsh(i)» тарзида ифодалашга тўғри келади⁹³. Бу каби мурқаб белгилар, табиийки, жоиз эмас.

Шу сабабдан Хитойдаги кам сонли миллатларнинг алфавитлари максимал унификациясида 1958 йилда қабул қилинган хитой алфавитига мувофиқ, ҳар доим ҳар бир тилнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш ва улар учун ҳаддан зиёд оғирлик қиладиган алфавитлар тузишига йўл қўймаслик керак бўлади.

1979 йилда ХХРнинг Умумхалқ вакиллари курултойида бир неча қонунлар муҳокама этилиб, қабул қилинди: барча автоном районларда депутатларни сайлаш

⁹¹ Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. Изд-во. «Высшая школа». М., 1969.

⁹² Москалев А.А. грамматика языка Чжуан. Изд - во «Наука», М., 1972.

⁹³ Сердюченко Г.П. теоретические проблемы изучения языков Азии и Африки // Языковая ситуация в странах Азии и Африки. – “Наука” М., 1967 Стр 5-13. Москалев А.А. Политика КНР в национально – языковом вопросе / 1949 – 1978 / М., 1981. - С. 28- 39-40.

вактида ҳамма миллатлар ўз ёзувидан фойдаланиши мумкин; бу ҳолда турли миллатларнинг барча фуқаролари процессуал ишларда, халқ суди, халқ прокуратураси, жамоа хавфсизлиги органларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар; мазкур жойнинг тили ва ёзувидан етарли даражада хабардор бўлмаган халқ суди, халқ прокуратураси ва жамоа хавфсизлиги органлари таржимондан фойдаланишлари шарт; аралаш аҳолига ёки кўп миллатли аҳолига эга районларда тергов масалалари албатта маҳаллий тилда олиб борилиши керак; ўша маҳаллий ҳудуднинг ёзувидан фойдаланилган тарзда суд қарори ва бошқа ҳужжатлар шу тилда эълон қилиниши керак.

ХХР Конституциясида қуйидагилар белгилаб қўйилган: “ҳар бир миллат ўз тили ва ёзувидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш эркидан фойдаланишга тўла ҳақли” деб белгиланган. Ҳозирда миллий камчиликни ташкил этувчи халқларнинг асосий қисми асосий восита сифатида ўз она тилидан шундай фойдаланиб келмоқдалар. Мактабларда миллий кам сонлик вакилларининг ўзлаштириш даражасини ошириш мақсадида, табиийки, ўқув жараёни икки тилда олиб борилади (Хитой ва унга тегишли элатлар тилида). Миллий мухториятнинг жуда кўп жойларида давлат ҳужжатлари, мажлислар, жамоа жойлардаги кўрсаткичларда миллий ва хитой тилидан ҳам фойдаланилади.⁹⁴ Шунингдек, Хитой Марказий радиостанцияси ички ва ташқи эшиттиришларда 5 та — 内蒙(Nei meng) мўғул, 藏族 (Xizang) тибет, 维族 (Weizu) уйғур, 哈萨克(Hasake) қозоқ, 韩族(hanzu) корей тилларидан фойдаланувчи миллий камчиликлар бўлишини ташкил этган.

Хитой Компартияси қурултойида, халқ вакилларининг Умумхитой қўмитасининг Халқ сиёсий маслаҳати кенгашида депутатлар ва миллий камчилик вакиллари учун ёзма ҳужжатлар ва оғзаки синхрон таржималар етти тил — 内蒙 мўғул, 藏族 Тибет, 维族 уйғур, 哈萨克 қозоқ, 韩族 корейс, 壮族 чжуан 佤族 ва 夷族 и миллати тилида берилади.

Конститутцияда белгиланганки, миллий мухтор ҳудудларидаги ўз-ўзини бошқарувчи органлар ўз вазифаларини амалга оширишда миллий мухтор туманларининг қарорларига мувофиқ, бир ёки бир неча тил ва ёзувлардан фойдаланадилар. Шунга мувофиқ баъзи мухтор туманларидаги миллатлар бу билан миллий тил ва ёзувдан фойдаланишни қарор топтирадилар. Масалан, Тибет автоном

⁹⁴ 1982 йил қабул қилинган Конституция материалларига қаранг.

районида белгиланганидек, «Бир вақтнинг ўзида Тибет тили доминантлиги сабаб Тибет ва хитой тилларидан фойдаланилади»⁹⁵.

1988 ва 1993 йилларда 新疆(Xinjiang) Синцзян — Уйғур мухтор ҳудуд ҳукумати» СУАР миллат ва элатлари ёзуви ва тилидан фойдаланиш тизимидаги иш тартибини жорий этган. Суд ишлари, идоравий ишлар каби сиёсий ва ижтимоий ҳаётда миллий кам сонликлар тили ва ёзуvidан кенг фойдаланилади. Мухтор туманларидаги ташкилотларда иш юритиш бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ тилда олиб борилади: барча мухтор округ ва туман уездларида иш юритиш шунингдек, миллий мухторият тилида ҳам олиб борилади. Миллий камчиликлар сайловлар даврида ва ариза топширишда ўз она тили ва ёзуvidан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ахборот дастурлар, нашрлар, радиоёшиттиришлар, кино, телекўрсатувларда турли миллатлар тили ҳамда ёзуvidан кенг фойдаланилади. Синцзян халқ радиостанцияси ёшиттиришларни 5 тилда: уйғур, хитой, қозоқ, мўғул, ва, қирғиз тилларида олиб боради. Телевизион станция ўз кўрсатувларини уйғур, хитой, қозоқ, мўғул тиллари ва ёзуvidан фойдаланган ҳолда намойиш этади. Синцзян телевидениеси учта уйғур, хитой, қозоқ тилларидаги дастурга эга. Уйғурлар, ханлар, қозоқ, қирғиз, мўғул, ва, сиботянларнинг она тилида газета, журнал ва китоблар чоп этилади⁹⁶.

ХХРдаги миллий тилларнинг умумий функционаллашуви уларнинг идоравий тил сифатида фойдаланилиши (расмий равишда Хитой қонунчилигида кўрсатилганидек) суд ишлаб чиқариши, таълим жараёни (кўпгина районларда бошланғич таълим мактаблари чегарасида), китоб наشري ишлари ва миллий тиллардаги радио ёшиттиришлар, миллий театр, кинофильмларни она тилига дубляж этиш ва ҳ.к. кабиларда бу функцияларнинг барчаси турли тилларда бир хил тармоқланмаган. Бу вазифалар узок даврлардан буён ёзма анъаналарга эга бўлган Тибет, уйғур ёки мўғул тилларида, омиллари турлича эканлигига қарамай, ўз ифодасини топа олган.

Бугунги кунга келиб мўғул, тибет, уйғур, корейс, ва, и ёзувлари учун давлат стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар кодли белгилар, шриффт, клавиатуралар жамланмасига эга.

Хулоса қилинса, Мамлакатда асосан 5-та миллат; тибет, уйғур, қозоқ, мўғул ва корейс ёзувлари кенг тарқалган. Тарихан, улар миллий қадриятлари билан боғлиқ

⁹⁵ 50 – летие демократических реформ в Тибете/ Пресс – канцелария госсовета КНР. Пекин - 2009. -Б.37 – 47.

⁹⁶ Қаранг: 1982 йилда 4 бор қабул қилинган Конституция материаллари.

ёзув анъаналарига эга. Масалан, Тибетнинг бўғимли алфавити бунинг исботи бўлиб, унинг пайдо бўлиш даври миллодий VII асрларга бориб тақалади.⁹⁷ Аммо кези келганда шуни ҳам қўшиб қўйишга тўғри келадики, уйғурлар мелоддан талай асрлар муқаддам ўзларининг мустақил “ўрхун” ёзувига эга бўлган миллатлар сирасига киради. Мазкур ёзув исломгача қадар ва ундан кейинги ислом даврдларида ҳам, жумладан XV-аср бошларигача араб ёзуви билан биргаликда қўлланилган. (Ўрта Осиёда). XII-аср охирларидан бошлаб Чингизхон давлатида бу ёзув расмий давлат ёзуви этиб белгиланганлиги тарихан сир эмас. Хусусан. Мўғилистон Халқ Республикасида ушбу ёзув ҳозирда ҳам Хитой иероглифи билан ёнма-ён қўлланиб келинмоқда. Бинобарин, туркийларнинг ўрхун ёзуви бизнинг давримизгача тўлиқ йўқотиб келган энг кўҳна ёзма ёдгорлиги ҳисобланади.

Уйғурлар, яъни Қорахонийларнинг улуғ давлатчилиқ даврида X-аср ўрталаридан бошлаб ислом дини билан биргаликда араб ёзувига муқим ўтган халқларнинг бири сифатида тарихга кирганлиги ҳеч қандай далил-исботга ўрин қолдирмайди.

Корейслар ҳам ўзларининг қадимий алфавитидан фойдаланиб ишлаб келган. Баъзи миллатларда кўп ёзувли турининг мавжудлиги ҳам кузатилади, аммо улар кенг тарқалмаган.

Масалан, Юнанда яшовчи тайлар – 5 ёзувга (шан ва мама алфавитидан келиб чиққан бўғинли алфавитлар), лисулар – 3 (улардан бирида лотин графикаси) ва, наси (носд) – 2 (иероглифик ва бўғинли). Баъзи миллатлар, масалаан Чжуанлар, хитой иероглификасини ўз тилига мослаштириб, иероглифларни транскрипция белгиси сифатида ишлатади⁹⁸.

Эски миллий ёзувларнинг аксарият хусусияти - уларни қўллаш доирасининг торлиги, улар диний маросимлар билан чекланиб қолиши билан боғлиқ бўлса, (суй, пуми миллатлари ёзуви). Мазкур миллий ёзувларнинг яна бир хусусияти – уларни мукамал эмаслиги, архаик эканлиги билан ҳам таснифланади. Масалан: Англия миссионерлари С Поллард яратган мяо миллатининг бўғинли тил ёзувининг тон фарқларини ёзувда ажратиш учун қисман имконият яратган. Ўтироф этилишича, Чжуанларни иероглифик ёзувлари ҳам мукамал бўлмаган. Наси миллатининг пиктографик ёзуви ҳам архаик ҳисобланади.

⁹⁷ Ван Гочжэнь. Китай: Тибет факты цифры Изд.- во «Синьсин» Пекин., 2001. - С. 13-18.

⁹⁸ Энциклопедия нового Китая // Язык и письменность/ Изд-во. “Прогресс”М., 1989. - С. 30.

Аммо, қайд этиш керакки, ҳозиргача миллий камчиликни ташкил этувчи халқлар ёзувини ривожлантириш соҳасида Хитой ҳукумати ва хитой лингвистлари олдида катта вазифалар турибди. Айни пайтда 30 дан ортиқ миллий камчиликни ташкил этувчи миллатлар хали хануз ўз ёзувига эга бўлмай келмоқдалар.

3.3. Уйғур тилининг юзага келиши. СУАРда тил вазияти

Синцзян-Уйғур автоном райони («Синцзян» — Xinjiang, қисқача —янги чегара) ХХРсининг шимолий-ғарбида жойлашган. У кўп йиллар давомида нафақат Хитой, балки унинг ташқарисидаги сиёсатчи ва олимларнинг диққат-эътиборини тортиб келмоқда. 1955 йилда ХХРсининг миллий-идоравий бирлиги сифатида ташкил топган СУАР мураккаб географик чекка ҳудудлар ва кўпмиллатли аҳоли шароитида ривожланган.

Синцзян Хитойнинг 6/1ни ташкил этиб, унинг майдони 1,664 900 кв. бўлиб⁹⁹, Хитойдаги вилоят ва автоном районлар ўртасидаги энг йириги ҳисобланади. Синьцзян: Шимолий-шарқда Мўғулистон ва Россия, Шимолий - ғарбда Қозоғистон, Қирғизстон, Тожикистон, Жанубий - ғарбда Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон давлатлари билан чегарадош. Чегараси узунлиги 5,4 кв. км.дан ортиқ бўлиб, бутун мамлакатнинг қуруқ ер чегараси умумий узунлигининг ¼ қисмини ташкил этади.¹⁰⁰

Синцзян ХХР районлари ўртасида давлат чегараси узунлиги жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб, у ерда мамлакатнинг бошқа вилоят ва районларига нисбатан очиқ пунктлар кўпроқдир, минтақанинг тарихий номи — Шарқий Туркистондир. Қадимда уйғурлар нафақат Ўрта Осиё, балки Хитойга ҳам ўз таъсирини ўтказа олган кучли маданий тараққиётга эга ўлка бўлган. 1759 йилда Манчжур-хитой харбийлари тазйиқи туфайли уйғурлар ўз давлатчилик тизимидан маҳрум бўлади.¹⁰¹ Ишғол этилган ерлар Синцзян деб атала бошлади.

Тарихан аён бўлган улкан ва даврукли давлат бўлган Шарқий Туркистон эндиликда бор-йўғи «ХХР Конституцияси» ва «ХХР миллий район автономияси Қонуни»га кўра 1955 йилнинг 1 октябридан бошлаб собиқ Синцзян ўлкаси Синцзян-

⁹⁹ Кўрсатилган манба.

¹⁰⁰ 新疆的发展与进步 // «中华人民共和国国务院新闻办公室» 北京 二00九年.九月.四五 页.

¹⁰¹ Кўрсатилган манба.

Уйғур автоном районинг деган мақомга эга бўлди. Автоном районин ўлкаси расмий пойтахти бўлиб Урумчи шаҳри қолди.

Ҳозирда Синьцзян—Уйғур автоном райони ўз ичига 13 та округ, 17 та шаҳар 70 та уезд ва 884 та қишлоқ ва вилоятларни (жумлаган, 132та қишлоқ, 670та волост, 42та миллий волост)ни ўз ичига олади. 17 та шаҳар ичидан 3 таси: Урумчи, Қорамой, Шихэцзы СУАРга тўғридан-тўғри, Турфон, Хамий, Аксу, Таши, Хэтен, Инин, Тачэн ва Алтой каби 8 та шаҳар ҳудуди ҳам буйсунади.¹⁰² 13та округ орасидан 8таси— Турфон, Хамий, Аксу, Қашқар, Хэтен, Хўтар, Или, Тачэн (Тарбоғатой) ва Олтай; 5 автоном округлардан: Қозоқ Или, Мўғул Бўритала, Хуэй Чанцзи, Мўғул Бамингол, Қирғиз Қизилсув автоном округлари шулар жумласидандир¹⁰³.

Қадимдан СУАР ҳудудини асосий кўп сонли уйғурлар ташкил этувчилар (8976 700 киши бўлиб, районнинг умумий аҳоли сонининг 45,73%га тенг туркийзабон халқлар иборат бўлган¹⁰⁴. 2000 йилда ўтказилган 5-аҳолини умумий рўйхатга олиш вақтида бу районнинг умумий аҳоли сони 19,25 млн. кишини ташкил этган. Айни пайтда бу ҳудудда 40 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Шулардан 13 таси асосий. Синцзянда куйдаги миллатлар; уйғурлар, ханлар, қозоқ, хубэйликлар (тунганлар), шивалар, муғуллар, қирғизлар, сибо, тожик, пиштунлар, ўзбек, манчжур, даур, татар ва руслар¹⁰⁵ узоқ йиллардан бўён иноқ-итифоқ бўлиб яшаб келмоқда. Бундан ташқари, яна 34та миллат ва элатлар, (улар орасида дунсянлар, Тибетлар, саларлар, бунтенлар, корейс ва бошқалар¹⁰⁶) яшайди. У миллатлар Синцзянга асосан ХХР ташкил топгандан кейин мамлакатнинг бошқа вилоят ва районларидан кўчиб келганлар.

СУАР аҳолисининг 60% дан ортиғини миллий кам сонли халқлар ташкил этади. Кейинги 10 йил мабойнида СУАРда аҳоли сони икки баробардан ортиб кетди. Синцзян аҳолисининг умумий сони 1990 йилда 9,96 млн. нафардан иборат эди¹⁰⁷. 1985 йил охирига келиб аҳоли сони 13,08 млн. тага етиб, улардан миллий кам сонликни ташкил этувчилар 7,79 млн. киши (жумладан, уйғурлар 5,95 млн. киши¹⁰⁸)га етди. Синцзян-Уйғур районидаги ханлар сон жиҳатидан уйғурлардан кейин иккинчи

¹⁰² 新疆的发展与进步 北京 二 00 九年.

¹⁰³ История и развитие Синьцзяна. Изд-во “Синьсин” Пекин., 2003. -С 38 – 49.

¹⁰⁴ Китай – 1993. “Синьсин.” Пекин., 1993. -С. 16 – 20.

¹⁰⁵ История и развитие Синьцзяна. Изд-во “Синьсин”., Пекин., 2003. -С 38– 43.

¹⁰⁶ Кўрсатилган манба.

¹⁰⁷ Энциклопедия нового Китая // Язык и письменность/ 1989.

¹⁰⁸ Кўрсатилган манба.

ўринда туриб, тахминан 40%ни ташкил этади. Синцзяндаги ҳақиқий вазият тўғрисида маълумотлар кам. СУАРдаги тил вазиятига таъсир этувчи кўплаб (ижтимоий — сиёсий, этник,) омиллар мавжуд.

Асосий масала сифатида Синцзян этник таркибининг ўзгаришини айтиш мумкин. XX аср ўрталаридаёқ бу ердаги аҳоли уйғур бўлиб, бошқа туркийзабон гуруҳлар билан бир қаторда уйғурлар синьцзянликларнинг асосий кўпчилигини ташкил этарди. Кейинги ўн йилликда ХХРнинг кўпгина районларидаги тил вазиятининг ривожланишидаги асосий мавжуд омиллари сифатида, вилоятлардан хан аҳолиси кўчиб келиш оқимининг кучайиб бораётгани бўлиб, табиийки бу ўз навбатида мазкур районларда хитой тили мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Айниқса, бу кўрсаткич Синцзянда юқори бўлиб, хан аҳолиси 1949 йилдаги 5 баробардан ҳозиргача 40 баробаргача ошди¹⁰⁹. 1953 йилдан то 1990 йилгача уйғурлар сони деярли икки баробарга ошди. (3-6 млн. Кишидан 7-1 млнгача) ханлар эса 18 баробар (0,29 млндан 5-6 млн)гача ошди. Шу тарзда 1953 йилда 80 %ни ташкил этувчи уйғурлар ХХ аср охирига келиб умумий аҳолининг бор-йўғи 47%ни ташкил этди¹¹⁰. Ханларнинг оммавий кўчишининг ижтимоий оқибати сифатида, ҳали атрофлича ўрганилмаган бўлсада, унинг кўп томонлари Синцзян жамияти ҳаётига бевосита ўз таъсирини ўтказди. Синцзянда хитойликлар сонининг ошиши минтақада этникаро можароларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Уйғурлар минтақада ўтказиб келинаётган марказ сиёсатини уйғур миллатини ассимиляция қилишга йўналтирилган сиёсат деб тушунмоқда. Социал – ижтимоий муносабатларда ҳам тенгсизликлар кейинги пайтларга келиб кучайди. Масалан, шаҳарликлар ўртасида ишга кириш, яшаш — жой билан таъминланиш мураккаб тус олмоқда. Айнан шу тизимларда боргансари маҳаллий аҳолига нисбатан ханликлар фойдасига (ижтимоий мавқеи юқори бўлгани учун) дискриминация кучайиб бормоқда. Табиийки, шу билан биргаликда бу районда хитой мактаблари, ўқув муассасаларида хитой тили мақоми ҳам ошиб кетди¹¹¹.

Кейинги ўн йилликда бутун Хитой ҳудудида, айниқса ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатдаги аҳоли миграцияси даражасида миллий камсонликлар ўрни кенгая борди. 5-умумхитой аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра (2000 йил)

¹⁰⁹ Богословский В. А Национальный вопрос в Китае / 1911 - 1949/ М., -С. 4-22.

¹¹⁰ Бойко В.С. Синцзян в современной историографии конца XX – XXI вв Россия Сибирь и Центральная Азия взаимодействие народов и культур. – “Барнаул” Казакистан. 2001 – С. 52 - 56.

¹¹¹ Чывьрь Л. “Вестник Евразии”. выпуск №2. 2001. МГУ - С. 144 – 151.

барча вилоят, автоном район ва шаҳарларда миллий камчиликлар яшаши қайд этилган. Уларнинг 11 тасида 56 та миллат вакили яшайди. Ваҳоланки, 1990 йилда ўтказилган 4-умумхитой аҳолини рўйхатга олиш даврида бу ҳол фақат Пекинда қайд этилган эди.

1990 йилдан кейин ўтган 10 йил мабойнида Синцзян-Уйғур автоном районидаги кам сонлик миллатлар тахминан 3%га камайган. Демакки, бу қайдлар Синцзян миллий автоном районлари тилини ривожлантириш жараёнида ХХР марказий ҳукумати томонидан Конституцияда белгиланган низомларнинг қўпол равишда бузилганлигини кўрсатмоқда.

3.4. С УАР туб халқлари тилларининг тарихий - типологик таснифи

Юқорида айтиб ўтилганидек, СУАРда 13та миллат асосий ҳисобланади. Уларнинг СУАР ҳудудидаги тақсимланиши, тил ва тил оилаларига мансублиги, шунингдек, ёзувдан фойдаланиш ва ёзувнинг ривожланиши даражасини кўриб ўтамыз:

I. Олтой тиллар оиласи:

1. Турк тиллари: уйғур, ўзбек, қозоқ, тотор, қирғизча.
2. Мўғул тиллари¹¹²: мўғулча, даурча.
3. Манчжур-тунгус тиллари: А. манчжур тиллари шоҳобчалари: манчжур, сибо тиллари.

II. Хитой-Тибет тиллар оиласи:

хитойча, хуэй.

III. Ҳиндевропа тиллар оиласи:

А. Славян шаҳобчаси: рус тили.

Б. Эрон шаҳобчаси: тожик тили.¹¹³

СУАРдаги аҳоли жойлашиши бир текисда эмас. Уларнинг асосий яшаш жойларини умумий жиҳатларда кўриб чиқишга ҳаракат қиламыз¹¹⁴. Энг кўп сонли миллат вакилларида бўлмиш уйғурлар бутун СУАР ҳудудига тарқалган.

¹¹² 2000 йил ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича, хитойда ҳаммаси бўлиб 5,8 млн мўғул яшайди, шулардан 4,2 млн. Ички Мўғулистон миллий автоном районида. // Китай №9. 2007. - Б. 27.

¹¹³ Махмудходжаев М.Х. О национальных меньшенствах Китайской Народной Республики (о численности, языках и письменности). Востокведение – Тош.: 1992. -С. 40 – 49.

¹¹⁴ Сырожкин К. Этносоциальный фактор развития Синцзяна // Проблемы Дальнего Востока № 2, 1990. -С. 80 – 89.

Хуэй миллати вакиллари СУАРнинг кўпгина районларида, лекин асосан Чанцзи-Хуэй автоном округи, СУАРнинг марказий районлари, Қарашар-Хуэй автоном уездида истиқомат қиладилар. Сиболар Или-Қозоқ автоном районида (Или округи: Сибот автоном уезди, Инин Ғулжа (Кулджа) уезди, Точэн округи, Тачэн ш. (Чугучак)) яшайдилар.

Муғуллар Бўритоло-Муғул автоном райони, Боленьголэнь-Муғул автоном округи ва Олтой округида.

Қозоқлар асосан Или-Қозоқ автоном округи шимолида (Или округи, Алтай, Точэн округлари, Чанцзи-Хуэй автоном округида. Татарлар Чугучак, Ғулжа, Урумчи, Қашқар каби шаҳарларда. Ўзбеклар Урумчи, Ғулжа, Қашқар. Қирғизлар Қизилсу-Қирғиз автоном округида истиқомат қиладилар. (Атуш ш.).

Руслар Урумчи, Ғулжа (Кульджа), Чугучак, Тачэн округида.

Маньчжурлар ва даурлар асосан Урумчи, Или-Қозоқ автоном районларида истиқомат қиладилар.

СУАРдаги асосий миллатларнинг кўпчилигининг ёзуви (уйғурча, муғул, қирғиз, рус, қозоқ, сибо, татар, ўзбек) янги Хитой Халқ Республикасининг ташкил этилиши билан ислохот ўтказилгач ривожланган.

Уйғур тилининг ва ёзуви ва уйғур тилининг шева асоси:

Замонавий уйғур тили асосий қисми Синцзян-Уйғур автоном районида истиқомат қилувчи, қолган қисми Марказий Осиёда яшовчи уйғур халқининг миллий тили ҳисобланади.

Синцзян аҳолиси уйғурлар, тили уйғурча деб атала бошланганига кўп бўлгани йўқ. Уйғур энтик атамасини расман тиклаш 1921 йилда уйғур зиёлилари вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган, таниқли турколог С.Е.Малов ташаббуси билан ташкил этилган съездда содир бўлди.¹¹⁵ Мазкур этноним собиқ СССР ва Шарқий Туркистонда яшовчи барча уйғур халқининг умумий номланиши сифатида расман қайд этилган. Ўшандаёқ ягона уйғур адабий тили ҳам қабул қилинган. Синцзяннинг ўзида эса, жумладан хитой ҳукумати томонидан ҳам, «Уйғур», «Уйғур тили» атамалари тахминан 1933-34 йилларда умумий қабул этилди. Ҳозирги замон уйғур тили турк тилларининг қорлуқ гуруҳига тегишли бўлиб, улар ҳам аслида

¹¹⁵ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. Изд-во Академии наук СССР. М.: 1951. - С. 95 – 107, 125 -126.

уйғурлар қавмидан эканлигини Ал Фаробий (850 – 927йиллар) қуйида баъзи мисолларни келтириб ўтишининг ўзиёқ етарлидир¹¹⁶. Мисол учун у: “... Бизнинг қавмимиз чоқ (ғилдирак), эгиз (баланд), ҳарво (арава), опкур (коса), сиркой (пиёла), лохшигур (оташкурак), гужак (хокондоз), тангла (хампа), долон (веранда) дейдиган қавмидан бўлади, деб битикларида келтирган.

Қорлуқлар юксак маданиятли, зиёли ва моҳир сиёсатдон ҳам бўлганлари тарихий битикларда қайд этилади. XI-XII асрлардаги қорахонийлар даврида уйғурлар ислом дини билан араб имлосини ҳам қабул қилган ҳолда кенг қўллай бошлаганлар. Аммо ўрхун ёзувидан Ўрта Осиё, Хуросан, Олтин Ўрдада XIV-XV аср ўрталаригача фойдаланилиб келинган сариқ уйғурлар эса мазкур ёзувдан XIX ва XX аср бошларигача фойдаланганлар. Сариқ уйғурлар¹¹⁸ асосан ХХРнинг Гансу вилоятида истиқомат қилиб, буддизм ва шаманликка сиғинади. Уларнинг кўпчилиги ўз оила тили бўлган уйғур тилида ҳамда хитой ва кам сонлик, муғул тилида ҳам сўзлашадилар.

Уйғур тилини ўрганиш асосан XI асрнинг иккинчи ярмида Маҳмуд Қашқарийнинг “Девону, луғатит турк” «Турк тиллари луғати»да илк бор бошқа турк тиллари қатори уйғур тили лексикаси ва имлосига доир қимматли маълумотлар бериш билан бошланади.

Ўтган асрлардаги уйғур тилининг бой адабий мероси шундан далолат берадики, ўша даврларда мамлакат жануби: Қашқар, Ёркент, Уч-Турфон, Аксулар нисбатан муҳим иқтисодий ва маданий муносабатлар марказида бўлган¹¹⁹.

Бизга қадар етиб келган уйғур тили мероси араб ва уйғур ёзувларига бўлинади. Араб ёзувлари мероси, қоидага кўра, фақат мусулмон мафкурасини ифодалайди, уйғур ёзувлари эса, мусулмон мафкураси каби будда, шаман, христиан, манехей мафкураларини ўзида намоён этади; айрим қўлёзмалар мусулмон мафкурасини ифодаласа-да, араб ва уйғур хатида ёзилган.

Даставвал, Синцзян уйғур аҳолиси гаплашадиган тилдаги илмий адабиёт тили, Шарқий Туркистон татарлари томонидан сўзлашув жиҳатларига кўра (таранчи-хомий, қашқарча ва ҳ.к.) туркча ёки шарқий-туркча деб аталган. Уйғур тили деб эса

¹¹⁶ Қўрсатилган манба.

¹¹⁸ Малов С. Е. Язык желтых уйгуров. Словарь и грамматика. – Алма – Ата: Изд –во Академии Наук Казахской ССР, 1957. -С. 3 -7.

¹¹⁹ Тенишев Э. Р. О диалектах уйгурского языка Синцзяна. // Тюркологические исследования. М-Л., 1963. -С. 136 - 138

ўша пайтларда қадимги уйғурлар тили аталиб, бу тилнинг кўплаб ёзма ёдгорликлари ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Агар иш юритиш ва мактаб таътили ва ҳ.к.ларда расмий рўйхатга олишни ҳисобламаса, Шарқий Туркистондаги ёзма тил тизими XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 30-йилларига қадар ниҳоятда чегараланган эди. Бадиий, хусусан, шеърий асарлар оригинал ва таржима ҳолида бўлиб, матбаанинг йўқлиги туфайли фақат ҳаттотлар ҳаракати билан тарқалган ва жуда кам миқдорини ташкил этган.

XX асрнинг 30-йилларига қадар шарқий Туркистонда ҳозирги матба деярли шаклланмаганди. Уйғур тилидаги газеталар Синцзянда 1935 йилдангина чоп этила бошлаганди ¹²⁰.

XX асрнинг 30-йилларидан уйғур тили ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтади. Унинг ўзига хос жиҳатларининг бири сифатида эса архаик ва камтушуниладиган «китобий» элементлардан, хусусан арабизм ва форсизмдан кескин фарқ қилишида намоён бўлади.

Аммо бу СУАР уйғур адабий тили илгариги ёзма-адабий тилдан фарқланувчи тил дегани эмас. Аксинча, бу тилда биз умумхалқ тили асосида ривожланаётган илгарги адабий тилнинг давомини кўрамыз.

СУАР уйғурларининг ёзма адабий тили — умумхалқ тили асосининг янгича шарт-шаротларида тараққий топган тил ¹²¹. Синцзян уйғурларининг адабий тили шева асосий масаласи унчалик узок бўлмаган даврлардан буён олимлар эътиборини тортиб келмоқда. Кўп ёки кам даражадаги тўғри илмий интерпретацияни ХХРнинг СУАрида 1956-58 йилларда ўтказилган умумий диалектуал кузатувлар ўтказилгачгина олади. Бу кузатувларда ҳақиқатдан ҳам қимматли бўлган ҳар бир шева ва сўзлашувга хос тил материалига қайта ишлов берилган эди ¹²².

Биринчи ва асосий вазифа асосий шевани танлашдан иборат эди. Уйғур ёзуви ва адабий тилидаги диалектик асосни белгилаш нисбатан осон бўлди. Уйғур диалектлари орасида (марказий, Хотан, лобнор ва б.қ.) нисбатан нуфузли ва кенг тарқалгани боис табиийки, марказий диалект намоён бўлади.

¹²⁰ Рахимов Т.Р. Успехи в решении национального вопроса в Китайской Народной Республике // Проблемы востоковедения №4, 1959. -С37 - 47.

¹²¹ Нажиб Э.Н. Современный уйгурский язык. – М.: Изд-во Восточной литературы 1960. –С. 7-15.

¹²² Тенишев Э. Р. О диалектах уйгурского языка Синцзяна. // Тюркологические исследования. М.-Л., 1963.- С. 31-34-35.

Унинг таркибига ҳам ижтимоий (Или, Турфан) ҳам жанубий (Қашқар, Ёркент ва б.ш.) диалектлар кириб, бу сўзлашув уйғур тарихи маданий ва савдо-иқтисодий марказида машхур бўлган эди. Уйғур ёзуви ва замонавий адабий тилнинг асоси сифатида марказий маҳаллий шева бўлиб қолди.

Кам сонли миллатлар учун ёзув ва адабий талаффузни қарор топтириш учун фонетик базани тўғри танлай билиши фавқулодда муҳим вазифа ҳисобланади. 30-40 йилларда Синцзяндаги миллий-деморатик ҳолатлар ривожланиши даврида уйғур тилининг Ғулжа шевасида (шимолий-ғарбий) сўзлашув усули Синцзяннинг бутун уйғур аҳолиси орасида кенг тарқалди.

Ғулжа бу ҳаракатнинг асосий марказий ўчоқларидан бири эди. Бу ерда миллий-демократик матбуот шаклланди, прогрессив зиёли кадрлар тайёрланди, муҳим йиғинлар ўтказилди, ҳаттоки, Синцзян марказининг Урумчи шаҳрига кўчирилиши воқеалари радио эшиттиришларда Ғулжа фонетикасида олиб борилди. Айнан шунинг учун ҳозир ҳам уйғур адабий тили талаффузи Ғулжа фонетикасини сақлаб қолган.

Синцзян олимлари, совет олимлари каби, шева материални таҳлил қилиб, СУАРнинг бутун ҳудудидаги уйғурларнинг муомала воситасидаги тилнинг меъёрадаги умумхалқ уйғур тилининг ажралмас қисмига айланган, деган хулосага келдилар.

Йирик ва кам сўзлашув қатламларининг ҳудудий жиҳатдан мамлакатнинг катта қисмини эгаллаган марказий шева, Хотан оазисларидан тортиб шарқдаги Лобнорнинг жанубий қисмига қадар 3 та марказга эга: Турфон, Или, Қашқар. Шунга мувофиқ турфонча, Қашқарча ва Или водийсидаги сўзлашуви биринчи ўринда адабий тил ўз ривожланиш жараёнида таянувчи етакчи маҳаллий шева сифатида намоён бўлади.

Марказий шеванинг адабий тилнинг шева асоси сифатидаги расмий тан олиниши (1959 йил ноябр) лингвистикага доир Урумчи конференциясида қабул қилиниб, тиллар ва ёзув муаммоларига бағишланган ушбу ишда шўро лингвистларидан Э.Р.Тенишев, Г.П.Сердюченко ва бошқалар иштирок этди¹²³.

СУАР уйғур шевасининг учта йўналтирувчи жиҳати (Қашқарча, Или, Турфон сўзлашувлари) ўзининг айрим хусусиятлари билан нафақат бир-биридан, балки адабий меъёрлардан ҳам фарқ қилади¹²⁴.

Бу уч сўзлашув - доминантларнинг тарқалиш даври бевосита уларнинг фонетик тузилишига боғлиқ, имловий фарқлар кам. Бу эса тил мажмуаларининг амалий

¹²³ Кўрсатилган манба.

¹²⁴ Синцзян – Уйгурский автономный район – “Новый мир” Пекин., 1986.

фаолиятида шу тилда сўзлашувчиларнинг бир-бирини тушунишида жиддий тўсиқ бўлмаслиги, адабий тил эса ўз меъёрида маҳаллий шева вариантларидан бирини мустаҳкамлаган тарзда уларни осонликча енгиб ўтишдан далолат беради. Бундай вариантлар сифатида кўпинча Или ва Турфон тиллари киши диққатини ўзига тортади.

Фонетика ва имло тизимидаги адабий меъёрлар ривожланиши, кузатилганда, шундай хулосага келиш мумкинки, Синцзян уйғурларининг сўзлашуви маълум маънода тартибга тушмоқда; Или-Турфон-Қашқарча шевалар шулар жумласидандир.

Адабий тилнинг кейинги ривожланишининг фонетик тизими адабий талаффуз меъёрларининг ўрнатилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Янги адабий тил талаффузининг асоси сифатида Или уйғурларининг Ғулжа талаффузи асосан тан олинган¹²⁵. Назарий кўламда бу масала 1937 йилда Г.П.Сердюченко томонидан ХХР миллий кам сонликлар билан боғлиқ ёзувни қайта ишлаб чиқиш вақтидаёқ кўтарилган эди.

Шевалар таснифига келсак, бу ерда ҳам олимлар фикри турличадир.

Масалан, Г.Ярринг таснифига кўра, уйғур шевалари иккита йирик гуруҳларда кўрилади¹²⁶ 1) шевалар Шарқий Туркистоннинг жанубий ва жанубий-ғарбий шаҳарлари ва оазислари билан: Қашқар, Янгисар, Ёркент ва Хўтан, шунингдек Ақсу, Маралбоши 21 шимолий шевалар — Туркистоннинг шимолий-ғарбий ва шимолий қисмлари. Бу гуруҳ ичида қуйидагича қисмларга бўлинади. а) Кучар-Турфон шеваси; б) таранчи шеваси. Г.Яррининг таснифи асосан географик тамойилга асослангандир.

Н.А.Баскаков таснифи эса асосий тарзда уйғур диалектларининг фонетик ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда қурилган бўлиб, унда шунингдек айрим тарихий ва диалектларнинг географик жойлашуви хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган.

Н.А.Баскаков таснифига мувофиқ барча уйғур диалектлари 4 гуруҳга бўлиниб, ўз навбатида улар бир нечта мустақил шева ва сўзлашувлардан ташкил топган¹²⁷.

Биринчи гуруҳ — жанубий шевалар: 1) янги хисорча сўзлашувли Қашқар-Ёркент шеваси; 2) герчен мулоқатларидаги Хўтан-керий шеваси ва 3) Ақсу шевасидан иборат.

¹²⁵ Қаранг: Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков.

¹²⁶ Кайдаров А. Т. Развитие современного уйгурского языка. — Алма-Ата.: 1969. -С 133 – 145.

¹²⁷ Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков -С. 10-137-140.

Иккинчи гуруҳ — шимолий шевалар: 1) куча-турфон диалекти (Қарашар, Куча, Турфон, Кўмул-Хами). 2) Или ёки Ғулжа аҳоли шеваси бўлиб, унда (МДХ) ҳудудида истиқомат қилувчи уйғурлар ҳам сўзлашадилар.

Учинчи гуруҳ фақат лобнор шевасидан тузилган бўлиб, у қуйидагича, яъни, саларча ва сари-уйғурчалиги билан характерланади: «Бу ҳар иккаласи шева, деб қайд этади муаллиф, — бошқа уйғур диалект ва сўзлашувлардан кескин фарқланиши жиҳатидан бошқа, яъни уйғур-ўғиз гуруҳига (турк тилларидан) мансубдир»¹²⁸.

Н.А.Баскаков, шунингдек, «турк элатларида хўтанликлар тилини ҳам уйғур шевасига алоқадор» эканлигини қайд этади¹²⁹. Бу тиллар турли тадқоқотчилар томонидан турли халқларга: уйғурларга (Б.В.Владимиров), ўзбекларга (Г.Вамбери), қирғизларга (Г.Н.Потанин) тегишли деб ҳисоблаганлар.

Шу тарзда Н.А.Баскаков таснифига кўра, умумхалқ уйғур тили, тўла маънода, қуйидаги тўққизта мустақил, бир-биридан турлича фарқланувчи диалектлар кўрсатилади: Қашқар-Ёрқентча, Хўтан-керий, аксу, Куча-Турфон, Или, лобнор, салар, сари-уйғур ва хўтанча. Айтиш жоизки, ушбу тасниф бошқа диалектуал бўлинишдан фарқли ўлароқ бундан «диалектлар» ёки «иборалар», Қашқар ва Ёрқентча, хотан ва керийча, Кучар ва Турфон тиллари каби битта диалектуал гуруҳга бирлашган бўлиб, уларнинг фарқлилик томонларини эмас, умумий ўхшаш жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак, унчалик жиддий эътирозлар туғдирмайди.

Синцзян уйғурлари тилининг шевасини ўрганиш асосида ва мавжуд шеваларга мувофиқ Э.Р.Тенишев уйғур шевасининг янгича таснифини келтиради. Унга кўра умумхалқ уйғур тили учта йирик шева ва қатор маҳаллий сўзлашувларининг бирикуви сифатида кўрсатилган.

1. Шимолий-ғарбий ёки марказий шева. Бу шева йирик аҳоли пунктлари билан ҳудудан мослашган ва ҳар бири алоҳида ҳолда ўзига хос жиҳатларига эга бўлган бир неча сўзлашувларни бирлаштиради: 1) Турфон сўзлашуви; 2) кучар сузлашуви; 3) Оксу сузлашуви; 4) Қашқар сўзлашуви; 5) Ёрқент сўзлашуви. Бу гуруҳларга шунингдек, Или, Урумчи, Қашқар ва Қорла сўзлашувлари ҳам бевосита киради.

2. Жанубий ёки Хўтан шеваси.

3. Шарқий ёки Лобнор диалекти. Чангал (шимолидаги) жанубий чегаралардаги Лобнор ҳудудлари.

¹²⁸ Кўрсатилган манба.

¹²⁹ Кўрсатилган манба.

Э.Р.Танишев томонидан қайд этилган уйғур шевалари таснифи уйғур диалектологиясидаги янги кадамни тавсия этади. Уни тил кўринишларига нисбатан ўзига хос баҳоланиши, ёндашиши ва фарқланиши билан бирга у шу вақтнинг ўзида бу тилларнинг кейинги тадрижи сифатида ҳам намоён бўлади, аммо энди уйғур умумхалқ тилининг мазкур босқичдаги ривожланишнинг диалектик тизимидаги мавжуд ҳолатини ифодалайди¹³⁰. Илмий адабиётда олимларнинг уйғур тилидаги у ёки бу диалект ва сўзлашувлар, уларнинг адабий тилга алоқасига нисбатан жуда кўп ёндашувли изланишлари бор.

Синцзянда таълим ва унинг хусусиятлари. 2000 йилдан бошлаб, ХХРнинг шарқий ривожланган районлари ва шунингдек Пекин ва Шанхайда ҳам Синцзян ўрта мактабларини тамомлаган кам сонли миллатлар ўқувчи фуқароларини қабул қилиш таълим сиёсатига амал қилинмоқда. 2000 йилда 1000 нафар ўқувчи бола мамлакатнинг ривожланган марказ шаҳарларида ўқишга қабул қилинди. Масалан, ХХРнинг қадимги пойтахти ва ҳозирда мамлакатнинг тарихий шаҳарларидан бири бўлган Нанкин шаҳрида 80 чи интернат мактаб мавжуд бўлиб, ҳар йили 80 нафар Синцзян - уйғур мактаб – ёшидаги ўқувчилари қабул қилинади. Уларнинг ўртача ёши 12 - 15. Дарслар қаттиқ белгиланган тартибда олиб борилади.

Ота - оналарнинг келиши учун йилига бир ёки икки бор рухсат берилади. Ота – оналарга фарзандлар билан бўлиш учун узоғи билан икки кунлик муҳлат белгиланган. Бегона кишиларнинг кириши қатъий ман этилади.

Уларнинг ўқишига бўлган барча сарф харажатлари давлат ҳисобидан тўланади. Ўқишни битиргандан кейин ҳам уларга берилган имтиёзлар деярли сақланиб қолинади, кейинчалик эса мамлакатнинг исталган нуқталарида яшаши, ишлаши кафолатланади. Уларга қўйилган талаб - давлат манфаатлари йўлида оғишмай хизмат қилиш.

Синцзян учун 2002 йил мактаб интернат ўқувчиларига бепул дарсликлар учун 12 млн юан; стипендиялар учун 30 млн юан ажратди. Синцзян – Уйғур миллий автоном райони ғарбий округларига қирувчи Хўтан, Қашқар, Оксу ва Қизил – қирғиз автоном округларида зич яшаб келаётган кам сонли миллатлар учун мажбурий 9 – 12 йиллик бошланғич ва ўрта мактабларда бепул ўқитиш жорий этилди. Бундан ташқари, баъзи туташ ёки ҳудудлар кесишган ва камбағал уездлар учун ҳам дарсликларни бепул

¹³⁰ Су Сяохуань. Образование в Китае. Изд-во. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин., 2002. - С. 110 – 127. .

тарқатиш йўлга қўйилмоқда. Маълумотларда эътироф этилишича, ҳозирда ХХРнинг Синцзян - Уйғур миллий автоном райони маҳаллий маблағлар ҳисобида 5882 та ўрта ва бошланғич мактаблар мавжуд бўлиб, улар Синцзян – Уйғур миллий автоном раойнидаги мактабларнинг 69%ни ташкил қилади.¹³¹

Бугунга келиб Синцзян – Уйғур миллий автоном районида таълим тузилмалари шаклланган ўқув даргоҳларига эгадир. 2001 йилга келиб 97,41 % мактаб ёшидаги болалар бошланғич, 82,02 % болалар ўрта мактабларга кирган. 1990 йилдан бугунгача ХХРнинг 80 дан ортиқ Олий ўқув юртларида Синцзян - Уйғур миллий автоном райони кам сонли миллатлар учун 8 мингдан ортиқ олий тоифали мутхассислар тайёрланди. Шу кунгача 700 дан кўпроқ директорлар, ишлаб чиқариш корхоналарини бошқарувчи раҳбар кадрлар тайёрланди.¹³²

Синцзян – Уйғур миллий автоном райони маҳаллий ҳукумати томонидан 1988–1993 йиллар “Синцзян — Уйғур миллий автоном райони — кам сонли миллатлар тилидан бошқарув ишларида фойдланиш” ва “Синцзян — Уйғур миллий автоном райони — кам сонли миллатлар тили ва ёзувидан иш жараёнида ишлатиш” ҳуқуқларидан фойланиш каби қўшимча кафолотлари киритилди.

Автоном район ташкилотларида ишни юритишда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ тилларга амал қилинади. Шунингдек, округлар, уездларда фаолиятда бўлган ташкилотларда Миллий автоном райони тилида олиб борилади.

Аммо, таълимда бу каби хайрли ишларни амалга ошириш билан бир қаторда айрим камчикларга ҳам йўл қўйилмоқда. Жумладан, 10 млн.дан ортиқ аҳоли гаплашадиган (уйғур тилида) Синцзян – Уйғур миллий автоном райони учун бугунгача тайёрланган кадр мутахассислар етарли эмас.

Иккинчидан, тайёрланган мутахассислар ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари бўйича тайёрланади. Шунингдек, айрим соҳалар бўйича мутахассисликлар тайёрлаш давлат томонидан рухсат этилмайди.

Учинчидан, Синцзян – Уйғур миллий автоном райони ва мамлакатнинг марказларида кейинги пайтларда уйғурларга нисбатан миллий камситишга йўл қўйилмоқда. Бундай тарзда табиийки, аксарият уйғур ёшларида ўқишдан бош тортиш ҳолатлари ҳам кенг тус олмоқда. Бунинг нисбатида Синьцзянда кам сонли миллатлар

¹³¹ Кўрсатилган манба.

¹³² Чжан Юйлян. Коротко о Синьцзяне. Изд –во “искусства и фотографии”, Пекин., 1997. -С. 86.

каторида эътироф этиб келинаётган уйғурларнинг конституцион ҳақ – ҳуқуқлари беҳад қўпол равишда бузилмоқда.¹³³

Тўртинчидан, кам сонли миллатлар ичида, кўпроқ уйғурлар ўз мутахассисликлари бўйича ўқишни тамомлагандан кейин 3-4 йиллаб иш учун ўз навбатларини кутиш холлари ҳам мажбурий тусга айланиб бормоқда дейиш ҳақиқатга тўғри келади албатта. Буни ўзгача ҳечқандай нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Бешинчидан, мутахассисларни жойларда имтиёзлар билан таъминлашда ҳам худди шундай тенгсизлик ва ноҳақликларга йўл қўйилмоқдаки, бундай ҳолат айниқса, кам сонли миллатларга нисбатан кўпроқ йўл қўйилаётгани ва шунингдек бундай қўпол камчиликлар жойларда миллий мутахассисларнинг ўз малакасини йўқотишга олиб келаётган асосий омиллардан бўлиб, келажакда Давлат томонидан ана шу субъектив омиллар сабаб бўлган жойларда таълим ва маориф тизимида йўл қўйилаётган камчиликларга амалда барҳам берилса мамлакатда “уйғур омили” сабаб таранглашиб боратётган миллий сиёсатнинг олди олинган бўлур эди.

3. 5. Тибет миллий автоном районида тил вазияти

Аҳолининг умумий сони ва зичлиги. Хитойда аҳолиси энг кам ва зичлиги энг паст ҳудуд Тибетдир. 7-асрдан бошлаб Цин сулоласи давригача (1644-1911) Тибетдаги аҳоли буддавий роҳибларга уйланиб ва меҳнат қилиш тақиқланганлиги сабаб аҳоли сони 8 млн.га камайиб кетди. Цин сулоласи давридан бошлаб 1050 йилгача у яна 800 мингга камайди. 1951 йилдаги – Тибетни тинчлик йўли билан озод бўлган йили – статистик маълумотларга кўра аҳоли 1,15 млн.ни ташкил қилган. Ўлим 28 промиллени ташкил қилган, бунда болалар ўлими 430 промилле. Ўртача умр – 35,5 йилни ташкил қилган. 1953 йил, яъни аҳолини бутунхитой рўйхатга олиш йилида Тибет ва Чамдо ҳудудида рўйхатга олиш бевосита ўтказилмади. Фақатгина Тибет маҳаллий ҳукумати ўша даврда раҳбарлик қилаётган Далай Лама бошчилигида тахминий ҳисоб-китобларни қилиб, марказий ҳукуматга аҳолининг сони 1,275 млн. деб маълумот берди.¹³⁴

¹³³ 新疆概览 (Синцзянга бир нигоҳ) 乌鲁木齐: 新疆 人民出版社 1995. Б .48 - 51. Кам сонли майда миллатларнинг урф одатлари: тили, дини, сиғиниш, эътиқод эркинлиги, ишлаш ва иш билан таъминланиши, уларнинг ханлар томонидан камситилиши ёки тажовуз ҳ.ларга йўл қўйилганда камида икки йил муддат билан жазолаш чораларини кўриш ХХР конунчилигида белгилаб қўйилган. / Хитой миллатлари - 2005 127 бет; Қаранг: ХХРнинг 4 конституцияси. / Китайская Народная Республика – М.: 1982.

¹³⁴ 50 – летие демократических реформ в тибете / Пресс – канцелария госсвета КНР. 57 с.

1990 йилда Тибет автоном ҳудудининг аҳолиси 2,1805 млн.ни ташкил қилди (1950 йилга нисбатан 1,1805 млн.га ошди), аҳоли зичлиги ўртача ҳисобда бир кв.км.га 2 кишини ташкил қилди. 1998 йилда Тибет автоном ҳудуддаги аҳолининг умумий сони 2,4539 млн. деб эътироф этилди. Йилига 50,7 минг бола дунёга келди, туғиш кўрсаткичи 23,7 промиллега етди, вафот этиш даражаси 17,9 минг, яъни 6,9 промиллени қайд этди, аҳолининг табиий ўсиши 16,2 промилле, деҳқон ва чорвачиликда ишловчиларнинг туғилиш кўрсаткичлари 22,08 промилле, ўлим 5,93 промилле, табиий ўсиш – 16,15 промиллени кўрсатди. Бутун Тибетда турмушга чиққан аёлларнинг сони, 514,2 минг эди, уч ва ундан кўп болалик оилалар сони 36,29 промилледан иборат бўлди¹³⁵.

2000 йилга келиб бутун ҳудуд аҳоли сони 2,6163ни ташкил этган бўлса, улардан: Тибетликлар – 92,%, ханлар - 5,9%, қилган миллатлар 1,9%га тенг бўлди; ўрта ҳисобда бир кв.км.га аҳолининг зичлиги – 2,03 ни ташкил қилди. Бу мамлакатдаги ўртача ҳисобнинг олтмишдан бир қисмидир. Бутун ҳудудда аҳоли нотекис тақсимланган, асосан Тибетнинг жанубий ва шарқий қисмларида тўпланган. Ялуцангпо ва Лхаса ҳамда Няньчу дарёларининг ўрта ҳавзаси аҳолининг энг катта зичлик ҳудудларидир. Бу ерда ҳар бир кв.км.га 10 дан зиёд одам тўғри келади, улардан Лхаса ва Цзэдан текисликларида ҳар бир кв.км.га 50 кишидан, Лхасанинг ўзи ва атрофдаги ҳудудларида 100 ва ундан зиёд одамдан тўғри келади. Аҳоли зичлиги бўйича кейинги ўринда Ялуцангпо дарёси ўрта оқимининг юқори қисми, Лхасанинг юқори оқими ҳавзаси, Шарқий Тибетдаги Хэндуаньшань тоғларининг шимолий-шарқий ҳудудлари туради, уларда 1 кв.км.га 3-10 та одамдан тўғри келади.¹³⁶ Бунда аҳолининг энг катта зичлиги Лхазе ва Сагиа текисликларида, Нинча атрофидаги Ниян дарё водийсида ҳамда Чамдо яқинидаги Ланцацзян дарё водийсидадир. Тибетнинг ғарбидаги нгари ҳудудида ҳамда Тибетнинг шимолидаги Нгацўйнинг ғарбида аҳоли айниқса кам, баъзида юзлаб км.ларда ҳам инсонни учратмайсан. Цянган чўлининг шимолий қисми “одами йўқ ҳудуд” ҳисобланади.

Ханликлар Тибет ҳудудларида Цин сулоласи даврида (1644-1911) жойлаша бошладилар, улардан баъзилари Тибетлик ҳисобланади. Бугунги кунда Тибетда яшаётган ханьларнинг аксарияти техник ходим, ишчи, педагог, тиббиёт ва кадр

¹³⁵ Ван Гочжэнь. Население и национальности – «Китай: Тибет факты и цифры» Изд – во «Синьсин» 2001 Стр 13 -16.

¹³⁶ Кўрсатилган манба. Ўша бетлар.

ходимлари бўлиб, Хитойнинг бошқа провинция-шаҳар ва автоном ҳудудларидан келишган.

Аҳолининг ўсиши. 1970 йилдан бошлаб, аҳолининг ўсиши кузатила бошлади, Тибет автоном ҳудудида мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан аҳолининг табиий ўсиши ва туғилиш ўрта ҳисобда кўпроқдир. 1982 йилдан бошлаб 1990 йилларгача бутун районда Тибетликларнинг ҳисоби 309,8 минг кишига ўсди, табиий ўсиш 17,34 промиллени ташкил қилди. Бубутун мамлакатда худди шу даврда аҳолининг ўрта табиий ўсиши кўрсаткичидан 2,64 промиллега кўп¹³⁷. Охирги 10 йилда Тибет автоном ҳудудининг аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 38 мингга кўпаймоқда. Соғлиқ даражаси ҳам жадал ошмоқда. Тибетнинг тинчлик йўли билан озод этилиш давригача бўлган ўртача умр кўриш даври 35,5 йилдан ҳозирги пайтда 67 ёшгача ошди¹³⁸.

Хитойда 70-йиллардан бошлаб режалик фарзанд кўриш сиёсати амалга оширилмоқда, оилада бир боланинг туғилиши тарғибот-ташвиқот қилинади. Аммо Тибетда марказий ҳукумат Тибетликлар ва бошқа миллий кам сонлиларнинг сонини ошириш сиёсатини амалга оширишда маҳаллий автоном органларни қўллаб-қувватлайди. Автоном ҳудуднинг ҳукумати ҳақиқий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда алоҳида сиёсатни амалга оширади, битта фарзанд туғилиш сиёсати фақатгина Тибетда ишлаётган хан миллатида бўлган кадр ходимлари, ишчи ва хизматчилари ичида амалга оширилиб, буни Тибет миллатида бўлган кадр ходимлари ишчи ва хизматчилардан талаб қилинмайди. 1984 йилдан бошлаб Тибет автоном ҳудудининг ҳукумати Тибет миллатидаги кадр ходимлари, ишчи, хизматчи ва аҳолиси ўртасида режали фарзанд кўриш сиёсатини амалга оширишни бошлади, маълум даврдан сўнг оилада иккинчи фарзанд туғилишини рағбатлантирди. Режали фарзанд кўриш сиёсати амалга ошириладиган қисми аҳоли умумий сонининг 12 % ини ташкил қилади; режали фарзанд кўришнинг амалга ошириш жараёнида ихтиёрийлик тамойили қўллаб-қувватланади, зўравонлик йўли билан аборт қилишнинг ҳар қандай шакли таъқиқланади¹³⁹. Ҳудуд аҳолисининг 88 % ни ташкил қилган деҳқон ва чорвачилар орасида режали фарзанд кўриш амалга оширилмайди, фақатгина фарзанд кўришни олдини олувчи илмий воситалар, фарзанд туғишнинг тақсимланиши, туғиш ва

¹³⁷ Кўрсатилган манба. Б. 15.

¹³⁸ Ўша бет.

¹³⁹ Қаранг: 16 бет.

тарбиялашнинг сифати ҳақида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилади, бунинг натижасида она ва боланинг соғлиғи кафолатланади, фарзанддан ҳимояланиш воситаларидан фойдаланишга ихтиёрий хоҳишни билдирган деҳқон ва чорвачиларга ҳукумат соғлиқни сақлаш органлари хавфсиз ва ишончли тиббий хизматларни кўрсатади.

Ҳозирги пайтда Тибет автоном ҳудудида йиллик туғиш 23 промиллени, аҳолининг табиий ўсиши 15 промиллени ташкил қилади. Аҳолининг умумий сонини сақлаш мақсадларида Тибет автоном ҳудудининг ҳукумати табиий ўсишни 16 промиллегача белгилашга қарор қилган¹⁴⁰.

Миллий таркиб. Тибет автоном ҳудуди Тибетликлар яшаётган энг зич ҳудудларидир, улар мамлакатдаги Тибетликларнинг 45 % ни ташкил қилади. Тибетликлардан ташқари бу ерда Меньба, лоба, хан, хуэй ҳамда Лхаса дарёси водийсидаги ден ва сярба миллатлари ҳам истиқомат қиладилар.

Тибетликлар	Тибетнинг асосий аҳолиси. Тили – хитой-тибет тиллари гуруҳининг Тибет-Бирман тилларига мансуб бўлган Тибет тилидир, учта шевага – вэй-тибет, кхам ва амдога бўлинади. У ерларда асосан чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги ривожланган. Шаҳар аҳолиси кўпроқ хунармандчилик, саноат ва савдо билан машғул. Дин – ламаизм. Асосий озиқ-овқати – цзамба (қоврилган сули ёки нўхот унидан тайёрланади), суюкли ичимликлар – ёғли чой, сут чой, сули шароби, суюкли таомлар – мол ва қўй гўшти, туёқсиз ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилмайдилар. Қадимда Тибет тоғликларининг аҳолиси ўлганларни кўмган, аммо ҳозирда Тибетликлар жасадни осмон, олов ва сувга дафн этиш урф бўлган.
Мэнба	Асосан Тибетнинг жанубий қисмидаги Мэнюй туманида, бир қисми Медог, Нинчи ва Цонг уездларида тарқоқ ҳолда истиқомат қиладилар. Тили – Хитой-Тибет гуруҳининг Тибет-Бирман тилларига мансуб бўлган мэн тилидир, шеваси мураккаб бўлиб, ёзувга эга эмасдирлар. Аммо барча аҳоли Тибет тилини билиб, Тибет ёзувидан фойдаланадилар. Асосан қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ўрмон

¹⁴⁰ Ўша бет.

	хўжалиги, ов ва ҳунармандчилик билан шуғулланадилар. Асосий озиқ маҳсулоти – гуруч, жўхори, гречка ва ҳоказо. Аксарият мэнъба ламаизмга эътиқод қиладилар. Баъзи бир жойларда шаманизмга эътиқод қиладилар. Жасадларни асосан сувга дафн этадилар, аммо ер, осмон ва оловга ҳам дафн этиш маросими мавжуд.
Лоба	Асосан Тибетнинг жанубий-шарқий қисмида бўлган Лою ҳудудида яшайдилар. Майлин, медог, Чзау, Лунчи ва Нанг уездларида тарқоқ ҳолда яшайдилар. Лоба тили хитой-Тибет тиллари гуруҳининг Тибет-бирман тилларига мансуб, миллат ўз ёзувига эга эмас, асосан Тибет ёзувидан фойдаланади. Қишлоқ хўжалиги ва бамбукдан тўқиш айниқса ривожланган. Асосий озуқа – жўхори ва нумиза, бундан ташқари гуруҳ ва гречка ҳам истеъмол қилинади.
Хуэйликлар	Бугунги кунда Тибетда истиқомат қиладиган хуэйликларнинг аксарият қисмининг аجدодлари Чин сулоласи даврида Гансу, Шенси, Цинхай, Сичуан ва Юннандан келган хуэйликлар эди. Уларнинг кичик қисми бу ерга Ўрта Осиёдан келган. Асосан Лхаса, Жигацзе, Чамдо ва бошқа шаҳар-қишлоқларда истиқомат қиладилар. Аксарият аҳоли савдо, ҳунармандчилик, кўшхоналарда ишлайди. Тибет ва хан тилидан фойдаланадилар; динда урду ва араб тилларидан фойдаланадилар. Ислом динига эътиқод қиладилар, Лхасада ва бошқа жойларда масжидлар бор.
Ден	Асосан Нинчи ҳудудининг Цзау уездида истиқомат қиладилар. Тиллари хитой-Тибет тиллари гуруҳининг Тибет-бирман тилларига мансуб бўлиб, ёзувга эга эмас. Унинг ўрнига дарахтдаги чизикча, арқондаги тугунча ёки шоҳчалардан фойдаланадилар. Шайтон-иблисларга ишонадилар, аммо илоҳларга эътиқод қилмайдилар. Ёғоч уйларни икки қаватли қилиб қурадилар, юқори қаватида яшайдилар. Пастки қаватда чорва ва қушларни боқадилар. Ўтган асрнинг 50-чи йилларгача Ден миллати аксарият ҳолларда тоғ ва ўрмоннинг чакалакзорларида истиқомат қилган, ерга ишлов беришда чопиш-ёқиш услубидан фойдаланган, мева йиғиш ва ов билан озиқланган, кейин ҳукумат уларни дарё водийсига кўчирган.

Сярба	Асосан Чжанму чегара пунктини ёнида Лисян волости ҳамда Динцзе уездининг Чентан худудида истикомат қиладилар. Сярба тўрт(4) та фамилияга бўлинган бўлиб, бир фамилиялик кишилар бир-бирига уйланиши таъқиқланган. Буддавийликка эътиқод қиладилар. Икки каватлик ёғоч уйларда яшайдилар.
-------	--

Мазкур жадвал бўйича: Кўрсатилган манбанинг 16 – 17- бетларига қаранг.

Тибет миллий автоном районида таълим масаласи 1951 йилгача Тибетда ҳаммаси бўлиб 3000 та ўқувчи ҳисобга олинган. Тибетнинг 95 %ни ташкил қилувчи крепостнойлар учун таълим олиш имконияти йўқ эди. Мактаб ёшидаги болаларнинг фақатгина 2%и мактабга борар эдилар¹⁴¹. Таълимнинг асосий тури роҳиблик, ҳукумат томонидан ташкил қилинган ўқув муассасалари ҳамда хусусий мактаблардир. Ўқувчиларининг энг катта қисми монастирдагиларга тўғри келади, уларда асосий ўқувчилар ламалар эди. Ўқувчилар илоҳий қонунларни ўрганиб, келажакда роҳиб бўладилар.¹⁴² Маҳаллий маъмурият-кашаг тасарруфида ташкил қилинган мактаблар иккита эди: роҳибларни тайёрловчи “Целаджа” ҳамда фуқаро ходимларини тайёрловчи “Цзыканладжа”. Бундан ташқари “Моинцеканджа” тиббий-математик ўқув муассасаси ҳам бор эди.¹⁴³

Фуқаро ходимлари ўқув муассасаси мустақил мактаб эмас эди. Бу кашаг бўлими тасарруфидаги синфлар эди¹⁴⁴. уларнинг вазифасига аудиторлик текшируви ва кадрларнинг бошқаруви кирар эди. Мазкур синфларга оқсуякларнинг фарзандларини қабул қилишар эди. Ўқув дастури Тибет тили, математика ва бухгалтер ҳисобини киритар эди. Ўқувчилар сони 20 тадан кўпроқ эди.

Лхаса, Шигацзе, Цетане, Гьянцзе ва баъзи бир бошқа шаҳарларда хусусий мактаблар бор эди. Тинчлик йўли билан озод этилгунга қадар Лхасада 20 га яқин хусусий мактаб бўлган, улардан энг машҳури Дарканладжа мактаби эди.¹⁴⁵

Замонавий таълим. 1952 йилда Тибетда замонавий турдаги биринчи мактаб – Лхаса бошланғич мактабига асос солинди. Бундан кейин Чамдо, Шигацзе ва бошқа округ марказларида бошланғич мактаблар очилди. 1958 йилнинг охирига келиб,

¹⁴¹ Кўрсатилган манба: Б. 113; Яна, қаранг: Китай № 5 2008. - С. 13.

¹⁴² Кўрсатилган манба. Ўша бет.

¹⁴³ “文化与宗教” 中国西藏 2005。 34-46 页。

¹⁴⁴ Кўрсатилган манба. Ўша бет.

¹⁴⁵ Кўрсатилган манба. Ўша бет.

Тибет автоном ҳудудида 13 та давлат бошланғич мактаблари мавжуд эди, у ерда 2600 дан зиёд болалар таҳсил олар эдилар¹⁴⁶.

1965 йил давлат (ҳамда маҳаллий аҳоли маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган) бошланғич мактабларнинг сони 1800 гача ошди. Ўқувчиларнинг сони 66000 ни ташкил қилган, бундан ташқари ўқувчиларнинг умумий сони 1500 ни ташкил қилган 4 та ўрта мактаб ва педагогик ўқув муассаси очилган¹⁴⁷. Ташкил қилинганлиги вақти бўйича биринчи олий ўқув муассаса – Тибет миллатлар институтидир, унда 3000 та тингловчилар мавжуд.

1984 йилда марказий ҳукумат Тибет бўйича Иккинчи Умумхитой ишчи кенгашини йиғди. Кун тартибининг асосий саволи Тибетда таълим иши масаласи эди. Кенгаш Тибет мактабларида таълим асосан Тибет тилида бўлиши, ўқув дастурларининг мазмуни Тибет иқтисоди ва маданияти ривожланиш даражасига мувофиқ бўлишини аниқ кўрсатди. Бундан ташқари 19 та ўлка ва шаҳарларда Тибетликлар учун мактаб ёки синфлар очилишига қарор қилинди¹⁴⁸. Натижада 3 та ўрта мактаб ва 16 та синф очилди.

1984 йилда Тибет университети асос солинди, 1989 йилнинг сентябрида Тибет тиббиётининг Тибет институти очилди. Шундай қилиб ҳозирги пайтда Тибетда 4 та олий ўқув муассасаси мавжуд (юқорида келтирилган ОЎЮлар қаторига Тибет деҳқончилик ва чорвачилик институти ҳам қўшиш мумкин)¹⁴⁹. Тибет автоном ҳудудининг таълим ишлари бўйича қўмитасининг қарорига мувофиқ мазкур Олий ўқув юртларида Тибет миллатида бўлган ўқувчилар қабул қилинади.

2000 йилда Тибетда ҳаммаси бўлиб турли категория ва соҳадаги 4361 та ўқув муассасаси бўлган. 4 та Олий ўқув юртлари ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Ўрта махсус ўқув муассасаларининг сони 16 та, булар: педагогик, деҳқончилик ва чорвачилик, молиявий, спорт, бадий, хунармандчилик ва санъат, почта, алоқа ва бошқалар. 90 та ўрта мактаб ва 4251 та бошланғич мактаб мавжуд. Ўқувчиларнинг сони 300 000 дан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти Тибетликлар ва Тибетда истиқомат қилаётган бошқа этник гуруҳларнинг вакиллари. Тибет автоном ҳудуди (ТАХ)

¹⁴⁶ Ван Гочжэнь. Население и национальности – «Китай: Тибет факты и цифры» Изд – во «Синьсин» Пекин., 2001. -С.113.

¹⁴⁷ 1965 йилда Тибет миллий институти барпо этилган. Тибет миллий автоном районида Тибет миллий институти биринчи таълим даргоҳи ҳисобланади. Унда ўша вақтда тибет тили, педагогика, гигиена ва бошқа фанлар ўқитилган. 1975 йил 16 июлда Тибетда Хитойнинг ички районлар таълим институтлари базасида педагогика институти очилди. Китай № 5. 2008. -С. 13.

¹⁴⁸ 50 – ление демократических реформ в тибете. Изд-во “Пресс – канцелария госсвета КНР”. Пекин., - С. 44.

¹⁴⁹ Кўрсатилган манба. - С. 116.

Хитойнинг 26 та провинциялари билан ҳамкорликда ТАҲ дан ташқарида 13 000 та Тибетликлар таълим оладиган 100 дан зиёд касб-ўқув муассасаларини ташкил қилди.

Марказий ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиш. 1980 йилдан бошлаб ХХР давлат кенгаши Тибетда таълим ишига бюджет маблағларни кўпайтириб, Тибет учун бир қатор имтиёзли сиёсий шароитларни яратиб берди.

— бепул таълим амалга оширилади. Бошланғич мактабдан олий ўқув юртигача бўлган таълимга чиқимларни Тибет миллатидан бўлган ўқувчилар учун ҳукумат ўз зиммасига олган.¹⁵⁰

— Тибетнинг баъзи бир бошланғич ва ўрта мактабларида Тибетлик ўқувчиларга бепул озиқ-овқат, кийим ва яшаш жойи берилади, қишлоқ ва чорвачилик ҳудудларида мактаб-интернат тизимлари мавжуд.

— Волость — қишлоқ даражасидаги ўрта ва бошланғич мактабларда стипендия ва нафақа тизими киритилади.

— Ўқувчиларни қабул қилганда барча категориядаги ўқув муассаслари мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи миллатларни имтиёзли равишда қабул қилади.

— Ички ўлка ва шаҳарларда Тибетликлар учун очилган мактаб ва синфларда Тибетлик ўқувчилар учун имтиёзлар назарда тутилган.

Тибет тили ва ёзуви таълими. Тибетнинг аксарият бошланғич мактабларида таълим Тибет тилида олиб борилади. Ўқитувчилар, дарслик ва таржимон ходимлари етишмаганлиги сабабли, математика, физика, кимё каби предметларни Тибет тилида биринчи босқич ўрта мактабларида ҳозирда олиб борилмаяпти. Шунинг учун ўрта мактабларда ҳозирда ўқув синфларининг 4 та категорияси мавжуд: 1. Биринчи категория синфларида тил дарсларида Тибет ва Хан тилларидан таълим берилади, бошқа фанлар Тибет тилида ўргатилади; 2. Бошқа категория синфларида фанларнинг қисми Тибет, бошқа қисми эса хан тилида ўргатилади; 3. Учинчи категория синфларида тил дарсларида Тибет ва хан тиллари ўргатилади, махсус фанлардан ташқари барча фанлардан дарс бериш эса хан тилида олиб борилади.¹⁵¹

Тибет бошланғич ва ўрта таълимнинг мақсади Тибет ва хань тилларига эга бўлган ўқувчиларни тайёрлашдир. Баъзи бир ўрта мактабларда хорижий тиллардан ҳам таълим берилади. Ички ҳудудларда Тибетликлар учун очилган мактаб ва

¹⁵⁰ 50 – летие демократических реформ в тибете / Пресс – канцелария госсовета КНР. Пекин. - С. 48.

¹⁵¹ Кўрсатилган манба. - Б. 116 – 117; 50 – летие демократических реформ в Тибете. Изд-во. Пресс – канцелария госсовета КНР. Пекин. -С. 45.

синфларда Тибет тили дарслари назарда тутилган. Тибет тили ўқитувчилари ТАРдан юборилади. Ўқув дастури ХХР ўрта мактаблари дастурига мувофиқ ҳамда Тибет ўқувчиларининг тайёргарлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Тибетда ўтган 50 йил ичида миллий таълимнинг барча тизимлари шаклланди. Зеро бу район ўз жойлашувига кўра марказ учун ноқулай, ишлаб чиқаришда асосан Чорвачиликка ихтисослаштирилган районлардан ҳисобланади. Аммо, ҳозирда бу районда 3 йиллик (чорвага ихтисослашган), 6 йиллик (Қишлоқ жойларда), ва асосан шаҳар типигаги қишлоқлар, шунингдек, марказ ва шаҳарларида 9 йиллик мажбурий таълим йўлга қўйилган. Тибетда 1951 йилдан – 1999 йиллар ичида ёшлар ва ёши катталар ўртасида саводсизлик 95 %дан – 42 %га камайди. Тибетда 820 бошланғич мактаб, 101 ўрта мактаб, 16 техникум, 4 олий ўқув юрти мавжуд.¹⁵² 1983 йили давлат маблағлари ёрдамида, Тибет учун замонавий русмдаги юқори босқич ўрта мактаблар, синфлар, 16 вилоят ва марказга бўйсинувчи шаҳарларда, Пекин ва Чэнду да биттадан Тибет тилига ихтисослашган ўрта мактаблар ташкил этилди. Бу мактаблар йилига 1300 – 1500 минг Тибет миллатига мансуб мактаб ёшли болаларини қабул қилади. ”Марказий ҳукумат 1985 йилдан бошлаб Тибетнинг деҳқон ва чўпон болалари учун “пансион¹⁵³ ва бепул ўқиш” сиёсатини олиб бормоқда¹⁵⁴.

Хусусан, мамалакат ичида Тибет тили мактабларига ўқувчиларни имтиҳон орқали қабул қилиш тизими амал қилинади. Ўқишни тугатган ёш мутахассислар Тибетга ишлаш учун юборилади. Ҳозирги кунда 26 вилоят, Марказга бўйсинувчи шаҳарлар, Миллий автоном районларда 150 дан ортиқ Тибет тили мактаблари бор бўлиб, 10-15 мингдан ортиқ ўқувчи таҳсил олмоқда. Марказий ҳукумат ўқув инфратузилмаларни қуриш ва жиҳозларни сотиб олиш учун 185 млн юан ажратди, бунга мувофиқ вилоят ва марказга бўйсинувчи шаҳарлар ҳам 200 млн юандан кўпроқ маблағ ажратди. Бундан ташқари шаҳарга бўйсинувчи ва вилоятлар молиявий бошқармалари томонидан бир йиллик ўқиш учун ўз ҳисобларидан 3500-9000 минг юангача пул ажратади. Бу сумма асосан Тибет ўқувчиларини қўшимча ёрдам сифатида пул билан таъминлаш ва ўқувчиларни ҳаётини суғурта қилишга сарфланади.

¹⁵² Хитойда таълим / Пекин.: 2004 йил 50 бет.

¹⁵³ Ижрада турувчиларни ҳақ бараварига ҳамма нарса билан тўла таъминлайдиган ижара уй. / русско – узбекский словарь 1956. - С. 526.

¹⁵⁴ Китай №5. 2008. -С. 13.

Боб бўйича саволлар.

1. ХХРда кам сонли миллатлар.
2. ХХРда кам сонли миллатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ижтимоий - сиёсий мазмуни.
3. Кам сонли миллатларнинг жуғрофий жойлашуви.
4. Кам сонли миллатлар тилини ўрганиш ҳақидаги назарий қарашлар.
5. ХХРда кам сонли миллатлар тилларининг таснифи.
6. Кам сонли миллатлар тилини лотин алфавитига ўтказиш масалалари ва унинг сиёсий жиҳатлари.
7. Кам сонли миллатлар тили тарихига оид пиктографик ёзувлар.
8. ХХРда икки ва кўп тиллилик масаласи.

Амалий машғулот учун саволлар

1. Кам сонли миллатлар эски ёзувлари ҳақида умумий тушунча.
2. Кам сонли миллатлар тил оилалари ҳақида.
3. Кам сонли миллатларнинг ўлкалараро жойлашув ўринлари.
4. Минтақавий – регионал тиллар ва уларнинг функционал вазифлари.
5. ХХРда кўп тиллилик муаммоси ва уларнинг ечимлари.
6. Кам сонли миллатлар тилларини меъёрлаштириш муаммолари.
7. СУАР ҳудудининг жуғрофий тузилиши ва унга чегарадош давлатлар.
8. СУАР да тил вазияти ва унинг сиёсий жиҳатлари.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. СУАРнинг тарихи.
2. СУАРда кам сонли миллатлар тилининг таснифи ва хусусиятлари.
3. Шинжианг сўзининг этник маъноси.
4. СУАРнинг полиэтник райони сифатида шаклланишининг тарихий хусусиятлари.
5. Ўзбек ва Уйғур тилларининг ўхшаш ва фарқли томонлари.
6. Тибетда тил вазияти хусусиятлари.
7. Тибетда тилларнинг типологик таҳлили.
8. Тибетнинг этник таркиби.

IV БОБ. ЖОЙЛАРДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Дарсни ўқув мақсади: таълимга оид фармонлар, қарор ва қонунлар ижроси, таълим стандартлари меъёрий ҳужжатлар, ХХРда анъанавий ва замонавий таълим хусусиятлари, маданий инқилоб ва ислохотлар даври таълим сиёсати ва йўналишлари, мажбурий таълим, таълим жараёнида кадрларни тайёрлашда қўйилаётган талаблар, таълимни назорат қилиш шакллари, таълимни молиялаштириш билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ва маълум даражада билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

Таянч сўзлар: таълим сиёсати, мажбурий таълим, таълим шакллари, кўчма таълим, ўқитиш мезонлари, ўқув дастур, имтиҳон - синов шартлари ва талабаларга қўйиладиган талаблар, тайёрлов курс, махсус курс, малака ошириш курси, асосий курс, маданий инқилоб, қувғин, конституция, қонун, фармон, қарор, фармойиш, модда, ижро, илмий унвон, илмий даража, билимлик таълим ва унинг хусусиятлари.

4. 1. Марказий ҳукуматнинг миллий таълим сиёсати

Миллий сиёсат ҳақида гап борар экан, унинг иқтисод ва маданият, энг муҳими миллий онгни шаклланиши ва саводхонлигини оширишда амалий мазмун касб этишлиги инсоният тарихидан яхши маълум. Масаланинг мазкур томонларини яхши тушунган ХХР ҳукумати 50-йиллар бошларидаёқ, Таълим вазирлигида ва тегишли давлат органларида таълим тизимининг барча босқичларига доир ташкилий ишларни йўлга қўйди.

Пекинда 1951 йили Миллий таълимга доир биринчи умумхитой йиғини бўлиб ўтади. Йиғинда ўша даврдаги миллий ҳудудлардаги саводхонлик даражасидан келиб чиқиб асосий масалани ҳал этишга аҳамият қаратилади. Шунга асосан, «Мустаҳкамлаш, ривожлантириш, тартибга солиш ва реконструкциялаш»га доир қарорлар қабул қилинди. Қарорлар турли даврларда асосий таълим базаси заиф бўлган ҳудудларда собиқ мактабларни тиклаш ва реконструкциялаш, маданий ва таълим беришнинг стандарт шаклларини яратиш; янги ўрта ва бошланғич мактабларни қуриш; таълимни аниқ ривожланишига ўтган ҳудудларда асосий эътиборни таълим сифатини яхшилаш ва жадаллаштиришдан иборатлиги муҳим

вазифалар қилиб белгиланди.¹⁵⁵ Бу масала бўйича тарихга аҳамият қаратилса, бу саъйи ҳаракатлар ХХР ташкил топгунга қадар олиб борилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, 1932 йил майида I-Умумхитой қурултойидаги хитой ишчи, деҳқон ва аскарлар Кенгаши «хитойда яшовчи миллий кам сонликлар» тўғрисида қарор қабул қилиб, унда «Хитойдаги миллий кам сонликлар учун албатта мактаблар барпо этиш ва бу мактабларда кам сонли миллатлар ўз миллий тили ва ёзувидан фойдалана олишлари, ундан ташқари, наشريёт ва босмахоналар барпо этишлари, мазкур миллий кам сонлилар тили ва ёзувидан барча давлат ташкилоти идораларида фойдаланиш шарт»¹⁵⁶ лиги белгилаб қўйилган эди.

1938 йилга келиб Синцзянда айрим миллий кам сонлилар тилида дарсликлар чоп этила бошланганига қарамай, Хитойнинг озод этилишига қадар, миллий камчиликлар тилидаги дарсликларни чоп этувчи наشريётлар иши тўхтаб қолганди. 1952 йилда ХХР озодлигидан кейин Синцзян ҳукумати учта уйғур, қозоқ, мўғул тилларидаги дарсликларни чоп этувчи “Синцзян халқ наشريёти”ни ташкил этди. 1955 йил Синцзян маърифий наشريёти ташкил топгач эса, ўқув дарсликлари эндиликда бешта: уйғур, қозоқ, мўғул, қирғиз, сибо тилларида чоп этила бошланди.

Бундан ташқари, 1950-1958 йиллар ичида Гуйчжоу, Юнан, Гуанси, Синхай ва Тибет миллий автоном районларда миллий институтлар ва уларнинг қошида миллий мутахассисларни тайёрлайдиган институтлар очилган. 1958 йилдан бошлаб мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга оид талаблари эътиборга олиниб миллий таълим олий юртларида фан – техника, санъатни такомиллаштириш учун қўшимча ўқитиладиган махсус фанлар ва махсус курсларни жорий этиш жадаллаштирилди.

ХХР маориф вазирлиги қошида миллий таълим департаменти ташкил этилган, унинг асосий вазифаси хан ва кам сонли миллатлар таълимини назорат қилиш, жойларда икки тилликни тараққий эттириш ва миллий - таълимни молиявий таъминотни назорат қилишдан иборат.

Давлат қўмитаси қошида ҳам, миллий ишлар бўйича департаменти тузилган. Департаментнинг вазифасига: — жойларда таълимга оид муҳим муаммоларни ҳал этиш; — миллий тарбиявий ислохотлар билан болиқ бўлган ишларини текшириб бориш; — жойларда миллий таълимга оид режа ва сиёсатини белгилаш; — миллий

¹⁵⁵ “Что дали демократические преобразования народу Тибета” // Китай №5. 2008.- С. 13 – 14.

¹⁵⁶ Национальная районная автономия в Китае // Пекин.: 2005.

таълим тараққиёти учун янги режаларни киритиш ва таълим муассасалари ва ташкилотларига ёрдам бериш; — саводсизликка қарши кураш.

Миллий автоном районлар маориф органлари вазифасига; - автоном районлар миллий таълимнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш;- миллий мактаблар барпо этиш; — ўқув юртлари инфратузилмаларини ўзгартиришга, яъни бунга таълим вақти, таълим бериш, дарс олиб бориш шакллари;- таълимга тегишли бўлган қарорлар; — мутахассисларни тайёрлаш ва ўқувчиларни синов асосида танлаб олиш киради. Бундан ташқари, шаҳар типигадаги қишлоқларда миллий синфларни очиш, тоғли ҳудудлар ва мусулмонлар яшайдиган районларда махсус профессионал мактабларни ташкил қилиш, кундизги ва кечки таълимни жорий этиш, кунора дарс бериш ва узликсиз давомли ўқитишни йўлга қўйиш, қизлар учун махсус мактабларни очиш, Олий таълим соҳасида махсус миллий ўқитиш бўлинмаларини ташкиллаштириш. Кичик миллатлар тарқоқ яшаб келаётган ҳудудлар, тоғли районлар, асосан чорвачилик билан шуғуллунадаган районлар ва кўчманчи оилалар учун кўчма мактаблар ва интернат мактабларини очиш улар вазифасига киради.

Демак, ХХР Таълим Вазирлиги ва Давлат Қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган таълим департаменти кам сонли миллатлар таълимида кечаётган мавжуд жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш ишларини амалга оширади. Таълим-идораларида ҳам кам сонли миллатлар нисбатан аҳолиси кўп бўлган провинция ва мухтор ҳудудлар;- миллий таълим тизимидаги ишни махсус ёки параллел тарзда назорат этувчи органлар фаолияти йўлга қўйилган¹⁵⁷.

ХХРдаги кичик миллатлар таълим соҳасида ХХР Конституциясида қайд этилганидек, “миллий мухторият ҳудудларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари мустақил тарзда таълимни бошқариши, кўрсатмалар асосида қарорлар қабул қилиши, ўқув муассасалар, таълим тизими, ўқитиш шакллари, ўқув дастурлари, таълимни олиб боришнинг мустақил танлаш имтиёзларига эга”. Ўлкаларда тарқоқ яшовчи кам сонли миллатларнинг таълим олиш ҳуқуқлари назорат тартибида амалга оширилади. Бунга асосан, таълимни жой хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш кўзда тутилиб қуйдагиларга; — миллий бошланғич ва ўрта таълим мактабларини очиш; — уездлардаги марказий бошланғич ва ўрта таълим мактаблари, волость ва шаҳарчалар қошида миллий синфлар ишини йўлга қўйиш; — мусулмонлар яшовчи ва тоғли

¹⁵⁷ Национальная районном автономия в Китае / Пекин.: 2005. -С.32 - 116.

чорвачилик районларда аҳолининг тарқоқ яшашини ҳисобга олиб, кўчма мактаблар, эрталабки ва кечки синфлар, кун аро машғулотли мактаблар ва таълимий жавобгарлик нуқталари ташкил этилди; олий таълим тизимида махсус миллий олий таълим муассаси, олий таълим муассасалари қошида алоҳида миллий бўлимлар очилди¹⁵⁸.

Кам сонли миллатлардан ўқувчиларни қабуллашга йўналтирилган ўқув муассасалари (синфлари) шартли равишда дарсликларни миллий тилда фойдаланиш, машғулотларни олиб бориш кўзда тутилиб, фақат вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошланғич мактабларда қуйи ёки юқори даражадаги дарслар хитой тилида ўтилиб, бунда мамлакат бўйича ягона мажбурий тил сифатида қабул қилинган путунгхуада олиб борилиши ва меъёрий ёзувга асосланиши кўзда тутилади.

ХХРда таълимни такомиллатириш мақсадида ҳозиргача 6 қонунни қабул қилинганлиги қайд этилади, яъни булар: ХХРнинг илмий даражаси ҳақидаги қонуни (1980 йил); ХХРнинг мажбурий таълим тўғрисидаги қонуни (1986 йил); ХХРнинг мураббийларига нисбатан қабул қилинган қонун (1993); ХХРнинг таълим ҳақидаги қонуни (1995 йил); ХХРнинг касбий таълим тўғрисидаги қонуни (1998 йил); ХХРнинг олий таълим тўғрисидаги қонуни (1998 йил). Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида ХХРнинг таълим ҳақидаги 16 та маъмурий қонунлар лойҳаси ишлаб чиқилди. Маорифга оид 200 дан ортиқ маъмурий моддалари қабул қилинди¹⁵⁹.

Қабул қилинган бу каби расмий чора тадбирлар ҳозирда ХХР маориф соҳасининг ҳуқуқий асосларини белгиламоқда. Ва бугунги кунда келиб, “марифат орқали мамлакатни оёққа қўйиш, илм ҳисобида давлат қудратини кўтариш ва мустаҳкамлаш” ХХР давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бўлиб қолмоқда дейиш мумкин.

ХХРнинг 1982 йил қабул қилинган конституцияси 19 – бандига асосан “ХХРда таълимнинг барча учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган.” Бу ХХРда кичик миллатлар болалари учун ҳам бирдай кучга эгадир. Масалан, Давлат томонидан таълим соҳаси учун қабул қилинган асосий қонунида “Бутун давлат бўйича ҳар бир ўлкага, миллий автоном районларга, марказга бўйсинувчи шаҳарларга ўз имкониятларидан келиб чиқиб жойларда таълимни ривожлантириш, таълимга оид

¹⁵⁸ Қаранг: кўрсатилган манба . -Б. 32 – 117.

¹⁵⁹ Хитойда таълим – “Синсин” нашриёти. Пекин. 2004.

ишчи режаларини ишлаб чиқиш ва уни аҳоли ичида кенг ташвиқот ва тарғибот қилишнинг 1990 йилгача бўлган вазифалари юклатилган эди”.¹⁶⁰

ХХРнинг 1986 йил апрел ойида қабул қилинган қарорига мувофиқ “мамлакатда яшаётган 6-ёшдан юқори ва мактаб ёшидан ошган болалар миллати, ирки, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъиназар 9 синфгача ўқишга мажбурийлиги” кўрсатиб қўйилган.¹⁶¹ Бу қарор кичик миллатлар учун таъллуқлидир.

ХХРда 9 йиллик мажбурий таълим тизимига амал қилинмоқда. Мактабгача асосий таълимга - бошланғич ва оддий ўрта таълим (қуйи ва олий босқич) киради. Бошланғич таълимга беш ва олти йиллик таълимга амал қилинади. Ўрта мактаб қуйи босқичларида – уч ва тўрт йиллик таълим; оддий ўрта мактаблар олий босқичларида мактаб болалари уч йил ўқиш муддати белгиланган. Ўрта мактаб қуйи босқичини тамомлаган мактаб ёшлари ўрта мактаб юқори босқичига кириш учун умумий синов имтиҳонларини топширади. Итиҳонни мувофақиятли топширган ўқувчилар мамлакатнинг энг кўзга кўринган мактабларига ўқишни ўзлари танлайдилар. Бундай мактабларда таълим олиш пулли бўлиб, ўқувчилар бир семестрда 350 – 800 юангача тўлайдилар.¹⁶²

ХХРда ўтган асрнинг 50 - 60 йилларига келиб Совет таълим моделидан бутунлай воз кечилди. ХХР таълим сиёсатида янги давр бошланди.

1985 йилдан бошлаб эса мамлакатнинг таълим билан боғлиқ барча соҳаларида синов тариқасида Америкача стандарт (меъёр)лари асосида имтиҳон тизими йўлга қўйилди. Дастлаб, Шанхай, Гуандун ўлкаларида жорий этилди. Ўзининг ижобий натижаларини бергандан сўнг бутун мамлакат бўйлаб амалда рухсат берилди.¹⁶³

ХХР давлат томонидан 1994 йилга келиб 9 йиллик мажбурий таълимни хусусиятларидан келиб чиқиб уч босқичда амалга ошириш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Булар; — Иқтисодий ривожланган районлар; — Иқтисодий ўрта ривожланган районлар; Иқтисодий умуман ривожланмаган қолоқ районлар. Кам сонли миллатлар учун 9 йиллик мажбурий таълимнинг учинчи босқичи кўпроқ аҳамиятли бўлиб, сабаби, кам сонли миллатларнинг асосий қисми қолоқ районларда яшаб келаётганлигидир. 1995 йилга келиб Маориф ва Молия вазирлиги келишган ҳолда тўққиз йиллик мажбурий таълимни такомиллаштириш мақсадида, қолоқ,

¹⁶⁰ “Конституция КНР – 1982” // Китайская Народная Республика - “Наука” М.: 1982.

¹⁶¹ Хитойда таълим/ Пекин.: 2004 йил 56 бет.

¹⁶² Губарева Л. Цветы, птицы и горы, воды // Китай №9 2009. -С. 72 – 73.

¹⁶³ Қаранг: Китай № 7 (21) июль 2007. -С. 37 – 39.

ривожланмаган миллий автоном районлар маориф ва таълим соҳасини ривожлантириш учун жойларда молиявий таъминлашнинг қўшимча қонунлари ишлаб чиқди. Унга мувофиқ 21 вилоят, марказга бўйсинувчи шаҳарлар ва миллий автоном районлар, марказдан узоқ, транспорт қатновлари ноқулай жойлашган тоғли районлар маориф ва таълим тизимини ривожлантириш учун 11 млрд, 60 млн юан жэн минби (тахминан 1 млрд 434 млн АҚШ дол.га тенг) ажратди¹⁶⁴.

ХХРда тўққиз йиллик мажбурий таълимнинг яна бир хусусияти шундаки, унда таълим олиш дастури асосан давлат ва қўшимча ташкилотлар ҳомийлиги остида амалга оширилади. Бу эса марказ ва жойларда таълим соҳаси билан боғлиқ молиявий муаммоларни ҳал қилиш, енгилликлар яратишнинг рационал имкониятларини яратиб бермоқда.

1999 – йилга келиб ХХР ҳукумати умумтаълим мактаблар савиясини ошириш мақсадида маориф соҳаси билан боғлиқ ислохотларни чуқурлаштириш ҳақидаги қарорини қабул қилди. Бу билан Олий таълимда ўқитишнинг самарали тизимларини барпо этишда таълим соҳасини янада илмий ва рационал мувофиқлаштириш, маориф ресурсларидан унумли фойдаланиш, жойларда узликсиз таълимни яхшилашда қўшимча имкониятларни яратмоқда. Бу ҳам ўз ўрни билан “Табиий шарт – шароити оғир, иқтисодий томондан қолоқ, маданий ва кадриятларнинг ўзига хослиги, аҳолининг моддий таъминланганлик даражаси пастлиги сабаб жойлардаги таълимда юзага келаётган масалалар ечимини топишда ижобий аҳамият касб этмоқда”¹⁶⁵.

Ана шу ишларнинг амалий натижаси ўлароқ “Математика, география, химия, физика, тарих, биология, табиатшунослик ва бошқа фанларга диор дасрликлар таржима қилиниб, нашр этила бошланди. Миллий кам сонлилар тилида яратилган ўқув қўлланмалари маърифий ишлар ва мазкур миллатнинг таълим сифати даражасининг ошишига хизмат қилди”¹⁶⁶.

Дасрликларни тузиш ва таржима қилиш мақсадида давлат томонидан вилоят ва мухтор ҳудудларда яшовчи миллий кам сонлини ташкил этувчи миллатлар тилига мос келувчи тилда дарсликларни таржима қилиш ва нашр этиш билан шуғулланувчи ташкилотлар иш фаолиятини йўлга қўйди. Шунингдек, “Ички Мўғилистон учун мўғул тилида чоп этиладиган миллий дарсликларни нашр этишга қўмаклашувчи учта

¹⁶⁴ Кўрсатилган иккинчи манба – 76 бет.

¹⁶⁵ 50 – летие демократических реформ в Тибете / Пресс – канцелария госсвета КНР. Пекин., - С. 31- 40.

¹⁶⁶ Кўрсатилган манба.

худудлараро органлар ташкил этилди. Ички Мўғилистон ва Синьцзян ҳамда бошқа олтита вилоят ва мухтор худудларда мўғул тилида, Цзилин ва корейслар яшовчи яна иккита вилоят учун корейс тилида, Цинхай ва Тибетлар кўпчилик бўлиб яшовчи учта вилоятда — Тибет тилида дарсликларни нашр этиш ишлар йўлга қўйилди”. Шунинг баробарида, Марказий ҳукумат томонидан Умумхитой комиссияси ташкил этилган бўлиб, у комиссиянинг фаолияти “мўғул, корейс ва Тибет тиллари”да яратилаётган дарсликлар устида цензура — назорат ишларини амалга оширади. Айни пайтда ХХР ҳукумати миллий таълим сиёсат йўриқларидан келиб чиқиб ХХР конституциясида белгилаб қўйилганидек “миллатлараро муносабатлар ва тил сиёсати”га доир чоратadbирларни ишлаб чиқиш, унинг билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда айрим вазифаларни амалга тадбиқ этмоқда. ХХРдаги барча кам сонли миллатлар тилларининг тенг ҳуқуқлигини қатъий қўллаб-қувватлаб ҳар бир миллатнинг ўз ёзуви ҳамда тилидан фойдаланиш ва ривожлантириш эркинлигини кафолатлаш вазифалари бунинг исботи бўлиши мумкин.

Ана шу мақсадда кам сонли миллатлар учун мамлакатда 1980 йил (Пекин университети)да биринчи марта тайёрлов курси фаолиятини бошлади. Кейинчалик, Цинхуа ва Политехника институтларида тайёрлов курслар йўлга қўйилди. Бугунга келиб эса, ХХРнинг юздан ортиқ таълим даргоҳларида тайёлов бўлимлари жорий этилган. Бу саъйи — ҳаракатлар кичик миллатлар ичидан ўқитувчи – педагогларни тайёрлашнинг амалий аҳамият касб этмоқда.

Давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан дипломли мутахассисларнинг йўқлиги ёки айтишмаслиги боис узоқ йиллар таълимни ривожлантиришда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган ўқитувчилар учун давлат стандартлари жорий этилган бўлиб, бундай ўқитувчилар белгиланган синов имтиҳонларини топширгандан сўнг диплом мутахассислигига эга ўқитувчи – педагог ҳисобланадилар.

ХХРда шу кунгача, катта ёшдагиларни ўқитиш учун махсус курслар йўлга қўйилган. Бошланғич таълимдан — олий таълимгача, бошланғичдан касбий (профессонал) таълимгача бўлган ўқитиш тизими яратилди. Бу тизим миллий автоном районлардаги; мактабгача бўлган даврни, шунингдек, бошланғич ва ўрта мактаб, олий ўқув юртларини ўз ичига олади. Ушбу таълим тизимида миллий автоном районлардан ташқарида яшаётган кам сонли миллатларнинг таҳсил олиши ва ўқишга қабул

қилиниши муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам амалда кўзда тутади.

1985 йилдан эса, ХХРнинг шимолий – ғарбий районлари (Шэньси, Гансу, Нинся, Цинхай, ва Синцзян)да беш (5) та педагогик институтлар фаолият кўрсатмоқда. Бу институтларда ўқиш жараёни беш босқичдан ташкил топган. Яъни, булар: Тайёрлов, Махсус курс, Малака ошириш курси, Асосий курс Аспирантура¹⁶⁷ ни ўз ичига олади.

4.2. Кам сонли миллатлар таълим базасини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари

Ҳозирда кўпгина анъанавий ёзувлардан таълимда фойдаланиб келинмоқда. 1949 йилдан кейин яратилган кам сонли миллат тили ҳали ҳам ўз ёзувидан расмий равишда фойдаланмаётган «ли» элатидан фарқли равишда турли даражада таълим соҳасига кириб кела олдилар. Ҳозирда икки тилдаги ўқув дасрликларининг 60 туридан фойдаланилмоқда. Улардан 29 тасида ёзувда фойдаланилади. Айрим кам сонли миллатларда ёзув аллақачондан буён мавжуд, баъзи миллатлар эса ўз ёзувини 1978 йилдан кейин, транскрипция кўринишида қабул қилган. Умуман, 1978 йилдан кейин латин алифбосига асосланган ёзув ислохотлари амалга оширилди.¹⁶⁸

Умуман, жойларда миллий таълим ва ёзувни ривожлантириш саъйи – ҳарактлари йигирма (20) йиллик танаффусидан сўнг 80 - йилларнинг бошларига келиб қайта жонланди. Миллий автоном районлар, марказий ўлкаларда аралаш яшовчи кам сонлилар учун, миллий район таълим бошқармалари тузилиб, марказий ва молиявий органларнинг жойларда таълим соҳасининг ривожланишига маъсуллиги ва ўқитишнинг кучайтирилган асосида миллий тилларда таълим олишни йўлга қўйиш мажбурийлиги юклатилди.

Эътиборли томони, миллий таълим тизимида ҳукумат Хитойдаги миллий кам сонлиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва автоном ҳудудларини ҳисобга олган ҳолда сиёсатда қатор йўналишларни белгилаб олди: маҳаллий миллатлар миллий кам сонлилар ёзувидан фойдаланадиган бўлса, бошланғич, ўрта ва олий ўқув муассасаларида таълим миллий тилларида ўтказилиши керак эди; миллий институтлар ва бошқа миллий ўқув ташкилотларида миллий тил бўйича

¹⁶⁷ Хитойда таълим тизими / Пекин.: 2004 . 50 бет.

¹⁶⁸ Хитой миллатлари / Пекин.: 2004. 110 б.

мутахассислар тайёрланди; миллий тилдаги педагогик, илмий-тадқиқотчи ва таржимон кадрларни тайёрлашига доир ўқитиш ишлари ишлаб чиқилди. Шу билан бир вақтнинг ўзида миллий тиллардаги ўқув материалларни нашр этиши учун матбаа ва босмахоналар тизими йўлга қўйилди. Бу масалаларнинг ҳал этилиши халқ оммаси ва Хитой халқ таълими мутахассислари зиёли вакиллари муносабатларига бевосита боғлиқдир.

Ундай ҳамкорликнинг тўлақонли фойдаси шундаки, бу нафақат Компартия ва давлатнинг турли миллатлари орасидаги тез ва аниқ ўзаро тушунишни таъминлайди, балки турли миллатларнинг компартия ва давлат билан жипс алоқаларнинг ривожланишига олиб келар. Шу вақтнинг ўзида миллий кам сонлини ташкил этувчилар кенг халқ оммаси сингишиб кетадилар, улар нафақат буни ҳурмат қиладилар, балки чамбарчас боғланганлар ҳам. Ўз-ўзини бошқариш органлари эса ундан тўлиқ фойдаланадилар.

Жамиятнинг ривожланиши билан бирга миллий кам сонлиларнинг тил ёзувидан фойдаланиш кундан кунга ўсиб бормоқдаки, бу халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан алоқадор алмашувлар амалиётининг ошиши, халқларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва дўстлигини мустаҳкамлайди. Миллий ҳудудлар тили ва ёзуви ривожлантирилар экан, бу борадаги миллий кам сонлиларнинг таълим ва фандаги ютуқлари ривожига эришиш мумкин. Халқларнинг фан ва маданиятдаги билимларининг оширилиши эса турли миллат ва элатларнинг фан ва маданиятини янги босқичларга кўтарилишига олиб келади. Шу тарзда, бу тадбирларни амалга ошириш учун биринчи ўринда тил ва ёзув бўйича бутун мутахассислар авлодини тарбиялашни кучайтириш лозим бўлади. Агар кичик миллатлар тили ва ёзуви соҳасида мутахассислар бўлмаса, юқорида қайд этилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳам мушқиллашган бўларди¹⁶⁹.

Ўтган асрнинг 50 йилларига қадар Хитойдаги миллий кам сонлини ташкил этувчи халқлар саводхонлиги ниҳоятда орқада эди. Айрим миллий кам сонлиларнинг на мактаблари ва на мутахассис ўқитувчилари бор эди. Гарчи XX аср бошида янги мактаб таълими 30 дан ортиқ миллатлар ўртасида ташкил этилган бўлса-да, аслида мактаб ва ўқувчилар сони ниҳоятда кам эди, ярим аср аввал аҳолининг катта ёшли қисми ўртасидаги саводсизлик фоизи хайратланарли даражада юқори — одатда

¹⁶⁹ Кўрсатилган манба. - Б. 88 – 120.

90%дан ортик, аёллари ўртасида унданда кўп эди¹⁷⁰. Буни Жилин вилояти Янбян – корейс автоном округи миллий таълимни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар мисолида кузатиш мумкин.

Хусусан, мамлакатнинг Янбян – корейс автоном округида олий ва ўрта техник таълим бўйича тайёрланган зиёли мутахассислар энг кўпчилиқни ташкил қилади. Янбян округида асосий эътибор фақат таълим олишга қаратилган бўлса, эндликда келиб, вилоятининг ички иқтисодий - ижтимоий тараққиёт имкониятларини эътиборга олиб ихтисосликка оид мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ стратегик вазифалар асосий аҳамият касб этмоқда. бир вақтнинг ўзида умумсаводсизликка барҳам бериш масаласи ҳам кейинги йилларда кун тартибидан тушмай келмоқда. Шу мақсадда вилоятда бошланғич ва кечки таҳсил олиш билан биргаликда деҳқончилик, чорвачилик соҳасида ҳам саводхонлик малакасини ошириш таълим назорати йўлга қўйилган.

1950 йилда Вазирлар Кенгашининг «Миллий камсонликни ташкил этувчи кадрларни тажрибали тартибда тарбиялаш лойиҳаси»да қуйидаги қонунни тасдиқлади: «Кам сонлик миллатлар таълим оладиган мактабларда дарслар хитой тилида олиб бориладиган бўлса, синфларда ва ўқув курсларда машғулотларни олиб бориш жараёнида ёрдам мақсадида тегишли таржимонларни таклиф этиш масалалари ҳам кўзда тутилади. Шу таризда босқичма-босқич ўқув жараёнида турли миллатларнинг ўз тилидан фойдаланиш даражасини яхшилаб бориш кўзда тутилади. Жойларда ўқувчилар маҳаллий ҳудуд тилидан ташқари, хитой тилини ҳам ўрганишлари лозим.¹⁷¹

Умумхитой мажлисининг Марказий ҳукумати миллий таълим масалаларига доир, ўз вақтида миллий ҳудудлардаги таълим аҳволи билан танишиб, турли тарихий ўзгаришларга мўлжалланган миллий таълимнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқди.

Кам сонлик миллатлар тилини ривожлантиришда «Миллий таълим масалаларига доир биринчи Умумхитой Маърузаси»да (1951 йил) ёзувига эга (мўғуллар, корейс, Тибет, уйғур, қозоқ ва ҳ.к) миллатларда бошланғич ва ўрта мактабларда турли фанлар бўйича ўқиш она тилида ўтилиши лозим. Тўла ва мустақил тилга эга, аммо ёзуви мавжуд бўлмаган ёхуд мукаммаллашган ёзувли миллатларга

¹⁷⁰ Кўрсатилган манба.

¹⁷¹ Кўрсатилган манба. - Б. 45 - 188

бир тарафдан уларнинг ёзувини ривожлантириш, иккинчи тарафдан эса хитой ёки она тилидаги таълимни жорий қилишга кўмаклашиш керак. Миллик кам сонлини ташкил этувчиларнинг хитой тилини ўрганишга келсак, мажлис ягона бир қарорга келиб қайд этдики, турли миллий кам сонли элатларнинг босқичлардаги мактабларида зарурийлик ва кўнгиллилик даражасини ҳисобга олган ҳолда хитой тили дарслари ҳам ўтилиши мумкин¹⁷². Бу таълим жараёнидаги ўз миллий тилидан фойдаланишида мазкур маҳаллий ҳудуд тилини ўрганиш ҳам давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этилишининг асосий мазмуни ҳисобланади.

Давлат миллий сиёсати қонунчилиги асосида таълим вазирлиги жойларда миллий тилдаги таълимнинг мактабларда турли босқичларда олиб борилишига доир тегишли чоралар қабул қилди:

1953 йилнинг 23 февralида Таълим Вазирлиги Жанубий-хитой ҳарбий-идоравий кенгашининг таълим Департаментига Хунбан вилояти таълимига доир маъруза йўллаб, унда қуйидаги масалаларни ҳал қилиш кўрсатиб ўтилган эди¹⁷³:

1. «Умумий дастурнинг»⁵³ чи банди ҳамда 1-чи Умумдавлат миллий таълимга доир мажлисида кўриб чиқилиб, қонун кучига кирган миллий таълим муаммосига кўра, миллий камчилиқни ташкил этувчилар ўқидийган мактаблар таълим жараёнида ўз миллий тилидан фойдаланишлари керак. Аммо, ўз тилига эга бўлса-да, ёзуви мавжуд бўлмаган кам сонли миллатлар ўз ёзувларини жорий этгунларига қадар ўқув жараёнида хитой ёки мазкур жой миллатларининг тилидан фойдаланишлари мумкин.

2. Турли ўқув муассасаларида мавжуд вазият ҳисобга олинган ҳолда, имконият даражасида маҳаллий миллат тилидан фойдаланилади. Миллий тилни билмайдиган ўқитувчи-тарбиячилар маҳаллий аҳоли тилини фаол ўрганиш билан бир қаторда таълим жараёнида ўқувчилар билимни тўлиқ олишлари учун турли таъсирчан услублардан фойдаланишлари керак.

3. Маҳаллий миллий тилда фойдаланиш имконияти бўлмаган аммо ўқув жараёнида хитой тилидан фойдаланадиган мактабларда ҳозирги кунда таълим вақтида мазкур ҳудуддаги хитой тилининг кенг истеъмолдаги диалектларини қўллаши мумкин.

¹⁷² 中国教育 五洲传播出版社出版发行-2002。131 页。

¹⁷³ Қаранг: Кўрсатилган манба.

1956 йилнинг 23 апрелида Таълим Вазирлиги 黑龙江 (Hei Long jiang)Хей Лонгцзянг вилояти таълим Департаментининг «Мўғул мактабларида маҳаллий халқ тилидаги таълимни бошлаш муаммоси» ҳақидаги кўрсатмаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда миллий мактабларда таълим жараёнида маҳаллий миллат тилдан фойдаланишда турли фанлар миллий таълимнинг белгиланган курси сифатида намоён бўлиши; ҳаётга татбиқ этиш жараёнида мазкур ҳудуддаги ҳақиқий вазиятни жиддий равишда ҳисобга олишини кўзда тутилади. Ички Мўғулистон мухтор ҳудудида янги мўғул ёзувини татбиқ этиш режасини жорийланишига бошлар экан, бунда янги мўғул тилини жорий этиш, ўқитувчилар таркиби, ўқув материаллари ва ҳ.к.ларнинг жавобгарлик масалалари ҳисобга олиниб қуйидаги таклифлар илгари сурилган эди.

Булар: «Халқ оммаси кундалик турмушида мўғул тилидан фойдаланиладиган районларидаги мактабларда турли фан дарслари мўғул тилида ўтилиши; шунинг билан бир пайтда беш йиллик таълимга эга бошланғич мактаблардан бошлаб хитой тилидаги дарслар киритилиши; Ўқитиш мўғул тилида олиб бориладиган мактабларда қўшимча хитой тилидан фойдаланувчи ва мўғул тилини билмайдиган болалар борлиги аммо кундалик яшаш шарт шароитларига кўра хитой тилида таълим олиш имкониятига эга эмаслиги инобатга олиниб, шу боис синфларга бўлиниш услубидан фойдаланиш мумкинлиги масалалари ҳам бор эди. Агар мўғул тилини биладиган ўқувчилар камчилиқни ташкил этса, синфларни бўлиш имконияти йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, хитой тилидаги қўшимча дарслар киритилиши ва ўқувчиларнинг таълим олиш сифатини сақлаб қолишга қаратилган дарсдан ташқари таълим ишларини кучайтириш лозим»¹⁷⁴.

Шундан келиб чиққан ҳолда СУАР ҳукумати дарс ўтишни хитой, уйғур, қозоқ, қирғиз, сибо, мўғул тилларида олиб борилишини аниқ белгилаган. Марказ томонидан яратилган уйғур тилидаги ўрта мактабларда уйғур тилини ўрганиш бўйича ўқув дастури асосидаги кундузги беш йиллик таълимда: тил ва адабиёт ўқув матнлари мавзуси, аввало, мамлакатнинг ягона дарслиги асосида олиб борилиши лозим; унга мазкур миллатнинг ёзувчилари, атоқли классиклар асарлари ва белгиланган ҳажмда жаҳон прогрессив ёзувчиларининг асарлари берилиши керак. Бир сўз билан айтганда, материални танлашда асосий ўринни яхши асарлар эгаллаши зарур. Янги бадий

¹⁷⁴ Китай №9 2007. –Б. 27.

асарлар киритилган дарсликларда сайланма матнлар 50-60%ни, танланган асарлардан иборат материаллар ишғол этса, қолган матнга 40-50%ни ташкил этиши лозим¹⁷⁵.

Миллий камчиликлар тилидаги таълим бериш масаласи билингвистик тарзида турли ҳудудлардаги тилларнинг фарқли аҳволидан келиб чиққан ҳолда бўлинган.

1. Ўз тилига эга бўлган, аммо ёзуви йўқ миллатлар ёки ҳатто ўз ёзуви бору аммо улар истиқомат қиладиган ҳудудларда хитой тили ва хитой ёзувидан кенг фойдаланиладиган миллатлардаги мактабларда дарслар 2 тилда хитой ва мазкур миллат тилида ўқитилади. Мазкур миллат тилидаги таълимга имтиёзий кўрсатмалар киритилмайди.

2. Кенг фойдаланиладиган ўз ёзуви ва тилига эга миллатлар учун уларнинг мактабларида билингвистик таълим олиб борилади, хитой тили ва мазкур миллат тилидан фойдаланилишида миллий тиллар ва ёзувларни ўрганишга доир тартиблар киритилади.

3. Ўз тили ва ёзувига эга, аммо хитой тилидан кўпроқ фойдаланадиган миллатлар учун билингвистик таълим олиб борилиб, хитой тили ва мазкур миллат тилидаги ёзувининг фойдаланилиши ва ўрганилишига доир фанлар киритилади.

Турли ҳудудлардаги муайян вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, хитой тили ва мазкур миллат тилини ўрганишнинг қайси босқичдан бошланишига доир машғулотлар киритилиши, амал қилиш муддатлари жойида ҳал этилади. Мухтор ҳудудлари ўзининг бошқариш органлари томонидан ташкил этилган тўлиқ ўрта мактабларида, шунингдек миллий олий таълим муассасаларида бундай билингвистик таълим олиб борилади.¹⁷⁶

ХХР кам сонли миллатлар таълим тизимида тест (яъни 100 балли мезон) асосида имтиҳон ва синов имтиҳонлари ўтказиш жорий этилган. ХХР да буни икки тилликда ўқитиш билан боғлиқ муаммоларида кузатиш мумкин. Масалан, ХХРнинг автоном районлар ҳақидаги миллий қонунида: Кам сонли майда миллатлардан ўқувчиларни қабул қилувчи мактабларда имкониятларидан келиб чиқиб ўқув дарсларни маҳаллий тилларда олиб бориш шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бунга мувофиқ мазкур миллатлар ўқийдиган маҳаллий бошланғич мактабларнинг юқори синфлари ва ўрта мактабларида хитой тилини ўқитиш, бутун мамлакат бўйича норматив — умум сўзлашув тили ҳисобланган умум миллат тил (“Путунгхуа”)ни киритиши шарт

¹⁷⁵ Кўрсатилган манба.

¹⁷⁶ Кўрсатилган манба.

эканлиги белгилаб қўйилган. Аммо, баъзи омиллар сабаб қонунда белгиланган ана шу мезонларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бунга сабаб эса, мамлакатда билингвистик таълим бўйича қабул қилинган таълим нормативларига амал қилинмай келаётганги бўлиши мумкин. Масалан, билингвистик таълим шартларига асосан, Дарс шакллари асосан хитой ва миллий тилларда олиб бориш; Дарсларни миллий тилларда олиб бориш орқали аста – секинлик билан бутунлай хитой тилига ўтиш масалалари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

ХХРнинг таълим соҳасидаги мазкур сиёсатида 1 ва 3 шаклларда белгиланган ўқитиш масаласи, кам сонли миллатлар учун анчайин муаммолидир. Унинг сабаби шундаки, марказ томондан жойларда ўтказиб келинаётган бу таълимнинг сиёсий моҳиятида — миллий таълимни ханлаштириш ва шу орқали ХХРда мажуд барча тилларни “бир хиллаштириш”га эришиш кўзда тутилади. Ва буни ҳам жойларда таълим сиёсатини амалга жорий этишда юзага келаётган ёки миллий масалада ўзига хос муаммоларини келтириб чиқармоқда деб қараш мумкин. Баъзи бир районларнинг ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дарсларни хан ёки маҳаллий тилларнинг бирида олиб бориш, унинг ўқитиш муддатлари жойларнинг ўзида ҳал қилинади. Аммо бу ўринда тадқиқотчилар кўзидан четда қолиб келинаётган “демографик масалалар”¹⁷⁷ четда қолиб келмоқда. Бундан ташқари, бундай камчиликларни маданий инқилоб даврида мамлакатда таълимни ривожлантиришда узок йиллар давомида кўр кўрона ўтказиб келинган сиёсати; жойларда пул танқислигининг мавжудлиги, айрим районларнинг табиий ноқулай жойлашганлиги; замонавий ижтимоий – маориф ва таълим инфратузилмаларнинг етарли ривожланмаганлиги; педагог – муаллимлар билим савиясининг паст даражада қолиб келаётганлиги; маҳаллий тилларда дарс куролларининг чекланганлиги ва айрим фанлар устидан ўрнатилган назоратлар, дарслар асосий қисмининг ханзу тилида эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Аммо ушбу ўринда мамлакат марказий ҳукумати томонидан жойларда таълим соҳасини ривожлантиришда бераётган жиддий эътибор ва бегараз ёрдамини эътироф

¹⁷⁷ ХХРда аҳолининг кўпчилиги сабаб, мамлакатда аҳоли асосий қисми саводсизлигича қолиб келмоқда. ХХРда 900 млн аҳолининг саводсиз эканлиги қайд этилмоқда. Аксинча, баъзи манбаларда эса ундан камроқ, яъни 600млн киши. ХХРнинг расмий статистик маълумотларига кўра, ҳозирда 400 млн киши саводсиз./ Хитой Автоном Районлари – 2005. Пекин. Б – 20; Берилган маълумотлар амалда аниқликлар киритиш лозимлигини кўрсатмоқда. Манбада таъкидланишича, Давлат томонидан мамлакатда таълим ва маорифни ривожлантириш учун олиб борилган таълим ислохотлари туфайли, бугунги кунда ХХРда саводсизлик анча ижобий ҳал этилмоқда бўлиб, 280 млн кишини ташкил қилмоқда.

этиб ўтишга тўғри келади. Масалан, ХХР Миллий автоном районлар таълим соҳасида ўз – ўзини бошқариш органлари шакллантирилди. Марказ томондан жойларда ўқишни ривожлантириш учун кам сонли миллатлар маҳаллий таълими учун ҳар йили ажратиладиган маблағлардан ташқари, яна қўшимча маблағ ажратишга жиддий аҳамият қаратмоқда. Масалан, 1990 йилда кам сонли майда миллатлар таълимини кучайтириш мақсадида қўшимча 20 млн, 1995 йилга келиб эса, бу рақам кам сонли майда миллатлар яшаб келаётган, иқтисодий ривожланмаган, қашшоқ районлар учун 3,9 млрд юанга оширилган ҳолда ажратилган.¹⁷⁸ Шу кунгача Миллий Автоном Районлар таълим соҳасини ривожлантиришда ажратилган молиявий ёрдамнинг умумий суммаси 10 млрд юанни ташкил этди. Шулардан 2,2 млрд юан Ички — мўғулистон, Синцзян — Уйғур, Нинся — Хуэй, Гуанси — Жуан ва шунингдек Тибет миллий автоном районларига¹⁷⁹ ва асосан Цинхай, Гуйчжоу ва Сичуан, Юнан (тарихан бу вилоятлар кам сонли миллатлар яшайдиган кўп миллатли маконлар ҳисобланади.) вилоятларда яшаб келайтган кам сонли миллатлар таълим соҳасига ажратилган.

Ўқувчилар умумтаълим босқичида бепул ўқиш ҳуқуқига эга. Жойларда кўплаб районларнинг қолоқлиги сабаб, кам сонли миллатларнинг болалари таълимга қўшимча ҳақ тўлашдан ҳам озод этилди¹⁸⁰. 1987 йилдан барча Олий даргоҳларда стипендия тизими ва талабалар учун кредит тизими; аъло ўқувчилар учун махсус устама стипендиялар, махсус стипендия жорий этилди. Кам сонлик миллатларга ихтисослашган даргоҳларда махсус стипендиялар олишнинг ҳуқуқи белгиланган. Кўплаб миллий ва бошланғич интернат — мактаблар ва ярим интернат мактаб болалари учун ойлик стипендиялар жорий этилган. Бу чора тадбирлар мамлакат миқёсида кам сонли миллатлар ўзларининг етук педагог кадрларга эга бўлишга; турли соҳага ихтисослашган мутахассисларни тайёрлашга эришилди.

Давлат томонидан жойларда ҳам ўқитувчиларни ойлик маошларини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, масалан, оддий ўқитувчи бугунги кунда 1200 — 1300 юан, яъни 150 — 200 АҚШ доллари ҳисобида маош олса, доцент эса

¹⁷⁸ Хитой миллий автоном районлари / Пекин.: 2004 йил, 45 бет (Хитой тилида).

¹⁷⁹ 2003 йилнинг охирига келиб, 155 миллий - маъмурий бирликлар, шулардан 5 таси Миллий автоном районларда; 30 та автоном округлар, 120 автоном уезд (хошун)лар ташкил топди. 2000 йил бўйича берилган охириги маълумотга кўра 55 кам сонлик миллатларнинг 44 таси ўз миллий автономия ҳудудини жорий этган. Ҳозир ҳам Миллий автоном районлар бутун мамлакат бўйича ер майдонининг 64 %ни ташкил қилади. / Хитойда миллий автоном районлар. Б- 11.

¹⁸⁰ Китай №10 2008 Б. 63-64.

ўртача 1500 – 1600 юандан кўпроқ ҳақ олади. Ўқитувчи ва профессорларга давлат томонидан коммунал хизматларига ҳақ тўлашнинг маълум имтиёзлари белгиланди. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган марказий шаҳарларида ойилик билан боғлиқ бу кўрстакчи бир неча бор юқоридир. Маданий инқилоб даврида 大革命¹⁸¹ (Dageming) ноҳақликлар сабаб қувғинга учраган педагог ва профессорлар миллатидан қатъий назар марказ ва жойларда ишларига қайта тикланиб, уларга маълум бадаллар тўлаш каби турли хил енгилликлар берилди. Энг муҳими кичик миллатлар ичидан миллий педагогларни тайёрлаш соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли бундай ҳаракатлар жойларда саводсизлик билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг ечимлари топилмоқда.

Интернат болалари учун таълим олишнинг барча сарф харажатлари давлат ҳисобидан қопланади. Бундан ташқари, Кам сонлик миллатлар ичида ўқув – таълим жараёнини кучайтириш мақсадида бошланғич ўрта ва олий таълим юртларида алоҳида имтиёзлар яратилган.

ХХР социалистик тузумдаги давлат бўлсада, бозор шароитида шахсий мактабларни очишга ҳам кенг аҳамият қаратилмоқда. Бу ҳам жойларда таълим сифатини яхшилаш ва таълимни такомиллаштириш учун қўшимча имкониятларини яратиб, таълимни замонавий тамойиллар асосида олиб бориш ва ўқитишда натижаларини бермоқда. 1997 йилдан мажбурий таълимни ривожлантириш учун халқ давлат степендияси жорий этилиб, унинг 4 йиллик суммаси 130 млн юанни ташкил қилди. Мазкур сумма асосан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига йўналтирилади.

¹⁸¹ Маданий инқилоб сабаб 1966-1976 йиллар Олий даргоҳларга кириш имтиҳонлари бекор қилинган. Олий ўқув юртларига фақат партиянинг махсус йўлланмаси бўлганлар ва Хитой Коммунистик Партиясига сидқидилдан хизмат қилганлар қабул қилинганлар. 1977 йилга келиб “Маданий инқилоб”нинг ўқувчиларни Олий таълимга ўқишга қабул қилиш сиёсати қайта кўриб чиқилди. Узоқ баҳс мунозаралардан сўнг 1977 йил 12 октябрида Давлат кенгашининг “1977 йил Олий даргоҳларга қабул қилиш хусусида” хужжат қабул қилинади ва Маориф вазирлигига юборилади. Унда”” таълимга лаёқати бор бўлган барча одамлар кишилар, ишчилар, деҳқон, зиёлилар, сургунда бўлганлар ва бўлиб қайтганлар, шу йили (1977 йил ўтра мактабни битрувчилар кўзда тут.) мактабни тамомлаганлар имтиҳон орқали Олий даргоҳларга ўқишга киришга аризалар ташлаши, Имтиҳон топширувчилар олий ўрта мактабларни тугатган бўлиши ёки билим савияси қўйилган талабларга жавоб бериши қайд этилган эди. 1977 йил 24 майга келиб Дэн Сяопиннинг “билимга ҳурмат, кадрларга ҳурмат” номли маърузаси эълон қилинади, унда: “Модернизациянинг мувофаккиятлари фан техниканинг қай даражада экани билан боғлиқ. Маорифни ривожлантирмай туриб фан техникани юксалтириб бўлмайди. Шундай экан, модернизацияни амалга ошириш учун билим ва мутахассис кадрлар зарур”лиги таъкидланган эди. Маъруза ХХРнинг ўша пайтдаги Олий таълим даргоҳларига кирувчилар учун нафақат янги даврни бошлаб берди, балки тарихий хужжат сифатида таълим стратегиясини ҳам белгилаб берган эди. 1978 йилга келиб, Мамлакатда ягона таърифга амал қилувчи имтиҳон тизими фаолият кўрсата бошалди. // Китай № 7. 2007. -С.36.

XX асрнинг 90 йилларида жаҳон банки томонидан кредит ҳисобида ХХРнинг таълим тизимини такомиллаштириш учун ажратилган 200 млн АҚШ доллари ҳам ХХРнинг миллий автоном районлари, кам сонли миллатлар жипс яшаб келатган 200га яқин миллий уездлар шунингдек, Хубэй, Хунан, Гансу, Хебэй, Хэйлонгцзянг, Хайнан вилоятлари таълим соҳасини ривожлантиришга сарфланди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият томонидан жойларда таълим тизимини такомиллаштиришда турли хил ҳомийларнинг ёрдамидан кенг фойдаланиб келинмоқда..

Давлат томонидан ёрдам тариқасида миллий автоном районларда олиб борилган кўшимча савийи ҳаракатлар туфайли 2003 йилнинг охирига келиб кам сонли миллатлар тилида 4787 ном билан умумий сони 50,34 млн тираждан иборат китоб чоп этилди. Ҳозирги кунда миллий автоном районларда 566 кутбхона, 163 музей фаолият кўрсатмоқда. 205 ном билан умумий тиражи 7, 81 млн дона журнал, 88 ном билан умумий тиражи 131,3 млн дона газеталар нашр этилди.¹⁸² Демак, ХХРнинг миллий сиёсатда таълимни ривожлантириш билан боғлиқ бу каби хайрли ишларини қўллаб қувватлашга тўғри келади. Айниқса, ХХРда ҳам кейинги пайтларда таълим соҳасини ривожлантириш борасида асосан ғарб тажрибаларини амалиётга тадбиқ этиш ва уларни амалда жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги нафақат марказда балки, бутун мамлакатнинг таълим истиқболи билан боғлиқ сиёсий жараёнларида стратегик аҳамият касб этиши тайин.

4.3. Кам сонли миллатларни масофали ўқитиш таълим сиёсати

ХХР да иқтисодий ислохотларнинг тўғри йўлга қўйилиши, таълим соҳасини замонавий талаблар асосида олиб бориш шарт-шароитларини ҳам яратиб берди. Қолаверса, Мамлакатда масофавий ўқитиш таълим тизимининг кенг йўлга қўйилаётганлиги эса бунга айнан мисолдир. Хусусан, ХХРда бу таълим тизимига амал қилиш ўтган асрнинг 70 йиллар охири, 80 йилларнинг бошларига тўғри келади. 1978 йил феврилида Давлат кенгаши томонидан радио – теле университет очиш ҳақидаги кўрсатмаси берилди. 1979 йил феврилида марказий радио – телеуниверситети ташкил қилиниб дастлабки тингловчиларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бу кейинчалик келиб вилоятлар, марказга бўйсинувчи шаҳарлар, миллий автоном районларда ҳам радио - телевидение университетларини очилишига олиб келди. Ҳозирда, ХХР радио – телекўрсатувлар орқали ўқитишнинг 3 та йирик

¹⁸² Хитой миллий автоном районлари / Пекин.: 2005. Б – 24. (хитой тилида).

замонавий техникасига эга; Олий ўқув юртларида ўқитиш тизими; Радио – телекўрсатувлар орқали олий ўқув юртларида ўқитиш тизими; Спутник телевидение орқали ўқитиш тизими. Давлат таълим тизими тажрибаларида кенг амал қилинаётган бу янги таълим шакли жойларда замонавий таълим тизимини такомиллаштириш, тил ва дарс бериш шакллари ривожлантириш, ўқув ва ўқитиш истиқболларини белгилаб олишда ўзининг амалий самарасини беради, дейиш мумкин.

Масалан, 1998 йил кам сонли миллатлар яшайдиган ғарбий районлар, ночор аҳволда яшаб келаётган марказий уездлар қишлоқларига истисно тариқасида ёрдам кўрсатилиб, ХХР ҳукумати ҳар бир қишлоқларни радио ва теле эшиттиришлар билан таъминлашга киришди ва бу соҳада сезиларли ютуқларга ҳам эришилди. Аҳолиси 70 млн кишидан кўпроқни ташкил этувчи 117345 та марказий қишлоқлар ўзининг радио ва телеэшиттиришлар қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Бунинг учун давлат томонидан 450 млн юан ажратилган. Буни, Синцзян – Уйғур миллий автоном райони мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда Синцзян – Уйғур миллий автоном районида уйғур, хитой (хан), қозоқ, мўғул, қирғиз тилларида радиоэшиттиришлар олиб борилади. 3 тилда, яъни уйғур, хан, қозоқ тилларида телекўрсатувлар йўлга қўйилган.

Уйғур, хитой, қирғиз, мўғул, қозоқ ва сиботянлар тилларида журналлар ва китоблар, газеталар чоп этилмоқда. Бу саъйи ҳаракатлар ҳам Синцзянда кам сонли миллатлар ичида маориф ва таълимни ташвиқот қилишда қўшимча восита вазифаларини ўтайди. Умман, мамлакатда ҳозирга қадар, яъни 2003 йилги маълумотларда қайд этилишича, 15 та кам сонли миллатлар тилида радиоэшиттиришлар дастурини узатувчи, маҳаллий тиллардан фойдаланувчи 122 та муассаса; 11 та кам сонли миллатлар тилида дастурлар узатувчи ва миллий тиллардан фойдаланувчи 111 та телекўрсатув муассасалари мавжуд. 73 та радиостанция, 523 та радио тўлқинлар узатувчи станциялар, 94 та телестанция ва 830 та телекўрсатув олиб боровчи станциялар шунингдек, Ер спутниклари орқали радио ва теледастурларни узатувчи ва қабул қилувчи 254,9 та станциялар фаолият кўрсатган.¹⁸³ Юқорида қайд этилган фикрлардан қуйдаги хулосаларга келинади, биринчидан, ХХР таълим соҳасида замонавий масофали ўқитишнинг илғор тажрибаларига эга давлатларга айланди. Яъни, бутунги кунда ХХРда масофали ўқитиш асосан ХХРнинг етакчи Олий даргоҳларининг ўзида ва телевидение орқали маълум фанлар бўйича, бутун мамлакат

¹⁸³ Хитойда миллий автоном районлар – Пекин., 2005. - Б. 39.

бўйлаб дарсларни олиб боришнинг юқорида кўриб чиққанимиздек, уч хил турига амал қилинади. Ушбу тажрибалар амалда ҳам мутахассисларни тайёрлашда ижобий аҳамият касб этмоқда. Иккинчидан, Масофали ўқитишнинг талабалар учун енгиллик томони бу жойлардан марказларга келиб таҳсил олувчиларга ортиқча моддий сарф харажатларга йўл қўйилмайди ва энг асосийси тайёрланиш учун вақт масаласи тежалади. Учинчидан, ХХРда ҳам компьютер энг ривожланган соҳага айланди. Ва бугун таҳсил олаётган ҳар бир талаба Олий таълим даргоҳнинг кутбхоналаридан хоҳлаган мавзу бўйича тегишли информацияларга эга бўлиши мумкин, ўқувчи шуни хоҳласа, албатта. Тўртинчидан, ХХРда ҳам жойларда компьютер ва интернет тармоқлари жадаллик билан ривожланиб, Таълим даргоҳаларига тез кириб келмоқдаки, бу жойларда етук мутахассисларни тайёрлаш ва билим савияси юқори бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усуллари сифатида ўзининг амалий натижаларини бермоқда. **Бешинчидан**, ХХРда масофали ўқитиш тизими деярли шаклланган бўлиб, улар билан бу соҳани ривожлантириш, тажрибалар алмашишда амалда ижобий аҳамият касб этиши мумкин. Зеро ХХР талабаларни чет мамлакатларда ўқитиш ва бунинг ҳисобида замонавий мутахассислар борасида дунё бўйича етук кадрларига эгадир. ХХРнинг дунё бўйича таълим соҳасидаги ўрни, дунёнинг турли мамлакатларига мутахассисларни тайёрлаб бериш билан ҳам белгиланади. ХХРнинг таълим соҳасидаги бу саъйи ҳаракатлари ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, унинг салоҳиятини белгилаб келаётган, ўртак олса арзийдиган омиллардан бўлиб қолмоқда.

Боб бўйича саволлар.

1. Ўқув - таълим стандартлари дегани нима?
2. Кичик миллатларни ўқитишда қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?
3. Миллий Автоном Районларда таълимнинг босқичма – босқич ўқитиш шакллари биласизми?
4. Миллий таълимда яратилган дарсликлар мазмуни қандай?
5. ХХРда мажбурий таълим дастури ва унинг моҳиятини айтинг?
6. ХХР таълимни ривожлантириш учун қандай қарорлар қабул қилинган?
7. ХХРнинг 1986 йилда “таълим ҳақидаги қарор”да нималар кўзда тутилган?
8. ХХРда интернат мактаблар мавжудми, қайси мезонларга амал қилинади?

Амалий машғулот учун саволлар

1. Жойларда таълимни ривожлантиришда қайси мезонларга амал қилинади?
2. Маданий инқилоб даври тил сиёсати қандай амалга оширилган?
3. Ислохотлар даври таълим сиёсати нималарни кўзда тутди?
4. Жойларда таълимни молиялаштиришда қайси жиҳатларга амал қилинади?
5. ХХРда профессионал таълимнинг бугунги аҳволи.
6. ХХРда кичик миллатларни ўқитишдан кўзланган мақсадлар қандай?
7. Мажбурий таълимда амал қилинадиган мезонлар?
8. Дарслик ва қўлланмалар устидан ўрнатилган назорат цензураси мавжудми?.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Масофали ўқитиш таълим тизими аҳамиятини нималарда кўрасиз?
2. Миллий кадрларни тайёрлашда қандай мезонларга амал қилинмоқда?
3. Саводсизликка барҳам беришнинг чора тадбирлари ишлаб чиқилганми?
4. Ўзбекистон ва ХХР ўртасида таълим соҳасида имзоланган битимлар мазмуни?
5. Миллий мактабларни ривожлантириш моддий таълим базаси қандай?.
6. Кам сонлик миллатлар тилида иш юритиш масалалари ва сабаблари.
7. Кам сонлик миллатлар тили масаласи билан боғлиқ конституцион ҳақ ҳуқуқлари.
8. ХХРда кам сонли миллатларни ўқитишнинг таълим хусусиятлари.

V БОБ. ХХРДА ЁЗУВ ВА ИМЛО МАСАЛАЛАРИ

Дарсни ўқув мақсади: ХХРда тил ёзуви ислохотлари, тил талаффуз мезонлари, иероглифларни тартибга солиш ва миқдорини аниқлаш, иероглифик ёзишни соддалаштириш ва стандартлаштириш, иероглифлар ўқилишини стандартлаштириш, алфавитли ёзув ва орфографик масалалар, замонавий хитой тилининг маъно ва оҳанги ҳақида маълумотларга эга бўлиш, билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш.

Таянч сўзлар: 官话 (Guang hua) Гуан хуа, 国语 (Guo yu) гуо юй, 普通话 (Putonghua) путунгхуа 篆音字母 (zhuan yinzimu) жуан зиму, 注音字母 (zhuyinzimu) жуин зиму 拼音字母 (Pingyinzimu) пинин зиму, 拉丁字母 (Ladingzimu) ладинг зиму - атамаларининг моҳияти; ХХРда тил ислохотлари ва ундан кўзланган мақсадлар; Хитой тилида жуғрофий номлар; иероглифик ёзув, алфавитли ёзув, ўқилиш, орфография, талаффузни соддалаштириш.

5.1. ХХРда ёзув ислохотлари

1840 йилда афюн урушидан кейин Цин империяси узоқ асрлик изоляционизм сиёсатидан мажбуран, ўз эшикларини Ғарб давлатларига қайта очишга мажбур бўлди. Цин империясининг қийинчилик билан бўлсада Ғарб давлатлари билан алоқага кириб бориши унинг тадрижий йўл билан ривожланиш жараёнларига ижобий таъсирини ўтказиб борди. Бу муаммо асосан Цин империясининг тараққиётида орқада қолган “таълим масалалари” билан боғлиқ эди. Хусусан, буни хитойнинг XIX асрнинг 1860 – 70 йиллари ва XX асрнинг иккинчи йиллигининг охирларида бўлиб ўтган 1919 йил 14 май талабалар ҳаракати билан узвий боғлиқдир. Ўша давр Хитой ёшлари томонидан Ғарб маърифатчилиқ йўлидан бориб Хитойга “янги маданият”ни олиб киришга бўлган интилишлар ўша давр кун тартибига таълим тизими ва ёзувнинг янгиланишига олиб келди. Бу жараён хитойда классик “Вэнян тили” ўрнига “Байхуа тили”нинг келиши билан изоҳланади.

Хитойдаги тил ва ёзув муаммолари ҳақида гап кетар экан, унинг ҳал этилиш масалалари ғарбга нисбатан мураккаб ҳодиса эканлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Буни қадимдан хитойда ёзув турининг оғзаки нутқ билан яқинлаштириш муаммосидан ташқари, умумий тилнинг стандартлаш (меъёрлаш)ган талаффузини ишлаб чиқиш, унинг ечими билан боғлиқ масалаларни оммалаштириш, иероглифик

белгиларнинг кўплиги ва унинг боис мураккаблиги, товушларни ифодалашда тўсиқлар мавжудлиги билан ифодалаш мумкин.

“Ёзув ислохотлари” ёки “хитой иероглифларини ислохоти”лари ўзида ислохотларнинг “ёзув” ва “тил” билан боғлиқ икки жиҳатини қамраб олади. Ёзувнинг ислохотлар билан боғлиқ уч жиҳати мавжуд. Булар иероглиф ёзувни соддалаштириш, мамалакатда путунгхуани кенг ёйиш, хитой тилига мўлжалланган товуш (фонетик) алфавитни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш.¹⁸⁴ Иероглифларни соддалаштириш ва алфавитни тадбиқ этиш – бу ислохотларнинг ёзув жиҳати бўлса, мамлакатда путунгхуани кенг ёйиш – тил ислохотига киради. Цин сулоласи ҳукмронлик даврининг охирларидан бошлаб ҳозиргача бўлган давр ичида хитой ёзуви ислохотлари билан боғлиқ бу уч вазифа қисман бажарилди холос. Хитой тили ва ёзувини ислох қилиш ҳозир ҳам амалда давом этмоқда.

Хитой тилининг ёзуви янгиланиш керакми ёки йўқми деган савол “1919 йил 14 – май талабалар ҳаракати” давридан бошлаб ҳозиргача баҳс мунозараларнинг бош нуқтасига айланган бўлиб, байхуа учун ҳаракат иероглифларни соддолаштириш ва алфавитли ёзувга ўтиш ҳаракати бошлангандан сўнг бу баҳс вақт ўтиб бориши билан жиддий тус олиб, бутун дунёда хитой тилида гаплашувчи жамоалар ичида ҳам кенг тарқалди. 国语 (Guo yu) атамаси Тайванда континентал Хитойдан фарқли равишда номини ҳозиргача сақлаб қолди. 普通话 - (Putonghua) атамаси 清 (Qing) (1644-1911 йиллар.) Чинг империяси ҳукмронлигининг сўнгги йилларида ҳам мавжуд эди.¹⁸⁵ Умум миллий тил атамаси ўз луғавий маъносига кўра - ҳамма учун тушинарли бўлган “умуммиллий - оммабоп тил” маъносини англатган, аммо у ўз мазмун ва моҳиятига кўра аниқ бир “стандартлашган – мезон”га эга бўлмаган. 1955 йили умум миллий тилга илмий тушинча сифатида “Хитой миллатининг умумий тили, у шимолий шевалар тили асосида қурилган, умумқабул қилинган талаффузига эга – Пекин шеваси, грамматик меъёри байхуа тилида ёзилган ижод намунасидир”- деган илмий таъриф берилди. Номланишнинг айнан путунгхуага ўзгаришининг маъноси сиёсий тил билан айтаганда “Хитойдаги барча миллатларнинг тенглиги ва путунгхуанинг

¹⁸⁴ Чжоу Энълай. Задачи реформы письменности в настоящее время. О реформы письменности /сб. ст/ Пекин, 1958.

¹⁸⁵ 清 Qing ҳукмронлиги охириги даврларига келиб мамлакатнинг шимол ва жануб йўналишида қатнайдиган савдогарлар ўртасида “путунгхуа” ўзаро мулоқот тили деб ҳисобланган. Улар, “Биз гуанхуада гапира олмаймиз, фақат путунгхуада гаплаша оламиз” деб доим таъкидлаб келган. Бу эса шева тиллари ўртасидаги фарқнинг нақадар чуқур эканлигидан далолат беради.

элат ва этник жамоаларга куч билан тадбиқ этишни инкор этиши ҳақидаги ғоя билан изоҳланади.”- ва бугунги кунда ушбу берилган таъриф у тилнинг туб мазмунини белгилайди. 1982 йилда қабул қилинган ХХРнинг янги Конституцияси бу ҳақида қуйдагиларни белгилайди. “Давлат путунгхуани - (тил сифатида - муаллифлар.) бутун мамлакатда амалда қўлланадиган расман муомилада бўладиган тил сифатида кенг тарқатади”. “Путунгхуанинг бутун мамлакат бўйлаб ишлатилиши” ва унинг кам сонли элатлар яшовчи ҳудудларда қўлланилиши ҳақида гап борар экан, унинг бу ердаги маъноси “гоюй” (давлат тили ҳақидаги — расмий тилнинг моҳиятини англатади.) атамасига яқин туради. Бундай ёндошув ҳам путунгхуанинг майда элатлар яшовчи ҳудудларига мажбурий олиб кириш фикридан йироқ эканлигини амалда исботлайди, шева тиллар кенг тарқалган ҳудудларда эса амалда бунинг имкони йўқ”. (Бу фикрлар бугунги кун нуқтаи назардан қаралганда сиёсий изоҳларни талаб қилувчи чуқур масаладир.)

ХХРда ташқарида, яъни Сингапур ва шу каби тил ареалларида хитой тили тарқалган бўлиб, 华语 “huayu”¹⁸⁶ деб аталади. Бу қадимги хитой тилининг номланиши бўлсада, аммо ҳозиргача умум хитой тили моҳиятини ўзида мужассам этган ягона тил номи мавжуд эмас. Бу эса Хитой тилининг ёш эканлигидан далолат бермоқда.

Талаффуз мезонларининг ўрнатилиши – бу умумий тилнинг “балоғат”га етиш босқичидир. “Путунгхуа”нинг меъёрий талаффузи пекин шевасига асосланганлиги минг йилдан кўпроқ даврни; 辽(Liao) Ляо (907 - 923йй.), кечки 后晋 (hou Jin) Жин (936 – 946йй.), 元 Юан (Yuan) (1279 – 1368 йй), 明(Ming)Минг (1368 – 1644 йй.), 清 (Ching) Чинг (1644 -1911 йй.), сулолалари ҳукмронлиги даври – Пекиннинг пойтахт сифатидаги тарихий ривожланиш натижасидир. 1913 йил овоз бериш йўли билан ўтказилган иероглифларнинг ўқишини бирхиллаштириш масаласига бағишланган конференция бўлиб ўтади ва унда ҳар бир вилоят ўзининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, кўпчилик овоз бериш йўли билан пекин шевасига асосланган талаффуз эмас, балки сунъий равишда тузилган талаффуз қабул қилинган эди. 1924 йилда келиб сунъий қабул қилинган талаффуздан воз кечилиб “пекин талаффузига асосланган

¹⁸⁶ Сингапур. Изд-во “Наука”. М.: 1988. - С. 155 – 158.

стандарт – талаффузга қайтилди.”¹⁸⁷ Айтиш мумкинки, 1924 йил умумхитой тилининг “балоғат” ёшига тўлган йил санаси ҳисобланади. Демак, 1913 -1924 йиллар ичида “Пекин шевасига асосланган стандарт талаффуз” тушунчаси пайдо бўлди. 1955 йил путунгхуанинг – умумхитой миллий тили сифатида аниқлаб олинishi – бу тарихан мавжуд бўлган ҳақиқатнинг давомийлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Пекин шевасида икки ва ундан ортиқ ўқилишига эга бўлган сўзлар анчайин кўп. Бундай сўзлар эса ўз навбатида талаффуз мезонларини қабул қилишни тақозо этувчи жараён бўлиб, унга асосан 1956 йилда тузилган Путунгхуа орфоэпик комиссияси томонидан 1957, 1959 ва 1962 йилларда “ Сўзларнинг ўқилиши рўйхати тавсия этилган дастури”нинг уч қисмдан иборат рўйхатини чоп этди. Рўйхатга 170 шаҳар ва уездлардан иборат номлар киритилди. Кейинчалик бу соҳада олиб борилган ишлар узоқ вақт турғунлик ҳолатига дуч келди. 1982 йилда эса путунгхуа орфоэпик комиссияси қайта ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади.

1956 йилда “ҳар хил” ўқилишдаги орфоэпик меъёр танлаш принципларлари белгилаб олинган эди. Улар қуйдагилардан иборат бўлган.

1)Ўқилиши иероглифларга нисбатан эмас, балки сўзга нисбатан олинади. Масалан, “тўлқин” сўзи 波浪“bolang” ва 破浪 “polang” каби иккита ўқилишга эга. 率 “Lu” иероглифи эса иккита ўқилишига эга бўлиб “койффицент” сўзида эса 率“Lu” деб ўқилади, “бошқариш”, “раҳбарлик қилиш” сўзида эса 率“shuai” деб ўқилади, бу ўқилишлар тадқиқ объекти ҳисобланмайди.

2) Пекин шеваларидаги баъзи сўзларнинг амалда кенг тарқалмаганлиги билан изоҳланади. Аммо ундай сўзлар Пекин талаффузи ривожланишининг умум қонуниятлари билан мос тушмасада, уларни амалда қўлланилиш ҳодисалари кўзда тутилади. Шунингдек, бу ўринда шеваларда ўқиладиган сўзларнинг шимолий шеваларда қанчалар кенг тарқалганлиги ҳам эътиборга олинади. Масалан, Пекин шевасида иероглиф “威” - wei (хавф, хатар)”, “期” - qí (муддат) деб ўқилади. Бу ўқилишлар талаффузнинг умум қоидаларга мос келмайди, аммо амалиётда кенг тарқалганлиги боис истъмолда кенг қўламда ишлатилади.¹⁸⁸

¹⁸⁷ 1913 йилда бу стандарт “эскича миллий талаффуз” деб номланган. 1924 йилга келиб “янги миллий талаффуз”га ўзгартирилган. Ўша йилдан иероглифларни талаффузда ўқиш (санаси) ўрнатилди. Бунга мувофиқ келувчи луғатлар эса кейинчалик яратилди; Софронов М. В. Китайский язык и китайское общество. – М.: Наука, 1979. Стр 3 – 50 -58, 134 – 149.

¹⁸⁸ См. Чжоу Югуан. Очерк реформы китайской письменности, раздел “ Исследование проблемы полного списка иероглифов современного китайского языка”- Бэйцзинг, 1961. -С. 312.

3) Ўқилиш услублари 开 (kai) кай ёки 和 (He) хэ категориясига тегишлиги принципи бўйича танланади, бу ерда кай категориясига тегишлигига урғу берилади; стандарт сифатида эса сўзлашув талаффузи олинади. Масалан, “淋” - lín шилта, хўл бўлиш” иероглифи 淋 Lín деб эмас, балки иккинчи оҳангда lín шаклда ўқилади.

4) Қадимда кириш оҳанги билан ўқилган ва бўғин охирида жарангсиз ундошга эга бўлган иероглифлар пекин шеваларида турли оҳангларда, жумладан, текис оҳанг билан ўқилиши мумкин. Масалан, ”吸” – хі нафас олиш” иероглифи иккинчи маънода ”吸” jī - йикитмоқ “ маъносини англатиб текис оҳангда ўқилади. Бошқа ҳолларда ҳар қандай иероглиф алоҳида кўриб чиқилиб ўқилишда энг кенг тарқалгани олинади.

5) Ҳар бир бўғин учун битта ўқилиш тавсия этиш орқали амалга оширилади. Кам миқдордаги баъзи сўзлар иккинчи ўқилишда сақланиб қолади. Масалан, ”血” хуе - қон” белгиси “хуе” ва хуе деб ўқилади ва х.к з.лар¹⁸⁹

Хитой тилида географик номларни ўқилишида маълум қоидаларга амал қилинади. Пекин талаффузидан фарқлса, талаффуз қилишда пекин талаффузи олинади. Масалан, Мэсян уезди “жой” нуқтаи назаридан ўқилиши “mǐ”, Пекинда эса “mǐ”; кейинги буғундаги эса биринчи иероглифнинг ўқилиши Luo, Пекин шеваси талаффузида эса – lue деб ўқилади. Иккинчи принципи, бу унинг айрим жойларнинг номини билдирувчи иероглифлар ҳозирда ўша жойда номланиши ўтмишда маълум ўзига хос ўқилишига эга эканлиги билан изоҳланади. Унда жой “ном эгаси томонидан берилади” деган қоидага кўра амал қилинади. Масалан, шахс номи – “Yue yang” деб ўқилади, аксинча “Ji yang” ҳам, “Jie yu” ҳам эмас, балки “Xie Yu” шаклда ўқилади.¹⁹⁰

Кези келганда яна шуни ҳам асосли равишда айтиш тўғри келадики, — ўтмишда жуғрофик номлар ўзига хос ўқишга эга бўлса-да, аммо замонавий пекин шевасида ўқишга мос тушмайдиган жиҳатлари эътиборга олинади. Бундай вазиятда жуғрофий номлар ўқилишига кўра, Пекин ва маҳаллий жой талаффуз қонун – қоидаларига мослаштирилиб путунгхуа кўринишидаги ўқиш талаффузини олади. Масалан, “合 責” - He ze”, Geze эмас. 1928 йили Орфоэпик комиссиясининг иши қайта ташкил этилгандан сўнг “Иероглиф ўқилишини кўриб чиқиш”нинг доираси ва қонун –

¹⁸⁹ Кўрсатилган манба.

¹⁹⁰ Кўрсатилган манба.

қоидалари ҳақидаги ҳужжати ишлаб чиқилди. Унинг асосий мазмуни қуйдагилардан иборат бўлганини кўрамиз. Жумладан, кўриб чиқиш доираси – бунда фақат путунгхуа сўзларининг ўқилиши, путунгхуада кенг тарқалган вэньян тилига хос сўзлар чэнгюйлар, афоризмларнинг ўқилиши киритилган; бунга мувофиқ шевага хос сўзлар (масалан, пекин лаҳжаси)нинг ва қадим хитой тили сўзларининг ўқилиши кўриб чиқилмайди. Асосан, киши исм – шарифларини, жуғрофий жой номларини билдирувчи ва охириги йилларда янги номларни ўқишда пайдо бўлган иероглифлар кўриб чиқиладиган бўлган. Мулоқотда янги пайдо бўлган сўзларнинг ҳар хил шаклдаги ўқилишлари кўриб чиқилади; Қоидалари – алоҳида олинган сўзлар ўқилишини кўриб чиқишда пекин шевасининг фонемалар эволюцияси билан боғлиқ жараёнлардан келиб чиқиб ва ўқитилиши жиҳатидан путунгхуа шеваларида гаплашувчи туманлардаги (талаффуз) қулайликларни ҳисобга олади. Шунингдек, бу ўринда кўпчилик учун одат тусига айланган талаффузни эътиборга олиш ва мавжуд вазиятдан келиб чиқиш масалалари ҳам инобатга олинади. Масалан, “广播 – Guang bo” сўзидаги – “播 – узатиш “сўзи эски луғатларда “bo” деб ҳозир ҳам кўпчилик томонидан ўзининг асл маъносида ўқилади¹⁹¹. (“Гуан юн” луғати бўйича фанче транскрипциясида тўртинчи оҳанг);

Б) Исм – шариф ва жуғрофий номлар ўқилишида эски ўқилишидан кўра, янгиси камроқ тарқалган, кўпчилик учун ўқилиши таниш бўлган - ўқилиш мезонига амал қилинади. Бунда айрим ҳолатларда эҳтиётроқ бўлиб ёндашув тақозо этилади. Масалан, Ўқилишнинг шевага мос тушиши ёки тушмаслиги, яъни шундай бўлса путунгхуадаги ўқилишига мос тушганлиги масаласига эътибор қаратилади. Чунки бундай вазиятда ўқилишдаги – шева варианты мезонларига мос тушмайди. Масалан, “铅山 - Qian shan¹⁹²” жуғрофий ном Жянгси вилояти шевасига хос, бу жуғрофий номни -Yan shan деб ўқиш тўғри эмас, чунки бу шевада ҳам “铅笔” qianbi – қалам¹⁹³ сўзидаги “铅 – qian” график сўзи - уан деб ўқилади.

В) Бу асосан, бир хил маъно англатиб аммо ўзининг бир нечта ўқилишига эга бўлган иероглифларнинг тавсифланиши билан боғлиқ. Унга асосан ўқилишларни қисқартирилган ҳолда, кўриб чиқиш ва кўшиш йўллари орқали бирлаштириш

¹⁹¹ Китайско – русский словарь – “Шанхай” Пекин., 1984. - С.328.

¹⁹² 地理字典 - жуғрофик луғат – Пекин, 1992.- Б.709.

¹⁹³ Юқорида қайд қилинган биринчи манба - Б.707.

жараёнлари кечади. Масалан, “指 - zhi бармоқ, кўрсатмоқ” сўзларида zhi деб ўқилади. Уларни битта ягона zhi билан алмаштириш мумкин.

Ҳар хил ўқилишлар учун мўлжалланган орфоэпик меъёрнинг танланиши, яъни бу – хитой тилининг меъёрлаштиришдаги жараёнларидан бири ҳисобланади. Унинг яна бир хусусияти шундаки, лексикани тартибга солиш, айнан илмий-техник атамашуносликни ҳамда фонетик ўзлашмалар қаторига кирувчи жуғрофий номлар ва исмларни тартибга солиш ва калькалаштириш каби усуллар билан амалга оширилади. Бу жараёнда фонетик ўзлашмалар, иероглифлар учун иероглиф – омонимлар ва шевага хос бўлган ўқилишлар салбий таъсирини ўтказувчи омиллар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бугунги кунда глобллашув жараёнлар кучаётган бир давларда илм – фан ва техника тез ривожланиб бораётган бир пайтда фонетик ўзлашмаларни меъёрлаштириш хитой тили учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Хитой тилида янги атамаларнинг ўн йиллаб мавжудлигидан сўнггина унинг ягона таржимаси, изоҳининг пайдо бўлиши катта муаммодир. Масалан, “лазер” атамаси аввал фонетик ўзлаштириш услуби йўли билан таржима қилиниб, “лай сай” деб ўқилган, кейинчалик эса калькалаш усулида таржима қилиниб “цзигуан” деб ўқила бошланди, Минтақавий хитойдан ташқарида бу сўз “Лэйшэ” деб ўқилишига эга бўлди. АҚШда Рейганнинг ҳукумат тепасига келишидан кейин унинг фамилиясини транскрибциялашда 理根“Лигэн” (Пекин), “Лэйгэн” (Тайван), “Лэгэн” (Гонгконг) каби номлар ишлатила бошланди. Сўнгги йилларда барча илмий ва махсус ташкилотлар атамашуносликни бирхиллаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Атамаларни танлаш, қабул қилиш масалаларига бағишланган анжуманлар ўтказимлоқда. Омоним атамалар сонини қисқартириш масалалари кўриб чиқилмоқда.¹⁹⁴ (Хитой тилида омоним сўзлар 20% ни ташкил қилади.) Атамашуносликка бағишланган турли хил луғатлар чоп этилмоқда. Кўрилаётган ушбу чора тадбирлар ўқилишларни меъёрлаштиришда муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

Умум миллий тилни кенг ёйишдаги асосий омил жойларда педагог – ўқитувчи кадрларни тайёрлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқ. ХХРнинг пойтахти Пекин ва мамлакатнинг барча вилоятларида “барча турдаги ўқув муассасалари” учун “умум миллий

¹⁹⁴ 人民日报 1989/ 4 月。

тилни ўрганиш (мажбурий) курслари”¹⁹⁵ ташкил этилган. Сўнгги йилларда ортирилган билимларни янада аниқ баҳолашда тажриба сифатида “путунгхуани нечоғлик эгалланганлик даражаси мезонлари” тўғрисидаги ҳужжат ишлаб чиқилди. Унга асосан, биринчи босқич, ўз ичига путунгхуада эркин сўзлаша олувчи, товуш ва оҳангларни аниқ талаффуз қилишни камраб олади; нутқ ва оҳанг (лексик ва грамматик тил – муаллифлар) тил меъёрларига тўғри келиши, омма олдидagi чиқишларида, декламацияларда ва суҳбатларда шевага хос сўзларнинг ишлатилишига йўл қўйилмайди. Иккинчи босқич, таллафузга мос тушувчи путунгхуани қўллашда шевага хос сўзларни ишлатиш меъёрида мумкинлиги инобатга олинади; товуш ва оҳанглар аниқ талаффуз қилиниши, хатога йўл қўйилса сўзлашувчининг ўзи томонидан тузатиш шарти билан изоҳ бериши ва шевага хос сўзлар суҳбат жараёнида ўзаро тушинишда салбий таъсир қилмаслик керак. Учинчи босқич, Путунгхуада талаффуз жиҳатдан стандарт бўлмаган жиҳатлар кўзда тутилиб, унда товуш ва оҳангларнинг тўғрилиги, лексика ва грамматика меъёрига мос тушиши, талаффузда шева бўёғига йўл қўйилади ва бунда ўзаро тушиниш 90 % ни ташкил қилади. Шунингдек, учинчи босқичга етмаган путунгхуанинг билиш босқичи тайёрлов босқичи ҳисобланади, ундан юқориси эса махсус босқичга киради.

Юқоридаги мезонларга амал қилишда шахснинг турар жойи, касби, ёши, миллати каби омиллар эътиборга олинади, албатта. ХХРда путунгхуанинг ёйилиши турлича кечмоқда. Муаммонинг ушбу томонлари кўриб чиқилиб, “ХХР конститутциясига путунгхуани ёйиш тўғрисидаги қўшимча банд” киритилди. Бутун дунёда хитой тилида сўзлашувчилар томонидан умумий тилни ўрганишга бўлган эътибор жиддий кучайди. Дунёнинг тил билан боғлиқ глобаллашув жараёнида эса бу табиий ҳол бўлиб, унга бўлган талаб янада ошади.

5.2. Иероглифик ёзувларни тартибга тушириш масаласи

Иероглифлар миқдорини аниқлаш масалалари. Ҳозирги кунда иероглифларни тартибга солиш учун қуйдагиларни ўз ичига олади. Иероглифлар миқдорини аниқлаш; иероглифлик ёзишни соддалаштириш ва намуналаштириш; иероглифлар ўқилишини тартибга солиш; иероглиф луғатларни структуравий тузилиши билан боғлиқ жиҳатларини ўз ичига олади.

¹⁹⁵ ХХР маориф вазирининг 2006 - 4 сентябрь берган хабарига кўра, бугунга келиб 600млн киши “путунгхуа”да гаплашмоқда. //大陆桥(Контимост) №11 2006. - Б - 44.

Иероглифлар сони узлуксиз ўсишда давом этмокда, уларнинг пайдо бўлиши ҳақида хабар берилмайди. Мълум бир вақтда унга бўлган эҳтиёж йўқолсада у истъемолдан чиқарилмайди. Иероглифик сўзлар уларнинг истъемолда бўлиш — бўлмаслигидан қатъий назар луғатларда қайд этилади. Улар ўртасидаги фарк белгилаб қўйилмайди. Шу сабабдан ҳоизргача иероглифларнинг сони қанча эканлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Аммо бунга ўз ҳолича пайдо бўлган “табiiй ҳодиса” деб тушиниш нотўғри. Аҳоли сонини рўйхатга олиш керак бўлгани каби иероглифларнинг сонини ҳам рўйхатга олиш зарур. Аҳолини рўйхатга олишда фақатгина ҳаёт бўлганларгина рўйхатга олинади. Иероглифларни рўйхатга олишда ҳам замонавий хитой тилида қўлланувчи иероглифлар ёзилади. “Иероглифлар меросининг кўламини аниқлаш, замонавий хитой тили иероглифларнинг тўлиқ рўйхатини нашр қилиш – бу хитой ёзуви тарихида катта бир ҳодиса бўлади.¹⁹⁷” Турли даврлардаги иероглиф луғатларга киритилган белгилар сони аниқ, лекин улар истъемолда бўлган иероглифлар умум сонига тенг эмас. Қадимги ва замонавий иероглифлар сони умуман қанчани ташкил қилади?. Бу саволга жавоб бериш жуда мушкул. Қилиниши зарур бўлган вазифа бу “замонавий хитой тилидаги иероглифларни сони ва улар қандай эканлигини аниқлашдан иборат.¹⁹⁸” Бу ҳам амалий, ҳам илмий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Кўпчилик иероглифлар комбинациялаштириш йўли билан тузилган бўлсада, комбинациялаш тугагандан кейин улар мустақил белгига айланади. Иероглифларни механик таризда қисмларга ажратиб ёки бирлаштириб бўлмайди. Агар 2 та дарахт “木 - mu¹⁹⁹” иероглифини бирлаштирсак, у иероглиф сифатида “林- Lin²⁰⁰” ўрмон маъносини англатмайди, чунки дарахт ҳақида маъно англатувчи охириги иероглиф 木 биринчисидан фарк қилади. 10 мингта иероглифлар – бу 10 мингта индивидуал, мустақил белги дегани. Бунда ҳодиса кўп жиҳатдан алфавитли ёзув мавжуд аҳволдан фарқланади, чунки унда “сўзлар миқдори чекланмаган, белгилар миқдори эса чекланган” бўлади. Белгиларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги, белгиларнинг ноаниқлиги, ўрганиш ва ишлатишдаги ноқулайликлар асосий сабабидир.

¹⁹⁷ Чжоу Югуан. Модернизация китайского языка и письменности –М., Новое в зарубежной лингвистике . вып. XXII. Языкознание в Китае – М., 1989.- Стр 376 – 398;

¹⁹⁸ Кўрсатилган манба, ўша бетлар.

¹⁹⁹ Китайско – русский словарь – Шанхай., 1984. - С.364.

²⁰⁰ Китайско – русский словарь – Шанхай , 1984. - С. 568.

Шунинг учун ҳам иероглифларни тартибга солиш соҳасидаги ишларнинг асосий мазмуни замонавий хитой тилидаги иероглифларнинг умумий сонини аниқлашдан иборатдир.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, иероглифлар сонини аниқлаш мумкин эмас эмиш. Бунга боис уларнинг фикрича, ушбу мавзу устида тадқиқот олиб бориш жараёнида қуйдаги масалаларнинг мавжудлиги; Яъни, бу қадимги ва замонавий иероглифларни фарқлаш, уларни турлаш; Замонавий байхуада вэняндан ўтган “成语 – cheng yu” лар ва сўзлар билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқиш; иероглифлар сонини аниқлашда нашрда ишлатилувчи иероглифлар билан чекланганми ёки босма адабиётларга киритилмаган иероглифларни ҳисобга олиниши масаласи билан бирга аҳолини рўйхатга олишда исм – шарифлар учун ишлатиладиган номаълум иероглифларнинг топилиши ҳамда уларнинг номаълумлиги ўз вақтида луғат ва китобларга киритилмай тушириб қолдирилганлиги бўлиб, ўқилиши ҳам муаммо ҳисобланганми, буларнинг замирида шуларни аниқлаш каби масала ётади. Шунингдек келажакда тузиладиган иероглифлар “рўйхати” нинг қандай қилиб “тўлиқ рўйхат” мавжуд эканлигини исботлашдан иборатдир. Агарда шундай рўйхат тузилса ҳақиқатдан ҳам у тўла – тўкис рўйхат талабига жавоб бера оладими йўқми каби масалалар кўндаланг туради.²⁰¹

Статистика бўйича, замонавий хитой манбаларида учрайдиган 99, 999% иероглифларнинг сони 6600 га етар экан.²⁰² Кейинги яна бир жиддий муаммо шундан иборатки, иероглифлар сонини “чегаралаш” масаласи, бу сон қанчагача ўсиш мумкин ва қайси муддатда фақатгина янги иероглифлар яратмасдан янги сўзларни пайдо қилиш,²⁰³ танлаш мумкин бўлади, — деган саволга бу каби муаммолар мавжуд экан, яқин ўн йилликларда иероглифлар сонини аниқлаш, иероглифлар сони ҳақида рўйхатлар жадвалини тузиш масаласи очиқ қолдирилиши мумкин дейиш тўғрироқдир.

Иероглифик ёзуви ва ўқилишни соддалаштириш масаласи. Ёзувни соддалаштириш ва унинг ривожини жамият тараққиёти учун хос бўлган табиий жараёндир. Тарихдан маълумки, иероглифлар соддалаштирилган ҳолда мавжуд бўлган. Агар иероглиф тез-тез қўлланилса, у ҳолда уни ишлатиш ўринлардаги ҳар бир ҳолатида турлича соддалаштирилган кўринишлари пайдо бўлаверади. Бунинг

²⁰¹ Чжоу Югуан Модернизация китайского языка и письменности в Китае – М., 1989.- С. 376 – 398.

²⁰² Кўрсатилган манба.

²⁰³ Кўрстайлган манба.

билан боғлиқ иероглифларнинг ўтмиш тарихига оид кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, 6 та шоҳликни ўз таркибига бирлаштирган — Цин империяси (эр.авв. 221-206 йиллар.) “иероглифларни бирхиллаштириш” мақсадида ёзув ислохотларида бунинг ифодасини кўриш мумкин. (Ёзув ислохоти император 秦始皇帝(Qinshihuangdi)Чин Шихуангдининг вазири 李斯 (Lisi)Ли Си томонидан амалга оширилган.) Ана шу саъйи – ҳарактлар остида Хитой тарихида 六书 (Liu shu) ёзуви тарих саҳнасида пайдо бўлди. 1935 йил “324 белгидан иборат соддалаштирилган иероглифларнинг биринчи рўйхати ” нашр этилди. Афсуски бу рўйхат амалиётга тадқиқ этилмади. 1956 йилда келиб эса “54 та соддалаштирилган калит ва 515 та соддалаштирилган иероглиф”дан ташкил топган “Хитой ёзувини соддалаштириш дастури” чоп этилди. 1964 йил унга ўхшаш “2238 та белгидан иборат “соддалаштирилган иероглифлар рўйхати” эълон қилинди. Бу ҳозирда Минтақавий Хитой ва Сингапур оммавий ахборот нашриётида амалда кенг қўланмоқда. 1977 йил тажриба сифатида қабул қилинган “Хитой ёзувини соддалаштиришнинг иккинчи дастури” мавжуд камчиликлар сабаб ишлатиш истъмолда тўхтатиб қўйилди.²⁰⁴

Тажрибалардан маълумки, иероглифларнинг соддалаштириш масалаларини ўзининг салбий ва ижобий томонларига эга эканлигини очиқ - ойдин кўрсатмоқда. Хитой ёзувини ўрганишга киришган болалар ва саводсизликни йўқ қилиш курсаларида ўқиётганларга таълимни соддалаштирилган иероглифлар асосида олиб бориш анча енгилликлар яратади. Сабаби, соддалаштирилган иероглифлар ва белгиларни эсда сақлаб қолиш ва ёзиш осон кечади.

Шунингдек, иероглифларни компьютерга киритишда имло чизиқларининг кўплиги кўпроқ эҳтиёткорлик билан ёндошувни талаб қилади. Хўш, шундай экан калит ва иероглифларни соддалаштиришнинг салбий томони нимада деган саволнинг пайдо бўлиши ҳам табиий. Биринчидан, соддалаштириш жараёнида иероглифларнинг бирига ўхшаш жиҳатлари юзага келди. Масалан “時” shi “вақт” иероглифи “时” shi сифатида соддалаштирилди. Аммо мазкур ҳолатда “寺” si график элементининг содда кўринишини “寺” ни бошқа иероглифларга тадбиқан ишлатиб бўлмайди. Чунки “寺 - ибодатхона”, “诗” shi – шъер”, “侍” “shi – хизмат қилиш”

²⁰⁴ Чжоу Югуан. «Юйвэнь сяньдайхуа», (журнал) №2. 1980; яна қаранг: М.Х. Махмудходжаев “Хитой иероглифларининг сони ҳақида” мақоласи. // “ xitoyshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va sivosat” Ilmiy – amaliy konfrensiyasining materiallari Tosh – 2009 B – 25 – 29.

иероглифлари мавжуд бўлган “寸” “cun – чўп, излдиш”, “讨” “tao – талаб қилиш”, “付” “fu – тўлаш” каби иероглифларнинг ўзгинасига айланиб қолади.

Иккинчидан, бу муаммо омоним – иероглифлар сонининг кўплиги билан боғлиқ.²⁰⁵ Масалан, “浅” qian – тортмоқ, “浅” (xian - майда, энг кичик, зарра”), “干” (gan – қилмоқ, ишламоқ,) ва яна шу иероглиф 干 (“gan - куруқ) маъносида келади. Олиб борилган изланишлар иероглифларнинг фонетик қисмлари сонининг ортиб борганлигини кўрсатди. Оқибатда иероглифларнинг аниқ талаффузини бериш масаласи пайдо бўлади. Масалан, “灯” (“deng - лампа”), “丁” (ding – “мих”) тўлиқ ҳолдаги “灯” (deng) даги фонетик қисм “登” (“deng – кўтарилмоқ”) ва ҳ.к.з.лар. Бундан ташқари, тез ёзиш услубига тегишли белгиларнинг меъёрий ёзув сифатида қабул қилиниши маънавий оғирликни кучайтирган. Масалан 书 “shu - китоб”, 长 “zhang - узун”, “应” ying - албатта ёки жавоб қилмоқ” каби янгилиш тушинишларни юзага чиқарди. Вэнянга хос анъанавий иероглифларни ишлатишда бунданда мураккаброқ вазият вужудга келган. Бунинг сабаби, ислохлардан кўзланган мақсад Вэнянга хос иероглифларни эмас, балки замонавий иероглифларни асосан соддалаштиришга эътибор қаратилди. Аммо кутубхона ва архивларда мавжуд китоблар асосан классик Вэнян тилида ёзилган бўлиб, улар иероглифларнинг тўла кўринишида чоп этилган. Тайван ва Сянганда эса Вэнян тилига оид барча иероглифлар амалда қўлланилади. Бу ҳам Хитой ороллари (Тайван, Сянганг - Ш.Ш.) билан Минтақавий Хитой ўртасида тил масаласида келиб чиқиши мумкин бўлган асосий омил сифатида, тил жараёнларига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Янги ва эски китобларда ёзилган иероглифларнинг ҳам шакллари ҳар хил - бу ҳам иероглифларни ислох қилишдаги муаммоли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, иероглифларни соддалаштириш жараёнларидаги асосий принцип қилиб “одатийлик ва қулайлик”нинг танлаб олиниши ўз маниқига эгадир. Чунки, иероглифларни соддалаштириш омманинг кўп йиллик узоқ вақт давомида шаклланиб келган одатларига таянади ва шунинг учун ҳам уни ҳаётга тадбиқ этиш масаласи тарихий тажрибларга асосланади. Яъни соддалаштирилган белгилар замирида тарихан қўлланиб келинган “синшу” шаклида ёзиш усули ётади. Аммо “Содда ва мақбул” келадиган принципларни амалга оширишда услуб томондан

²⁰⁵ Чжоу Югуан. Очерк реформы китайской письменности. Бэйцзин. 1961.

рационал “система”ли ёндошув етишмайди, бунинг орқасида кўпгина масалалар ечимини топиш мураккаблигича қолиб келмоқда. Ўз ўрнида масалаларни рационал ва системали ҳал қилишда ўзига хос камчиликлар мавжуд бўлиб, бу кўп ҳолларда Вэнян тилидан ўтиб келаётган, анъанавий шаклланган иероглифларнинг кўплиги билан таснифланади. Шунинг учун, Хитой ёзувини соддалаштиришнинг иккинчи босқич дастурини амалга ошириш ҳозиргача очиқ қолмоқда. Натижада “одатийлик ва қулайлик” принципи асосида белгилар ва иероглифларни соддалаштириш ва стандартлаштириш жараёнида чекланиш содир бўлган ва иероглифларнинг одатий кўринишини умуман ўзгаришга олиб келган, дейиш мумкин. Бу ўринда бир хил кўринишдаги иероглифларнинг ҳар хил ёзилиши маданий алоқаларда салбий оқибатларга олиб келганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Иероглифларни ўқилишни меъёрлаштириш масаласи билан боғлиқ масалалар, Хитой Республикаси ташкил топган йилларнинг дастлабки бошларидаёқ киришилган эди. “Путунгхуада ўқилишларни кўриб чиқиш”га бағишланган анжуман бунга айнан мисол бўлади. Бу анжуманни чақиришдан мақсад “путунгхуада иероглифларнинг бадий ўқилиши ва талаффуз билан боғлиқ муаммолар ва меъёрлаштириш, луғатларни мутола қилиш жараёнида учрайдиган турли ўқилишлар, транскрипцияларни ўқилишидаги турли хиллик оқибатида келиб чиқадиган ўзаро фарқлар, ва унинг билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш” масалаларини кўриб чиқишдан иборат бўлган.

1950 йилларнинг охирига келиб луғатлардан иероглифларни кидириб топишнинг турли хил усуллари ишлаб чиқилди. — калит орқали топиш; — охирги имло чизигидан топиш; — бурчак орқали топиш; фонетик усул²⁰⁶. Аммо фойдаланиш учун тавсия этилган бу усуллар ўзининг меъёрий - стандарт талабларига жавоб бермайди. Биринчи навбатда стандартлаштириш лозим бўлган усул калитлар ёрдамида иероглифларни топиш усулидир. Турли хил луғатларда иероглифларни калит орқали топиш усулларида ҳам калитлар сонига фарқ борлиги кузатилади. Бу эса иероглифларни ажратиш, имло чизиклар орқали иероглифларни аниқлаш, ёзиш тартибларида ҳам фарқ борлигидан далолат бермоқда. Ана шу омиллар боис кейинги пайтларга келиб унинг билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш кун тартибидан ўрин олмоқда. Хусусан, ЭВМга, компьютерларга иероглифларни киритиш эҳтиёжи туғулганда иероглифларни кодировка қилиш усулларини ўрганиш долзарб аҳамият

²⁰⁶ Махмудходжаев М.Х. Бекмуратов. И. Н. “Хитой ёзуви ҳақида”. Тошкент. 1990 йил. 50 б.

касб эта бошлади. Чунки, кодлаштириш қилиш ҳам айнан иероглифик луғатлар таркиби асосида ётувчи принциплар орқали амалга ошади. Сўнгги 50 – 60 йил ичида Хитойда янги концепция ва усулларни қўллаш орқали иероглифларни тартибга тушириш ва унинг билан боғлиқ бошқа турли муаммоларни тадқиқ этиш саъйи ҳаракатлари йўлга қўйилмоқда. Бу кўп йиллик изланшилар натижасида ҳозирда “иероглифлар ёзувининг замонавий назарияси” фани пайдо бўлмоқда.

Белгиларнинг пайдо бўлишини, иероглифларнинг ўқилиши ва унинг эволюцияси, яъни ривожланиш жараёнларини ўрганувчи иероглиф ёзуви анъанавий назарияси (“эски номи – кичик фан”ёки “ёзув назарияси” ҳақидаги фан) иероглифлар ёзуви “тарихий назарияси” ҳисобланади. Иероглифик ёзувнинг замонавий назарияси фани айнан шу тарихий назариёт мактаби тажрибалари асосида пайдо бўлди. Бу назариянинг тадқиқот объекти сифатида замонавий хитой тили иероглифларининг ўзига хос хусусиятлари ва унга боғлиқ муаммолар акс этади. Фаннинг мақсади эса – эндиликда истиқболда иероглифларнинг ишлатилиши билан боғлиқ масалалар ечимини топишдан иборатдир.

Иероглифлар ёзуви замонавий назарияси фани томонидан ўрганиладиган муаммолар ва усуллар тарихий назарияси фанидан тубдан фарқ қилади. Асос сифатида тилшуносликни танлаб олган иероглифлар ёзуви замонавий назарияси, уни кибернетика, статистика, психология каби фанлар билан уйғунликда тадқиқ этади. Бу – иероглифик ёзув тарихий назариясига нисбатан менсимаслик билан қараш эмас, балки хитой тилини замонавийлаштириш (модернизациялаш)даги бугунги кундаги ташланган жиддий қадам дейиш мумкин.

5.3. Алфавитли ёзув ва имло масалалари

1918 йил нашр этилган 注音字母 (Zhuyinzimu) кейинги номи(国音辅嫂 guo yinfuqao)га ўзгарганини хитой ёзуви тарихида аҳамиятга молик бўлган ислохот сифатида қараш мумкин. Аммо бу алфавит фақат ёрдамчи восита сифатида тарихда қолди. Япониядаги кана ёзуви каби “ёзувга таркибий қисм сифатида кирмади.” 注音字母 (Zhuyinzimu) ни яратишда (уч қисмли) буғунга бўлиш услубидан фойдаланилган, бунинг оқибатида эса икки қисмли бўғинга бўлинган – инциал (声母) ва финал (音母) анъанаси бузилган, бу эса прогрессив аҳамиятга молик ҳодисанинг бузрилиши деган гап эди.

Айрим Хитой тилшуносларининг фикрича, 注音字母 (Zhuyinzimu) Чжуин Цзимуниг асосий камчилиги шундаки, бу алфавитнинг харифлари Хитой иероглифлари элементлари (таркибий қисмлари)дан ташкил топганлигидадир. Бу эса халқаро алмашинувга маълум миқдорда таъсир этган. Шунинг учун 1928 йил, яна бир – романлаштирилган алфавит (GR) ишлаб чиқилди.²⁰⁷ Бу алфавит кўринишидаги лотин харифлари “катталштирилган” шаклда бўлиб, у инглиз ёки бошқа ғарб ёзувларида бўлган каби одатий вазифаларда эмас, балки Хитой тилининг ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда ишлатишга мослаштирилган эди.²⁰⁸

1933 йили Хитойда “Шимолий шевалар учун ишлаб чиқилган янги лотин ёзуви” ишлаб чиқилди. У ҳам иероглифларини лотинлаштиришга қаратилган уринишлардан эди. Аммо айрим маълумотларда қайд этилишича, 1958 йилда эълон қилинган “Хитой тили учун мўлжалланган янги фонетик алифбо дастури” лотинлаштирилган янги ёзувнинг давоми ҳисобланди. Аммо бу фикрлар асосга эга эмас. Сабабики, “Фонетик алифбо дастури” ўзининг асосий хусусиятлари бўйича ярим романлаштирилган ва ярим лотинлаштирилган алифбо билан мос тушади, ундаги оҳанг (тон) белгиларини кўрсатувчи доиактрик белгилар (1. оҳанг; 2 оҳанг; 3 оҳанг; 4 оҳанг.) Чжуин цзимудан олинган. Бу “дастур” битта мактаб маҳсули бўлмай, балки кўпчилик мактаблар тажрибаси йиғиндиси ҳисобланади. “Фонетик ёзувга ўтиш” деб аталмиш ҳодиса остида кенг маънода алифбони ишлатишнинг турли ҳолатлари тушинилади, тор маънода эса уларнинг расмий ёзув даражасига чиқиши тушинилиб Пинин цзиму алифбоси “алифбо ёзуви” даражасига чиқа олмади, балки фақат “транскрипция” даражасида қолди. 1958-йилгача Хитойда “алифболи ёзув”нинг камчиликларини тўлдириш учун хизмат қиладиган 1667 та “хитой тили учун алфавитли дастури” ишлаб чиқилди. (文字改革 wenzi gaige журнали № 2, 1982). Амалда, “транскрипция” босқичини ўтмай туриб, “алифбо ёзуви” босқичига ўтиб бўлмайди. Юқорида кўрсатилган “фонетик алифбо дастури”ни ташлаб юбориб, бошқа бир дастурни “алифболи ёзув” сифатида қабул қилишнинг ҳеч иложи йўқ. Умуман олганда ўтган 45 йил давомида Пинин Цзимуни амалиётга тадбиқ этиш учун аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Шундай экан, ҳозирги пайтга келиб, мазкур алифбонинг жамиятда тутаётган мавқеини амалда ўзгартиришнинг иложи йўқ.

²⁰⁷ Лин Юйтан. Современный китайско – английский словарь.

²⁰⁸ Кўрсатилган манба.

Алифбонинг амалий аҳамияти бугунги кунда уни Хитойда миллионлаб ёшларнинг мактаб ва саводсизликни тугатиш учун махсус очилган курсларда кенг миқёсда ўқитилаётганлиги билан изоҳланади. Малайзия ва Сингапурда ҳам 拼音字母(Pinyin zimu) Пинин Цзиму асосида иероглифларни транскрипцияда ўқиш усули қўлланади.

“Транскрипция таллафузиларини меъёрлиштириш” бўйича конференцияси ҳамда “стандартлаштириш халқаро ташкилоти” аллақачон Пинин цзиму алфавитини хитойча сўзларини халқаро транскрипциялаш стандарт усули сифатида қабул қилинган. Навбатда турган вазифа – 拼音字母 Пинин Цзиму алфавитини ўқитишни такомиллаштириш, унинг қўллаш доирасини кенгайтириш, яъни алифбонинг иероглифлар билан параллел равишда ишлатилишини ҳамда унинг ёрдамчи ёзув вазифасини тўла бажаришни таъминлашдан иборат.²⁰⁹ Алифбога “алифбо ёзуви” даражасини беришга уриниш эса амалий жиҳатдан аҳамиятга эга эмас.

Хитойча матнни алифбода ёзиш тил бирлиги сифатида сўзларнинг ишлатилишини талаб қилади. Иероглифлардаги каби сўзларни бўғинларга ажратиб алоҳида ёзиб бўлмайди, шунингдек уларни матнда бирга ёзиб бўлмаганидек, орфография тилининг табиий ритмини ҳам ўзида акс эттиради. Бирга ёки ажратиб ёзиш алифбо ёзувига ўрганган жамиятда муаммолар пайдо бўлиши кам кузатиладиган ҳодисадир. Шу маънода иероглифик ёзувга ўрганган жамиятларда алифбо ёзувга хос бўлган қарашлар мутлақо нотаниш ва ҳаттоки, ечиб бўлмас муаммо сифатида қаралиши мумкин. Орфография²¹⁰ билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда 1982 йил Хитой тилига мўлжалланган фонетик алифбо орфографияси бўйича комиссия тузилди. Орфография комиссиясининг вазифаларига орфографияга оид қоидаларни ишлаб чиқиш, луғатларни таҳрир қилиш, алфавитли ёзув меъёрларини кўриб чиқишдан иборат эди. Бунга кўра қуйдаги вазифалар белгилаб олинган. Ишлаб чиқирилиши зарур бўлган қоидаларга асосий ҳамда махсус қоидалар киради. шу мақсадда мазкур масала юзасидан ташкилотлар фикрини жамлаш мақсадида “алифбо ёзуви асосий орфографик қоидалари” ҳақидаги “тажрибавий дастури” тарқатилган.

²⁰⁹ Махмудходжаев М.Х. Бекмуратов. И.Н. “Хитой ёзуви ҳақида” – Тошкент 1990 йил.

²¹⁰ Дастлаб “орфография” кейинчалик “иероглифларни ёзиш қоидалари номи билан аталган “орфография тушинча”си 1960 йиллардан бошлаб хитой тилига мослаша бошлади.” Хитой тилидаги алифбо ёзуви муаммолари морфемага эмас, балки кўпроқ сўзга бориб такалади. Морфема тилнинг ҳодисаси сифатида қабул қилинган алифбо ёзув орфографияси билан боғлиқ муаммони кўриб чиқишдан бош тортиш ҳамда ушбу муаммонинг тил бирлиги сифатида сўзга асосланганлиги муҳим аҳамиятга молик янгилик бўлди.

Асосий қоидаларни ишлаб чиқиш йўқ жойдан пайдо бўлгани йўқ. Бунга 1930 йилларда романлашган алифбо учун мўлжалланган “сўзлар орфографияси қоидалари”нинг мавжуд бўлганлиги аниқ мисол бўлиши мумкин. Бундай қоидалар 30-йилларда лотинлаштирилган янги ёзувда ҳам мавжуд бўлган. Кейинги 30 йил ўтган давр ичида Пинин Цзимуда турли хил босма нашрлар чоп этилди. Бу борада фикрларнинг ҳар хил томонга эгилувчанлик хусусиятларини бартараф қилиш. Умум қабул қилинган барча қоидаларни қолдириш, аҳамият касб этувчи хусусиятларини сақлаш, камчиликларни бартараф этиш масалалари кўзда тутилган. Алфавитни тадбиқ этиш тажрибасини ёзма қоидалар кўринишида шакллантириш эса унинг кейинги ишлатилишида қулай бўлади деган фикр кўзда тутилган. Алифболи ёзув аслида нутқ товушларини эшитиб уларни ёзиш учун мўлжалланган, орфография бу — сўзларнинг ёзилиш қоидалари бўлиб, ёзма шаклини қабул қилиш учун мўлжалланган. Бу борада эшитиш орқали қабул этишга асосланган тизимнинг ёзма шаклидаги сўзларни қабул қилиш — мўлжалланган қоидалар тизими билан бирлашиши; эшитиш орқали тушиниш керак бўлган товуш - тил алфавитини кўриб тушиниш шаклда ёзиши — амма у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам мураккаб муаммолар мавжудлиги кўзга чалинади. Бунинг билан боғлиқ муаммолар қуйидагилар; Сўз деганда нимани тушиниш мумкин? Сўз назарий жиҳатдан дастлаб баҳога эга бўлган ҳамда шу билан бирга амалий жиҳатдан аниқ мазмун касб этувчи аммо изоҳланмаган. Чунки, грамматикада алоҳида белгиланадиган “назарий сўз” шунингдек ёзувда бирлаштирилиб ёзиладиган “шакл касб этувчи сўз”лар остида тушинчаларга эга сўзларни бирлаштириш қийиндир. Уларнинг махсус грамматик атамаси мавжуд бўлгани ҳолда, махсус орфографияга хос атамаси мавжуд эмас, атамашуносликдаги қатъийликнинг (аниқликнинг) йўқлиги баъзи бир ноқулайликларга олиб келмоқда.

Истиқболда эса орфография билан боғлиқ масалалар меъёрлаштирилган қоидаларга эҳтиёж сезади. Тушинарли айтилса битта сўз бирга ёзилади, иккита сўз — алоҳида, малда эса бу ҳам жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Сўзларни яна бир хусусияти “сўзларни ўзаро чегаралаш” масаласидир. Кўп ҳолларда эса хитой тилида бир неча “назарий сўзлар”ни ягона бир “шаклий сўз” сифатида ёзиш талаб этилган ҳоллар учраб туриши одатий ҳол. Масалан, 图书馆 tu shu guan “кутбхона”- битта, иккита ёки учтами? нега бирга ёзилади? 馆 guan “расмий идора”бу нима? Сўзми? морфемами? Суффиксми? Позитив элементми? ёки Аффиксми? Ёки сўз туркумига

тегишли бўлган кўрсаткичми? Қуйидаги берилган изоҳ мантикиймикан; “От ” (图书 tu shu “ китоб”) ва ундан кейин турувчи сўз туркумига тегишлилик кўрсаткичи (馆 guan) бирга ёзилади ва ҳ.к.з.лар.

Орфография бизга маълумки тил грамматикаси, стилистикаси, сўзлашиш ва ритм билан боғлиқ барча жараёнларини қамраб олади. Лекин бу боғланишлар иккиламчи хусусиятларга эга. Бунда тилнинг битта жараёнга тегишлиги масаласига аҳамият қаратилади. Аксинча тил билан боғлиқ бир неча жараёнларига аҳамият қаратишлик, уларнинг қай бири асосийлиги асосан номаълум бўлиб қолиши мумкин. Масалан, “我吃饭, 你 吃面 wo chi fan, ni chi mian — мен гуручли овқат емоқдаман, сен эса нон” гапида 吃饭 chi fan “гуруч емоқ” алоҳида ёзилади, 吃饭 问题 chifan wenti — “овқатланиш масаласи” сўз бирлигида эса бирга ёзилади. Бу тўғрими? Албатта, бунда сўзларнинг маъноси ўзгаради, аммо феъл — объект муносабатлари ўз ўрнида қолади. Хўш шундай экан, нима учун сўзларнинг феъл — объект муносабатларидан эмас, маъно жиҳатдан келиб чиқамиз? Масалан, 兄弟 xiongdi “ ака ука”сўзидан 弟弟 didi” (кичик) ука” тушинилса у бирга ёзилади, агар 哥哥 和弟弟 gege he didi “ака укалар” тушинилса у ярим бирлашган ҳолда ёзилади (ўртада дефис қўйилади). У ёки бу ҳолатда шаклий (маъноси) омиллардан келиб чиқиб сўзларни бирга ёзиш мумкинми? Деган масала ҳам бу борада кўндаланг турадики, бу ҳам истикболда ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Хитой тилини ритмик ташкиллаштиришдаги муҳим жараён унинг мураккаб тилга айланишдаги жараён кўзда тутилади. Бу жараён орфографияга кучли таъсир этади, аммо грамматик ҳамда сўз ясалиш ўринларида тилнинг ритмларига тўғри келмслиги мумкин. Масалан, Шуньи сян “Шуньи уезди” номланишига кўра, Шуньи сўзи сифатида айтилиши мумкин, бунда сян “уезд” тушиб қолдирилмоқда. Лекин, “Тун сян уезди” номи “Тун” деб айтилиши мумкин эмас. Яъни бу вазиятда сян “уезди”ни қолдириб кетиш хато кўриниш олади. Бу ҳолда сянни қандай ёзиш керак — биргами ёки алоҳидами? Масалан айтайлик, Пэнхудао ва Пэнхуледао ороллариининг номларида шахс отини ва турдош отни бирга ёки алоҳида, аксинча бир бўлакли мураккаб турдош отни шахс оти билан бирга ёзиб, икки бўлаклисини - алоҳида ёзиш керакми? Нега?. Савол бунда очиқ қолмоқда.

5. Орфография (имло)га таъсир этувчи омиллардан яна бири жиҳати ишлатилиш частота²¹¹си билан боғлиқ эканлиги масаласидир. Масалан, сонлар ва ҳисоб сўзлар алоҳида ёзилади. 三本书²¹² san ben shu - “учта китоб”, лекин 一个 yī ge (一 сон, 个 ҳисоб сўз) одатда бирга ёзилади, чунки у тез – тез қўлланилади (ишлатилиш хусусияти билан ноаниқ артиклга тенг). Ишлатилиш тезлигини қандай аниқлаш мумкин? Бу ўринда эса, сўзни бирга ёзиш учун у қандай даражада тез ишлатилиши масаласи кўриб чиқилиши ва унга жавоб топиш тақозо этилади.

6. Хитой тилида ҳам алоҳида, ҳам бирга ёзиладиган “улама сўзлар”жуда кўп учрайди. Агарда шундай бўлса, унга қандай барҳам берилади? Бу ўринда бошланғич кўринишида сўзларни кўшиб, сўз кўринишлари ва вариантларини алоҳида шаклда ёзиш маъқулми? Масалан, 鞠躬 jugong – “эгилмок”²¹³, 鞠了躬 jule gong –“эгилди”, 鞠了– 一个躬 jule yige gun “бир эгилиш қилди”, 鞠 没有 ju meiyou - “эгилдингми”? – 鞠了 yī jule -“эгилдим”, 几个躬 jige gong – “нечта эгилиш”? – “– 一个躬 yige gun – битта эгилиш” каби ибораларни гапда қандай шаклда ёзиш керак? Демак, бу масалада ҳам бир тўхтамга келингани йўқ.

7. Веняндан олинган сўзлар бир ўзакли мураккаб сўзлар бўлиб, уларни эшитиб тушиниш анчайин мураккаб, хусусиятлари билан ҳам байхуадан тубдан фарқ қилади. Агар вэняндан олинган чэнгюйлардаги ҳар бир сўз алоҳида ёзилса, матндаги бирлик, ягоналик сезилиб қолади, байхуада эса уларнинг ишлатилишида кўриб тушиниш қобилияти йўқолади. Матнда бундай сўзларнинг олдида ва орқасида келган сўзлардан ажратиш қийин бўлиб қолади, бу эса матнни ўқиш ва тушинишда қийинчилик туғдиради.

Кураиси Такэсиронинг японча “хитой тили луғати”да вэнян чэнгюйлари бир қатор билан биргаликда ёзилган бу ҳам анча ноқулайлик келтириб чиқаради. Сўнгги йилларда бунинг мақбул ечими топилгандай бўлиб, вэняндаги сўзларни ва сўз бирикмаларини дефис (чизикча) орқали ёзиш уларни бир пайтнинг ўзида ҳам бирлаштиради, ҳам ажратиб туриш ҳолати бунга мисол бўла олади. Масалан, 愚公 移山 Yugong –yī – shan (Юй Гонг – тоғни сурди “ахмоқлик”), 惩 前 – 毖后 Cheng qian – bihou (ўтмиш сабоқларидан хулоса олиб келажакда амал қилиш). Аммо бу билан

²¹¹ Бирликда тезлик, тез – тез қайталаниш маъносида келади. Тех маъносида (ҳаракат, тебраниш тезлигининг даражаси). / Русско – узбекский словарь. 1956.- С. 946.

²¹² Китайско – русский словарь / Шанхай “Пекин” – 2004. -Б. 769.

²¹³ Китайско – русский словарь / Пекин. 2004.-Б. 484.

масаланинг ечими тўла топилди деган янгилиш тушинчаларга бормаслик керак. Чунки, бу борада дефислар ҳам кўпайиб кетишлигини инобатга олинмоғи лозим кўринади.

Пинин Цзимуда нашр этиладиган турли нашриётларда сўзларнинг 8,5 % қабул қилинган қоидаларга мос тушади, қолган 15 % сўзларнинг ёзилишида ҳар хилликлар учрайди. Бу ҳархилликларни “умумқўлланилувчи” одатий ёзувни қўллаш орқали йўқ қилишга муваффақ бўлиш керак, аммо бу яқин истиқболда ўз ечимини топадиган жўн нарсас эмас.

Қачанки, “Хитой тили учун мўлжалланган фонетик алифбо дастури”бўғинлар ёзилишини меъёрлаштиради, Орфография эса сўзларнинг ҳамда сўз бирикмаларининг ёзилишини меъёрлаштиради фақат ўшандагина “дастур”нинг орфография билан бирлашиши алифболи ёзув тилининг мукаммал лойиҳасини ишлаб чиқишга асос бўлиши мумкин.

5.4. Замонавий хитой тилининг маъноси ва оҳанги

Нутқнинг оҳанги²¹⁴ — бу лингвистик бирликларнинг даврий такрорланиши ва бошқа каттароқ бирликларнинг оҳанги аввало тил услуби масалаларига хизмат қилади.

Нутқнинг эшитиладиган оҳанги фонетик (товуш) ва прозодик бирликлар орқали яратилади. Шунда нутқ вақт билан ўлчанадиган қисмларга бўлинади. Нутқ ўзининг маъносига кўра кўп мақсадларга эришишга қаратилган, нутқнинг вазни — тил оҳанглариининг фарқи борлигини кўрсатадиган белгига эгаллиги билан таснифланади. У бошқа тилларнинг оҳангини ҳам хитой тили оҳангини ҳам ажратади. Мусиқа назариясидан яхши маълумки, унинг бирон бир акцентиди ҳам, тузилиш элементида ҳам миллий акцент шунчалик аниқ билдирилмаган аммо ритмик ҳолатда билдирилган. Нутқнинг вазни ҳақида ҳам худди шу аломатлар кузатилишини айтиб ўтиш мумкин. Хитой тилида мусиқий хусусиятларни нафақат бўғунли талаффузларда балки, унинг оҳанг билан боғлиқ тузилишларида ҳам мажудлиги кузатилади. Бу эса хитой тилининг товуш жиҳатдан ўзининг синтаксис ва лексик томондан боғланганлигидан далолат беради.

²¹⁴ Туратова М. “Хитой тилида оҳангнинг пайдо бўлиши” // “хитойшуносликнинг долзарб масалалари: филология, фалсафа, тарих, иқтисод ва сивосат” Ilmiy – amaliy konfrensiyasining materiallari Tosh – 2009 B. 60 – 64.

Хитой тили товушлари асосан лингвистик бирликларнинг махсус белгилари билан ифодаланади. Хитой тилининг товуш ва вазни лингвистик бирликларнинг грамматикада тўғри жойлашгани билан шаклланади. Буни тилга мослаштириш хусусиятларидан бири тайёр лингвистик бирликларни саралаш масаласи билан таснифланади. Мазкур ҳолатда бу жараён (саралаш масаласи) ўз ўрнини кўпроқ шеъриятда ифодасини топади.

Хитой тилида лингвистик бирликларнинг шаклланиши ва шаклан ўзгартириб бориш ҳолатлари ҳам учрайди. Сўзнинг ясалиш давомида буни грамматик ҳаракат деб тушунилади. Хитой тилининг вазн бирликларини ясалишида пайдо бўлади. Нутқнинг лексик бирлигида унинг маъноси вазнли хусусиятлари билан боғланади.

Вазн бирликларини ифодалаш режаси хитой тилида сўзлашувнинг бўғунли морфемаларнинг бақарорлигини билдиради. Ушбу барқарорлик (мунтазам) бир неча тўхталишларга бўлинади. Ҳар бир бўлак кўпинча иккита ёки бир нечта бўғундан ташкил топади, лекин баъзида у бир бўғундан иборат бўлиши ҳам мумкин. Тилдаги ана шу бирликлар вақтинчалик бўлакларни ташкил қилади. Бу бўлаклар асосий ва ёрдамчи белгилар билан тўлдирилган ҳолда кечади.

Нутқнинг оҳанги бевосита ифодалашни вақтнинг бўлакларга бўлиниши билан боғланган матндан ташқаридаги талаффузда бўғинлик морфемаларнинг узунлиги фонемаларнинг миқдорига эмас, балки унинг талаффузига боғлиқ бўлади. Аммо бу боғлиқликлар калит эмас. Талаффузлар оҳанг эса ҳар хил узунликка эга, бироқ, унинг талаффуз давомийлиги асосий хусусият ҳисобланмайди.

Оғзаки талаффуздаги бўғуннинг чўзилувчанлиги унинг тезлигидан иборат. Шу сабабли бўғун нутқ вазнини ўлчаш учун қулай бўлган вақт бирлигини билдиради. Лекин бўғуннинг мутлақо узунлиги нутқда доимо мавжуд эмас. Шу боис хитой тилида бўлинадиган изохрон бўлаклар анча каттадир, шунга асосан улар бир неча бўғинлардан иборат бўлади.

Хитой тили вазнини экспериментал изланишида вазн бирликларининг гапда изохронликка оғиш хусусиятларига эгалигини кўрсатади. Ва бу борада бўлакларнинг узунлиги иккитали бўғунларга мос тушади. Нутқнинг бир – бирига ўхшаш узунлик бўлакларига бўлиш, хитой тилининг вақтинчалик бўлган уюшмасига боғлиқ. Натижада бўғинларнинг тилдаги ана шу жараёнлар билан боғлиқ вақтинчалик бирлашуви – нутқда метрик тузилишни ташкил қилади. Метрик бирликлар изохрон

бўлади. Хитой тили нутқининг метрик тузилиши мураккаб ва унинг бирлик ўлчови бўғиндир.

Нутқ оқимида бир бўғунлик морфемалар, шунингдек кўп бўғунли лексик бирликлар тузилишига кўра бир умумий йўналишга бирлашадилар. Нутқнинг йўналишлари ҳеч қачон бўлақларга бўлинмайди. Чжао Люшеннинг фикрича, нутқ йўналишидаги охириги бўғиннинг чўзиб ўқилишида просодик эффект тўхташ ҳолати вужудга келади.

Чжао Люшеннинг фикрича, маълум бир бўғиннинг акцент сифатида ажралиб чиқаётган талаффуз ҳар бир нутқ оқимда умумий бир системага айланади.

Хитой нутқининг узилмас бўлган оқимларида тўхталишлар ҳам бор, уларнинг катталиги ўзининг тезлигидан иборат. Баланд тезликда тўхталиш бўлмайди. Нутқ йўналишларнинг чегараларини ўзгартириш мумкин. Нутқнинг товуши просодик бўғинлар билан ўзаро алоқада ривожланади. Нутқнинг асосий оҳанги - бу метр. Бу ерда кетма – кетлик ҳам бор, албатта. Масалан, оддий гапдаги “ 张家有一个小姐和两个贵女(Zhang jia you yige xiaojie he liang ge guinu) (Чжаннинг оиласида бир ўғил икки қиз бор) гап таҳлил қилинса, мазкур гапда метрик бўлақларга бўлинган учта икки бўғинли ҳамда иккита уч бўғинли йўналишлар мавжуд. Бунда гапларни бўғинларда ажралишда метрик бўлинишлар доимо ўзининг мустаҳкамлигини сақлашини кузатиш мумкин. Агарда, Чжан цзя бўғинини оддий таомлашиш билан ўрни алмашса, унда бутун (нутқ) йўналишнинг қайтадан тузилиши келиб чиқади. Яъни 他有一个小姐和两个贵女 Ta you yige xiaojie he liangge guinu (Унинг бир ўғли ва икки қизи бор) шаклда кўринади. Бундай кўринишда гап тўртта икки бўғин ва битта уч бўғинга бўлинади.

Нутқнинг оҳанги – нутқ оқимлари бирикмалари қонуни бўйича ташкил этилади. Нутқ йўналишлари баландроқ ҳолдаги ритмик ва синтаксис бирликлар билан боғланади. Яъни, бу ўринда уларнинг асосий қонунга йўналишларнинг тенглиги киради. Вазннинг бирликлари деганда эса, хитой нутқи учун хос бўлган, бир бўғинли сўзларнинг маънодош қисмлари кетма-кетлигидан иборатлиги (шакли) кўзда тутилади. Бунда гапнинг маъноси бўлақ сифатида қабул қилинади.

Хитой тилининг бўғинли морфемалари ўзаро муносабатларида синтактик ва маъно жиҳатдан ўзаро боғланади. Мазкур муносабатларда алоҳида бўлган морфемаларни эмас, балки энг мураккаб бирликларни ифодаловчи грамматик ва

лексик маънолар мавжудлиги ҳам ҳисобга олинади. Хитой тилининг ритмик бирликлари бўғинли морфемалардан иборат. Улар просодия семантика²¹⁵ ва синтаксик грамматик қоидалар бўйича ташкил этилади. Синтаксис²¹⁶ кўринишида улар гапнинг бир бўлаги сифатида махсус лексик birlikлар ҳам бўлиши мумкин.

Бўғинли морфема²¹⁷ – хитой тилининг асосий морфологик бирлиги бўлиб, унда фонемалик просодик ва маънони англатувчи хусусиятларига эга бўлган кўп бўғинли birlikларни яратилиши синтаксик қонунлардан келиб чиқади. Кўп бўғинли лексик birlikлар матндан ташқарида ҳам ишлатилиши мумкин. Уларни ажратиб айтишда алоҳида ва маълум бир урғу билан талаффуз этилади. Бошқа кўп тилларда ҳам бундай ҳолатларнинг мавжудлиги кузатилади. Масалан, Г. Пауль, бу масалага ўз вақтида диққатни жалб этган эди. Нутқда эса кўп бўғунли лексик birlikлар ўзининг турар жойига қараб урғу белгисини оладилар. Хитой тилининг кўп бўғинли лексик birlikлари бўғиннинг ҳар хил кўплигидан иборат. Хитой тилининг энг кичик майда бўлаклари кўп бўғинли икки бўғинни синтактик тўғри боғланишига айланади. А.А. Драгунов айтганидек, бир ёки иккита бўғин бу керакли бўлган нутқнинг энг кам миқдори унинг таркибида а/ синтактик мулоқотлар вазни б/ вазни ва урғули мулоқотлар бор. Бўғинларнинг талаффуз оҳанглари икки бўғиндан ташкил топган, бўғинлар билан боғланишга эга.

Шундай қилиб, хитой просодия²¹⁸сида икки бўғинлик бўғинлар ўзига хос birlikни ҳосил қилади. Уч бўғинли лексик birlik ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Мураккаб лексик birlikлар алоқавий талаблар икки бўғинли метрик бўлинишларнинг юзага келишига йўл қўймайди. Шу талабларни қониқтириш учун чегараланган йўл тутиш керак бўлиб, бир бўғинли морфема ёрдамида икки бўғиннинг бир бўлаги иккинчи бўғинга айланади. Масалан, икки бўғин 月光“юэ гуан” (ойнинг нури). Уч бўғинли birlikлар ҳам икки бўғинлик сингари талаффуз (тўхтовсиз) қилинади. Уларни талаффуз қилишда чўзилувчанлик хос бўлиб, бу борада талаффуз нормалри икки бўғинликларга ўхшайди. Хитой тилида уч бўғинликдан ташкил топган

²¹⁵ Тилшуносликда сўзларни, ибораларни, маъно жиҳатдан, текширадиган бўлим./ русско – узбекский словарь 1956 . Б-775.

²¹⁶ Грамматиканинг гап тузилиши, гапда сўзларнинг бирикуви ҳақидаги қисми тушунилади. / Қаранг: Русско – узбекский словарь –М.: 1956.Стр 783.

²¹⁷ Сўзнинг маънодош қисмлари, яъни сўз ўзаги, ясовчи, турловчи ва. х.к. / кўрсатилган манба Б- 380.

²¹⁸ Лотинча сўз бўлиб, тилшуносликда нутқда уруғли ва уруғсиз, узун ва қисқа бўғинларни талаффуз қилиш системаси. Шерда бўғинлар нисбати, шер тузиш ёки шер тузилиши маъноларни аңлатиб келади. / Русча – ўзбекча луғат. Ўзбекистон “Советская энциклопедия” нашриёти. 1984. -Б.262.

гапларда иккинчи бўғин доим қисқа талаффуз қилинади. Аммо бу ўринда оҳангдаги талаффуз текис чиқади. Уч бўғинлик гапларда талаффуз оҳанглар икки бўғинли гаплардан ўзининг экстраликлиги (яхлит) билан ажралиб туради. Хитой тилида бир, икки, уч бўғинли бирликлар ёрдамида ҳар қандай мураккаб бўлган гапларни тузиш мумкин. Ўз навбатида эса бундай қўшилишлар, гўёки мусиқадаги бирликларни тайёрлаш қоидаларига ўхшайди. Кўп бўғинли лексик бирликларни ташкил этишда бир бўғинлик морфемалар икки уч ёки тўрт бўғиндан иборат лексик бирликларга бирлашади.

Нутқнинг йўналиши икки ёки уч бўлақларга бўлинади. Тўрт бўғинликлар 2 – 2га, беш бўғинликлар 2-3, ёки 3-2 олти бўғинлар 2-2-2 ёки 3-3га. Кўп бўғинли лексик бирликлар ҳар хил сўзлар ва ибораларни ташкил этади. Улар ёзувда ҳам ишлатилади. Шунинг учун хитой тилида сўзлар икки ёки уч бўғиндан иборат фразеологик бирликлар тўрт бўғиндан, техник атамалар эса унинг ҳар қандай бўлагидан иборат.

Хитой тилида кўп бўғинли лексик бирликлар оғзаки нутқнинг йўналишларидан фарқ қилади. Улар бўғинли морфемаларнинг маъносидан иборат учлик бўғинларнинг акцентуацияси ҳар доим иккита акцентга эга бўлиб, бу ҳолатда биринчи бўғинда мавжуд урғуга кўпроқ аҳамият қаратилади. Аксинча, охириги бўғинда мавжуд урғуга камроқ аҳамият берилади.

Кўп бўғинли лингвистик бирликларнинг акцентуацияси уларнинг талаффуз оҳангига ҳам аҳамият қаратади. Улар 1, 2 ва 4 чи талаффуз оҳанглар билан осон қўшиладилар. Аммо 3 чи талаффуз оҳангдаги бўғинлар билан қўшилиши қийин. Хитой тилининг ҳозирги замондаги энг кўп сўзлари иккита бўғинлардан ташкил топади. Бундан ташқари 4 - 3 бўғинли сўз бирикмалари ҳам бор. Бунга цзичань цзенци (буржуазия), Хэй блюцю (мутлоқ қора) кабилар мисол бўлиши мумкин. Уларнинг бўғин тузилиши 2-2. 3 бўғинли сўзлар эса камроқ учрайди. Шундай бўлсада, улар миқдор жиҳатдан ҳам кам эмас. Беш ва ундан кўп бўғинли алоҳида бўлган лингвистик бирликларнинг акцентуацияси уларнинг акцентлик (оҳанг) тизимини ташкил қилади.

Боб бўйича саволлар

1. Ёзув ислохотлари деганда нималарни тушунасиш?
2. Хитойда иероглиф ёзувни ислох қилиш комиссияси қачандан бошланган?
3. Хитой тилида буғунлар ва уларнинг фарқли томонлари деганда нималарни тушунасиш?
4. Жуғрофик номлар қайси шева мезонлари асосида аниқланади?
5. Тил вазиятида атамашуносликнинг ўрни қандай?
6. Иероглифларни миқдорини аниқлаш деганда нималар назарда тутилади?
7. Иероглифларни соддалаштиришда қайси мезонларга амал қилинади?

Амалий машғулот учун саволлар

1. ХХРда иероглифик ёзувни меъёрлаштириш жараёнлари қачон бошланган?
2. Меъёрлаштириш нима?
3. ЭВМлар иероглифик ёзув тараққиётида қандай вазифаларни бажаради, мавжуд муаммолар қайси йўллар билан ҳал этилади?
4. Хитойда иероглифларни ўрганувчи назарий фанлар борми, бор бўлса унинг олдида қандай вазифалар қўйилган ?
5. Хитой тилида луғатлардан фойдаланишнинг неча хил тури мавжуд?
6. Қайси йилдан бошлаб иероглифларни соддалаштириш рўйхати эълон қилина бошлаган?
7. Алфавитли ёзув ва орфография нима, улар қандай фарқланади?
8. Вэнян тилидан Путунгхуага кирган қандай иероглифларни биласиз?

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Пинин цзиму деганда нимани тушинасиш, Хитой жамияти тили тараққиётида у қандай вазифани бажаради?
2. Буғун ёзув деганда нимани тушинасиш?
3. Тил ритми қандай вазифани бажаради?
4. Тил ритми ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлиш.

5. Хитой тили нутқ бирликлари ҳақида тушунчаларни ҳосил қилиш.
6. Хитой тили оҳанглари ҳақида тушунчаларга эга бўлиш.
7. Хитой тилида бўғинлар ва уларнинг қўлланилиши ҳақида кўнималар ҳосил қилиш.
8. Тил вазнлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш.

ХУЛОСАЛАР

Бизнинг «ХХРдаги тил вазияти ва тил сиёсати (Синьцзян мисолида)» мавзусидаги олиб борган тадқиқотимизда қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Тил вазияти ва тил сиёсати атамалари таҳлилини ўтказиб, қуйидагилар аниқланди:

Тил вазияти — бутун мамлакатдаги муомалага хизмат қилувчи тилларнинг функционал бўлиниши ва уларнинг мавжудлик шакллари (адабий тил, диалект, ўзига хос сўзлари ва ифодалари билан умумий фарқ қиладиган шева ва б.ш.) тизими.

Тил сиёсати — социум ва давлатдаги тил муаммоларини ҳал этишга доир мафкуравий тамойиллар ва амалий тадбирлар тизими.

Тил вазиятини ўрганиш — рационал тил сиёсатини танлашдаги муҳим йўлланма, таъсирчан давлат тилини ишлаб чиқиш сиёсати эса реал тил вазиятларининг адекват (муқобил) баҳосини белгилайди.

2. ХХРнинг давлат тили — хитой тилидир. Хитойдаги асосий лингвистик вазият бўлаклари сифатида хитой тили ва миллий кам сонлини ташкил этувчилар тили ҳисобланади.

Хитой тили кенг тарқалган ҳудудлардаги тил вазияти иккита асосий компонентларга бўлинади: 1) хитой тилидаги кўп сонлик диалектларнинг ўзига хослиги — Хитойда узок вақт давом этган феодализм мероси, 2) ривожланаётган путунхуа («умумий оддий тил») умумхалқ хитой миллий тили.

3. Миллий тил билан бир пайтнинг ўзида тил вазияти ниҳоятда мураккаб бўлган ХХР миллий кам сонликни ташкил этувчи халқлар тиллари ҳам мавжуддир.

Миллий ҳудудларда бирор бир миллий тилдан катта обрў билан фойдаланилиши, мазкур ҳудуднинг тил ҳаётидаги характерни сезиларли даражада белгилайди.

Хитойдаги хан бўлмаган миллатларнинг тил вазиятларида муҳим ўзига хослик сифатида кескин диалектик фарқни ва тилдаги диалектик тутуқларнинг сезилишида намоён бўлади.

4. Лингвистик таснифга кўра 26 тил хитой-Тибет оиласига, 17 таси олтай, 3 таси Жанубий Осиё (баъзи манбаларда аустроосиё оиласи), 2 таси ҳиндевропа оиласига мансуб — Тайванда Индонезия тил оиласига алоқадор бўлган гоашонь тили кенг тарқалган.

5. Тил воситасининг бутун СУАР худудидаги уйғурларнинг муомаласининг меъёрлашуви сифатида марказий диалект базасига ривожланувчи битта умумий адабий тил етакчилик қилади.

6. ХХРда хитой тилидан фойдаланувчи хуэйлар ва маньжурлардан ташқари 53 та миллат ва элатлари ўз тилига эга.

7. ХХР ташкил топгач, турли миллий кам сонлини ташкил этувчи халқларга ёрдам бериш мақсадида улар тилининг кўламини ўрганиш ишлари ўтказилиб, шу асосда Давлат Кенгаши миллий ёзувни яратиш ва ислох қилиш тўғрисидаги фармонни тасдиқлади.

8. Имлони яратиш ва ислох этиш жараёнида ишларни қатъий тарзда илмий қонуниятларга асосланган ҳолда яратиш, шунингдек мустақил танлаш ва мазкур миллатни ривожланишнинг илғор тамойиллари қўллаб-қувватлайди.

9. Халқ вакиллари йиғинига депутатларни сайлашда барча автоном районларда ҳамма миллатлар бир пайтнинг ўзида ўз ёзуvidан фойдаланишлари мумкин; турли миллатларнинг барча фуқаролари иш жараёнида, халқ суди, халқ прокуратураси ва жамоа хавфсизлиги органларида ўз миллий ёзуvidан фойдаланиш ҳуқуқига эга; мазкур ҳудуднинг тили ва ёзувини етарли даражада билмайдиган халқ суди, халқ прокуратураси ва жамоа хавфсизлиги органлари таржимонга эга бўлишлари керак; аралаш аҳолига эга бўлган ҳудудларда ёки кўпмиллатли аҳоли яшайдиган жойларда тергов ишлари шу ҳудуд тилида олиб борилиши керак; мазкур ҳудуд миллатларининг ёзуви ва тилидан фойдаланилган ҳолда суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни овоза қилиш керак.

10. Миллий мухторият районларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари маориф ишлари билан мустақил шуғулланадилар, тегишли кўрсатмалар асосида мустақил қарорлар қабул қиладилар, бу қарорлар таълим режалари, шунингдек турли ўқув ташкилотлари, таълим тизими, ўқитиш шакли, ўқув дастурлари, таълим олиб борилаётган тил, ўқувчиларни йиғишга тааллуқлидир.

11. Ҳозирги пайтда ХХР ҳукумати, миллий сиёсатдан келиб чиқиб ХХР Коснтитуциясида ифодаланганидек, миллатлараро муносабатлар, шунингдек, тил сиёсати муносабатига нисбатан доир муаммоларни аниқ ҳал этмоқда. Шу билан биргаликда у миллатлар ва тиллар тенг ҳуқуқчилиги тамойилини қатъий қўллаб-

қувватлайди, бундан ташқари, ҳар бир миллатга ўз она тили ва ёзувидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш эркини кафолатловчи сиёсатини амалга оширади.

12. Ёзув ва адабий тилнинг ягона умумхалқ шаклини яратиш халқнинг жипслашуви, уларнинг ўз миллий-маданий бирлигини чуқурроқ англашда ўта муҳим ҳолдир.

Бутун манбаларни таҳлил этган ҳолда, шуни айтишимиз мумкинки, ХХР ҳукумати мамлакат тили ва ёзувининг ривожланишида кўмаклашиш барча мумкин қадар бор бўлган имкониятини барча ишга солмоқда.

Глассарийлар

1. Шимолий лахжалар 北方方言区

Шимолий лахжалар 北方方言 (Путунхуа 普通话 “умуммиллий тил” ёки Бэйфанхуа 北方话 “шимолий шева” деб ҳам юритилади. Хитой миллатининг 70% дан ортиғи ушбу лахжада гаплашади.)

Пекин умуммиллий тиллар оиласи 北京普通话语系

Пекин шеваси 北京话 Путунхуа 普通话 (ХХР), Гоюй 国语 (Тайвань) или Хуаюй 华语 (Сингапур) шаклида қўлланилади.

ХХР да Путунхуа (普通话)нинг расмий тил сифатида қабул қилиниши шимолий гуруҳ шевалари умуман қўлланилмаган жойларда ҳам путунхуа турларининг қуйидаги шаклларда қўлланишига олиб келди:

Гуаньдун путунхуаси 广东普通话

Сингапур хуаюйи 新加坡华语

Тайвань гоюйи 台湾国语

Чэндэ шеваси 成都话

Чифэн шеваси 赤峰话

Хайнан шеваси 海南话

Карамай шеваси 克拉玛依话

Цзинь (Шаньси) шеваси 山西话

Хэбэй-шаньдун лахжаси 冀魯片

Баодин шеваси 保定话

Цзинань шеваси 济南话

Шицзячжуан шеваси 石家庄话

Тяньцзинь шеваси 天津话

Цзянхуй лахжаси 江淮片

Хэфэй шеваси 合肥话

Хандан шеваси 邯郸话

Нанкин шеваси 南京话

Наньтун шеваси 南通话

Сяоган шеваси 孝感话

Янчжоу шеваси 扬州话

Шандун (Цзяо-Ляо) лахжаси 山东片

Далянь шеваси 大连话

Циндао шеваси 青岛话

Вэйхай шеваси 威海话

Яньтай шеваси 烟台话

Сибэй (Лань-Инъ) лахжаси 西北片

Дунган шеваси 东干话

Ланьчжоу шеваси 兰州话

Урумчи (хитой) шеваси 乌鲁木齐话

Синин шеваси 西宁话

Инъчуань шеваси 银川话

Шимолый-шарқый лахжа 东北片

Чанчунь шеваси 长春话

Харбин шеваси 哈尔滨话

Цицикар шеваси 齐齐哈尔话

Шэньян шеваси 沈阳话

Жанубий – ғарбий лахжа 西南片

Чандэ шеваси 常德语

Чэнду шеваси 成都话

Чунцин шеваси 重庆语

Дали шеваси 大理语

Гуйян шеваси 桂阳语

Куньмин шеваси 昆明语

Лючжоу шеваси 柳州语

Ухань шеваси 武汉语

Сичан шеваси 西昌语

Ичан шеваси 宜昌语

Хуй лахжаси 淮语片

(Хуй лахжаси баъзида Гань шеваларини ҳам ўз ичига олади (Цзянси 江西)

Диалект Цзиси (Аньхуй) 安徽话

Шэсянь шеваси (Аньхуй) 歙县语

Туньси шеваси 屯溪话

Чжунъюань лахжаси 中原片

Ханьчжун шеваси 汉中语

Кайфэн шеваси 开封语

Наньян шеваси 南阳语

Цюйфу шеваси 曲阜语

Тяньшуй шеваси 天水语

Сиань шеваси 西安语

Сюйчжоу шеваси 徐州语

Яньань шеваси 延安语

Чжэнчжоу шеваси 郑州话

Цинь лахжаси 秦语片 (Цзинь лахжаси баъзида шимолый шеваларни ҳам ўз ичига олади).

Баотоу шеваси 包头语

Датун шеваси 大同语

Ханьдань шеваси 邯郸语

Хухэхаотэ шеваси 呼和浩特语

Тайюань шеваси 太原语

Синьсян шеваси 新县语

2. У лахжалар гурухи 吴方言区 (8.4%)

Тайху лахжаси 太湖片

Чанчжоу шеваси 常州话

Ханчжоу шеваси 杭州语

Шаосин шеваси 绍兴话

Нинбо шеваси 宁波话

Шанхай шеваси 上海语
Сучжоу шеваси 苏州话
Уси шеваси 无锡话
Тайчжоу лахжаси 台州片
Тайчжоу (Чжэцзян) шеваси 台州语
Оуцзян лахжаси 瓯江片
Вэньчжоу шеваси 温州语
Учжоу лахжаси 婺州片
Цзиньхуа шеваси 金华语
Иу шеваси 义乌语
Юнкан шеваси 永康语
Чуцйой лахжаси 处衢语
Лишуй шеваси 丽水语
Цюйчжоу шеваси 衢州语
Шанжао шеваси 上饶语
Сюаньчжоу лахжаси 宣州片
Сюаньчэн шеваси 宣城语

3. Сян лахжалар гурухи 湘方言区 (5%)

Чанъи лахжаси 长益片
Чанша шеваси 长沙语
Хэньян шеваси 衡阳话
Иян шеваси 益阳话
Чжучжоу шеваси 株洲话
Лоушао лахжаси 娄邵片
Лоуди шеваси 娄底话
Шаоян шеваси 邵阳话
Шуанфэн шеваси 双峰话

4. Гань лахжалар гурухи 赣方言区 (2.4%)

Дункоу шеваси 洞口语
Фунин шеваси 阜宁话
Фучжоу шеваси (Цзянси) 福州话
Цзиань шеваси 吉安语
Наньчан шеваси 南昌语
Сяньнин шеваси 咸宁语
Ичунь шеваси 宜春语

5. Кэцзя (хакка) лахжалар гурухи 客家语方言区 (4%)

Хуйчжоу (хакка) шеваси 惠州客家语
Мэйчжоу (хакка) шеваси 梅州客家语
Ухуа (хакка) шеваси 五华客家语
Синнин (хакка) шеваси 兴宁客家语
Пинъюань (хакка) шеваси 平远客家语
Цзяолин (хакка) шеваси 蕉岭客家语

Дапу (хакка) шеваси 大埔客家语
Фэншунь (хакка) шеваси 丰顺客家语
Лунъянь (хакка) шеваси 龙岩客家语
Вэйтоу (хакка) шеваси 畬语

6. Минь лахжалар гурухи 闽方言区 (4.2%)

Шимолий минь шеваси 闽北语
Цзяньоу шеваси 建瓯话
Шаркий минь шевалари 闽东语
Фуцин шеваси (Hók-chiǎng) 福清语
Фучжоу шеваси (Hók-ciū) 福州语
Жанубий минь шеваси (тили) 闽南语
Чаошань лахжаси 潮汕片
Шаньтоу (Сватоу) шеваси 汕头话
Чаочжоу (Teochew) шеваси 潮州话
Хайфэн шеваси 海丰语 (Хайлуфэнский 海陸丰話 / Луфэн тили 陸丰语)
Миньтай (тайвань) лахжаси 闽台片
Лань-нан шеваси 咱儂語 (Филиппин фуцзянь тили 菲律宾福建语)
Цюаньчжоу шеваси 泉州语
Пенанг фуцзянь шеваси 檳城福建语
Тайвань шеваси 台湾话
Марказий Тайвань шеваси 台中话
Шимолий тайвань шеваси 台北话
Жанубий тайвань шеваси 台南话
Сямынь шеваси 厦门话
Чжанчжоу шеваси 漳州语
Ўрта минь шеваси 闽中语
Саньмин шеваси 三明语
Пусянь тили 莆仙语
Путянь тили 莆田语
Сянью шеваси 仙游语
Хайнань тили 海南语
Чжанцзян шеваси 湛江语 (Лэйчжоу тили 雷州语)
Шаоцзян тили 邵將语

7. Юэ лахжалар гурухи 粤方言区 (тахминан 5%)

Юэхай лахжаси 粤海片
Меърлашган кантон шеваси (гуанфу) 广府话
Гуанчжоу шеваси 广州话
Гонкон шеваси 香港话
Макао шеваси 澳门话
Саньишеваси 三邑话 (саам-яп 南番順)
Наньхай шеваси 南海语
Паньюй шеваси 番禺语
Шуньдэ шеваси 順德语

Чжаоцин шеваси 肇庆话
Чжуншань шеваси 中山语
Чжухай шеваси 珠海语
Цзюцзян шеваси 九江話
Цинъюань шеваси 庆元话
Гуаньбао лахжаси 莞宝语
Дунгуань шеваси 东莞话
Баоань шеваси 宝安语
Логан лахжалари 罗岗语
Сыи лахжаси (сэйяп) 四邑片
Эньпин шеваси 恩平语
Хэшань шеваси 鶴山语
Цзянмэнь шеваси 江门话
Кайпин шеваси 开平话
Тайшань шеваси (Hoisanese, Toisanese) 台山语
Синьхуй шеваси 新会语
Гаоян лахжаси 高阳片
Маомин шеваси 茂名语
Янцзян шеваси 阳江话
Гуйнань лахжаси (Cancerese) 桂南片
Бэйхай шеваси 北海语
Наньнин (Naamning) шеваси 南宁话
Учжоу шеваси 婺州语
Юйлинь шеваси 郁林话
Учуань шеваси 武川语
Даньцзя шеваси 蜆家语
Наньнин (гуйнань) шеваси 南宁语

8. Бошқа шевалар 其它方言

Даньчжоу шеваси 儋州话
Линхуа шеваси 伶话
Пиндияо шеваси 平地瑶话
Шаочжоу махаллий шева 韶州土话
Утунь шеваси 五屯话
Сян шеваси 乡話
Хэчжоу шеваси 河州话
Танван шеваси 唐汪话

Хитой тилида фойдаланилган манбалар рўйхати.

1. 苏晓环 中国教育改革与创新 (Су Сяохуань. Хитойда маориф – ислохотлар ва янгиликлар). 北京: 五洲传播出版社, 2001 年, 76-87 页.
- 2.新疆概况 (Синцзяндаги вазият) . 新疆维吾尔自治区人民政府外事办公室, 2002 年, 19-30 页 .
- 3.2000 年第五次全国人口普查资料(2000 йил Бутунхитой аҳоли сонини 5 бор рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги материаллар)。
- 4.汉俄词典 (Китайско-русский словарь) 。北京: 商务印书馆, 2002 年.
- 5.《客家文化与文学》(kejia wenhua yu wenxue) 钟俊昆。南方出版社 2004 年.
- 6.《客家文化特质与客家精神研究》 (kejia wenhua tezhi yu kejia jingshen yanjiu) Харбин. 2006 йил.
- 7.《客家方言禁忌与方言文化》(kejia fangyan jinji yu fangyan wenhua) 严修鸿 (Yan Xiuhong) Гуан Жоу. 2000 йил.
- 8.《赣南客家民俗中语言禁忌》(gannan kejia minus zhong yuyan jinji) 曹保平 (Sao Baoping) Гуан Жоу . 2002 йил.
9. “现代汉语语法” (xiandai hanyu yufa) Пекин. 2003йил.
10. “现代汉语语法” (xiandai hanyu yufa) Шанхай. 2007 йил.
- 11.汉俄词典 (han e cidian) Пекин. 2004.
- 12.English-Uzbek dictionary. Тошкент 2004 йил.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алпатов В. Многоязычие, языковая политика и глобализация //Азия и Африка сегодня. Ежемесячный научный и общественно-политический журнал. –2004.- ноябрь. – С. 44.

2. Бойко В.С. Современный Синьцзян в современной историографии конца XX –начала XXI вв. Россия, Сибирь и Центральная Азия: взаимодействие народов и культур. – Барнаул, 2001. – С. 52-56.
3. Ван Цань. Национальности Китая. - Пекин: Межконтинентальное издательство Китая, 2004. 210 с.
4. Визит И.А. Каримова в КНР// Народное слово. 2005. - 27 мая
5. История и развитие Синьцзяна. – Пекин: Из-во Синьсин, 2003. -С. 38-49.
6. Китай 2004 (Zhongguo). – Пекин: Синьсин, 2004. - С. 44-51.
7. Китай: факты и цифры 2004. – Пекин: Синьсин, 2004. – С.75-81
8. Нартов Н.А. Геополитика. Сущность геополитики Китая. – М.: Издательство политической литературы «Юнити» («Единство»), 2003. – 286с.
9. Национальная районная автономия в Китае / Пекин. : 2005. 210с.
10. Национальности Китая/ Пекин.: 2005 210 с.
- 11.Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 гг.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан.//Автореферат. – Т.: 2004. – С. 3-12
- 12.Су Сяохуань образование в Китае – реформы и новшества, - Пекин: Межконтинентальное издательство Китая, 2002. -С.110-127
- 13.Ходжаев Аблат. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2004. – С. 60-62.
- 14.Чвырь Людмила. Вестник Евразии, 2001, № 2. -С. 144-151

Internet saytlari

1www.baidu.com

1. www.google.com.cn

2. www.kejia.cn

4 www.hakka.com

Адабиётлар рўйхати (фойданилган адабиётлар, тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар) 2000 йилдан кейинги нашр, сайтлар.

Иловалар

ХХРНИНГ МАЪМУРИЙ БЎЛИНИШИ

ХХР 23 та вилоят, 4 та марказга бўйсинувчи шаҳар, 5 миллий автоном районлари ва 2та ўз – ўзини бошқариш мақомига эга маъмурий районларга бўлинади. Тартиб билан қуйида тузилган учта жавалда 4 марказга бўйсинувчи шаҳар, 23 вилоят ва 2 маъмурий районлар рўйхати; ХХРда яшаб кеалётган 56 кам сонли миллатларнинг рўйхати ва улар мамлакатнинг қайси вилояти, шаҳар ва уездларида яшаши, географик ҳудудий жойлашув ўринлари ва аҳолиси; ХХРда Миллий автоном районларнинг номи, ташкил топган йили, аҳоли сони кўрсатилган.

Тўртта марказга бўйсинувчи шаҳарлар; Йигирма учта вилоят ва иккита маъмурий эркин шаҳарлар жадвали:

Маъмурий бирликнинг тўлиқ номланиши	Қисқа номланиши	Маъмурий марказлари
北京市 Beijing шаҳри	京 Jing	北京市 Beijing шаҳри
重庆市 Chongqing шаҳри	渝 Yu	重庆市 Chongqing шаҳри
上海市 Shanghai шаҳри	沪 Hu	上海市 Shanghai шаҳри
天津市 Tianjin шаҳри	津 Jin	天津市 Tianjin шаҳри
安徽省 Anhui провинцияси	皖 Wan	合肥市 Hefei шаҳри
福建省 Fujian провинцияси	闽 Min	福州市 Fuzhou шаҳри
甘肃省 Gansu провинцияси	甘陇 Gan Long	兰州市 Lanzhou шаҳри
广东省 Guangdong провинцияси	粤 Yue	广州市 Guangzhou шаҳри
贵州省 Guizhou провинцияси	黔桂 Qian Gui	贵阳市 Guiyang шаҳри
海南省 Hainan провинцияси	琼 Qiong	海口市 Haikou шаҳри
黑龙江省 Heilongjiang провинцияси	黑 Hei	哈尔滨市 Haerbin шаҳри
河北省 Hebei провинцияси	冀 Ji	石家庄市 Shijiazhuang шаҳри
河南省 Henan провинцияси	豫 Yu	郑州市 Zhengzhou шаҳри
湖北省 Hubei провинцияси	鄂 E	武汉市 Wuhan шаҳри
湖南省 Hunan провинцияси	湘 Xiang	长沙市 Changsha шаҳри

吉林省 Jilin провинцияси	吉 Ji	长春市 Changchun шаҳри
江苏省 Jiangsu провинцияси	苏 Su	南京市 Nanjing шаҳри
江西省 Jiangxi провинцияси	赣 Gan	南昌市 Nanchang шаҳри
辽宁省 Liaoning провинцияси	辽 Liao	沈阳市 Shenyang шаҳри
青海省 Qinghai провинцияси	青 Qing	西宁市 Xining шаҳри
山东省 Shandong провинцияси	鲁 Lu	济南市 Jinan шаҳри
山西省 Shanxi провинцияси	晋 Jin	太原市 Taiyuan шаҳри
陕西省 Shanxi провинцияси	陕西 Shan Qin	西安市 Xi'an шаҳри
四川省 Sichuan провинцияси	川蜀 Chuan Shu	成都市 Chengdu шаҳри
台湾省 Taiwan провинцияси	台 Tai	台北市 Tabei шаҳри
云南省 Yunnan провинцияси	云滇 Yun Dian	昆明市 Kunming шаҳри
浙江省 Zhejiang провинцияси	浙 Zhe	杭州市 Hangzhou шаҳри
香港行政专区 Xianggang махсус админстратив райони	港 Gang	
澳门行政专区 Aomen махсус админстратив райони	奥 Ao	

56 个 民族人口数量 (XXРнинг 56 кичик миллатлар сони, 2000 йил) жадвали:

№	民族 миллатнинг номи		人口 аҳолиси	主要分布 Асосий яшаш жойлари
1	汉族	Han миллати	1,159,400	汉族遍布全国，是中国分布最广的民族。
2	壮族	Zhuang миллати	16,178.8	广西壮族自治区，其余分布在云南、广东、贵州、湖南等省。
3	满族	Man миллати	10,682.3	东北地区，以辽宁省最多，此外部分散居于全国很多地方。
4	回族	Hui миллати	9,816.8	全国春大多数的县、市都有分布，其中地处西北的宁夏回族自治区，是全国最集中的—个聚居地。
5	苗族	Miao миллати	8,940.1	除贵州、云南、湖南西部有较大的苗族聚居区外，广西、四川、海南及湖北也有分布，其中黔东南苗族侗族自治州是苗族最大的聚居区。
6	维吾尔族	Uйғур миллати	8,399.4	新疆维吾尔自治区。
7	土家族	Tujia миллати	8,028.1	湖南湘西土家族苗族自治州、湖北恩施土家族苗族自治州，四川等地也有分布。
8	彝族	Yi миллати	7,762.3	云南、四川、贵州省和广西壮族自治区，其中以云南居多。
9	蒙古族	Mўғул миллати	5,813.9	中国的北方。
10	藏族	Zang миллати	5,416.0	西藏自治区以及青海、甘肃、四川、云南等邻近省。

11	布依族	Buyi миллати	2,971.5	孤舟生前南布依族苗族自治州、黔西南布依族苗族自治州，贵州其他地区及云南、四川的部分地区也有分布。
12	侗族	Dong миллати	2,960.3	贵州、湖南、广西的部分地区。
13	瑶族	Yao миллати	2,637.4	广西、湖南、云南、广东、贵州、江西的山区。
14	朝鲜族	Chaoxian миллати	1,923.8	东北的吉林、辽宁和黑龙江三省，少数散居在内蒙古和内地一些大中城市。
15	白族	Bai миллати	1,858.1	云南省大理白族自治州，少部分散居在四川、贵州、湖南等地。
16	哈尼族	Hani миллати	1,439.7	云南省南部的哀牢山和无量山区。
17	哈萨克族	Қозоқ миллати	1,250.5	新疆伊犁哈萨克自治州。
18	黎族	Li миллати	1,247.8	海南省中南部
19	傣族	Dai миллати	1,159.0	云南西双版纳傣族自治州。
20	畲族	She миллати	709.6	
21	傈僳族	Lisu миллати	634.9	云南怒江傈僳族自治州。
22	仡佬族	Gelao миллати	579.4	孤舟省西部，少数分布在广西、云南等地。
23	东乡族	Dongxiang миллати	513.8	甘肃省临复回族自治州的东乡族自治县，少数散居在青海省、宁夏回族自治区和新疆维吾尔自治区。
24	拉祜族	Lahu миллати	453.7	云南省澜沧拉祜族自治县。
25	水族	Shui миллати	406.9	贵州省三都水族自治县，广西也有少量分布。
26	佤族	Wa миллати	396.6	云南省西南部的西盟佤族自治县和沧源佤族自治县。
27	纳西族	Naxi миллати	308.8	云南省丽江纳西族自治县，四川也有少量分布。
28	羌族	Qiang миллати	306.1	四川西部
29	土族	Tu миллати	241.2	青海省
30	仫佬族	Mulao миллати	207.4	广西壮族自治区北部山区，90% 聚居于罗城仫佬族自治县。
31	锡伯族	Xibo миллати	188.8	新疆和东北地区。
32	柯尔克孜族	Қирғиз миллати	160.8	新疆克孜勒苏克尔克孜自治州。
33	达斡尔族	Dawoer миллати	132.4	内蒙古自治区和黑龙江省，少数居住在新疆塔城县。
34	景颇族	Jingpo миллати	132.1	云南德宏傣族景颇族自治州。
35	毛南族	Maonan миллати	107.2	广西壮族自治区西北部的环江县。
36	撒拉族	Sala миллати	104.5	青海省循化撒拉族自治县。

37	布朗族	Bulang миллати	91.9	云南省西双版纳勐海县的山区一带。
38	塔吉克族	Тоҷик миллати	41.0	新疆塔什库尔干塔吉克自治县。
39	阿昌族	Achang миллати	33.9	云南省德宏傣族景颇族自治州内。
40	普米族	Pumi миллати	33.6	云南南西北部
41	鄂温克族	Ewenke миллати	30.5	内蒙古自治区，少部分散居于黑龙江、新疆等地。
42	怒族	Nu миллати	28.8	云南省怒江傈僳族自治州。
43	京族	Jing миллати	22.5	广西北部湾的三个小岛上。
44	基诺族	Jinuo миллати	20.9	云南省西双版纳傣族自治州景洪市的吉诺民族乡及其附近地区。
45	德昂族	De'ang миллати	17.9	云南省内
46	保安族	Baoan миллати	16.5	甘肃省保安族东乡族撒拉族自治县。
47	俄罗斯族	Рус миллати	15.6	新疆，其余的分布在内蒙古、黑龙江等地。
48	裕固族	Yugu миллати	13.7	甘肃肃南裕固族自治县。
49	乌孜别克族	Ўзбек миллати	12.4	新疆维吾尔自治区。
50	门巴族	Menba миллати	8.9	西藏自治区东南部。
51	鄂伦春族	Elunchun миллати	8.2	内蒙古和黑龙江，内蒙古鄂伦春自治旗是其 主要聚居区。
52	独龙族	Dulong миллати	7.4	云南省西北不独龙河谷。
53	塔塔尔族	Tatar миллати	4.9	新疆，比较分散，多居于城镇。
54	赫哲族	Hezhen миллати	4.6	东北黑龙江省的黑龙江、乌苏里江和松花江 沿岸。
55	高山族	Gaoshan миллати	4.5	台湾中部山区和东部的纵谷平原和兰屿岛 上，此外，约有 4500 余人散居祖国大陆。
56	珞巴族	Luoba миллати	3.0	西藏自治区东南部。

Миллий автоном районлар жадвали:

Миллий автоном Районлар номи	Қисқача номи.	Маъмурий марказлари	Ташкил топган йили	Ер майдони ва аҳолиси
1. 内蒙古自治区	内蒙	胡和浩特市	1947 йил март	1,183 млн.кв.км. 23,76 млн киши. Кам сонлик миллатлар сони. 4,93 млн киши.
2. 广西壮自治区	广(桂 Gui)	南宁市	1958. йил март	236 минг кв. км. Умумий аҳоли сони 44 млн. Кам сонлик миллатлар

				сони 17,21 млн. Киши.
3. 宁夏回族自治区	宁	银川市	1958 йил октябр	66,400.минг.кв.км Умумий аҳоли сони 5,62 млн. Кам сонлик миллатлар сони 1,94 млн.
4. 新疆维吾尔自治区	新	乌鲁木齐市	1955 йил октябр	1,66.млн.кв.км Умумий аҳолиси 19, 25 млн. киши кам сонли миллатлар сони. 11,43 млн киши.
5. 西藏自治区	藏	拉萨市	1965 йил март.	1,2.млн.кв.км. Умумий аҳолиси 2,62 млн.92% Тибетликлар.

Жадвалдаги маълумотлар асосан ХХРнинг 2000 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати асосида тузилди. Ва жадвални тузишда “Хитой миллатлар” номи билан чоп этилган манба асос бўлиб хизмат қилди. (Манба 2005 йил Пекинда чоп этилган).

МУНДАРИЖА

I	Сўз боши	2-7.
I.	боб Социолнгвистиканинг тилшуносликда тутган ўрни.....	8- 44
1.1.	Социолнгвистика фанининг мазмуни.....	8- 12.
1.2.	Социолнгвистика фанининг тадқиқот объекти.....	12-18.
1.3.	Социолнгвистиканинг тилшуносликдаги ўрни.....	19-23.
1.4.	Этнолнгвистик вазият тушунчаси.....	24 -30.
1.5.	Тил вазияти тушунчаси ва унинг сиёсий жиҳати.....	31-37.
1.6.	Тилнинг ассимиляциялашуви ва тил зиддияти тушунчаси.....	38-44.
II.	боб Хитойда шеваларнинг социолнгвистик асослари.....	45-67.
2.1	ХХРда шеваларга муносабат масаласи.....	45-51.
2.2.	Хитой шеваларини қиёсий - типологик таснифи.....	52-57.
2.3.	Хитой шеваларининг грамматик хусусиятлари.....	58-61.
2.4.	Мамлакатда путунгхуанинг умуммиллий тил сифатида жорийланиши...	62-67.
III	боб Хитойда кам сонли миллатлар тилига муносабат.....	68-114.

3.1. Хитойда кам сонли миллатлар тилини этнолингвистик таснифи.....	68-73.
3.2. Кам сонли миллатлар ёзувининг типологик таҳлили.....	74-88.
3.3. Уйғур тилининг юзага келиши ҳамда СУАРда тил вазияти.....	89-92.
3. 4. С УАР туб халқлари тилларининг тарихий - типологик таснифи...	93-103.
3.5. Тибет миллий автоном районида тил вазияти.....	104-114.
IV боб. Жойларда таълимни ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари.....	115-138.
4.1. Марказий ҳукуматнинг миллий таълим сиёсати.....	115-123.
4.2. Кам сонли миллатлар таълим базасини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари.....	124-134.
4.3. Кам сонли миллатларни масофали ўқитиш таълим сиёсати.....	135-138.
V боб ХХРда ёзув ва имло масалалари.....	139-167.
5. 1. ХХРда ёзув ислохотлари.....	139-147.
5.2. Иероглифик ёзувларни тартибга тушириш масалалари.....	148-154.
5.3. Алфавитли ёзув ва имло масалалари.....	155-161.
5.4. Замонавий хитой тилининг маъноси ва оҳанги.....	162-167.
III – Хулоса.....	168-170.
Глассарийлар	146 - 150
IV - Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	190.
Илова	171– 181
ХХРнинг маъмурий бўлиниши жадвали.....	171 – 175.
ХХРда шева тиллари жадвали.....	176 – 181.

Маъсул муҳаррир:

Ҳабибулла Садриддинович Зайниддинов